

ТЎЛҚИИ АЛИМАРДОПОВ

**СИЁСАТ  
ВА АХЛОҚ  
МУВОЗАНАТИ**



Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2011

**УДК: 32(575.1)**

**66.61**

**А – 50**

**Алимардонов Т.** Сиёсат ва ахлоқ мувозанати. –  
Т.: «Янгиаср авлоди», 2011. 512 б.

ISBN978-9943-08-671-5

Ҳозирги даврда давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ бўлган сиёсат ва ахлоққа доир илмий қарашларни сиёсат фалсафа-си нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ахлоқий-маънавий меросимизни ижтимоий ҳаёт билан мувофиқлаштириш асносида сиёсат ва ахлоқ муносабатларини мувозанатда тутиш, уйғунлаштириш, кундаликтурмушимизнинг ажралмас қисмига айлантириш зарурати ҳам ошиб бормоқда. Бу жараёнда миллий давлатчилик борасидаги бой меросимизга асосланган мустақилликни мустаҳкамлаш, ўзбек халқи иродаси, орзу ва интилишларини ифода этишнинг ахлоқий мезонларини белгилаш, раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш, сиёсат ва бошқарув соҳаларида ахлоқий принципларни қарор топтириш амалий аҳамият касб этади.

Шунингдек, асарнинг учинчи қисми Амир Темур давлат бошқарувининг ахлоқий асослари мавзусига бағишланган бўлиб, унда сиёсий ҳокимият фаолияти ва бошқарувининг ахлоқий хусусиятлари моҳиятини, жорий этилган қонун-қоидаларини ҳамда ундан кўзланган сиёсий мақсадлар мазмунини очиб беришга баҳоли қудрат ҳаракат қилинган.

**УДК: 32(575.1)**  
**ББК 66.61**

**Масъул**

**муҳаррир:**

Темур  
ЖЎРАЕВ,

фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

Ибодулла  
ЭРГАШЕВ,

сиёсий фанлар доктори,  
профессор Саъдулла

ОТАМУРАТОВ, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

ISBN978-9943-08-671-5 © Тўлқин Алимардонов,  
«Си-ёсат ва ахлоқ  
мувозанати». «Янги аср  
авлоди», 2011 йил.

[Kitobxon.Com](http://Kitobxon.Com)

## МУНДАРИЖА

Муқаддима 4

### **СИЁСАТ ВА АҲЛОҚ I**

БОБ.

Сиёсат ва ахлоқ мувозанатини ўрганиш-  
нинг назарий-методологик асослари 12  
II БОБ.

Сиёсат ва ахлоқ муносабатларининг  
ривожланиш тенденциялари 68  
III БОБ.

Сиёсат ва ахлоқ мувозанатида миллий,  
умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиши  
128  
IV БОБ.

Жамиятни модернизациялашда сиёсат ва  
ахлоқ мувозанатини таъминлаш  
муаммолари 191

### **РАҲБАР АҲЛОҚИ I**

БОБ.

Раҳбарлик фаолияти ахлоқини  
ўрганишнинг методологик асослари 242  
II БОБ.

Раҳбар ахлоқи ва бошқарув  
регламентацияси 286 III  
БОБ.

Раҳбар фаолиятида низо ва ихтилофлар кўриниши  
333

### **САЛТАНАТНИНГ ЎН ИККИ БУРЖИ I**

БОБ.

Амир Темур давлат бошқарувининг ахлоқий  
асослари 414

II БОБ. Амир

Темур қурган давлат 448

Сўнгги сўз 483

Изоҳлар 493

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистонда адолатли демократик жамият қуриш асослари мустақамланиб боргани сари миллий-ахлоқий қадриятларга таяниш, уларни замонавий мазмун-моҳият билан бойитиш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқда. Бу – фуқароларнинг хоҳиш-иро-даси, мақсад ва интилишлари, адолатли, эркин, демократик жамиятбарпоэтиш тўғрисидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш билан узвий боғлиқ бўлган зарурат ва вазифадир. Ушбу вазифа мил-латнинг кўп минг йиллик давлатчилик тарихи анъаналарига суянган ҳолда амалда рўёбга чиқа-рилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Ка-римов бу хусусда шундай дейди: «Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар де-мократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолат-га интилиш - халқимиз маънавий-руҳий дунёси-га хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ти-зимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак» деган фикрлари жамият ва давлат ўртасидаги ахлоқий муносабатларнинг назарий моҳиятини ифо-далайди.

Шу нуқтаи назардан олганда, давлат ва жаами-ят бошқаруви миллий, умуминсоний қадриятлар

негизда такомиллаштириб бориш, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва сиёсий маданиятини ошириш орқали ватанпар-варлик, халқпарварлик туйғуларига таянган фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга эришиш, сиёсатнинг жамият ахлоқига, ахлоқнинг эса сиёсий жараёнларга ўзаро таъсирини тадқиқ этиб бориш, замонавий ва халқпарвар раҳбарлар тай-ёрлаш ва танлаш тизимини ташкил этишнинг назарий технологияларини ишлаб чиқиш мазкур асар ўз олдига қўйган вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, мустамлакачилик сиёсатига асосланган собиқ тузум мафкураси асрлар давомида шаклланган маданиятимизга, маънавиятимизга, халқимизнинг миллий ахлоқи ва руҳиятига жиддий салбий таъсирини кўрсатган эди. Ўша даврда мамлакатда сохта социалистик синфийликка асосланган ахлоқ нормалари маълум тизим орқали шакллантирилган. Миллийликка хос бўлган ахлоқий қадриятлар ижтимоий-маънавий ҳаётдан узиб ташланган, натижада жамият коммунистик ахлоқий қиёфага солинган. Унинг маъмурий идо-раси эса миллий-ахлоқий қадриятларга зид равишда янги коммунистик мафкуранинг тарғибот-чисига айланган. Ушбу мафкура эса шўро тузуми қаҳрамонларининг идеаллаштирилган ясама образларини яратиш орқали кишилар онгида мил-латимиз учун ёт бўлган ахлоқий муносабатларни шакллантириб боришга ҳаракат қилган. Шу тариқа сиёсат миллий ва умуминсоний ахлоқий негизлардан бегоналашиб борган.

Иккинчи тарафдан, бугунги кунда, демократия ниқоби остида миллий маданиятга, анъана ва қадриятларга ёт бўлган, жозибадор глобализм шамоли билан кириб келаётган ва баъзан илғам

бўлмас мафкуравий “ўйинлар”, қандай жамият қуриш борасидаги “тавсиялар”, халқларнинг ах-лоқий дунёсига зид бўлган “таълимотлар”ни синг-диришга бўлаётган хуфиёна интилишлар киши-лар онги ва тафаккурини ўзligидан бегонааш-тиришга, айниқса, ривожланиш йўлига кирган ёш давлатларни ўзларининг измига, сўнгра ман-фаатлари йўлида тобе қилишга бўлган сиёсий ҳаракатларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Энг ачи-нарлиси, айрим давлатларда уларнинг тажриба-лари билан содир этилаётган турли хил инқилоб-лар, ёвуз ниятларнинг мақсадли натижалари оқибати бутун бир халқни парокандаликка, ўзаро ихтилофларга олиб келмоқда. Афсуски, ўз қадри-ятлари негиздан чиқиб кетган миллатлар тақ-дири шу тариқа фожиалар билан яқунланишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда, аниқроғи табиий қонуниятлар ҳук-мига ташлаб қўйилган бозор иқтисодиётига асос-ланган мамлакатлардаги ялпи иқтисодий инқи-роз, унинг ортидан содир бўлаётган турли муам-молар кишилиқ жамиятининг ижтимоий ларза-лардан ҳимояланмаганлигини ва ҳали ҳеч бир сиёсий тизим жамият ривожининг мутлақ бар-қарорлигини қафолатлай олмаслигини амалда ис-ботлади. Айни пайтда, ягона демократик таъли-мотлар ва бозор муносабатлари барча давлатлар учун андоза бўла олмаслиги, шунингдек, бугун жаҳонда тан олинган, миллий қадриятларига асосланган “ўзбек модели” жамият ривожининг реал сиёсий ва ижтимоий қонуниятларга мос, мустақиллик ва ривожланишга юз тутаётган дав-латлар учун энг мақбул йўл экани яна бир бор ўз исботини топди. Буларнинг барчаси мамлақати-мизда узоқни кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилаётган, аниқ мақсадга қаратилган концеп-

туал ислоҳотларнинг самарасидир. Бошқача қилиб айтганда, мустақиллик даврида Ислом Каримов-нинг назарий ва амалий фаолияти жамиятни ривожлантиришнинг амалда ўз исботини топган эволюцион таълимотига айланди.

Бозор иқтисодига асосланган демократик жа-мият қуриш тажрибалари шуни кўрсатиб келмоқ-даки, авваламбор, ҳар қандай тизим инсон ман-фаатига ҳамда унинг камолотига хизмат қилган-дагина тараққиётга юз тутди. Бунда миллий дав-латчилик борасидаги бой меросимизга асослан-ган мустақилликни мустаҳкамлаш, ўзбек халқи иродаси, орзу ва интилишларини ифода этиш-нинг ахлоқий мезонларини белгилаш, раҳбар кадр-лар масъулиятини ошириш, ҳокимият бошқару-ви соҳаларида ахлоқий тамойилларни қарор топ-тириш, унинг адолатли демократик жамият қуриш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қила-диган ижтимоий ва иқтисодий мезонларни иш-лаб чиқиш амалий аҳамият касб этади. Қолавер-са, ҳар бир миллат ўз тарихий тажрибаси, мента-литети, маданияти асосида мустақил тараққиёт йўлларини белгилайди. Шунга асосланган ҳолда ахлоқий қоидалар, тартиблар ҳамда ўзига хос ва мос ривожланиш учун замин тайёрлайди. Бун-дай муносабат муайян ижтимоий-сиёсий мада-ният маконидаги одамлар жамоасини умумэти-роф этилган ахлоқий қадриятлар негизида яша-шига хизмат қилади. Миллатда бундай тасаввур-нинг шаклланиши эркинлик, адолат, эзгулик ва ахлоқий қадриятларнинг ўзига хос тизимини яра-тади. Яъни, ахлоқ жамият ривожининг муҳим омили сифатида давлат сиёсатида ўз ифодасини топади.

Мустақиллик йилларида тоталитар режимдан фарқли ўлароқ давлат бошқарув органлари туб-



дан ўзгартирилди. Уларнинг мазмун-моҳиятида демократик ва бозор иқтисоди тамойиллари ҳокимиятларнинг бўлиниши орқали конституцияда ўз ифодасини топган. Давлат органлари раҳбарларининг фаолиятида қатор масъулият ва жавоб-гарликларни белгилаш фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини, фуқаролик жамия-ти асосларини кенгайтириб борилишига қаратил-ган ислоҳотларни мустақкамлаб боришга хизмат қилмоқда. Бунда ислоҳотларнинг асосий юки ва масъулияти давлат ва унинг раҳбарлари зимма-сига тушади. У ўзининг ҳудудий органлари орқа-ли ҳар куни бошқарувни амалга оширади. Улар-нинг қарорлари, норматив ҳужжатлар ва бошқа кўрсатмаларининг барча учун тенглиги, тушунар-ли, аниқ ва ошкоралиги маъмурий идора ходим-ларининг ахлоқий хатти-ҳаракатларини таъмин-лашга хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда қонунлар асосида яшаш халқнинг, миллатнинг фалсафасига, маъ-навий-руҳий эҳтиёжига айланишида бундай ўзга-ришлар катта аҳамиятга моликдир. Энг асосийси, шу асосда одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгар-моқда. Энди улар ҳамма нарсага кўр-кўрона ишо-надиган, ким нима деса, орқасидан эргашиб ке-таверадиган, ҳаётнинг пасту баланди, ишнинг фойдаю зарарини билмайдиган, олиб келса – ей-диганлар хилидан эмас, аксинча, улар ҳар бир нарсани ҳуқуқ мезони билан ақл тарозисида ўлчаб кўрадиган, ўзининг, Юртининг манфаатларини уйғунлигини англаган ҳолда, давлат ва ҳокимият органлари билан шерикчилик қиладиган, уларнинг фаолиятини онглиравишда кузатиб борадиган, ўзи ўз ҳаётининг бунёдкори бўлган янги, замонавий, фуқаровий позициясига эга, маънавияти бақув-ватинсонларга айланиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам,

бугунги кунда халқимиз янги жамият барпо этиш йўлида бамисоли навқиронлик давридан етуклик даврига қадам қўйиб, янада улкан ютуқ ва мар-ралар, синовлар олдида турибди.

Шундай экан, сиёсат ва ахлоқ ўз моҳият-маз-мунига кўра инсон манфаатларига хизмат қили-ши лозим. Бу уларнинг онтологияси яъни бошқача бўлиши табиати, моҳияти ва йўналишига зид. Агар-ки, инсон илоҳий экан, унинг серқирра фаолия-тининг таянч йўналиши бўлиши сиёсат ҳам ило-ҳийлик касб қилмоғи керак. Сиёсат билан ахлоқ-нинг асл маъноси ҳам шундай. Бугунги кунда эса, бумасалада ечиминикутиб турганмуаммолар кўп. Зеро, ахлоқий-маънавий меросимизни ижтимоий ҳаёт билан мувофиқлаштириш асносида сиёсат ва ахлоқ муносабатларини уйғунлаштириш, кундалик турмушимизнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш зарурати ҳам ошиб бормоқда. Бу жа-раёнда миллий давлатчилик борасидаги бой меро-симизга асосланган мустақилликни мустаҳкам-лаш, ўзбек халқи иродаси, орзу ва интилишлари-ни ифода этишнинг ахлоқий мезонларини белги-лаш, раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш, сиё-сат ва бошқарув соҳаларида ахлоқий принциплар-ни қарор топтириш, унинг демократик жамият қуриш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қила-диган ижтимоий ва сиёсий мезонларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий ва амалий тавсиялар беришга ҳаракат қилдик.

Сиёсат ва ахлоқ мувозанатига бағишланган маз-кур илмий асарнинг вужудга келишида менга маслакдош бўлган, ўз тажрибалари ва тавсиялари билан яқиндан ёрдам берган устозларим Т.Жўра-ев, С.Отамуродов, И.Эргашевларга, шунингдек, илмий-ижодий фаолиятимга хайрихоҳ бўлган дўстларимга чексиз миннатдорчилик билдираман.

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги:** Ўзбекистонда демократик жамият асослари мустаҳкамланиб боргани сари миллий ахлоқий кадриятларга бўлган эҳтиёж ҳар ҳачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Инсонларнинг хоҳиш-иродаси, мақсад ва интилишлари, адолатли, эркин, демократик жамият тўғрисидаги орзу - умидлари билан узвий боғлиқ бўлган муаммодир. Бу боғлиқлик мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида ахлоқий кадриятларнинг ўрни ошаётганида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Таъкидлаш лозимки, демократик тартиботлар миллий ахлоқий кадриятларни ижтимоий ҳаётимизга сингдириб боришда муҳим омил бўлиб келмоқда. Демократик жараёнларда сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлаш муаммоси, аввало, давлат ва жамият бошқаруви механизмларининг миллий ахлоқий хусусиятларга нечоғли мутаносиб экани билан ҳам боғлиқ бўлади. Яъни, давлат ва жамият бошқарувида халқнинг сиёсий ҳокимиятни шакллантиришдаги иштирокини таъминлаш, фуқароларнинг ўз манфаатларига эришишда реал ваколатларга эга бўлиши сиёсатнинг ахлоқийлигини таъминлайди.

Президент И.А.Каримов «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»<sup>1</sup>, дейди. Дарҳақиқат, сиёсий ислохотлар миллий, ўзига хос давлат бошқарувини такомиллаштириш имкониятларини умумэтироф этилган демократик кадриятлар негизида рўёбга чиқариш шарт-шароитларини таъминлашга ҳаратилмоқда. Зеро, демократик тартиботнинг шиддат билан ўзгариб бориши сиёсий фанлар олдига янги талабларни қўймоқда. Булар, аввало, аҳолининг интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш, инсон эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини кучайтириш, демократик жараёнларни миллий кадриятлар асосида уйғунлаштириш, жамиятда сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштириш, халқнинг эзгулик ва бунёдкорликка бўлган рағбатини оширишнинг ахлоқий мезонларини белгилаш ва ташкил этишдан иборатдир.

Маълумки, мустамлакачилик сиёсатига асосланган собиқ коммунистик тузум мафкураси бир неча минг йиллик маданиятимизга, халқимизнинг миллий ахлоқи ва руҳига кескин даражада салбий таъсир кўрсатган эди. Ўша даврда мамлакатда

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. -Т.: Ўзбекистон. 2005. Б. 34

сохта социалистик синфийликка асосланган ахлоқ нормалари ва у билан боғлиқ қонунлар, сиёсий мафқурани бошқарув услублари асосида шакллантирилган. Сиёсатда миллийликка хос бўлган ахлоқий кадриятлар ижтимоий-маънавий турмушдан ажратиб қўйилган. Нагижада зўрма-зўраки ривожлантирилган коммунистик ахлоқий киёфа яратилган. Унинг маъмурий идораси эса миллий– ахлоқий кадриятларга зид равишда янги совет мафқурасининг тарғиботчисига айланган. Бундай мафқура сиёсатнинг турли соҳаларида сохта «қаҳрамонлар»нинг идеал образларини яратиш орқали кишилар онгига ёт ахлоқий муносабатларни шакллантириб боришга ҳаракат қилган. Ижтимоий муносабатларнинг барча жабҳаларида илғорлик, ошқоралик, халқчиллик, инсонпарварлик ва адолат ғоялари совет сиёсатининг баландпарвоз, сохта шиорига айлантирилган. Сиёсат ўзининг муҳим миллий ва умуминсоний ахлоқий негизларидан бегоналашиб борган.

Жамиятда сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлаш демократик тамойилларга, фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ қонуниятларга амал қилишдан бошланади. Аммо бундай устувор вазифалар шубҳасиз бир зумда амалга ошадиган жараёнлар эмас. Булар жамиятда миллатнинг маданий-ахлоқий киёфаси ва сиёсий борлиги билан, уни сиёсий ҳаётда ўз ифодасини ҳарор топтира олишига бўлган хоҳиш–иродаси билан боғлиқдир. Албатта, бугун куллик, мутеликдан ҳуррият ва эркинликни фарқлай оладиган, миллий мустақилликни ўз тақдирига айлантирган инсон тафаккурини шакллантирмасдан, жамият фаолиятини соғлом ахлоқий йўналишга ўзгартирмасдан туриб миллий давлатчилик ривожини таъминлаш осон бўлмайди. Шунинг учун миллий ва умуминсоний ахлоқий негизларга таяниш фундаментал аҳамиятга эга.

Айни шу маънода, муаммонинг долзарблиги шундаки, **биринчидан**, Шарқ мутафаккирларининг давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ бўлган сиёсат ва ахлоққа доир илмий қараш ларини сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим. Зеро, ахлоқий меросимизни ижтимоий ҳаёт билан мувофиқлаштириш асосида сиёсат ва ахлоқнинг миллий негизларини оммалаштириш, кундалик турмушимизнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш зарурияти ҳам ошиб бормоқда. **иккинчидан**, бу жараёнда миллий давлатчилик борасидаги бой меросимизга асосланган мустақилликни ўзбек халқи иродаси, орзу ва интилишларини ифода этишнинг ахлоқий мезонларини белгилаш, сиёсий соҳада ахлоқий йўналишларнинг ўрнини ҳарор топтириш, унинг демократик жамият қуриш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъминлашга ҳаратилган ижтимоий ва сиёсий мезонларни ишлаб чиқиш амалий аҳамият касб этади. **учинчидан**, ҳар бир миллат ўз маданиятлари асосида мустақил тараққиёт йўллари белгилайди. Шунга асосланган ҳолда ахлоқий қоидалар,

тартиблар давлат хавфсизлигининг таъминланиши, ҳамда ўзига хос ва мос ривожланиши учун замин яратади. Бундай муносабат муайян ижтимоий-сиёсий маданият маконида яшовчи одамлар жамоасини умумэтироф этилган ахлоқий кадрятлар негизида яшашга ундайди. Миллатда бундай тасаввурнинг шаклланиши эркинлик, адолат, эзгулик ва ахлоқ тушунчаларининг ўзига хос тизимини яратади. Яъни, ахлоқ жамият ривожининг гарови сифатида давлат сиёсатида ўз ифодасини топади. Сиёсат ва ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқ, ҳамда нисбатан мустақил бўлган ижтимоий-маънавий ҳодисалар бўлиб, Ўзининг таъсир майдониغا эга бўлади. У сиёсий ахлоқ сифатида демократик жамият курилишидаги муаммоларимизнинг назарий асосларини ўрганиш ва мустаҳкамлаб бориш зарурияти ортиб бораётганлигини кўрсатади; **тўртинчидан**, бозор иқтисодига асосланган демократик жамият курилишида ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатиб келмоқдаки, авваламбор, ҳар қандай тизим инсон манфаатиغا ҳамда унинг камолотиغا ҳаратилгандагина у тараққиётга юз тутади. Бунда жамият бошқарув асослари сиёсий ахлоқ кадрятлари меъёрида ўз ифодасини топиши муҳим вазифалар қаторига киради. Жумладан, унинг услуб ва воситаларини жорий этишга, назарий-методологик жиҳатларини ишлаб чиқишга эҳтиёж ошаётганлиги ҳам муаммонинг долзарблигини асослашга хизмат қилади; **бешинчидан**, жамиятда сиёсий ахлоқ муносабатлари билан боғлиқ жараёнларни сиёсий фанлар нуқтаи-назаридан етарлича ўрганилмасдан қолаётганлиги бу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади; **олтинчидан**, сиёсий ахлоқ тамойилларини таъминлашга ҳаратилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялар бериш ҳамда уни амалий ҳаётга тадбиқ этиш каби мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи билан долзарб ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик даврида миллий маънавий-маданий меросимизнинг ижтимоий аҳамиятини ўрганишга ва уни бевосита жамият бошқарувига сингдиришга алоҳида эътибор берилди. Маълумки, миллий давлатчиликнинг назарий асослари шарқ мутафаккирларининг асарларида адолатли жамият куриш ва ахлоқий жиҳатдан давлат ва жамият бошқарувига дахлдор бўлган қараш лар қадимдан ривожлантирилиб келинган ва улар бугунда ҳам муҳим илмий, маънавий-ахлоқий манбалар бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Хожа Самандар Термизий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг<sup>1</sup> сиёсий қарашларида жамият бошқарувининг

---

<sup>1</sup>Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993; Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулк: Подшоқларга қўлланма. Таржима, сўз боши,

ахлоқий асослари ривожлантирилиб, бизга мерос сифатида сайқалланиб келинган.

Шунингдек, Мовароуннаҳрда ислом ахлоқи кенг тарқала бориши билан унинг фалсафий, ҳуқуқий асослари яратилган. Шу тариха IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан, маданият, ислом фалсафаси юксак даражада тараққий этган. Жумладан, Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Ал-Мотурудий, Муҳаммад Ал-Ғаззолий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Жалолиддин Румий каби буюк алломалар<sup>1</sup> ўзларининг илмий тадқиқотлари билан жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшдилар. Тадқиқотларда борлик, мавжудлик, инсонпарварлик, адолат, инсоф, диёнат, виждон, айниқса, ҳукмдорларга берган ўғитлари инсон, жамият, давлат ўртасидаги муносабатларнинг сиёсий ахлоқ асосларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга мерос ҳисобланади.

Жумладан, ижтимоий-сиёсий тараққиёт ривожининг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг давлат бошқарувига доир ахлоқий таълимотлари алоҳида муҳим ўрин тутди. Н.Комилов шундай таърифлайди: «Тасаввуф жамиятда ўзаро ихтилофлар, тахт таллашишлар, ички низолар, адолатсизлик, ақидапарастлик авж олганда унга ҳарши сиёсий-ғоявий ва мафкуравий куч сифатида майдонга келган. Шу нуқтаи назардан тасаввуф таълимотини ўрганиш, айни вақтда, ўтмиш тарихимизнинг сиёсий ахлоқий йўналишларининг моҳиятини кенгрок ўрганиш имкониятини яратади»<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам бугунги кунда тасаввуф фалсафасининг буюк намояндalари Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор, Баҳоуддин Наҳшбанд, Саййид Амир Кулол, Муҳаммад Ал-Ғаззолий, Муҳаммад Қози ва Бошқа тасаввуф таълимотчиларининг ахлоқ тўғрисидаги қарашлари сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан ўрганишда муҳим манбалар қаторига киради.

---

изоқлар муаллифи Ж.Эсонов. -Т.: Фафур Ғулом. 1997; Юсуф Хос Қожиб. Қутадғу билиг. Низомулмулк. Сиёсатнома. -Т.: Адолат. 1997; -Т.: Фан, 1972. Темур. Темур тузуклари. -Т.: Фафур. Ғулом. 1996; Алишер Навоий. Асарлар 15 жилдлик -Т.1961-1968; Алишер Навоий. Мақбуб ул-қулуб. -Т.: Фафур Ғулом нашриёти. 1983; Закириддин Муқаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Юлдузча. 1989;

<sup>1</sup> Ал-Бухорий. Қадис. -Т.: Қомуслар бош тақририяти. 1994; Ат-Термизий. Қадислар. //Шарқ юлдизи, 1990, № 9; Азизиддин Насафий. Зубдат ул-қақойик. Қақиқатлар қаймоғи. -Т.: Камалак, 1995; Ғаззолий З.М. Кимиёи саодат. -Т.: Камалак. 1994; Муқаммад Истеълomий. Илоқий ишқ куйчиси. Текрон, 2001.

<sup>2</sup> Комилов. Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. -Т.: Ёзувчи. 1996.

Аждодларимизнинг ижтимоий тафаккур ривожига эътибор берадиган бўлсак, сиёсат ва ахлоққа доир маданий меросимиз бунёдкор гоёлар сифатида шакллантирилганлигини кузатамиз. Бундай ижтимоий ривожланиш тадрижийлиги, аввало, кишилик жамиятида инсон омили билан боғлиқ бўлиб келган. Яъни, Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида XVIII аср охири ва XX аср бошларида узоқ йиллик маънавий-руҳий таназулидан сўнг маънавий қадриятларнинг янги тўлқини пайдо бўлган. Улар адабий, бадий, диний кўринишда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқеликларини қамраб келган. Ана шу даврга хос ижтимоий-сиёсий жараёнларни англаш миллий, давлатчиликдаги ахлоқий муаммоларнинг тарихий тафсилотларидан хулоса қилиш имкониятини беради. Масалан, уларни Огаҳий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Бедил, Фузулий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Мулла Олим Махдум Ҳожи ва бошқаларнинг асарларидаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қараш ларида кузатиш мумкин. Мазкур асарларнинг ўрганилиши Ўрта Осиё тарихида давлат ва жамият бошқарувининг қай даражада ахлоқий қадриятларга асосланганлиги, ижтимоий ихтилофларнинг келиб чиқишини, ҳамда юртни тобора мустамлакачилик сиёсатига олиб келган сабабларини аниқлашда, ундан тўғри сабоқлар ва хулосаларни чиқаришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатига ҳарши кураш ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, айниқса, Авлоний, Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат ва бошқа кўплаб ватанпарвар-маърифатчиларнинг асарларида кўтарилган<sup>1</sup>. Мавжуд адабиётлар ва манбалар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, тарихий даврнинг сиёсий жараёнлари бир-бирига ўхшаш ва кўп ҳолларда, такрор келган. Миллатнинг қисматига тушган энг асосий тарихий фожиаларнинг сабаби, аввало, жамиятни миллий-ахлоқий қадриятлардан узилиб қолишида намоён бўлади.

Бундай дейишимизга асос, аслида барча халқлар ўз миллий давлатчилик қурилишини ривожлантириш асносида сиёсатда ахлоқий муносабатларнинг устуворлигига катта аҳамият берган. Фақат миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган сиёсатгина халқни тараққиётга олиб чиққан. Жумладан, Ғарбда ҳам бу борада улкан мерос яратилган. Демократик жараёнлар ривожига ва бунда сиёсат-ахлоқ муаммоларини ўрганишга ҳаратилган илмий изланишлар, турли адабиётлар қадимги юнон мутафаккирлари

---

<sup>1</sup> Авлоний Абдулла. Танланган асарлар 1-2 жилдлар. –Т.; Маънавият. 1998; Беқбудий. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият. 1999; Мунаввар Қори. Хотираларим. –Т., Шарқ, 2001; Фитрат. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият. 2000.

Сукрот, Арасту, Платон ва Бошқа мутафаккирлар<sup>1</sup> томонидан ўрганилган. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қадимий саналган сиёсат ва ахлоқ муносабати муаммолари мунозараси Арастудан то Кантгача ахлоқ, этика, фалсафа нуқтаи назаридан ўрганиб келинган. Фақат XIX аср бошларига келиб Европада маънавий инкирозий ҳолатларнинг вужудга келиши, давлат ва жамият бошқарувидаги парокандалик ижтимоий-сиёсий ҳаётни ахлоқийлаштириш заруратини туғдиради. Натижада сиёсий ахлоқ категориясининг илмий асослари вужудга келади. Жумладан, Н.Макиавелли, Ж.Руссо, К.Г.Баллестрем, И.Кант, Ф.Ницше, О.Хеффе, А.Шопенгауэр, Ж.П.Сартр, Д.Локк, Э.Фромм, К.Поппер, П.Кропоткин, Н.Бердяевлар давлат ва жамият бошқарувида сиёсий ахлоқ муаммосининг назарий тамойилларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар<sup>2</sup>.

Бугунда сиёсий ахлоқ категориясини ривожлантиришда замондош рус олимлари К.Гаджиев, М.Запасник, К.Костюк, Б.Капустин, В.Пугачев, А.Соловьев ва Бошқалар салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Илмий мақолалар бевосита давлат ва жамият бошқаруви масалаларида сиёсий ахлоқ муаммоларининг назарий асосларини шакллантиришга ҳаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари миллий давлатчилик тарихимизни тадқиқ этиш, жамият ва давлат бошқаруви анъаналари

---

<sup>1</sup> Аристотель. Политика. -М.: 1983; Платон. Собрание сочинений. Т.1 Общ. Ред.А.Ф.Лосева и др.; Авт. Вступит. Статьи А.Ф.Лосев; Примеч.А.А.Тахо-Годи; Пер. с древнегреч. -М.: Мысль. 1990.

<sup>2</sup> Баллестрем К.Г. Власть и мораль (основ.проб.полит.этики) //Философические науки.1991.№8.С.84; Бердяев Н. Судьба России. М.: Мысль.1990. Вебер М. Избр.произв. М.:1990; Локк Д. Сочинения. В 3 т. -М.: Мысль, 1988; Макиавелли Н. Государь. -М.: Планета, 1990; Руссо Ж. Об общественном договоре. -М.: гос. соц-пол. изд. 1938; Кант И. Соч.Т.3.М.: 1964; Кропоткин. П. Этика.-М.: Полит изд. 1991; Ницше Ф. Соч.Т.2.М.: 1990; Поппер К. Открытое общество и его враги. -М.: Меж.фонд Культурная инициатива, 1992; Хеффе О. Политика, право, справедливость.-М.: 1994; Шопенгауэр А. Свобода воли и основь морали.-М.: Республика.1992; Сумерки богов. М.: Политическая литература, 1990; Фром. Э. Душа человека. -М.: Республика, 1992;

<sup>1</sup> Гаджиев К. С. Политическая философия. -М.: Экономика,1999; Запасник М.: Ложь в политике. //Философические науки. 1991,№ 3; Костюк К. Н. Политическая мораль и политическая этика в России. //Вопросы философии. № 2, 2000; Капустин Б.Г. Различия и связь между политической и частной моралью. //Вопросы философии. № 2, 2000; Пугачев В. П, Соловьев А.И. Введение в политологию. -М.: Аспект-Пресс, 2002.



хамда тажрибаларини ўрганиш, айти пайтда, халқимиз тарихи билан боғлиқ бўлган фожиялар қисматидан сабоқ чиқаришга ҳаратилган асарлар яратилдики, улар демократик, дунёвий жамият қуришимиздаги вазибаларимизда ўзликни англаш ва миллий кадриятларимизни ижтимоий турмушимизнинг барча жабааларига сингдиришда назарий дастур бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Жумладан, Президент И.А.Каримов томонидан яратилган асарларда бош устувор ғоя миллий давлатчилигимизнинг маънавий-ахлоқий негизларини ривожлантирилишига алоҳида эътибор ҳаратилганлиги билан характерланади. Яъни, барча ислохотлар мезони адолат, тенглик, инсонпарварлик каби кадриятлар асосида ташкил этилади.

Мустақиллик йилларида А.Азизхўжаев, А.Бегматов, М.Бекмуродов, Т.Жўраев, Р.Жумаев, М.Жакбаров, Н.Комилов, Ҳ.Назаров, С.Отамуродов, Ш.Пахруддинов, И.Соифназаров, О.Хусанов, И.Эргашев каби олимларимиз томонидан Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг маънавий ва ахлоқий асосларини чуқурлаштиришга ҳаратилган қатор илмий монографиялар, мақоалалар, публицистик ва бадий адабиётлар яратилди<sup>2</sup>. Шунингдек, сиёсий фанларнинг сиёсий институтлар ва жараёнлар ихтисослиги бўйича О.Жумаев, Б.Иминов, У.Идиоров, Н.Умарова, А.Холбековлар томонидан докторлик ва номзодлик диссертациялари химоя қилинган<sup>1</sup>. Аммо Ўзбекистонда сиёсат ва ахлоқ мувозанати

---

<sup>2</sup>Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. -Т.: Академия. 1997; Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. -Т.: Шарқ, 2000; Бекмуродов. М. Ўзбек менталитети. //Қуррият, 2002; Жўраев Т. Минтақавий можаролар ва сиёсий ечимлар. Политология. -Т.: 2002; Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. -Т.: Фан, 1996; Жакбаров. М. Комил инсон ғояси.-Т.: Янги аср авлоди, 2002; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. -Т.: Ёзувчи, 1996; Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2004; Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. -Т.: Академия, 2000; Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. -Т.: Академия, 2005; Пахруддинов. Ш. Тақдид қалокатли куч. -Т.: Академия, 2001; Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. -Т.: Шарқ, 2001; Хусанов О. Мустақиллик ва мақаллий қокимият. -Т.: Шарқ. 1996.

<sup>1</sup> Жумаев О. Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланиш хусусиятлари. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т; 2001; Иминов Б. Республика Узбекистан: политика, интересы и идеология. Авт. дис.на соиск. уч. степ. док. полит. наук. -Т; 1994; Идиоров У. Особенности демократизации в условиях независимого развития в Узбекистане. Авт. дис. на соиск. уч. степ. кан. полит. наук. -Т; 1993; Умарова Н. Авт. дис. на соиск. уч. степ. кан. полит. наук. -Т; 1998;

муаммоси алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Мавжуд муаммолар ушбу мавзунини танлашда тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқаришга асос беради.

**Диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент Кимё-технология институти «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси илмий тадқиқотлар режасига киритилган ҳамда тасдиқланган.

**Тадқиқот мақсади.** Сиёсат ва ахлоқ мувозанатини ўрганишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифаси.** Бу ўз навбатида қуйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо этади.

- сиёсат ва ахлоқ мувозанати, сиёсий ахлоқ тушунчаси ва моҳиятини таҳлил этиш;

- жамиятда сиёсат ва ахлоқ мувозанати тўғрисидаги таълимотларнинг шаклланишини, манбаларини, уларнинг тадрижий ривожланиш босқичларини ўрганиш;

- сиёсат ва ахлоқнинг муносабатига муқобил қараш лар ва уларнинг хусусиятларини таҳлил этиш;

- сиёсий ахлоқнинг миллий негизларини ва уни ривожлантириш омилларини тадқиқ қилиш;

- жамият ҳаётида сиёсат ва ахлоқнинг мувофиқлик даражаси, мезонлари ва унинг ўзига хослигини таҳлил этиш;

- сиёсий ҳокимият ва сиёсий ахлоқ муносабатлари уйғунлигини ташкил этиш механизмларини тадқиқ этиш;

- миллий руҳиятнинг сиёсатга таъсири ва оқибатлари таҳлилини бериш ҳамда унинг сиёсий ахлоқ негизларини ўрганиш;

- жамиятда сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлаш омилларини ўрганиш ҳамда илмий, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

**Илмий янгилиги.** Сиёсат ва ахлоқ мувозанати билан боғлиқ муаммолар, унинг ўзаро муносабати, уйғун ривожланиш тенденциялари сиёсат фалсафаси нуқтаи-назаридан асосланган;

- «сиёсат ва ахлоқ мувозанати», «сиёсий ахлоқ» тушунчаси ва моҳияти сиёсат фалсафаси нуқтаи-назаридан ўрганилган;

- сиёсий ахлоқ муносабатига доир қараш ларнинг шаклланиши, сиёсат ва ахлоқнинг ўзаро муносабати, умумий ва фарқли жиҳатлари, мувофиқлик даражаси, уйғунлашув мезонлари ўрганилган;

- сиёсат ва ахлоқнинг муносабатига муқобил қараш лар ва уларнинг хусусиятлари таҳлил этилган.

Сиёсий ахлоқ муносабатини ўрганишда сиёсий идеализм ва реализм кўринишлари, унга нисбатан муносабат билдирилган;

- сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлашда миллий ва умуминсоний ахлоқий кадриятларнинг ўрни очиб берилган;

-сиёсий ахлоқ муносабатининг демократик жараёнларга мувофиқлаштириш омилларининг илмий-ҳиёсий таҳлили берилган;

- сиёсатшуносликда сиёсат ва ахлоқ мувозанати муаммолари моҳияти очиб берилган ҳамда тизимий тартибда таҳлил этилган;

- миллий давлатчилик тажрибаларни умумлаштириш, ижтимоий таназзул ва юксалишга олиб келган сиёсий воқеликлар сиёсий ахлоқ нуқтаи-назаридан ёритиб берилган;

- сиёсий ахлоқ муносабатининг жамият ва шахс фаолиятига таъсири асосланган;

- жамиятнинг демократиялашуви жараёнида сиёсий ахлоқ масалалари билан боғлиқ бўлган муаммолар ўрганилган;

- сиёсий ҳокимиятни модернизациялашнинг сиёсий-ахлоқий мезонлари, уларни таъминловчи механизмлар, ташкилий омиллар моҳияти очиб берилган;

- инсоният тараққиётининг ахлоқий муаммолари ва уларнинг сиёсий-фалсафий таҳлили ёритилган;

- сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлашда раҳбар омилнинг илмий асослари ишлаб чиқилган.

- сиёсий ахлоқнинг назарий ҳамда амалий асосларини ривожлантиришга ҳаратилган таҳлил, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳимояга қўйидаги концептуал ғоялар қўйилди:

1. Сиёсий ахлоқ гуруҳ, социал табақа, ижтимоий ҳаракат манфаатларини мувофиқлаштиришга ҳаратилган сиёсий институтлар фаолиятининг ифодаси, ҳокимият ва халқ ҳамкорлигининг ўзаро ишончи, миллий мақсадлар муштараклиги, умуминсоний кадриятларга содиқлик даражаси бўлиб ҳисобланади. Сиёсат ва ахлоқ муносабатларининг мувозанати сиёсий ахлоқ категориясини вужудга келтиради. Сиёсий ахлоқ – бу профессионаллашган сиёсат намунаси, ижтимоий ахлоқнинг тизимлашган даражасидир.

Ахлоқий кадриятларнинг ижтимоий жараёнлар бошқарувида ҳуқуқий меъёрлар асосида ташкил этилиши ахлоқнинг сиёсат билан мувозанатда бўлишига ва айна пайтда сиёсий мақсад йўлида уйғунлашувига олиб келади. Аммо масаланинг яна бошқа мураккаб жиҳати мавжуд. Сиёсат билан ахлоқ муносабатида мувозанат тўғри ташкил этилмаса, яъни ахлоқ сиёсийлаштирилиб юборилса, жамиятда ахлоқ ақидапарастликка, зуғумга айланади. Ёки аксинча, сиёсат ахлоқий кадриятлар талабига амал қилмаса, жамиятда тоталитаризмга асосланадиган мафкуравий тазйиқнинг кучайишига олиб келади.

2. Сиёсатда ахлоқий кадриятларга амал қилмаслик ёки унинг институционал тизимини ташкил этишга эътибор бермаслик

фуқароларда сиёсатга нисбатан икки хил стандартларнинг шаклланишига олиб келади. Улар инсоннинг ички ва ташқи дунёсининг зиддиятида, айни пайтда, давлат ва жамиятга бўлган муносабатида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, шахснинг иккиюзламачилик ҳолатига тушиш жараёни намоён бўлади. Инсон ўз ташқи интилишларини ички оламига мос тарзда кура олмайди. Унинг ўзига нисбатан хиёнати нафақат ўз турмушига, шу билан бирга, жамиятга ҳам таъсирини ўтказиши. Одамлар ўзаро муносабатларда ана шу ёлғонларга кўникиб яшайдилар. Оқибатда хуфиёна сиёсат ҳарор топади ва у реал воқеликка тўғри келмай қолади.

3. Сиёсий ахлоқсизлик ва унинг жамиятга салбий таъсири харизматик бошқарувда кўпроқ намоён бўлади. Харизматик етакчи эмоционал таъсир кўрсатиш билан авторитар бошқарувни ташкил этади. Бундай муносабат сиёсий ахлоқнинг мавжудлик даражасини яқка шахснинг ахлоқига боғлаб қўяди. Натижада жамиятда шахснинг иродасига боғлиқ жамият ахлоқи шаклланади ва сиёсий жараёнларнинг маънавий қиёфасини белгилайди. Ушбу ҳолатда харизматик шахснинг иродаси жамият ҳуқуқидан устун келади. Энг хавфли жиҳати харизматик муносабатлар жамиятда тизимий поғоналарини (ворисийликни) вужудга келтиради. Норасмий амалдорлар ва етакчилар пайдо бўладики, уларнинг ахлоқи сиёсатни белгилашга олиб келади. Ҳокимият, давлат ташкилотлари, жамият моддий неъматлари гуруҳлар ўртасида ўзаро тақсимот этилади. Харизматик муносабатнинг шу тартибда ҳарор топиши (бошқача бўлмайди ҳам) сиёсий институтлар фаолиятининг шаклланишини издан чиқаради.

4. Сиёсий ҳокимият органлари фаолиятида сиёсий этика, сиёсий маданият, ижтимоий адолат ва ошкоралик тамойилларини жорий этиш ва сингдириш, ушбу кадрларнинг ифода этилишини таъминлашнинг илмий дастурларини ишлаб чиқиш давлат организмнинг мунтазам муолажасини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, жорий этилган сиёсий ахлоқ талабларига итоат этиш мажбуриятини белгилловчи ва унинг ижросини назорат этувчи механизмларнинг ташкил этилиши туғилиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олади. Акс ҳолда, фақат хоҳиш ва истак билан сиёсий ҳокимият фаолиятини ахлоқий нормалар асосига қуриб бўлмайди.

5. Жамиятда адолатни ҳарор топтиришга ҳаратилган сиёсат зўравонлик асосига қурилмаслиги муҳим. Адолатга эришиш йўлидаги ахлоқий муносабатлар жамият аъзолари учун мутлақлаштирилиши ҳам мумкин эмас. Аввало, жамиятда тенглик бўлиши учун нотенгликнинг мезонлари ҳуқуқий жиҳатдан белгиланиши зарур. Жамият эҳтиёжидаги сиёсат ва ахлоқ табақаланган муносабатларни ижтимоий механизмлар орқали фуқаролар ўртасида, табиий бўлган номуаносибликнинг

мувозанатини таъминлашга ҳаратилади. Бунда ахлоқ оммавий, шартли ва зуғум воситаси орқали эмас, балки, ҳар бир фуқаронинг шахсий тарбия тошганлигидан келиб чиқиб, жамият ахлоқига бўйсунуш рағбатини оширишга хизмат қилади. Шу тариқа жамиятда тоталитар тузумдан фарқли ўлароқ ахлоқнинг сиёсийлашувига йўл қўйилмайди. Чунки, ҳақиқатни жамиятга уқтириш, зўрлаш ахлоқий кадриятларни суистеъмол қилишга ҳам олиб келади. Фақат миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ахлоқнинг сиёсатга мувофиқлигини таъминлаш мумкин бўлади.

6. Жамиятнинг ижтимоий тараққиётдан ортда қолиш сабаблари инсон манфаатларига хизмат қиладиган идеал ғояларнинг реал шароитини яратишдаги мураккабликлардадир. Аслида кўпроқ идеал ғояларда мужассам бўлган ахлоқий кадриятлар сиёсий реализмнинг таркибий қисмида ўз ифодасини топиб бориши лозим. Иккинчи томондан эса, ижтимоий жараёнлар ривожига мувофиқ ахлоқ реал сиёсатга нисбатан мувозанатда бўлиши ҳам муҳим. Аммо айри ҳолда эмас. Бунда идеал ва реал сиёсатнинг талабларини жамият манфаатларига мувофиқлаштирувчи куч - ахлоқ бўлиб қолади. Ахлоқга асосланмаган идеал ғоялар жамиятни фашизмга, коммунизмга ёки ахлоқи йўқ реализм зўравонликка, анархияга, парокандаликка олиб келади. Сиёсатда уларнинг мувозанатига эришиш «фуқаро-жамият-давлат» муносабатларини барҳарорлаштиради, истиқбол мақсадларни мустаҳкамлайди.

7. Демократик жамият ривожига халқ, миллат зиёлиларининг ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позицияси сиёсатда ахлоқий нормаларнинг ҳарор топиб боришига хизмат қилади. Инсон эрки, комилликка эришиш истаги каби бирламчи эҳтиёжлар бевосита жамият ва давлат билан боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, бундай муносабатлар фуқаро-жамият-давлат ўртасида тенг шартномавий асосларни ташкил этишни талаб этади. Бундай асос улар ўртасидаги масъулият ва жавобгарлик мезонларини вужудга келтиради. Яъни, фуқаро ҳам давлат ҳам ватан олдида аниқ масъулият юқини кўтариши лозим. Мазкур ёндашув ўз-ўзини бошқариш органлари орқали давлат ваколатларининг босқичма-босқич маҳаллий ҳокимиятларига, хўжалик субъектларига топширишни жадаллаштириш билан ўз ифодасини топади.

8. Жамиятда айрим гуруҳ манфаатлари устуворлиги ва унинг сиёсатга таъсири миллий ва умуминсоний кадриятларга путур етказди. Тарафкашлик, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик каби иллатларнинг шаклланишига олиб келади. Ҳокимиятни хуфиёна манфаатларга мувофиқ суистеъмол қилиш тенденцияси кучаяди. Мансабдор шахслар томонидан ўзига қулай ва яқин «мафкура»даги одамларни йиғиши, ноқулайларни, бундай ҳолларда кўпроқ малакали кадрларнинг сиёсий бошқарувдан четлаштирилиши каби носоғлом рақобат авж олади. Натижада «Ўргимчак тўри» қиёфасини олган демократик жараёнлар ва унинг манфаатдор (хукмрон)

химоячилари давлат бошқарув тизимида коррупция бирлашмасини пайдо қилади. Жамиятда шаклланган устувор ғайри ахлоқий-сиёсий муносабатлар жамиятнинг демократик кадриятларини халқа сифатида сиқиб чиқаради. Ҳар қандай эркин фикр инсон учун таъқиб майдонига айланади. Ахлоқсизлик шахсий манфаат йўлидаги кўплаб фуқароларнинг оммавий ҳаракатини рағбатлантиради.

9. Давлат хизматчилари фаолиятининг ахлоқийлигини таъминлаш, даставвал, кадрлар сиёсатининг ахлоқий мезонларини ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этишга боғлиқдир. Кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқи мунтазам равишда, талаб даражасида такомиллашиб боровчи объект ҳисобланади. Шунинг учун ахлоқий мезонлар ташкил этилмаса, унда давлат идораларида қандай сифат ва салоҳиятдаги хизматчиларнинг ишлаши лозимлиги мавҳумлашиб қолади. Айни пайтда, давлат хизматчиларининг салоҳиятини аниқловчи стандартларни ташкил этиш ҳам қийинлашади. Яъни, уларнинг касбига нисбатан мувофиқлик даражасини аниқлаб бўлмайди. Масала давлат хизматчиларининг касбий ва ахлоқий мезонларини ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этишни талаб қилади. Бундай мезон, давлат хизматчисига юкланадиган сифатларни аниқлайди ҳамда шундай хусусиятларга эга бўлиш шартлигини талаб қилади.

10. Ҳар қандай давлат ўзининг ҳудуди доирасида куч ишлатиш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини шакллантиради ва фақат у шундай ваколатга эга ҳисобланади. Бундай мақсад халқ манфаати нуктаи назаридан келиб чиқади. Сиёсий партияларнинг ва бошқа жамоат ташкилотлари эса, сиёсий зўравонлик фаолиятига берилиши қонун билан таъқиқланади. Аммо зўравонликнинг сиёсий жиҳатдан мавжудлиги ахлоқий кадриятларга барибир зид бўлиб қолади. Унинг мунтазам равишда қўлланилиши ёки унга зўр берилиши жамият маънавий асосларини емириш хавфини сақлаб қолади. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик, меҳр-оқибат, ҳуқуқий муносабатларни издан чиқаришга, одамларда қўрқув, икки юзламачилик, хоинлик, товламачилик ва яна бошқа кўплаб ғайриахлоқий иллатларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Оқибатда индивидуализм таъқибга олинади, эркин фикр, ижодий тафаккур сўнади. Шунинг учун ҳам сиёсат ва ахлоқ мувоzanатини таъминлашнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Жамият тараққиёти бевосита миллатнинг салоҳияти билан белгиланади. Бунда халқнинг миллий кадриятларга амал қилиб яшаш маданияти давлат бошқарувининг ахлоқий асосларини мустаҳкамлайди ҳамда тараққиёт мезони бўлиб хизмат қилади. Сиёсатнинг ахлоқий кадриятларга асосланиши жамиятда адолат ғояларининг ҳарор топиш имкониятларини яратади. Шу ўринда сиёсий ахлоқ муносабати муаммолари ижтимоий муносабатларнинг

барча йўналишида адолат ва ҳақиқат ғояларининг ҳарор топишига ҳаратилган таҳлилий хулосалар муҳим назарий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларидан жамият бошқарувида демократик жараёнларни, сиёсий институтлар фаолиятини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Айниқса, Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий - иқтисодий, маданий ҳаётида эришилган ютуқлар ҳамда вужудга келаётган муаммоларнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлашга, белгиланган ислохотларнинг амалиётдаги мувофиқлик даражасини таҳлил этиб бориш имкониятини беради.

Жамиятда сиёсий ва ахлоқий кадрларнинг уйғунлашуви фуқаро- жамият-давлат ўртасида ўзаро ишонч ва ягона мақсад йўлидаги интилишларини мустаҳкамлайди. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан сиёсий фанларда мавжуд мавзуларни сиёсий ахлоқ муаммолари асосида ўрганишда, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда инсон манфаати устуворлигини таъминлашда, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашнинг назарий жиҳатларини тарғибот қилишда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барҳарорлигини таъминлашда, фуқароларнинг Ватан тақдири масалаларидаги масъулликларини ошириш каби дастурларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

**Тадқиқотнинг методологик ва назарий асосларини** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баён этилган сиёсат ва ахлоқ муносабатига доир илмий-назарий хулосалар, жамиятимиз ҳаётини демократлаштиришда сиёсий ахлоқнинг ўзига хос хусусиятларининг намоён бўлиши каби сиёсий концепциялар ташкил этади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида 2001 йил «Тарих, мустақиллик, миллий ғоя», 2003 йил Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Конституция–миллий давлатчиликнинг маънавий-ахлоқий асосларини шакллантириш асоси», Тошкент Кимё-технология институтида Ўтказилган «Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишнинг долзарб муаммолари» номли Республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясида олиб борилган маъруза ва амалий машғулотларда, илмий мақолаларда, жамоатчилик ўртасида оммалашган монографияда ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мазкур илмий хулосалар Республика «Маънавият ва маърифат» Маркази ва Ўзбекистон Фидокорлар Миллий Демократик партияси билан ҳамкорликда олиб борилган сиёсий, маърифий тарғиботлар орқали жамоатчиликка жорий этилган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация Тошкент Кимё-технология институти «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедрасида сиёсий фанлар бўйича ташкил этилган илмий

семинарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги «Сиёсий фанлар» бўйича ташкил этилган илмий-назарий семинарда (2005 йил, 28 феврал), Тошкент Давлат Шарқшунослик институти «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасининг кенгайтирилган илмий-назарий семинарида (2005 йил, 11 июн), Ўзбекистон Миллий Университети «Фалсафа», «Этика-Эстетика», «Маънавият асослари» кафедраларининг қўшма илмий-назарий семинарида (2005 йил, 20 сентябр), Тошкент Давлат Аграр Университети «Ижтимоий фанлар» кафедраси илмий-назарий семинари (2005 йил 20 июн) йиғилишида атрофлича муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни муаллиф томонидан тайёрланган монографияда, рисолаларда, илмий конференция материаллари тўпламларида, шу жумладан, йиғирмадан ортиқ муаллиф нашрга тайёрлашда бевосита иштирок этган «Демократия ва ахлоқ», «Жамият бошқарувининг ахлоқий асослари», «Жамият бошқарувида сиёсий ахлоқ муаммоси», «Сиёсий ахлоқ моҳияти», «Глобал тараққиётнинг ахлоқий муаммолари», «Макиавелли ва Муҳаммад Қози асарларида давлат бошқарувининг ахлоқий муаммолари», «Сиёсий ахлоқ ва барҳарорлик», «Миллий руҳиятнинг ахлоқий моҳияти», «Демократик жараёнлар ривожда сиёсий ахлоқ муаммоси», «Сиёсат ва сиёсий ахлоқ мувозанати» каби илмий мақолаларда чоп этилган<sup>1</sup>.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, 4 боб, 8 фаслдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 291 саҳифани ташкил этади. Фойдаланилган адабиётларнинг умумий сони 260 тадан иборат.

## **I БОБ. Сиёсат ва ахлоқ мувозанатини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**

Жамиятда ахлоқ, айниқса, сиёсат масаласи доимо баҳсталаб, аини пайтда, муҳим илмий ва амалий мавзулардан бири бўлиб ҳисобланиб келган. Зеро, ахлоқ ва сиёсат тўғрисида кўплаб илмий қараш лар шаклланган бўлсада, бугунда ҳам ушбу масалада бир хил

---

<sup>1</sup> Мақолалар ва конференция материаллари автореферат охирида берилган.



ёндашувга келинган эмас. Эътиборли жиҳати шундаки, сиёсат ва ахлоқ энг қадимги таълимотлардан саналсада, у жамиятда ўз таъсир аҳамиятини йўқотган эмас. Айни пайтда, сиёсатнинг мақсади ва воситалари анча такомиллашган, мураккаблашган жиҳатларини кузатамиз. Бундай жиҳат ва уларнинг муаммоси сиёсий ахлоқ категорияси сифатида ўрганилиб келинмоқда.

**Мазкур бобда ахлоқий таълимотларни вужудга келишининг фалсафий, ахлоқий, сиёсий негизларини очиб беришга ҳаратилади. Яъни, жамият ҳаётида сиёсатнинг шаклланиши, вазифалари, турли хил кўринишлари, сиёсат ва ахлоқ борасидаги илмий-назарий ҳамда таълимотлар таҳлили орқали сиёсий ахлоқ тушунчалари ва уларнинг моҳият-мазмунни сиёсий фанлар нуктаи назаридан ўрганилади.**

Тадқиқотда дастлаб ахлоқ категорияси жамият сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётида инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракати аниқроғи, умумэътироф этилган миллий, анъанавий ва замонавий нормаларга мос келишини таъминловчи ҳамда белгилловчи мезон сифатидаги аҳамияти очилади. Ахлоқнинг умуминсоний қадриятлар ифодаси манбаи ва асослари, инсоннинг истак-майлларини ички тартибга солиш, фуқаро ва жамият сиёсий манфаатларини уйғунлаштиришга хизмат қилувчи омиллари таърифи берилади.

Мазкур бобда ахлоқнинг ижтимоийлашуви жараёнида сиёсий ахлоқ категориясининг вужудга келиши масалалари ўрганилади. Сиёсий ахлоқ категорияси таърифи, моҳияти, илмий вазифалари тавсифи берилади. Айни пайтда, сиёсий ахлоқ ижтимоий муносабатларда миллий қадриятларга мувофиқ услубларни шакллантириш, демократик жараёнларга хос шиддат билан ривожланиб борадиган сиёсий жараёнларнинг истикболини назорат қилиб бориш ҳамда лозим фурсатда ўзгартириш имкониятларини тавсия бериш тўғрисидаги илмий қараш лар илгари сурилади. Шунингдек, тадқиқотда сиёсат, ахлоқ, сиёсий ахлоқ, сиёсий этика, сиёсий маданият тушунчаларининг ўзаро уйғунлигига ҳамда уларнинг алоҳида хусусиятларига илмий таъриф берилади ва демократик жамият қурилишидаги жараёнларга таъсири очиб берилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Ахлоқий сиёсат тўғрисидаги қараш ларнинг вужудга келиши ва уларнинг манбалари» деб номланади. Мазкур фаслда бошқарувнинг шарқона ахлоқий негизларини сиёсий фанлар нуктаи назаридан ўрганиш ва демократик ғояларга асос бўлиб хизмат қилиб келаётган ахлоқий қадриятларни тизимлаштириш ҳамда миллий меросимизни бугунги кун сиёсий жараёнларига хос бўлган илмий асосларини умумлаштиришга эътибор ҳаратилади.

Хулоса сифатида давлат ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси негизларига асослансагина ривожланиши мумкинлигига аҳамият ҳаратилади. Бундай уйғунлик халқни ўз

ривожланиш тараққиётида янги босқичларга кўтариши, унинг истиқбол омиллари кенгайтириши каби масалалар ўрганилади.

### **1.1. Сиёсат ва ахлоқ мувозанати, сиёсий ахлоқ тушунчаси, моҳияти.**

Кишилик жамиятида мақсад, манфаатларнинг турли-туманлиги «сиёсат»га нисбатан азалдан турли ёндашув ва таърифларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Айрим қараш ларда сиёсатни қаллоб ва разил одамларнинг нопок машғулоти деб ҳарасалар, бошқалар эса, фозил фазилатларга эга бўлган юксак ахлоқли одамларнинг олижаноб вазифалари деб ҳисоблайдилар. Ушбу тушунчаларнинг турлилигига сабаб, сиёсат ифодаси инсон табиати билан боғлиқ ҳодиса эканлигидир. Шу сабабдан сиёсат қоидалари ҳам ўзгарувчан хусусиятларга эга.

Бундай ўзгарувчанлик сиёсат табиатида баъзан ошқора, баъзан хуфиёна манфаатлар мавжудлиги билан белгиланади. Аммо шунга ҳарамасдан қадимги Греция мутаффақирлари давлат ва жамият ишларини «сиёсат» деб, сиёсатни эса, «одамларни бошқариш санъати» сифатида таърифлайдилар. Масалан, Аристотелнинг қараш ларида сиёсат умумфаровонлик ва адолатга эришиш, аввало, ахлоқий-тарбиявий аҳамият касб этмоғи муҳимлиги масалалари очиб берилади. Адолат фақат сиёсий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин деб ҳарайди<sup>1</sup>. Масаланинг аллома томонидан шу тарзда қўйилиши, сиёсатнинг вазифасини очиш билан одамларнинг турли, баъзан вайронкор ҳиссиётларини чеклашга, муносабатларини ахлоқий жиҳатдан тартибга солишга ҳаратилади. Шунинг учун сиёсат билан барча эмас, балки фақат юксак фазилатли шахсларгина шуғулланиши лозимлиги тавсия этилади.

Аристотель ахлоқ тўғрисидаги қараш ларини ривожлантириб, шундай дейди: «Этика-ахлоқ муаммолари ҳақида гапиришдан аввал биз ахлоқ нимага тааллуқли эканлигини аниқлаб олишимиз керак. Гапнинг лўндасини айтсак, сиёсат ахлоқнинг таркибий қисмидир. Чиндан ҳам муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган, яъни муносиб шахс бўлмаган одам сиёсий фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Муносиб одам бўлмоқ ахлоқий фазилатлар эгаси - фозил бўлмоқ, демакдир. Зеро, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаолият юритмоқчи бўлган одам ахлоқан фазилатли одам бўлмоғи керак. Хуллас, сиёсат ахлоқнинг таркибий қисмидир. Шунинг учун ахлоқни бемалол сиёсат деб аташ мумкин»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, ҳамма нарсанинг асосида ахлоқ бўлади ва сиёсат ҳам ахлоқий қараш лар орқали шаклланган йўналиш ҳисобланади. Лекин, бугунги кунда сиёсат функцияси шунчалик кенгайиб кетганки, унинг турли

<sup>1</sup> Аристотель. Политика. -М.:1983, Соч.: В 4 т., Стр-380.

<sup>2</sup> Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т.: Янги аср авлоди, 2004. Б-96.

хусусиятларни ўрганиш асосида сиёсат ва ахлоқнинг уйғунлашуви жараёнларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Сиёсатга нисбатан ахлоқий таълимотлар Шарқда Абу Носр Форобий<sup>1</sup> ижодида ҳам ривожлантирилган. У сиёсатнинг пайдо бўлиши - кишилик жамияти қонуниятларидан келиб чиққан эҳтиёж деб, сиёсатда ахлоқий муносабатларнинг мувозанатини таъминлашга ҳаратилган назарий ғояларни илгари суради. Аммо сиёсат ва унинг ахлоқий моҳияти тўғрисида шу давргача кўплаб таълимотлар ривожлантирилганлигига ҳарамасдан, ҳар бир даврнинг янги сиёсати вужудга келтириладигани, минг йиллик кадрятлар билан омухта бўлган ахлоқ сиёсатда ўз ифодасини ҳар доим ҳам топа олмаган.

Давлат ва жамият қурилиши инсон тафаккурининг маҳсули сифатида ўз ривожига сиёсатнинг турли даражаларда ўзгаришига олиб келган. Лекин унинг моҳияти ўзгарган эмас. Чунки асрий муаммонинг замирида аслида, сиёсат билан ахлоқ ўртасидаги зиддият ётади. Яъни, сиёсатни – ахлоққа ҳарши қўйиш, айрим ижтимоий гуруҳлар манфаатларига йўналтиришга ҳаратилган зўравонлик унга нисбатан икки хил ёндашувнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Шундай экан, сиёсат ва ахлоқ уйғунлигига қандай эришиш мумкин? Манфаатлар билан кадрятлар қачон ва қандай шароитда мувофиқлашади? Унга эришишнинг сиёсий ахлоқ услублари нималардан иборат? Халқнинг хоҳиш иродасини, жамиятнинг турли хил манфаатларини давлат ўз бошқарувида қандай восита ва мурватлар асосида ташкил этади? Афсуски, бундай саволларнинг асрий - абадийлиги давлатчилик тарихи ҳамда кишилик жамияти ҳаётида доимо баҳс - мунозараларга сабаб бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас.

Мазкур муаммоларнинг тушунчалари ва моҳиятини таҳлил этиш орқали ахлоқ ва сиёсат табиатидаги мазмунни очишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, ахлоқ – кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос усули, у ёки бу жамиятда қабул қилинган ва риоя қилиниши лозим бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат ҳамда мулоқотнинг қонун-қоидалари, мезонлари йиғиндиси<sup>1</sup>. Жамият сиёсий, ижтимоий, маънавий воқеликларини инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракати аниқроғи, умумэътироф этилган миллий-маънавий ва замонавий нормаларга мос келишини таъминловчи ва белгиловчи маънавий мезондир.

Ўз моҳиятига кўра ахлоқ - кишиларнинг бир-бирига, оилага, Ватанга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир. Ахлоқ ҳар бир кишининг хулқини

---

<sup>1</sup> Қаранг. Форобий Абу Носр. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номли нашриёт. 1994.

<sup>1</sup> Қаранг. Фалсафа. (Қисқача изоқли луғат). -Т.: Шарқ. 2004. Б.49

акс этиради. Ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамият ривожига ижобий таъсир қилади ёки аксинча, ахлоқсизлик жамият ривожини издан чиқаради. Ахлоқсиз шахснинг истиқболи бўлмаганидек, ахлоқсиз жамиятнинг ҳам истиқболи бўлмайди. Айни пайтда, ахлоқ жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бориши ва унга жамият аъзоларининг амал қилиши ижтимоий адолат муносабатларини вужудга келтиради. Аммо, ҳар қандай ҳолатда шахснинг ички ахлоқий тарбияси ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ушбу мунозара хусусида Кант томонидан айтилган фикрлар мазкур муаммони ойдинлаштиришга ёрдам беради. Жумладан, у шундай дейди: «Фақат ҳар бир инсоннинг ўзи учун ўзи ахлоқий қонун ўрната олиш қобилияти негизда. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон ўз ахлоқий қонунининг ижодкори ҳисобланади. Ҳар бир индивид ахлоқий жиҳатдан мустақил. Бу айтилганлар одамларда ахлоқий қонунлар белгилаш эрки борлиги ва улар шундай қилиш учун старли ақлга эга эканини кўрсатади. Эркин ва оқил шахслар фақатгина ўзлари учун маъқул бўлган қонунларни ўрната олмасликларини тушунадилар»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, Кант масаланинг фалсафий-ижтимоий негизларига кириб борадики, инсоннинг онгсиз ва онгли ҳаракатлари моҳияти очиб берилади. Масалан, ватанпарварликнинг ахлоқий мезонлари, даражасини белгилаб бўладими?! Ёки ватанпарварлик қилмагани учун жавобгарликка тортиш мумкинми?! Шунинг учун ахлоқий жиҳатдан инсон мустақил. Фақат яратганнинг олдида ҳисобот беради. Албатта, агар инсон хоинлик қилса, у жавобгарликка тортилади. Лекин, масала моҳиятан икки хил нарса.

Ахлоққа нисбатан Юм шундай таъриф беради: «Ахлоқ тушунчаси барча инсониятда қандайдир умумий ҳиссиёт туғдириб, у битта объектда умумийликни маъқуллайди ва ҳар бир кишини ёки кўпчиликни маълум ҳулосага олиб келиб, бир-бирига итоат этишга қодир»<sup>2</sup>. Ушбу таъриф юқорида келтирилган Аристотелнинг қараш ларига тўғри келади. Сиёсат ахлоқий қадриятларга асосланса, кўпчиликни умумий ҳаракатга, итоатга олиб келади. Шунинг учун ахлоққа амал қилиш шахс ва миллатнинг маънавий дунёси ва салоҳият даражаси билан боғлиқ ҳодиса сифатида ҳаралади.

Ахлоқ ва унинг ижтимоий моҳияти тўғрисида Абдулла Авлоний шундай дейди: «Инсонларни яхшиликга чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурғон китобни ахлоқ дейилур. Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур»<sup>1</sup>.

---

<sup>2</sup> Фалсафа тарихи. -Т.: Шарқ. 2002. Б. 430

<sup>2</sup> Янги ва энг янги давр ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарқ. 2002 Б-74.

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият. 1998. Б-34.

Кўриниб турибдики, А.Авлоний ахлоққа нисбатан нафақат илмий таъриф беради, балки унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини очади. «Яхши хулқларнинг яхшилиги, ёмон хулқларнинг ёмонлиги» бевосита сиёсий фаолиятда ҳам ўз ифодасини намоён қилади. Чунки, хулқ-атвор инсон фаолияти орқали ижтимоий ҳаётга у ёки бу тарзда таъсир ўтказди.

Аммо, ахлоққа нисбатан турли қараш лар мавжуд бўлганлигини таъкидламоқ лозим. Масалан, Ницшенинг фикрича, - «Ахлоқийлик асрлар оша инсон эркин руҳини сўндириб келган. Динда ҳам Оллоҳ ҳукмрон сифатида намоён бўлади. У ўз «қуллари, хизматкорлари», уларнинг тақдирлари, ҳаётлари устидан ўз ҳукмини ўтказди. Ҳар бир инсон, диний нуқтаи-назардан, худонинг кулидир»<sup>1</sup> дейди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсон ирода эркинлигига эга. Эркин ирода энг юксак кадриятдир деб ҳисоблайди.

Ницшени христианлик динидаги инсоннинг тақдир олдидаги итоаткорлиги, бўйсунувчанлиги масаласи қониктирмайди. Чунки, у инсоннинг Оллоҳ олдидаги итоатўйлиги манфаатли муносабатларни юзага келтиради, диндорлар Оллоҳга сажда қилишлари, кийинчиликларга кўникишлари эвазига ундан гуноҳларидан кечишини сўрайдилар, узоқ йилги эътиқодлари эвазига ундан мукофот кутадилар, ушбу манфаатли муносабат христианлик ахлоқи асосида ётади, деган қараш ларга асосланади. Бундай қараш лар «аморализм», «имморализм» каби ғояларда ўз ифодасини топган. Яъни бу борада ахлоқий кадриятларни инкор этиш йўлига кирган оқимлар ҳам вужудга келади<sup>2</sup>.

Ахлоқ сиёсатдан фарқли ўлароқ, объектив мавжуд ҳодиса, сиёсат ижтимоий жараёнлар ҳосиласига, шахслар иштирокига мувофиқ ижобий ёки салбий тарзда шаклланади ва ривожланади. Шу ўринда айрим жаҳон мамлакатлари ижтимоий-сиёсий тараққиёти тажрибаларига назар соладиган бўлсак, миллий ахлоқий кадриятлар ижтимоий ахлоқ даражасига кўтарила олмаганлигини кузатамиз. Натижада давлат бошқаруви миллий-ахлоқий тамойилларга номувофиқ равишда шаклланишига, охир-оқибатда мамлакатнинг пароканда бўлишига олиб келган.

Сиёсат жамиятда давлат ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши жараёнлари билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Сиёсат жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олиши билан бирга, унинг асослари иқтисод, маънавият билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Шу маънода «сиёсат» жамият сиёсий-ижтимоий,

---

<sup>1</sup> Янги ва энг янги Ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарқ. 2002. Б.196-197.

<sup>2</sup> Қаранг. Философический энциклопедический словарь. -М.: Энциклопедия. 1989. Стр-23

иктисодий, маданий ҳаётининг умумлашган, интеграллашган ифодаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

Сиёсат ахлоқдан фарқли ўлароқ, аниқ меъёрлар ва қонунлар асосида шаклланади. Унга амал қилмаслик маълум маъмурий чораларнинг кўрилишига олиб келади. Сиёсат маълум мақсадга, натижаларга эришиши учун йўналтирилади. Ахлоқ эса, ҳаракат ёки фаолиятнинг объектив моҳиятини белгилайди. Бунда натижалардан кўра, натижага ҳаратилган фаолиятнинг воситалари, мақсадлари, сабабларига эътибор ҳаратилади. Айни пайтда, ахлоқ кўпроқ индивидуал хусусиятларга эга бўлса, сиёсат оммавий хусусиятга эга. Сиёсат мавжуд воқеийлик билан боғлиқ бўлиб, реал ҳолатнинг далилларини мақсадга эришиш воситаси сифатида намоён бўлади. Ахлоқ аниқ воқеликка нисбатан муносабатда универсал ҳисобланади.

Ахлоқ кўпроқ инсоннинг тарбиятига - виждонига боғлиқ ҳодиса. Унга рия қилмаганларга нисбатан оммавий қоралаш, жамоат иззаси қўлланилади<sup>2</sup>. Сиёсий ахлоқ эса, кишиларнинг бир-бирига, оилага, Ватанга, жамиятга бўлган фаолиятларида намоён бўладиган муносабатлар ҳосиласининг амалий ифодаси. Ахлоққа нисбатан сиёсат мажбурийлик ва маълум ҳуқуқий масъулият касб этади. Ахлоқ ҳар бир кишининг ҳулқини кўрсатса, сиёсат ушбу ҳулқнинг қонунийлигини, яъни жамият манфаатларига мослигини белгилайди. Ахлоқий юксаклик жамиятда сиёсий муносабатларнинг соғломлигини таъминлаш орқали давлат ва жамият бошқарувини ривожлантиришга хизмат қилади. Яъни, ахлоқнинг маънавий кадриятлар орқали ижтимоийлашуви сиёсий ахлоқни ташкил этади ҳамда бошқарувнинг умумманфаат йўлидаги мақсадларини ташкил этишда маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотда ахлоқ ва сиёсат тўғрисида кўплаб мутафаккирларнинг таърифлари ҳамда қараш ларини келтириш мумкин. Аммо, бош масала ахлоқий кадриятларнинг сиёсат табиати мазмунида ўз ифодасини топиши муаммоларига бағишланади. Масалан, А. Пырин - «Ахлоқ замон ва макон билан боғлиқ бўлмаган маънавий кадриятлар мажмуидир. Агар ахлоқ сиёсат табиатини қабул қиладиган бўлса, у ижтимоийлик хусусиятини касб этади. Яъни, юқоридан пастга тушиши билан мажбуриятга, у орқали қонунга айланади»<sup>1</sup> - дейди. Тўғри, тадқиқотимизнинг асоси ҳам ахлоқни қонун орқали ижтимоийлаштириш масаласи бўлиб ҳисобланади. Агар ахлоқ ва сиёсат ўз ҳолича қоладиган бўлса, унда

---

<sup>1</sup> Отамуродов. С, Эргашев. И, Ш. Ақромов, Қодиров.А. -Т.: Ўзбекистон. 1998. Б.41

<sup>2</sup> Қаранг. Давлат ва қуқуқ асослари изоқли луғат. -Т.: Ўқитувчи, 1996. Б-8.

<sup>1</sup> Пырин А. О смешении морали с политикой.// Независимая газета. 2003. июнь- № 122. Стр-10.

уларнинг ижтимоий аҳамияти ва мазмуни бўлмайди. Ахлоқ сиёсатга эмас, қонунлар орқали ижтимоий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатади. Унинг натижаси эса сиёсатнинг ахлоқий масъулиятини белгилайди. Уларнинг умумий мақсад йўлидаги ифодаси эса, сиёсий ахлоқни вужудга келтиради. Сиёсат ва ахлоқнинг мувозанат муаммоси масалалари айнан ана шу нуқтада ётади.

Сиёсий фанларда сиёсий ахлоқ муаммоси бевосита ҳокимият масаласидан келиб чиқади. Шу тариқа ахлоқ сиёсат орқали ҳокимиятга бўлган муносабатларни ўрганади. Бунда сиёсат ҳокимиятнинг тузилиши ва фаолиятини ўрганса, ахлоқ сиёсий этика муаммосини ўрганади. Ушбу икки йўналишнинг мантқан бирлашиши натижасида сиёсатнинг ахлоқини ўрганадиган илмга асос солинади. Шундай қилиб, сиёсат ва ахлоқ уйғунлигида ташкил топадиган илмий категория – сиёсий ахлоқ - дейди, Б.Г.Капустин - маълум бир жамиятни ўз маънавий қадриятлари ва давлатчилик тарихи мероси негизда ижтимоий ҳаётини ташкил этишнинг маънавий омилли бўлиб ҳисобланади<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, агар ижтимоий ҳаёт сиёсий ислохотлар натижаси уларок ривожлантирилса, бундай ривожнинг моҳияти ахлоқий қадриятларга суянмоғи керак. Мазкур меъзонларга амал қилмаслик сиёсатни масъулиятсиз даражага олиб келади.

Бу борада таниқли олим К.С.Гаджиев сиёсий ахлоқ тушунчасига қўйидагича таъриф беради:

Мазкур мулоҳазалардан келиб чиқиб, сиёсий ахлоқ категорияси таърифини қўйидаги фикрлар билан бойитишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, сиёсий ахлоқ гуруҳ, социал табақа, ижтимоий ҳаракат манфаатларини мувофиқлаштиришга ҳаратилган сиёсий институтлар фаолияти, ҳокимият ва халқ ҳамкорлигининг ўзаро ишончи ва амалий ифодаси, миллий мақсадлар муштараклиги, умуминсоний қадриятларга содиқлик даражаси бўлиб ҳисобланади. Ахлоқий қадриятларнинг сиёсат мақсади ва воситаси негизларига мувофиқлаштирилиши сиёсий ахлоқ категориясини вужудга келтиради. Сиёсий ахлоқ – бу профессионаллашган сиёсат наъмунаси, ижтимоий ахлоқнинг тизимлашган даражаси.

Сиёсий ахлоқ сиёсий ҳокимият фаолиятининг ҳуқуқий асосларида намоён бўлиб, унинг легитимлигини ташкил этади. Ҳокимиятнинг легитимлиги фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлашни бош мақсад қилиб олган давлатга нисбатан қўлланилади. Айни пайтда, ҳокимият тарафидан жамият неъматларини адолат ва тенглик тамойиллари асосида тақсимоти, амалга оширувчи воситаларининг самарадорлигига асосланади. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий институтлар фаолиятининг нечоғли даражада миллий ахлоқий қадриятлар негизда қурилганлиги, унинг

---

<sup>2</sup> Капустин.Б.Г. Политическая мораль и политическая этика в России. Вопросы философии. №2, 2000. Стр-33.

амалий ифодаси, сиёсий ҳокимият билан халқнинг ишончли ҳамкорлиги масалалари сиёсий ахлоқ таркибини ташкил этади.

Сиёсий ахлоқ жамиятда қонунларнинг инсонпарварлигини таъминловчи маънавий омил сифатида намоён бўлади. Сиёсат ахлоқини шакллантириш учун ижтимоий фаолиятнинг ва унга таъсир этувчи омиллар ахлоқини аниқлаш лозим бўлади. Сиёсат ахлоқий бўлиши учун муаммолар сабабини эмас, оқибатини инобатга олиш зарур. Ахлоқ сиёсат ва сиёсий фаолият учун қонунга айланганда сиёсий ахлоқ самардорлиги ва таъсири ортади. Сиёсий ахлоқнинг энг муҳим ва умумий функцияларидан бири ижтимоий тенгсизлик муаммоларини аниқлаш ва шу муаммолар бўйича тафсиялар тайёрлаш каби вазифаларни ҳамрам олади.

Сиёсий ахлоқ категориялари сиёсий институтлар фаолиятига маънавий куч сифатида таъсир қилиб боради. Аммо масаланинг яна бошқа мураккаб жиҳатлари мавжуд. Масалан, «Яхшилик», «Эзгулик», «Виждон», «Орият» «Уят» ва бошқа шу каби тушунчалар ахлоқий категорияларга киради. «Демократия», «Тенглик», «Адолат», «Инсон ҳуқуқи», «Озодлик», «Эркинлик», «Мустақиллик» тушунчалари сиёсий категориялар бўлиб ҳисобланади. Муаммо шундаки, инсонда яхшилик, эзгулик, орият каби фазилатлар бўлиши мумкин. Аммо, бундай фазилатлар кўпроқ индивидуал хусусиятга эга бўлади. Яъни, жамият, давлат, миллат масалалари билан боғлиқ сиёсий жараёнларда ўз ифодасини топмаслиги ҳам мумкин. Аниқроғи инсонда сиёсий даражада журъат етишмайди. Худди шу тартибда жамият ва давлат фаолиятини баҳолаш мумкин. Давлат расмий ҳарорларида адолат ва тенглик тўғрисидаги ғояларни илгари суриши мумкин, лекин, унинг ижросини таъминлашга ҳаратилган мурватларнинг ташкил этилмаганлиги ёки сиёсий таъсир самарадорлигининг пастлиги жамиятда ахлоқсиз сиёсий ҳолатнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Ахлоқсиз сиёсат кўринишлари коррупция, инсон эрки ва ҳуқуқига тажовуз қилиш, ижтимоий муносабатларда адолатсизлик каби ҳолатларнинг кучайишида намоён бўлади.

Сиёсатшунослик фанида ахлоқлашган сиёсат, ахлоқсиз сиёсат, муросавий сиёсат, ахлоқнинг автономлиги каби турлари мавжуд. Жумладан, В.Пугачев, А.Соловьевлар<sup>1</sup> сиёсат ва ахлоқ муносабатларига нисбатан турли қараш лар ва ёндашув таснифлари моҳиятини очиб беради. Масалан, улардан бири сиёсатда ахлоқий муносабатларни мутлоқлаштириш ва ҳар қандай ҳолатда сиёсат ахлоқий нормаларга риоя этиши лозимлиги тўғрисидаги қараш ларни илгари суриши таъкидланади. Ахлоқнинг автономлиги тўғрисидаги қараш тарафдорлари эса, сиёсат ва ахлоқ бири-бирининг ваколатларига аралашмаслиги, айна пайтда, ахлоқ

---

<sup>1</sup> Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. -М.: 2002. – 57 с.



фуқаровий ва шахсий масала, сиёсат эса, ахлоқий талаблардан ҳоли бўлган гуруҳ манфаатлари ўртасидаги ҳарама-ҳаршилик деб ҳарайди. Сиёсат ва ахлоқ муносабатларида муросавий ёндашув тарафдорлари сиёсатга ахлоқий нормалар таъсири бўлиши мумкин, айни пайтда, сиёсатнинг хусусиятлари ҳам инobatга олинаши, яъни сиёсат ва ахлоқ ўртасида мувозанат таъминланиши лозим деб ҳарайдилар. Аслида, бугунги сиёсат ва ахлоқ тўғрисидаги мунозара ҳам шу муаммоларга бағишланган. Яъни, тадқиқот мақсади ва унинг вазибалари сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминланиш орқали сиёсий ахлоқ категориясини асослаш ҳисобланди.

Шу ўринда мазкур масалаларнинг айрим жиҳатларини оидинлаштириш талаб этилади. Жумладан, сиёсий фанларда сиёсий ахлоқ, сиёсий этика, сиёсий маданият тушунчаларининг уйғун ва алоҳидалик хусусиятлари фарқини ажратиш лозим. Этика грекча сўз бўлиб, одат, кўникма, ҳати-ҳаракат маъноларини беради. Этика ахлоқдан фарқли ўлароқ масъулият юкламайди. У ёки бу ҳолатда инсон ўзини қандай тутиши тўғрисида маслаҳат беради. Этика энг яхши одат, ҳатти-ҳаракат турларини ўргатади. Сиёсий этика эса, конкрет сиёсий арбоб фаолиятига ёки маълум сиёсий ислохотларни амалга оширишдаги ёндашувларига, восита ва услубларнинг қўлланишига ҳамда танланишига нисбатан ишлатилган. Масалан, сиёсий ҳарорлар қабул қилиш этикаси, депутат этикаси, раҳбар шахс этикаси тушунчаларидир. Яъни бизда сиёсий этика тушунчаси одоб тушунчасига тўғри келмоқда. Ундан чикди, арбоб ёки раҳбар одоби билан сиёсий жараёнларнинг ахлоқий кадриятлар асосида бошқариш и лозимлиги тўғрисидаги мантикий хулосаларни ва илмий таснифларни келтириб чиҳаради. Сиёсий ахлоқ сиёсий этикани ўрганувчи муҳим фанлардан ҳисобланади.

Сиёсий ахлоқ сиёсий маданиятга нисбатан универсал ҳисобланади. Сиёсий маданият бу – сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир. Шунингдек, сиёсий институтларнинг характери, фаолият тартиби ва жамият сиёсий ҳаёти барча жабҳаларининг цивилизациялашганлиги даражасидир<sup>1</sup>. Модомики, шундай экан, сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданияти ахлоқий кадриятлар негизида шаклланади ва сўнгра сиёсий маданият даражасига кўтарилади. Агар сиёсий ахлоқ субъект ва объектга нисбатан умумий хусусиятга эга бўлса, сиёсий маданият конкрет ҳодиса. Яъни, мавжуд сиёсатни фуқаролар қандай тушунадилар ва шу тушунчалар асосида амалда унга қандай риоя этадилар. Бошқача қилиб айтганда, сиёсат ахлоқ тамойилларидан чекиниши мумкин, лекин, жамиятда фуқаролар сиёсий маданияти юқори бўлса, бундай сиёсатни ўзгартиришга, амалий фаолиятларига мослаштиришга

---

<sup>1</sup> Политология. Ўқув қўлланма. Абдулла Қодирий халқ мероси нашриёти. -Т. 2002.

эришадилар. Бу сиёсий маданиятнинг асосий ва муҳим белгиларидан бўлиб ҳисобланади.

Сиёсий ахлоқ фалсафа ва ижтимоий фанларга хос бўлган услублар орқали ўрганилади. Жумладан, сиёсатнинг миллийлиги, умуминсоний кадриятларга мослиги, воқеа ва ҳодисаларнинг тарихийлиги, конкретлиги, мантикийлиги, муносабатларнинг реаллиги, объективлиги, изчиллиги, боғлиқлиги сиёсий ахлоқ категориясини ўрганувчи, аниқловчи ва белгиловчи услуб бўлиб ҳисобланади. Шу услуб асосида сиёсий жараёнларнинг сиёсий ахлоқ категориясига мослиги масалалари тўғрисида илмий хулосалар, тавсиялар ишлаб чиқилади.

Инсон борлиги, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар ҳосиласи бевосита ахлоқда намоён бўлади. Ахлоқ оддийликдан мураккабликка ҳараб ўсиб борган. Бундай тадрижийлик инсон ҳаётида маънавий ва моддийликка бўлган эҳтиёжларнинг шаклланиши билан белгиланган. Яъни, инсоннинг ўз борлигини англаши унинг маънавий эҳтиёжларини кенгайтирган бўлса, мавжудлигини сақлаш ҳамда кафолатлаш эҳтиёжи эса, инсоннинг моддий олами ривожлантирган. Шу тариқа инсон бу талабларнинг уйғунлигини ахлоқий мезон билан таъминлашга ҳаракат қилган. Аммо, эҳтиёжлар ўсиши билан ахлоқий кадриятлар ҳам ўзгариб келган. Бу борада Аристотель шундай дейди: «Табиат инсонга интеллектуал ва ахлоқий кучни берган, аммо у, бу қуролдан тескари томонга ҳам фойдаланиши мумкин. Шунинг учун ахлоқий кафолатларсиз бўлган инсон энг муртад ва ёввойи мавжудотдир»<sup>1</sup>.

Сиёсат ва ахлоқ таълимотлари ривожининг янги босқичида алломанинг бундай башоратлари Н.Макиавелли томонидан амалда исботланади. Чунончи, «Мақсад воситани оқлайди» деган ғояси инсониятнинг шу давргача виждон олдидаги масъулиятини, аниқроғи ахлоқсиз сиёсий фаолиятдан уялиб юрган хатти-ҳаракатларини никоблашнинг ошқора сиёсий асосларини яратиб беради. Яъни, сиёсат қуролидан тескари томонга ҳам фойдаланиш мумкин эканлиги асосланди. Шу тариқа ҳукмдорлар, сўнгра сиёсий арбоблар эркин ва фаровон жамият куриш важида ҳар қандай йўллар билан бўлмасин, турли воситаларни қўллашни ихтиро қилиб келганлар. Умуман, шунга яқин ёки бундай сиёсатни тўлдирувчи ахлоқий кучни мутлоқ сиёсатга бўйсундиришга ҳаратилган ғоялар Наполеон, Гитлер каби ҳукмдорларнинг фаолиятларида ривожлантирилган. Уларнинг ҳар қайсиси ўз қарашларида мукамалликка, мутлоқликка даъво қилганлар.

Шу тариқа хирс ва нафс ижтимоий тараққиётнинг мезони қилиб олинishi, яъни уни ижтимоий ахлоқ даражасига кўтариш инсонларда зўравонлик хусусиятларини рағбатлантирган. Натижада эгоизм, нигилизм, индивидуализмнинг ҳаддан ташхари ижтимоий

<sup>1</sup> Аристотель. Политика. Соч.: В 4 т. Т.,4. -М.: 1983. -467 с.

иллатга айланишига сабаб бўлган. Албатта бугун биз Ғарб ва Шарқни бир-бирига ҳарама-ҳарши қўйиш ёки кимнингдир устувор томонларини бўрттириш мақсадидан йироқмиз. Бугун Европа Гитлер ғояларидан анча узоқлашган ва умуминсоний қадриятларни давлат тизимига сингдиришга муваффақ бўлган давлатлардан ҳисобланади. Аммо, улар босиб ўтган иқтисодий қаҳатчилик ва ўзаро хунрезликлар бугунги кунда биз учун тажриба бўлмайди. Аслида, жамиятни инкирозга олиб келган сабаблар замирида фақат манфаатлар - ҳокимият ва мулк мусодараси муаммолари ётади.

Шунинг учун сиёсатда ахлоқ бўлмагач, уни тасарруф этиш ўз ҳоличаликка ёки кучга асосланади. Бу борада француз файласуфи Гельвеций уч турли манфаатлар: индивидуал ёки шахсий манфаатлар, хусусий манфаатлар, муайян бир жамиятдаги у ёки бу ижтимоий гуруҳлар ҳамда бирлашган гуруҳларнинг манфаатлари ва ниҳоят жамият манфаатлари ёки ижтимоий манфаатлар ҳақида фикр юритади.

У ахлоқда кишилар, ижтимоий гуруҳлар ва жамиятни «бидъатлар»дан халос бўлишнинг бирдан-бир усули ва ҳақиқий фаровонликни аниқлашнинг воситасини кўради. Бу билан у умумий манфаатларнинг ҳақиқий аҳамиятини кўрсатиб беришга муваффақ бўлади. Бунинг учун маънавиятга тубдан зид бўлган шахсий манфаатларни енгиш ва умумий манфаатлар йўлида уларни бартараф этиш лозим, дейди. Файласуфнинг фикрича, жамиятдаги нуқсон—қусурларнинг кўплиги кишиларнинг қаҳр-ғазаб, арз-дод қилишида эмас, балки ҳуқуқшуносларнинг жоҳиллигига бориб тақалади: чунки улар шахсий манфаатларни умумий манфаатларга ҳарама-ҳарши қўядилар<sup>1</sup>. Агар умумий манфаатлар тўғрисида давлат қонунлари мукамал бўлса, шахсий манфаатлар эзгу ахлоқнинг манбаига айланади. Инсонларни фазилатли қилиш учун уларнинг шахсий манфаатларини умумий манфаатлар билан бирлаштириш лозим.

Шунга ўхшаш фикрлар Б.Г Капустиннинг қарашларида ҳам ривожлантирилади. Жумладан у шундай дейди: «Одамларни зиддиятга олиб келадиган учта қусур мавжуд. Булар: ҳарама-ҳаршилик, ишончсизлик, шуҳратпарастликдир. Инсонларнинг ҳарама-ҳаршилиги мулкни эгаллашга бўлган интилишида намоён бўлади. Ишончсизлик эса, ўз хавфсизлигини ўйлаб қурилган режа ҳисобланади. Шуҳратпарастлик унинг ориятини ҳимоя қилиш билан боғлиқ»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, агар инсоннинг худбинлик ҳолатидан келиб чиқадиган бўлсак, унда қандай қилиб одамларни ахлоқий талабларга бўйсунини ташкил этиб бўлади?! Реал ҳаётда инсон жамиятнинг

---

<sup>1</sup> Каранг: Янги ва энг янг давр Ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарқ, 2002. Б-74.

<sup>1</sup> Капустин Б.Г Различия и связь между политической и частной моралью. //Вопросы философии, -№ 2. 2000. -35 с.

катъий тартибларига итоат этишга мажбур бўлса. Шундай бўлгач, қачон ва қандай қилиб инсон ахлоқий мавжудот бўла олади? Бундай ижтимоий зиддиятли шароитда инсон фаолиятини ахлоқий мезонлар асосида сиёсатда қандай мувофиқлаштириш мумкин? Шунинг учун ҳам аксарият ҳолларда, афсуски, ҳокимият бошқаруви ва унинг сиёсати жамиятнинг ахлоқий даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Бизнингча, мазкур муаммоларнинг яна бошқа бирламчи сабаблари ҳам мавжуд. Биринчидан, жамиятда ахлоқий муносабатларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари бўлмаса, сиёсат адолат тамойилларига хизмат қилмаса, кишилар ўртасида ахлоқсиз муносабатлар устуворлик қилади. Иккинчидан, ахлоқсиз муносабатлар миллат табиати ва хусусияти билан боғлиқ бўлган иллатларда ҳам намоён бўлади. Учинчидан, миллат ва жамият доимо тарбияга, тафтишга муҳтож бўлади. Агар жамиятда ахлоқий даража Кант айтган миқдорда бўлмаса, унда давлат бу борада воситачи ролини ижро этиши лозим бўлади. Аммо, давлатнинг одамлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларга аралашуви ижобий ҳодиса эмас.

Кўриб турганимиздек, сиёсий ахлоқ муносабатларини ташкил этиш ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади. Бош масала, жамиятда фуқароларнинг қонунлар асосида яшаш рағбатини ўстириш учун қонунлар мукамал бўлиши, айти пайтда, унинг ижросини ташкил этувчи механизмларни жорий этиш лозим. Бунда инсоннинг маънавий комилликка интилиши баробарида ўз фаолиятини сиёсий ахлоқ мезонлари асосида қуриш ва унга амал қилиш рағбати ортиб боради. Муносабатлар тизимлаштирилмаган ва ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланмаган оддий ҳолатда манфаатларни қондириш илинжида юрган кишилар ўз истакларини жамиятда ғайриахлоқий ҳаракатлар билан қондиришга мажбур бўладилар.

Тарихий тараққиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, инсонлар моддий эҳтиёжларини ўз маънавий дунёси билан уйғунлаштиришда жамиятда ахлоқий қадриятлар ҳарор топиб боради. Аммо, муаммо шундаки, ахлоқий қадриятларни сиёсий мақсадларга бўйсундириш жамиятда маълум гуруҳ ёки маълум мафкура манфаатига ўтиб кетишга олиб келиши мумкин. Бундай ёндашувлар «ахлоқий» жиҳатдан мафкуралашган тоталитар давлатни вужудга келтирган. Шунинг учун ҳам сиёсат ва ахлоқ ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган мувозанатда бўлиши лозим. Сиёсатнинг ахлоқи шу компонентлар уйғунлиги асосида вужудга келади. Маънавиятсиз ҳуқуқ ёки маънавиятсиз сиёсат ахлоққа зид келади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, ҳар қандай давлат, жамиятнинг тарихий ва миллий ахлоқий қадриятлари асосида ривожланиши унинг барҳарор истикболини таъминлашга хизмат қилади. Давлатчиликнинг тарихий тажрибаларидан маълумки, бундай уйғунлик жамиятни ўз тараққиётида янги босқичларга кўтаради, ривожланиш омилларини кенгайтиради. Маънавий

тадрижийлик жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг аъна сифатида ҳарор топиб боришига хизмат қилади. Агар ижтимоий муносабатлар ахлоқий кадриятлар тизимига номувофиқ тарзда олиб борилса, жамият маънан инқирозга юз тутади, давлат бошқарувида парокандалик ҳукмронлик қилади. Кишилиқ жамиятининг бундай қонуниятлари ўз моҳиятига қўра ҳеч бир даврда ўзгарган эмас, аксинча оддийликдан мураккабликка ҳараб борган.

Европа уйғониш даври сиёсат ва ахлоқ муаммолари борасида улкан илмий ва маданий меросни вужудга келтирган. Масалан, Гоббснинг индивид ва ўз-ўзини сақлаш таълимоти, Локкнинг маърифат ва тенглик борасида яратган назарияси, индивид ҳуқуқлари масаласи, Монтескьенинг ҳокимиятларнинг бўлиниши ғоялари, Руссо, Бальзак, Дидронинг «Маърифатчилик фалсафаси», Юм, Ницше ва Кантнинг «Ахлоқ фалсафаси», Гегелнинг «Сиёсий мафқураси», Фрейд, Фромнинг<sup>1</sup> «Психоанализи», XX асрдан «Неокантчилик фалсафаси», Шопенгауэрнинг «Ирода фалсафаси», Освальд Шпенглернинг «Тарих фалсафаси», Анри Бергсоннинг «Ҳаёт фалсафаси», Экзистенциализм таълимоти, фрейдизм ва неофрейдизмнинг инсон масаласи, Герменевтика каби фалсафий дунёқараш ва бошқа шу каби йўналишлар Европа дунёсининг ахлоқий-маънавий ҳаётини тубдан ўзгартиришга сабаб бўлди<sup>2</sup>. Айни пайтда, мазкур илмий ғоялар янги Европа сиёсий жараёнларининг демократлашувига олиб келди.

Шу пайтгача сиёсат ва ахлоқ категориясига фақат фалсафа йўналишида этика фани муаммоси сифатида ҳараб келинган. Албатта, бундай муносабатларнинг мафқуравий сабаблари ҳам бор. Аммо бугунги бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган адолатли демократик жамият қурилишидаги ислохотларимиз ривожини, натижа ва самарасини турли ижтимоий ҳаракатларнинг манфаатларини мунтазам равишда таҳлилини олиб борадиган илмий услублар шаклланиши муҳим. Бизнингча, бу борада давлат ва жамият бошқарувида доир сиёсий ахлоқ муаммоларини ўрганиш масаласи назарий ва амалий жиҳатдан бироз орқада қолиб келмоқда.

Жамиятда адолат, тенглик ҳамда жамият неъматларини тўғри тақсимот қилиш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятларни табақалаштириш каби тамойилларга ҳаратилган қонунларнинг амалий натижаси сиёсий ахлоқни таъминловчи мезон бўлиб ҳисобланади. Яъни, адолат давлат тизимининг барча бўғинларида ўз ифодасини топиши сиёсатнинг ахлоқийлигини қафолатлайди. Бу борада И.А. Каримовнинг - «Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш - халқимиз маънавий-руҳий дунёсига ҳос энг

---

<sup>1</sup>.Фалсафа тарихи. -Т.: Шарқ. 2002.

<sup>2</sup> Каранг. Янги ва энг янги Ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарқ, 2002.

муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»<sup>1</sup>, деб жамият ва давлат ўртасидаги ахлоқий муносабатларнинг назарий моҳиятини очади. Яъни, демократик жараёнларнинг ахлоқий асосларини ривожлантиришда, авваламбор инсон манфаатларини таъминлашга ҳаратилган ҳуқуқий асосларнинг ташкил топтирилишига аҳамият берилади. Зеро, сиёсий институтларнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилмасдан демократик жараёнларнинг субъектив омил - шахс иродаси билан бошқарилиши ижтимоий ахлоқнинг турғунлигига, кейинчалик миллий тафаккурнинг котиб қолишига олиб келади. Собиқ тузум фаолиятида бундай ахлоқсиз сиёсат оқибатларининг гувоҳи бўлдик.

Таъкидлаш лозимки, баъзи ҳолатларда давлат сиёсати назарий жиҳатдан сиёсий ахлоқ тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиши мумкин, лекин, амалда ёки кундалик турмушда унинг ифодаси, яъни сиёсий жараёнлардаги ифодаси ўзгача бўлади. Бизнинг назаримизда, бундай номуносабликнинг сабаблари куйидагилардан иборат бўлади;

**Биринчидан**, давлат мустақиллигининг номиналлиги, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бошқа давлатларга тоъбелиги.

**Иккинчидан**, миллий кадриятларнинг жамият аъзолари томонидан идрок эта олинмаслиги, унга амал қилиб яшаш кўникмасининг йўқлиги.

**Учинчидан**, давлатда ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланмаганлиги ахлоқсиз ижтимоий муҳитнинг сакланиб қолишига сабаб бўлади. Бундай ижтимоий жараён қайтма механизм сифатида сиёсатда ўз ифодасини топади.

**Тўртинчидан**, жамиятда зиёлилар қатламининг маънан заифлиги, давлат бошқарувига бўлган таъсирининг сустлиги, норасмий гуруҳларнинг сиёсатдаги устуворлиги, шахс эркинлиги ва мустақиллиги тушунчаларининг мавҳумлиги.

Давлат ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг шаклланган сиёсий институтидир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг асосий қисми, ҳокимиятни амалга оширувчи восита. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни махсус тузилмалари - давлат органлари орқали амалга оширади<sup>1</sup>. Шу ўринда Абу Наср Форобийнинг қарашлари давлат ва жамият бошқарувидаги сиёсий ахлоқнинг шарқона моҳиятини очишга ёрдам беради ва бугунги ахлоқий жамият тўғрисидаги қарашларимизни янада бойитади, деб ўйлаймиз. Жумладан, Форобий - «Маданий жамият ва маданий

---

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон.1995. Б-250.

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ асослари.Изоқли луғат. -Т.: Ўқитувчи, 1996 Б-16.

шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шугулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон (подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади»<sup>2</sup>, деб таъкидлайди. Кўриниб турибдики, Форобийнинг ушбу таърифи асосида инсонлар амал қилиши лозим бўлган сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий тамойиллар ахлоқий қадриятлар нуқтаи назаридан ифодаланган. Айнан ана шундай ижтимоий уйғунлик сиёсий ахлоқни ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Форобий, Томас Мор ёки Кампонелло сингари утопик жамият куриш даъвосини қилмайди. Форобий мавжуд кишилиқ жамиятининг табиий қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда уни фаровонликка олиб келувчи ахлоқий омиллар тўғрисидаги бир қанча илмий қараш ларни ривожлантиради. Ахлоқ ва ахлоқсизлик билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради.

Шу маънода ахлоқли ва ахлоқсиз давлат бошқарув сиёсати фарқларини собиқ коммунистик тузумнинг ҳуқуқий асослари мисолида кўриш мумкин. Бунда давлат ва жамият бошқаруви якка мафкурага асосланиб, унинг манфаатлари давлат ихтиёрига бўйсундирилган. Сиёсат тоталитар зуғум ва зўравонликка асосланган. - «Собиқ совет тузumi оммавий қирғинлар эвазига вужудга келган ва мустаҳкамланган давлат ҳисобланади. Мазкур тузум ташқи ва ички сиёсатини маҳкама сифатида олиб борди ҳамда ялпи қатағонлар жараёнида ўз мақомига эришди. Бундан ташқари коммунизм сохта йўналиш бўлиб, унинг бутун куч-ғайрати жамият ҳодисаларига ялпи маъқулликни зўрма-зўраки тикиштиришга ҳаратилган. У саводхон, сиёсий онгли жамият, ижтимоий эволюция устидан назорат ўрнатиб, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни олдиндан белгилаб қўйилган мақсадларга йўналтира олади, деган тасаввурга асосланган»<sup>1</sup> дейди З. Бжезинский.

Ҳақиқатан, маълум бир тарихий даврнинг ўтиб бориши билан коммунистик мафкурага асосланган тузумнинг ахлоқсиз никобини кенгроқ идрок этиб бормоқдамиз. Шу ўринда Собиқ Иттифоқ Конституциясини таҳлилий жиҳатдан кузатадиган бўлсак, тоталитаризмнинг ёлғон ва икки юзламачи ахлоқсиз сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳам асосланганлигини аниқлаймиз. Жумладан, унинг 1 боб 2 моддасида «СССРда барча

---

<sup>2</sup> Форобий. Абу Носр. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий нашриёти. 1993. Б-190.

<sup>1</sup> Бжезинский З. Коммунизм талвасаси //Жаҳон адабиёти. 1997. № 6. Б-160.

ҳокимият халқникидир. Халқ СССРнинг сиёсий асоси бўлиб Советлар орқали ўз ҳокимиятини амалга оширади. Қолган барча давлат ташкилотлари халқ депутатлари Советларига бўйсинади ва унинг назоратидадир»<sup>2</sup>, дейилади. Тўғри, Конституцияга мувофиқ Советлар ташкил этилган, аммо унинг давлат ва жамият бошқарувида ҳеч қандай ваколати бўлмаган. Аниқроғи, шу Конституциянинг 6 моддасига кўра ундан-да реал ва устун ваколатга эга ташкилот борлиги кўрсатилади. Жумладан: «Совет Иттифоқи коммунистик партияси давлат ва жамият ташкилотларининг ҳамда унинг сиёсий тизимининг ўзаги, раҳбар ва йўналтирувчи кучидир»<sup>1</sup>. Балки шу ўринда Советлар сиёсий тизимининг асоси, асосининг ўзаги эса партия деб ҳам тушуниш мумкиндир. Аммо қандай тушунишдан қатъий назар Советлар роли шу модда билан пасайтирилган ва натижада партиянинг якка ҳукмронлиги сақланиб, ҳукуқий жиҳатдан асосланган. Бошқарув мавжуд ноахлоқий сиёсатни амалга ошириб, белгиланган қонунлар инсон манфаатларига зид бўлса-да, «танланган мақсадни» амалга ошириш ва ҳар қандай воситалар билан тўғрилигини исботлаш, унга сўзсиз амал қилиш кераклиги уқтирилган.

Бундай жамият ва унинг моҳияти тўғрисида ҳам Форобийнинг башоратлари тўғри келади. Жумладан, у шундай дейди: «Обрўпарастлар шахри (давлати) бир-бирларини макташни, кўкка кўтаришни яхши кўрадилар. Уларни ўзга халқлар сўзда ҳам, ишда ҳам улуғлашларини истайдилар. Бир-бирларининг олдида ёки бегоналар кўзига улуғвор, шон-шавкатли бўлиб кўринишни хоҳлайдилар»<sup>2</sup>. Собик совет ҳукумати айнан ана шундай ахлоқсиз сиёсат юритган.

Бугун Ўзбекистон мустақил давлатчилигимиз тараққиётини сарҳисоб қилар эканмиз, бозор иқтисодига асосланган демократик жамият барпо этиш йўлидаги ислохотлар натижаларини таҳлил этиш имкониятини беради. Энг аввало, адолатли жамият барпо этишнинг ҳукуқий асослари яратилмоқда ва бу борадаги ислохотлар демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга ҳаратилмоқда. Аммо, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан энг самарали ислохотлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан англаб етилмас экан, у ислохотлигича қолиб кетаверади. Шу ўринда савол туғилади - биз қандай иллатларимиздан воқиф бўлишимиз керак, бизнинг самарали ривожланишимизга қандай қусурлар тўсиқ бўлмоқда?! Бу борада Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқларидан тегишли хулосаларни чихариш мумкин.

---

<sup>2</sup> СССР Конституцияси. -Т.: Фан. 1978. Б-12.

<sup>1</sup> СССР Конституцияси. -Т.: Фан. 1978. Б-13.

<sup>2</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. -Т.: Абдулла Қодирий нашриёти. 1993. Б-162.



Биринчидан, собиқ тузумнинг салбий таъсири натижасида кишиларимиз онгида қонунга беҳурматлик, уларнинг талабларига итоат этмаслик хусусиятларининг ўрнашиб олганлигидир. Айни пайтда, кузатувчанлик, айрим ҳолатларда ишончсизлик, ҳадиксираш, кўр-кўрона маъқуллаш, жамоавий ташаббуснинг сустиги каби иллатларимиздан соқит бўлишлик талаб этилмоқда.

Иккинчидан, қонунга ҳурмат масаласида бошқаларга ўрناق кўрсатиши лозим бўлган айрим мансабдорлар, давлат ходимларининг ёшларимизга ибрат бўлмаслиги каби иллатлар ҳамон кўришиб турибди. Зеро, одамларнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ҳокимиятга бўлган ҳурмати билан чамбарчас боғланганини чуқур англашимиз муҳим.

Бугунги мураккаб ўтиш даврида, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини мунтазам, барҳарор ҳамда самарали ишлаштини таъминлашда, энг аввало руҳиятимиздаги иллатлар моҳиятини ва улар билан боғлиқ муаммолар кўламини аниқ тасаввур этмоғимиз зарур. Зеро, жамият аъзолари ва унинг барча қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаратилган давлат бошқарувини ташкил этиш ва бунда ахлоқий қадриятларнинг тизим сифатида шаклланишини таъминлаш баркамол шахсларнинг Ватан равнақи йўлида фидойилигини талаб этади.

Ўзбекистоннинг тараққиёти ва кейинги ривожланиш истиқболларини сарҳисоб қилар эканмиз, унинг ўтмиш тарихий ривожига завоқ бўлган омилларни аниқлаш ва улардан тўғри сабоқ чиҳармоқ истиқболимизнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда ижтимоий турмушимизда мавжуд иллатлар билан сакланиб келаётган ўтмиш сарқитларимизнинг негизларини ҳали шаклланиб улгурмаган иқтисодий технологик омиллардан эмас, балки, ўзбек халқини бир асрдан кўпроқ даврда истиқбод исқанжасида саклаб келган маънавий-руҳий таназзулидан изламоқ ва шу туфайли келиб чиққан фожиалар кўламини аниқламоқ, хулоса чиҳармоқ лозим бўлади.

Президент И.А.Каримов - «Бирон бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»<sup>1</sup> деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, сиёсий ахлоқ жамиятда ижтимоий қатламларнинг манфаатини ҳимоя этишга ҳаратилганлиги билан ажралиб туради. Бундай эҳтиёж, аввало миллий манфаатлар умумийлигида ўз ифодасини топишга ҳаратилади.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги миллат олдида тубдан янги истиқбол уфқларини очиб берди. Булар аввало, давлатимизнинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. Б-137.

сиёсий мустақиллиги ва унинг фуқаролари озод эканлигини билдирса, иккинчидан, бундай хурриятнинг абадийлигини таъминлашга ва мустаҳкамлашга ҳаратилган энг масъулиятли вазифа тарихий давлатчилигимиз анъаналари билан ҳамоҳанг тарзда дунёвий давлатни барпо этиш билан белгиланади. Чунки, демократия ҳар бир миллатнинг тарихий маданиятига, ўзига хос хусусиятларини умуминсоний кадриятлар асосда уйғунлаштира олгандагина ўз самарасини бера олади. Бугунги кунда демократик жараёнларнинг сиёсий ахлоқ кадриятлари асосида шакллантириш ҳамда уни ижтимоий турмушнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш давлатнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий негизларининг мустаҳкам тизимида ўз аксини топади ва амалда рўёбга чихарилади. Бу жараёнлар аввало, давлат бошқарув воситаларининг мукамаллигида ва унда қонунларнинг амалда устувор эканлигида, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг маърифийлигида, демократик жараёнларнинг собитқадамлигида, жамиятда ижтимоий адолатнинг таъминланганлигида, миллий руҳиятнинг ва маънавий ахлоқнинг умуминсоний кадриятлар билан ҳамоҳанглигида намоён бўлади. Жамиятда демократик жараёнларнинг шу тарзда уйғунлашуви ҳамда уларнинг бир маромдаги ҳуқуқий фаолияти сиёсий ахлоқнинг вужудга келишига хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистон босиб ўтган қисқа тарихий муддат тажрибалари натижаларидан ҳамда шу давр ичида шаклланаётган давлат бошқарувидаги амалий ва назарий тамойилларидан келиб чиқиб, унинг айрим миллий тараққиёт хусусиятлари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Жумладан, мустақилликнинг илк йиллариданок мамлакат тараққиётининг маънавий - ахлоқий асослари ишлаб чиқилди. Умуминсоний кадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш, ватанпарварлик каби тўрт асосий негиз Ўзбекистон ривожланишининг ахлоқий асослари сифатида қабул қилинди. Янги, мустақил тараққиёт истиқбол режаси ва уни амалга оширишнинг босқичма-босқич сиёсий механизмлари белгиланди. Мавжуд миллий интеллектуал салоҳият ягона мақсад – бунёдкорлик ишига сафарбар қилинди. Ислохотларнинг асоси миллий – маънавий, ахлоқий кадриятлар негизига қурилди. Маънавият миллий тикланишни таъминловчи устувор омил сифатида ҳаралди. Жамиятда турли ижтимоий қатламлар манфаати уйғунлигини ва уни мувофиқлаштирувчи меъёрларини белгиловчи бош ислохотчи давлатнинг «кучли давлатдан – кучли жамият сари» гоёси илгари сурилди.

Аммо мавжуд эришилган ютуқларни асраш ва янада мустаҳкамлаш, белгиланган назарий тамойилларни ривожлантириш учун миллий ахлоқий кадриятларга зид бўлган ижтимоий иллатларнинг келиб чиқиш сабабларини, омилларини мунтазам

равишда илмий жиҳатдан ўрганишни ташкил этиш демократик жараёнларнинг барҳарор ҳамда мустаҳкам тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Чунки ҳар қандай юксалиш ҳимога муҳтож бўлади. Бундай хавфлар, аввало жамият барҳарорлигини, иқтисодий, ижтимоий йўналишларни издан чиқаришга ҳаратилган ғайрияхлоқий ҳаракатларда намоён бўлади. Айтиш жоизки, собиқ шўролар худудида «демократия» деб аюҳаннос солган аксарият мамлакатлар олиб бориган сиёсатларида ижтимоий ёвузликнинг барча кўринишларини амалга ошириб бўлди. Бу фожиаларнинг барчаси «мавҳум демократияга», бировдан олинган «андоза демократияга» интилиш оқибатида намоён бўлади. Натижада ижтимоий иллатларнинг зиддиятли ва ихтилофли ривожини келтириб чиқарган айрим шахслар ёки гуруҳларнинг масъулиятсиз сиёсий фаолияти бутун бошли халқларни пароканда бўлишга олиб келди.

Жаҳонда демократик жамиятнинг универсал андозаси йўқ. Ўзбекистон ўз сиёсатида тарихий-миллий анъаналарига, маданиятнинг ўзига хос хусусиятларига таянмоқда. Устувор вазибалардан бири мавжуд миллий салоҳиятга суянган ҳолда жамиятда иқтисодий барҳарорликни таъминлашга, бозор иқтисоди ислохотларининг жадаллашувига ҳамда мамлакат кудратини мустаҳкамлашга ҳаратилди.

Мавзумизда сиёсий ахлоқ тўғрисидаги тушунчаларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги хулосаларга келамиз:

**Биринчидан**, сиёсий ахлоқ категориялари мазмун ва моҳиятан бир мақсадга – инсон манфаатига хизмат қилишга ҳаратилган. Шу жиҳатдан уларнинг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда мувофиқлаштириш даражаларини ривожлантириш муҳим илмий аҳамият касб этади. Мазкур йўналиш сиёсий ахлоқ категорияси орқали шакллантирилади.

**Иккинчидан**, сиёсат ва ахлоқ муносабатларининг мувозанати орқали сиёсий ахлоқ категорияси мезонлари шакллантирилди. Сиёсий ахлоқ ва ахлоқсиз сиёсат таҳлиллари илмий жиҳатдан асосланди. Сиёсий ахлоқ илмий категория сифатида таснифлари белгиланди.

**Учинчидан**, сиёсий ахлоқ категорияси жамият сиёсий, ижтимоий, маънавий воқеликларини инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракати аниқроғи, умумэтироф этилган миллий, анъанавий ва замонавий нормаларга мос келишини таъминловчи ҳамда белгилувчи услуб сифатидаги аҳамияти очилди. У инсоннинг хулқ - атвори ва истак-майлларини ички тартибга солиш, адолат, тенглик, ҳуқуқий муносабатлар устуворлиги, фуқаро ва жамият сиёсий манфаатларини уйғунлаштиришга ҳаратилган илмий омиллари очиб берилди.

**Тўртинчидан,** сиёсат, ахлоқ, сиёсий этика, сиёсий маданият, айни пайтда, сиёсий ахлоқнинг турлари ва алоҳида хусусиятлари ишлаб чиқилди.

**Бешинчидан,** давлат бошқаруви борасида сиёсат ва ахлоқ тамойилларини амалий фаолиятга кўчириш, унинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқиш, ёки унга қандай омиллар тўғанок бўлаётганлигини таҳлил қилиб бориш, сиёсий ҳаётни мунтазам мониторингини ташкил этиш сиёсатни сиёсий ахлоқ тамойиллари негизида олиб боришнинг тавсияларини ишлаб чиқиш имкониятларини беради. Яъни ижтимоий жараёнларнинг сиёсий ахлоқ тамойилларига мувофиқлик даражасини белгилаш, халқнинг миллий ва умуминсоний кадриятларга қанчалик амал қила олаётганликларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб бориш, айни пайтда, сиёсий институтлар фаолиятининг изчил ва халқчиллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган илмий дастурларни ишлаб чиқишга, хулосалар беришга хизмат қилади.

## **1.2. Сиёсий ахлоқ ва унинг мувозанати тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши**

Ҳар қандай давлат ўз жамиятининг тарихий, маданий ва ахлоқий мероси негизлари асосида ривожланади. Бундай уйғунлик халқни ўз ривожланиш тараққиётида янги босқичларга кўтаради, унинг истиқбол омилларини кенгайтиради. Жаҳонда тараққий этган халқлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ўз эҳтиёжларини тўла қондиришга, фаровон ҳаёт кечирishга эришганлари ва маданий салоҳиятлари юксакликка кўтарилиб боргани сари, уларнинг ўзлигини англашга, айни пайтда, маънавий заминларига интилишлари кучайиб бораверади. Шу сабабдан ҳам давлатчилик ривожини миллат маданиятининг маҳсули бўлиб ҳисобланади.

Президент И.А.Каримов «Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан

олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар егишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, Мовароуннахрда пайдо бўлган улкан маданий мерос инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий маданият сифатида давлатчилик ташкил топишининг ахлоқий асосларини яратишга хизмат қилган. Айни пайтда, мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти халқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан ва маънан соғлом ҳамда бақувват бўлишда, олдимизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Зеро, миллат руҳияти кучли бўлсагина, давлат тараққиёти ва истикболи порлоқ бўлади.

Ана шундай миллий руҳиятимизнинг маънавий ва ахлоқий манбаси бўлиб келаётган куч – «Авесто» дир. Мазкур бебаҳо маънавий меросимизни аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қараш лар йиғиндиси, дейиш мумкин. «Авесто»да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғояимизнинг бош йўналиши – адолатпарвар, демократик жамият барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини кузатамиз.

Мазкур тарихий асарда, аввало инсоннинг ахлоқий қомиллиги, маърифий етуқлиги, руҳий соғломлиги масалалари устувор қўйилади. Масалан, С. Отамуродов шундай таъриф беради: ««Авесто»нинг Ясна китобида Ахурамазда - «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман», дейди. Ахурамазда инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан холи бўлишга ишора қилади. Жумладан, каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор қараш лар ахлоқий тамойиллар сифатида белгиланган. «Авесто»да яхшилик, гўзаллик, адолат, эзулик, ёруғликнинг ҳимоячиси Ахурамазда тимсолида, зулм, ноҳақлик, хунуқлик, ёвузлик каби барча салбий иллатлар эса Анҳра Манё тимсолида кўрсатилган»<sup>1</sup>. Ушбу қадимги манбада жамият ва инсон муносабатларида ахлоқий қадриятларнинг шаклланаётганлиги, айни пайтда, тизимий хусусият касб этаётганлигини кўрамиз. Шу тарика «Авесто» ўша замонда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ахлоққа бўлган эҳтиёж ва зарурият натижасида юзага келган манба бўлиб ҳисобланади дейиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 7- жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1999. Б-132

<sup>1</sup> Отамуродов С. «Авесто» миллий ғояимиз манбаи // Жамият ва бошқарув. № 2. 2002. Б-34.

«Авесто»да энг муҳим масалалардан бири-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишидир. Унда инсон ҳаёти ва одамларнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатлари маълум қонун-қоидаларга асослангани ҳақида маълумотлар берилади. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, ер, сув, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш барча нарсадан устун ахлоқий бурч бўлиб саналган.

Оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: «О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказди. О Спитама, аҳдингни бузма...» («Яшт», X боб.)<sup>1</sup>

«Авесто» да илгари сурилган ғоялардан яна бири - давлат ва уни идора этувчи ҳокимлар ҳақидаги фикрлардир. Бу борада «Яхшилик таълимини ва садоқатни амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳуқум юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар...» деб кўрсатилган. («Ясна» 48)<sup>2</sup>.

Тарихий ҳужжатлар асосида айтиш мумкинки, «Авесто»нинг «Ясна», «Виспарад», «Яшт», «Видевдот» китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таълимотлар Юнон ва Рим ҳуқуқидан ҳам қадимий ҳисобланиб, улар жамиятда ҳуқуқий тизимни ривожлантиришда катта манба бўлиб хизмат қилган. Шу тариқа «Авесто» Грек мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари ижодига ўзининг ҳар томонлама муқамаллиги билан таъсир кўрсатган. Ёш олим Р. Абдукомиллов тадқиқотларида «Авесто»да инсон эркинлиги ҳуқуқи, жисмоний ва ҳуқуқий жиҳатдан шахс эркинлиги, эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи, озчиликнинг ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳуқуқи, виждон, эътиқод ва дин эркинлиги, жамоа ва гуруҳларнинг ҳуқуқи, мол-ҳол ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, шартномаларнинг мажбурийлик ҳуқуқи, қасддан ва беҳосдан жиноят содир этиш оқибатлари каби ахлоқий-ҳуқуқий масалалар ишлаб чиқилган<sup>3</sup>.

«Авесто»да баён этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё ҳудудида инсоният тарихида илк давлатчилик маданияти шакллانган, қонунлар ишлаб чиқилган,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Сағдуллаев А., Аминов Б, Мавлонов Ў, Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. -Т.: Академия, 2000, Б-31.

<sup>2</sup> Қаранг: Отамуродов С. «Авесто» миллий ғоямиз манбаи // Жамият ва бошқарув. 2002, № 2.сон, Б-36.

<sup>3</sup> Абдукомиллов Р. Авестийские текст о государственности и праве: вопрос генезиса и эволюции структур // Ўзбекистон тарихи, 2000, № 3, Б-22.

улар ҳаётга тадбиқ қилинган. Бундан ташҳари, адолатли қонунлар ва яхши ҳокимлар тўғрисида илгари сурилган ғояларга таяниб айтиш мумкинки, «Авесто»да умуминсоний кадриятлар билан боғлиқ бўлган ахлоқий қараш ларнинг илк назарий кўринишлари ўз ифодасини топган. Аини пайтда, сиёсий муносабатларнинг негизи бўлиб хизмат қилган.

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эркинлик ахлоқий кадриятлар билан барҳаёт бўлиб, инсоният учун қулфатлар келтирувчи урушларга, ёвузликка ҳарши халоскор ғоялар сифатида вужудга келган. Шу тариқа IX ва XIII асрлар Ўрта Осиё халқлари ўз мустақиллиги йўлидаги курашлари ва интилишлари бу ўлканинг маънавий жиҳатдан юксалишига олиб келади. Мовароуннаҳр олимлари - Мотурудий, Бухорий, Термизий, Насафий, Ясавий, Паҳлавон Маҳмуд, табиатшунос олимлар - Хоразмий, Фарғоний, Журжоний, Чағминийлар, қомусий билим эгалари Форобий, Ибн Сино, Беруний шу даврнинг маҳсули бўлиб вояга етди. Румий, Фирдавсий, Рудакий, Носир Хисрав, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Наршахий, Байҳақий каби файласуф, тарихчи, шоирлар шу даврда яшаб ижод этдилар. Шу тариқа Ўрта Осиёда IX – XIII асрларда яратилган маданият давлатчилик ривожига янги назарий қараш лар ва таълимотларнинг вужудга келишига замин тайёрлайди.

Илк Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан бири Абу Носр Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий сабабларини, адолат ва ахлоқ шаклланишининг узвий қонуниятларини, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини, аини пайтда, жамоаларнинг ижобий ва салбий хусусиятларининг таснифларини яратади. Бу билан аллома давлат бошқарувининг мунтазам ва изчил тизимини шакллантиради. Жамиятнинг ривожланиб боришини фозил шахсларнинг ахлоқий фазилатлари билан боғлайди.

Форобий жамиятнинг келиб чиқиши устида мулоҳаза юритар экан, ҳар қандай зўравонлик таълимотини инкор этади, табиий эҳтиёжлар ҳақидаги ғояларни илгари суради. Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бирлари билан бирлашишига, жамоа сифатида уюшишига, ўзаро ҳамкорликка олиб келади. У давлатга - ўз аҳолисини бахт-саодатга етакловчи восита сифатида ҳарайди ва бундай восита инсон, жамоа эҳтиёжи билан боғлиқ ахлоқий омилларни очиб беради.

Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги адолатли давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий-ахлоқий тамойилларини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шаҳрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қурилишининг бевосита назарий талаблари билан уйғун

келади. Бу борада Форобий «Уларнинг ўзларидан сайланган рахбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озоликка чиҳарадилар, уларни ташки душмандан муҳофаза қиладилар»<sup>1</sup>, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ сиёсий ва ахлоқий кадриятларни тизимлаштиради. Яъни сиёсий фаолият ахлоқий кадриятлар асосида ўз ифодасини топиб боради.

XI асрда яшаб ижод қилган Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий ўзининг «Кимиёи саодат» асарида жамият ва инсон маънавий ҳаётининг энг муҳим ахлоқий қоидаларини ривожлантиришга эътиборини ҳаратади. Бу борада Муҳаммад Ғаззолий инсон ҳақиқатининг мазмуни ва моҳиятини асослашга ҳаракат қилади. Масалан, у шундай дейди; «Билгилки, дилнинг ҳақиқатини танимок то дилнинг вужудин билмагунча ҳосил бўлмас. Аввал дилнинг вужудин билгайсен. Андин кейин дил ҳақиқатини танимокни талаб қилгайсенким, ул нечук нимарсадур?»

Аммо дилнинг вужуди зоҳир билан бирла эрмасдурким, бадан ўлуқларда ҳам бордур. Аммо жон йўқдур. Бизлар дил деб ҳақиқатни руҳни айтурмиз»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мутафаккир, аввало, инсоннинг руҳий оламини бойитишга, унинг асосида нима бирламчи бўлмоғи лозимлигига ҳаратилган ғояларни илгари суради. Бундай ғояларнинг заминида ўзликни англаш, ҳақиқатни таниш ва шу орқали дилнинг муолажасига эришиш каби муаммоларнинг ечимини кузатиш мумкин.

Ғаззолий нафақат инсон масалалари, балки жамият ва давлат қурилиши муносабатлари билан ҳам шуғулланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу борада у шундай ёзади: - «Бас, одам ҳамма ҳожатини ўзи тамом қилолмас. Ғайрига ҳожати тушган сабабдин халқаро хусумат пайдо бўлур. Ва ҳар киши ўз ҳаққига ризо бўлмай, бир-бирига қасд қилурлар. Бу важҳдин яна уч сифатга ҳожат тушар. Бири салтанат ва сиёсат, яна бири қазо(қозилик) ва ҳукумат, яна бири сифат фикҳким, мунинг бирла сиёсат ва салтанат конунини халқга жорий қилғай»<sup>2</sup>. Бу ерда Ғаззолий инсон, жамият ва давлат муносабатлари ҳамда адолатга олиб келувчи улар ўртасидаги сиёсий масъулиятлар тақсимотини баён этган. Яъни ҳокимият турлари ва улар ўртасидаги мувозанат асослаб берилган. Бундай ёндашув бугунда ҳам демократик давлат тузилишида сиёсий тизимларнинг асосини ташкил этади.

---

<sup>1</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Халқ мероси нашриёти. 1993, Б-190.

<sup>1</sup> Ғаззолий З.М. Кимиёи саодат. -Т.: Камалак, 1994, Б-64.

<sup>2</sup> Ғаззолий З.М. Кимиёи саодат. -Т.: Камалак, 1994, Б. 64-65.



Давлат ва унинг бошқарувига дахлдор ахлоқий масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам катта ўрин тутган. «Кутадғу-билиг» ижтимоий - фалсафий асар бўлиб, дoston муаллифи ўз замонасининг илмини мукаммал ўрганган етук маърифатли шахслардан бўлган. У юнон фалсафасини чуқур билиб, давлат бошқарувида ахлоқий қарашларни дostonда кенг шакллантирган. «Кутадғу билиг» давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ҳамда сиёсий-ахлоқий муносабатларнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги фикрларни мужассам этган «сиёсатнома»,- деб ҳисоблаш мумкин<sup>1</sup>. Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари унинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг фикрича, ҳокимларнинг ва уларга тобе кишиларнинг ҳар томонлама ахлоқий камол топиши давлатнинг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига, обрў-эътиборининг ошишига олиб келади<sup>2</sup>. У давлат бошқаруви ва сифатини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, «Шоҳликка даъвогарлик онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир қўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди»<sup>3</sup>, -деб барча ишларда тажрибали, ёмонликни дарҳол сезувчи, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифатга ташна, кичикларга таянувчи, адолатпарвар, садоқат каби сифатларнинг соҳиби бўлиши шартлигини таъкидланади.

Шу тариқа жамият ривожини ва тақдири учун масъул бўлган шахсларнинг ахлоқий сифатлари таснифини ривожлантириш билан адолатли давлат бошқарувини ташкил этишга катта эътибор ҳаратган. Айни пайтда, давлат бошқаруви учун масъул шахслар жамиятнинг илмий ва маданий салоҳиятини, адолатли давлат асосларини яратувчи куч деб билган. Масалан, у, зиёлилар тўғрисида шундай дейди: - «Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмаганда, ерда ризқ-рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машъалдир. Донишларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини қондиришга ҳаракат қил»<sup>4</sup>. Демак, агар биз демократияни жамиятнинг юксак маданий шакли деб ҳарайдиган бўлсак, унда аждодларимиз яратган мерос бевосита адолатли давлатнинг ахлоқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ибн Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларнинг буюк намояндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий фикрлар тарихига улкан ҳисса қўшган асарлар муаллифи, комусий олим - мутафаккирдир. Ибн Сино фалсафани

---

<sup>1</sup> Қаранг: Юсуф Хос Қожиб. Кутадғу билиг. -Т.: Фан, 1971.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Ўзбекистон, 1995. Б-93.

<sup>3</sup> Юсуф Хос Қожиб. Кутадғу билиг. -Т.: Фан, 1971. Б-329.

<sup>4</sup> Юсуф Хос Қожиб. Кутадғу билиг. -Т.: Фан, 1971. Б. 649-651.

назарий ва амалий фалсафага ажратади. Ижтимоий-сиёсий масалалар, давлат, жамиятнинг тузилиши, вазифалари, жамоани бошқариш, инсоннинг ахлоқий мезонлари ўрганилади. У фалсафани ўз вазифаси ва предметига ҳараб уч қисмга бўлади. **Ахлоқшунослик** - бу инсон шахсиятининг фазилатлари, ахлоқий тушунчалар, қоидаларни ўрганади; **иктисодиёт** - оилани бошқариш, унинг талабларини, вазифа ва фаолиятини таъминлаб туриш учун зарур бўлган масалаларни ўрганади; **сиёсат** - бу давлатни идора этиш ва бошқариш, ҳукумат ва фуқароларни ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш масалаларини ўрганади<sup>1</sup>. Унинг «Ишорат ва Танбихот», «Рисолату тадбири манзил» каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишлаган. Шарқшунос олим Л.Г. Салдадзе «Ибн Сино» номли асарида унинг «Шарқ фалсафаси» ва «Адолат» деб номланувчи 20 жилдди асари бўлганлиги тўғрисида маълумотларни келтиради. Бу асарда 28 минг адолат муаммоларига бағишланган мавзулар баён этилганлиги таъкидланади. Китоб 1947 йилда Мисрлик олим Абдурахмон Бадавий томонидан 20 жилддан қолганларини умумлаштириб нашр этганлиги маълум қилинади<sup>2</sup>.

Давлат бошқаруви, унинг мукамал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига ҳараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмаслик, қолаверса, бир кишига барча ваколатларни бериш зиёнлари, давлат амалларини топширишда назорат қилиш чораларини кўриб бориш ҳамда уларнинг итоат ва ижро сифатлари билан давлат истикболини ва бунда бошқарувнинг бир маромдаги фаолиятини таъминланиш тўғрисидаги фикрларини ривожлантиради. Айниқса, Низомулмулкнинг - «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тadbир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак»<sup>1</sup>, деган қарашлари ажодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига нечоғли даражада аҳамият берилганлигидан далолат беради.

Маълумки, ислом дини ижтимоий дунёқараш сифатида кенг тарқала бориши билан унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий, маънавий асосларини ишлаб чиқишга эътибор кучайиб борган. Диний, фалсафий тадқиқотларда борлик, мавжудлик, инсонпарварлик, адолат, инсоф, диёнат, виждон, адолат каби инсон руҳиятини поклаш орқали хуррият йўлига чорлайдилар. Бу борада Ж. Румий «Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бирок

---

<sup>1</sup> Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. -Т.: Ўзбекистон, 1995. Б-67.

<sup>2</sup> Салдадзе Л.Г. Ибн Сино. -Т.: Литература и искусство, 1985. Стр-378

<sup>1</sup> Низомулмулк Сиёсатнома. -Т.: 1997. Б-75.

зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларини ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машгулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир»<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ж. Румийнинг қараш ларида инсонлар ўртасидаги фарқ уларнинг комиллигига асосланади. Шунинг учун у дунёга ирки, дини, миллати, табақасидан қатъий назар, барча инсонларга баробар муурожаат қилади<sup>3</sup>.

Миллий ижтимоий-сиёсий тараққиёт ривожининг ахлоқий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти алоҳида муҳим ўрин тутаети. Уни пайдо бўлишининг ижтимоий сабабларини Н. Комилов кўйидагича таърифлайди: «Тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Куръон ва ҳадислар ҳикматидан озикланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратларга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўларок меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Ушбу таълимотнинг эл орасида ёйилиб, фикрий янгиланишларга қаноат бергани, Ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар юрагини банд этганига сабаб шу»<sup>1</sup>. Айни пайтда, айтиш мумкинки, тасаввуф давлат бошқарувидаги тахт талашишлар, ўзаро низолар, жамиятдаги адолатсизлик, зулум ҳамда диний зуғумнинг тажовуз ўтказиш воситаси тусини олганда унга ҳарши сиёсий-ғоявий ва мафкуравий куч сифатида майдонга келаети. Тасаввуф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, инсоф, имон, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи футувватга асосланган бир қанча диний сиёсий оқимлар пайдо бўладики, улар жамиятнинг ахлоқсиз унсурларига ҳарши кўйилади.

Шу тариқа халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган сўфий шайхлар сиёсатга бевосита аралашиб келганлар. Сиёсатга нисбатан Амир Кулолнинг ўғли Амир Умар (1406 й. вафот эт.) ўз муносабатини билдирган. Унга шундай нисбат берадилар: «Билгилким сиёсат - тутиб туриш ва тартибга солишдир, ёмон кишиларни қўрқинч ва титроқда тутмоқ, яхшиларни тақдирламоқ керак. Агар сиёсат бўлмаса, давлатнинг муҳим ишлари амалга ошмайди; агар тартибот жазо қонунлари бўлмаса, давлат ишлари ҳам ўнгланмайди, чунки ҳукмдорнинг, жамоанинг кўрки, давлат ва

---

<sup>2</sup> Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир. -Т.: Ёзувчи, 1997. Б-51

<sup>3</sup> Фиш Ради. Жалолиддин Румий. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986. Б-241.

<sup>1</sup> Комилов. Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. -Т.: Ёзувчи, 1996, Б-4

диннинг ривожи сиёсатдир»<sup>2</sup>. Айтиш мумкинки, тасаввуф таълимоти вакиллари ўз ғоялари билан давлат ва халқ ўртасидаги ахлоқий муносабатларни боғловчи воситачиларга айланганлар. Шу тариқа бугунги кунда тасаввуф фалсафасининг буюк намояндлари Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор, Баҳоуддин Нақшбанд, Саййид Амир Кулол ва бошқаларнинг асарларини сиёсатшунослик фани нуктаи назаридан ўрганишни долзарб вазибалар каторида кўрамиз.

Мусулмон адабиётларда ҳукмдорларга қилинган насиҳат ғоялари анча кеч, ўз ҳукмронлигининг қонуний жиҳатларини рўқач қилиб давлатни сулола қўлида тутиб туришга ҳаракат қилган Уммавийлар ҳукмронлигининг (661-730) сўнгги чоғларидан туғила бошлаган эди. Адабиётдаги бундай қараш лар Аббосийлар (750-1258) даврига келиб алоҳида жанр сифатида шаклланди. Ушбу сулола ҳам ўзига ҳарши турғувчи ҳар қандай кучни бошиш учунгина эмас, балки ҳокимиятда ўз-ўзини мустаҳкамлаш учун Уммавийларнинг аччиқ тажрибасидан фойдаланади. Бунинг учун Умайядлар даврида қабул қилинган ўз ҳукмронлигининг қонунийлиги ҳақида бериладиган «уламо»лар фатволари яроқсиз эди, негаки уларнинг ўта чигал диний-ҳуқуқий ислохотларини, кўп ҳолларда, кенг омма тушуниши анча мушкул эди. Ана шу жараёнда давлатнинг диний-сиёсий қурилишига бағишланган илмий-ахлоқий қараш лар ҳам юзага кела бошлади. Ушбу мавзуга бағишланган асарларнинг бошламаларида, одатда улар тортиқ этаётган халифалар учун насиҳатлар битилган<sup>1</sup>.

XIII-XIV асрларда Ўрта Осиёни муғуллар томонидан истило қилиниши иқтисодий ва маънавий ҳаётга катта салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатда жабр-зулм ва зўравонлик кучаяди, меҳнаткаш халқ ҳаттиқ эзилади. Жуда кўп маданий бойликлар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар йўқ қилинди, санъат ва илм-фан вакиллари олимлар, шоир ва ёзувчилар, мунажжимлар, меъморлар ва мусаввирлар ўлдирилди, омон қолганлари Шимолий Ҳиндистонга, Ғарбий Эрон ва Хуросон вилоятларига қочиб жон сақлаб қолдилар<sup>2</sup>.

Айнан мана шундай мураккаб даврда Амир Темурнинг (1370 йил) сиёсий саҳнага келиши ва мустақил давлат барпо этиши Ўрта Осиё халқларининг муғул истилосидан, ўзаро ички низолардан қутулишига олиб келади. Мамлакатда ўрнатилган барҳарорлик марказлашган давлатнинг тез орада мустаҳкамланишига, сиёсий

---

<sup>2</sup> Мақомат-и саййид Амир Кулол. Қўлёзма. ЎзФА ШИ. № 8667. в. 103 а-б.

<sup>1</sup> Қаранг: Grone R.Hinds M.Godis Caliph: Religious Autoriti in the First Centuries of Islam Cambridge, 1968, pp.7-12,14-16.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. - Т.: Ўзбекистон, 1995. Б-67.

кучлар таркоқлигини бартараф этишга, турли ислохотларнинг амалга оширилишига, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига туртки бўлди. Темур асос солган улкан ва кудратли давлатнинг пайдо бўлиши ва унда турли халкларни бирлаштирган ҳамда ягона мақсад сари сафарбар этган гоё бу - адолат ва ахлоқ билан йўғрилган миллий мероснинг тантанаси эди.

Соҳибқирон амал қилган ахлоқий тамойил реал ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларига асосланади. У инсонлар ўртасидаги ижтимоий-руҳий муносабатларни, айти пайтда ундан келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни яхши идрок этган ва шунга мувофиқ адолатли тадбирлар ишлаб чиққан. Бундай хулосалар ҳокимият ва уни бошқариш, самарали фаолиятини ташкил этиш, аъёнларнинг ҳокимиятга бўлган хуфиёна интилишларини давлат манфаатларига мос равишда мувофиқлаштиришга ҳамда ўз ахлоқини давлат сиёсати томон йўналтиришга эришган.

Амир Темурнинг адолатпешалик фазилати унинг атрофида инсофли, диёнатли, адолатпарвар, иродали, шижоатли, ботир, мард инсонларнинг жамланишига олиб келган. Бу эса, Амир Темур давлатининг янада мустақамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Маърифатли одамларнинг салтанат бошқарувида иштироки давлат сиёсатининг бевосита қуий бўғинигача тизимий хусусиятларини шакллантиришга, натижада давлат сиёсати ва ижтимоий жараёнлар бутун жамиятнинг иродасига, сўнгра, амалий фаолиятига айланишига олиб келганлигини кузатамиз.

Жумладан Амир Темур шундай дейди: «Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жангу жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар»<sup>1</sup>. Ушбу тадбирнинг мохиятига кенгрок ҳарайдиган бўлсак, юқорида таъкидланган бир қанча бошқарувнинг мувофиқлаштирувчи элементларини кузатиш мумкин. Масалан, асл сипоҳ жангда иш кўрсатган, ботирлиги билан алоҳида ажралиб турганига нисбат берилганлигини ва фақат шундай сифатга эга бўлган шахсина ўн боши бўлиши мумкинлигига ишора қилинган. Эътиборли ва ибратли томони шундаки, бундай тартиб то амир лавозимигача демократик тартиботлар асосида амалга оширилган. Зўрлардан зўри танланган ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар Амир Темур тасдиғига юборилган. Демак, хулоса чихариш мумкинки, давлатнинг энг юқори, то Амир ул-умарогача бўлган лавозим номзодлари сайлов асосида танланган. Энг муҳими танланган ва сайланган асл сипоҳийларнинг маоши улар кўрсатган жасорат даражаси дефферинциал тартибда шакллантирилган. Яъни

---

<sup>1</sup> Амир Темур тузуклари. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти. 1996. Б-88.

жасоратли бўлиш нафақат маънавий юксаклик билан, балки моддий киймат билан мустаҳкамланган.

Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида ўз сиёсатида ҳалол меҳнат ва фидойилик асосида мартаба ва мавқега эга бўлиш рағбатини шакллантирган. Амалда бундай ёндашув ўз самарасини берган. Жумладан, у: «Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини билсам, уни тарбиямга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра, кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим»<sup>1</sup>, дейди.

Сохибқирон «Тузук»лар асосида тузган давлатнинг қонун-қоидалари мамлакатда адолат ва ҳақиқат ҳимоясининг ёрқин намунасига айланади. Давлатчилик тузуқларининг яратилиши бевосита Амир Темургача мавжуд бўлган улкан мероснинг сиёсий маданият даражасига кўтарилишида ўз ифодасини топади. Амир Темурнинг энг катта хизмати аждодлар меросига амал қилиши ва уни давлат бошқаруви фаолиятида татбиқ этиши билан белгиланади. Бундай сиёсатнинг халқ томонидан идрок этилиши ва уни амалий фаолиятга айлантира олиши бизни ҳайратга солиб келаётган ўтмиш маданиятимизнинг улкан нишонасидан далолатдир.

Тарихда бир юртдан иккинчи бир юртга бориб ҳукмронлик қилган зотларнинг ўша халқ хурматини қозониши, улар орасида яхши ном қолдириши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистондаги фаолияти бунга ёрқин далилдир. Бу буюк сиёсатдонлар ва тарихчилар томонидан кўп марта лаб эътироф этилган ҳақиқатдир. Хўш, Бобурнинг бундай юксак эътирофга сазовор бўлишининг бош омили нимада эди? У ҳинд халқи учун қандай хизматларни қилганки, Ҳиндистонда бу улуғ сулоланинг номи бугунги кунгача юксак эҳтиром билан тилга олинади? Бизнингча, бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, Бобур ва унинг авлодлари минбаъд Ҳиндистонни талаш ва унинг бойликларини ташиб кетиш мақсадида бўлмаганлар. Аксинча, Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган ҳарийб уч ярим асрлик вақт мобайнида бу юртда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Иккинчидан, Бобур ҳинд халқининг миллий урф-одатларини, эътиқодини ва маданиятини хурмат қилган. Зинҳор-базинҳор уларга нописандлик билан ҳарамаган. Фарзандларини ҳам шу руҳда тарбия қилган. Учинчидан, Бобур ва унинг авлодлари салтанатни бошқариш да боболари Амир Темур каби адолат тамойилларига тўла амал қилишган. Зеро, ҳар қандай мамлакат сиёсати адолатга асослангандагина халқнинг эҳтиромига сазовор бўлади.

---

<sup>1</sup> Амир Темур тузуқлари. Т. Ғафур Ғулом нашриёти. 1996. Б-83.

Тўртинчидан, Бобур мамлакатни идора қилишда улуғ аждодларнинг, хусусан, Амир Темур Соҳибқироннинг бошқарув услубидан ўрнак олган. Аждодларига ҳам шундай иш юритмоқни насиҳат қилган. Албатта, салтанат бошқарувида улуғ аждодлар тажрибаларига суяниш, уларнинг қилган ишларидан ибрат олиш яхши натижаларга олиб келган. Бу эса бобурийлар салтанатининг бардавомлигини таъминлаган<sup>1</sup>.

Шу даврнинг буюк намоёндалардан бири Алишер Навоийдир. Унинг асарлари жамият бошқарувининг ахлоқий негизларига боғлиқ бўлган улкан илмий-маърифий меросга асос солганлиги билан аҳамиятлидир. Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари «Хамса», «Мақбуб-ул қулуб», «Зуб-дат ут-таворих», «Саддий Искандарий» асарларда давлат сиёсатининг ахлоқий мезонларнинг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлади. Навоий қарашларида, аввало одил ҳукмдор фаолияти ва ҳукмдор юритаётган ахлоқий сиёсат асосида фаровон жамиятни қуриш мумкинлиги таъкидланиб, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлар ўз ифодасини топган. Мутафаккир подшо атрофидагилар хусусида тўхталиб эътиборли, нуфузли, маърифатли инсонларнинг давлат бошқарувидаги иштироки жамият раванқини таъминлайдиган омил деб ҳарайди. Унинг сиёсий қарашлари асосини адолат, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат каби эзгу амаллар белгилайди. Яъни, давлат бошқарувининг барча тузилмаларида адолатли тартиб бўлишини, табакалар, гуруҳлар манфаати ифодаси, шоҳ ва халқ ўртасидаги муносабатлар ахлоқий меъёрларга асосланиши ва шу меъёрларнинг таъминланиши тўғрисидаги муҳим фикр-мулоҳазаларнинг баённи беради<sup>1</sup>.

Жумладан, у: «...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкани турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан ҳараб турган элга мурувват кўрсатдим»<sup>2</sup>, - дейди.

Алишер Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсоннинг ахлоқий тарбияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳ одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатлар ахлоқий бўлиши лозимлигига эътиборни ҳаратади. «Оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим; катта-кичикнинг феълу атворини

---

<sup>1</sup> Қаранг. Жабборов Н. Зақриддин Муқаммад Бобур: Бори элга яхшилиг қилгин. // Ишонч, 1999. 13 февраль.

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мақбуб ул-қулуб. -Т.: Ғофур Ғулوم нашриёти, 1983. Б-11

<sup>2</sup> Ўша асар. Б-12.

ўргандим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилиқ ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди»<sup>1</sup>, дейди.

А.Навоий «Маҳбуб ул - кулуб» асарида ҳар хил одамларнинг феъл - атвори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги қараш лари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими: «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади. Бундай тасниф М.Жакбаров қараш ларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, олим шундай дейди: - «Сиёсат инсонийликка ва юксак маънавийлик ақидаларига асосланмоғи керак, деган ғоя Навоий дунёқараш ининг сиёсий мазмунини ифодалайди»<sup>2</sup>. Мазкур талқинлар Н.Комилов мақолаларига ҳам уйғун келади: «Демак, ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Инсонга имконият берилган. Агар инсон буни англаса, маънавий такомиллашса, аслига – Поклик оламига, Ҳақ хузурига мушарраф бўлади. Аммо, буни англамаса, интилмаса – тубанлашиб, ҳайвонлар қаторига қўшилади, инсонлик шарафи ундан буткул кетади.

Мана шу ғоя асосида инсон ахлоқини поклаш, комил инсон идеалига интилиш шавқи Навоий асарларининг мазмунини ташкил этган»<sup>3</sup> - дейди. Дарҳақиқат, ҳамма нарса инсонга, раҳбарга боғлиқ.

Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ўз даврининг етук ва фозил кишиси бўлиб, риёзиёт, фалакиёт, ахлоқшунослик, фалсафа, тарих, адабиёт, таълим-тарбия, наср ва назм соҳаларида ижод қилган йирик олимдир. Кошифийнинг бугунга қадар етиб келган «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолаи Ҳотамия», «Анвори Сухайлий», «Футувватномаи Султоний», «Тавсири Ҳусайний», «Жавохирнома», «Кимёи Саодат» каби асарларида ижтимоий - сиёсий, таълим - тарбия билан боғлиқ ахлоқий ғоялар илгари сурилади.

Давлат бошқаруви ва унинг сиёсати билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ахлоқий масалаларни Кошифий ўзининг «Ахлоқи Мухсиний» асарида атрофлича баён қилади. У давлатни бошқариш да сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Сиёсат адолатли бўлса, мамлакат, жамият ривож топади, халқ фаровон

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мақбуб ул-кулуб. -Т.: Ғофур Ғулом нашриёти, 1983. Б-13

<sup>2</sup> Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият.-Т.: Академия, 2002, Б-51

<sup>3</sup> Комилов Н. Навоий ва замонимиз // Жақон адабиёти, 2001, № 2. Б-9.



яшайди ва бунда сиёсатни одил подшоҳлар адолат билан бошқаришлари лозимлигини уктириб ўтади<sup>1</sup>.

Шу даврнинг ахлоқшунос олими Жалолиддин Давонийдир (1427-1502). У Арасту, Афлотун, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусийнинг асарларини кунт билан ўрганган ва ўзи ҳам шу йўналишда катта мерос қолдиради. Жумладан, фалсафа, мантик, фикх, ахлоқшунослик, риёзиёт, ва геометрия соҳалари бўйича рисолалар ёзган. Бугунги кунда унинг «Рисолайи исботи вожиб», («Заруриятнинг исботи ҳақидаги рисола»), «Рисолат ул-хуруф» («Харфлар ҳақида рисола»), «Рисолайи фи тавжих ул-ташбих» («Мажоз талқини ҳақида рисола»), «Рисола дар илм ул-нафс» («Рухшунослик ҳақида рисола»), «Тарикати тарбия ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули»), «Арзнома» («Споҳларни бошқариш тамойиллари») шулар жумласидандир.

Давонийнинг энг йирик рисоласи «Ахлоқи жалолӣ» бўлиб, муҳим ижтимоӣ-сиёсий ва ахлоқий ғоялар илгари сурилган. Унда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоӣ табақалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масалалари батафсил таҳлил этилган. «Ахлоқи жалолӣ» да XV асрнинг илғор қарашлари ўз ифодасини топган. Китобда Ўрта аср Шарқининг ахлоқий таълимотлари, унинг ютуқ ва камчиликлари акс эттирилган<sup>2</sup>.

XVII асрда яшаб давлатчилик назариётига улкан ҳисса қўшган олим Хожа Самандар Термизийдир. Бугунги кунда унинг давлат бошқаруви таълимотида ахлоқий асосларни уйғунлаштирган «Дастур ул-мулук» асари машҳур ҳисобланади. Асар сиёсат юритиш ва унинг ахлоқий ҳислатларига бағишланган йигирма бир фаслни ўз ичига олади. Жумладан, «Адолат ҳақидаги» фаслида шундай тавсиялар беради: «Азизим, ҳамма вақт мамлакат аҳволи ва халқ фаровонлиги учун зурур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида саъй-ҳаракат қилган, тиниб-тинчимаган ва бундай одатни ҳамиша ўз хотири саҳифаларига нақш этиб, марҳамат майдонида халқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байроғини жилвалантириб, баланд қўтарган подшоҳгина ўз вазифасини адо этган бўлади»<sup>1</sup>. «Дастур ул-мулук»да шу тартибда барча давлат хизматчилари вазифаларининг ахлоқий таснифлари шакллантирилган. Энг муҳими бу борадаги илмий ворисийлик анъана сифатида ривожлантириб келинган. Хулоса қилиш мумкинки, Шарқ мутаффақирлари томонидан яратилган илмий мерос давлатчилик маданиятимизнинг улкан захирага эга

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мақмудов Р. Маънавият юлдузлари. -Т.: Абдулла Қодирий нашриёти. 1999. Б-227

<sup>2</sup> Ўша асар. Б-22

<sup>1</sup> Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулк. -Т.: Фафур Фулом нашриёти. 1997. Б-63.

эканлигидан далолат беради. Аммо, бугунги кунда ушбу меросни сиёсий фалсафа тарихи нуқтаи назаридан ўрганиш, илмий амалиётга олиб чиқиш бироз орқада қолмоқда.

XIV-XV асрдаги ижтимоий ва маданий юксалиш ўз мазмун - моҳияти билан IX-XII асрлардаги Ўрта Осиёдаги Уйғониш даврининг узвий давомидир. Бундай маданий меросларнинг монандликка интилиши, уларнинг даврий уйғунлашуви халқлар ҳаётида юксалиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилиб келган.

XVI-XIX асрлар Ўрта Осиё ҳаётида мураккаб ва кескин бурилиш даври бўлди. Унинг мураккаблиги, аввало, Амир Темур империясининг парчаланиши ҳамда ворислар ўртасидаги низолар замирида намоён бўлади. Доимий ихтилофлар майдонига айланиб қолган Мовароуннаҳр Темурийлар салтанати қудратини сусайтириб юборади. Натижада мамлакат кўчманчи Дашти қипчоқ Шайбонийхон лашкарлари томонидан босиб олинади. Аммо унинг ҳам давлати заифлиги туфайли ворислари Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин вафотидан сўнг емирилади. Шу тариқа давом этиб келган низолардан кейин салтанат аштархонийлар сулосига ўтади. Афсуски, бу салтанат ва унинг сиёсати ниҳоятда заиф, ахлоқсиз ва нотурғун бўлганлиги туфайли ҳукмдорлар ўртасида ўзаро ихтилофлар кучайиб кетади. Фақат Имомқулихон (1611-1642) ҳокимият тепасига келиши билан сиёсий кескин вазиятни бир мунча барҳарорлаштиришга эришади. Аммо хонликларнинг бўлиниб бориши учун барча ижтимоий вазият етилиб келаётган эди.

Мана шундай шароитда ҳақиқий илм ўрнини диний ақидавий қараш лар эгаллайди. Натижада аниқ ва табиий фанлар қувғинга учрайди, айниқса, математика ва астрономия орқада қолади. Бунинг оқибатида илм-фан ривожининг даражаси кескин пасайиб кетади. Айниқса, бу давр олдинги илғор ғояларнинг таъсири заифлашуви билан характерланади. Дин бевосита давлат сиёсати ва фаолиятининг асосига айланади. Дин ҳокимият ва унинг раҳномалари қўлида манфаатларни ниқоблаш воситасига айланади. Натижада жамиятда диний таъйиқ кучаяди. Дин пешволари давлат сиёсатига бевосита аралashiши оқибатида бир ёқлама мафкуравий зуғум ортиб боради. Ҳар қандай ижодий хур фикр таъкибга олинади<sup>1</sup>.

Шунга ҳарамай Ўрта Осиёда ижтимоий фикр, адабиёт, тарих фанлари, фалсафа мусиқа меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди, қатор мадраса ва мачитлар қурилди. Жумладан, Ибн Муҳаммад Юсуф ал-Қорабоғий, Муҳаммад Шариф ал-Бухорий, Машраб ва Сўфи Оллоёр, Нодира, Увайсий, Дилшод, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Бедил, Фузулий, Аҳмад Дониш, Муқимий,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1995. Б-182

Огаҳий, Фурқат, Муқимий, Мулла Олим Маҳдум Ҳожи ижодиётида шу даврнинг энг илғор ижтимоий ва ахлоқий ғоялари яратилди.

Ушбу таҳлиллардан мақсад миллий давлатчилик тарихимизни таназулга тортган сиёсий курашлар ва ўзаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш билан бирга, унда «инсон - жамият – давлат» ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий даражасини таҳлил қилиш, сабоқлар чиҳариш, шунингдек, янги давлатчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларини миллий мерос анъаналари негизида уйғунлаштиришдан иборатдир. Айнан шу жиҳатдан ҳар бир даврнинг улкан ижодкорлари меросини ўрганмасдан, у ёки бу даврга, ижтимоий тизим ахлоқиға фалсафий ва сиёсий жиҳатдан объектив баҳо бериш қийин.

Бугун биз кишилик жамиятининг тараққиётини ва унинг асосини шарқ фалсафасидан айри ҳолда кўра олмаимиз. У хоҳ диний, хоҳ дунёвий йўналишда бўлмасин, унинг асосида «инсон-жамият-давлат» муаммоси ётади. Қолаверса, шарқ халқлари меросидан кўриб турибмизки, аждодларимиз дунёвий ва диний илмларни бевосита уйғун тарзда олиб боришган. Маълумки, собиқ шўро ҳукмрон сиёсати илоҳий ва дунёвий атамалар билан шарқ маданий меросининг асосий қисмини илмий муносабатдан чиҳариб ташлашға ҳаракат қилган. Оқибатда маънавий мерос атайин таъқиб остиға олиниб, миллий маънавий меросни ўрганишда бўшлиқ пайдо этди. Фан ва таълимот ўз заминидан узилган ақидалар ва мавҳум ғоялар таъсириға тушди. Албатта сиёсатнинг бундай бир ёқлама тажовузқорона таъсири бугунги маънавий меросни ўрганиш борасидаги муаммолар ечимида ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бундай таъсир, аввало, инсоннинг ўзлигини англашида, миллий фалсафа ва сиёсатшуносликка бўлган муносабатида намоён бўлмоқда. Мавжуд муаммоларға ҳарамасдан эътироф этмоқ жоизки, қисқа вақт ичида маънавий меросни тиклаш, ўрганиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бу борада шарқ мутафаккирлари асарлари қайта нашр ва таржима қилиниб жамият бошқарувининг ахлоқий асослари ўрганилмоқда.

Мазкур давр ижодкорлари ва уларнинг меросларини ўрганиш XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё тарихида давлат ва жамият бошқарувининг қай даражада ахлоқий меъёрларға асосланганлиги, унда ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабларини, маърифатсизлик оқибатида миллатнинг мустамлакачилик асоратида қолишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу давр ўзбек халқи миллий руҳиятининг ўсишини сустлаштирди, ўлканинг ҳар жиҳатдан орқада қолиб кетишиға олиб келди, кишиларимизда норасолик, кемтиклик, ўз миллати ва миллий тилиға нисбатан бефарқлик ҳис-туйғулари халқимизнинг онгига, турмуш тарзига, фикр юритиш ва саъй-ҳаракатларининг миқёси ва

суръатларига чуқур салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлди<sup>1</sup>. Натижада жамиятда шариат ва миллий ахлоқнинг заифлашуви, хоинларнинг нафс ва хирсга берилиши, мунофиқлиги, рикорлик, хоинлик, товламачилик каби ахлоқсиз иллатларнинг жамият ижтимоий турмушига кириб келишига олиб келади.

Айни пайтда, Чор Россиясининг мустабид сиёсати Туркистон халқларининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёт жабҳаларини бирдай қамраб олган эди. Туркистон миллий давлатчилиги учун курашда миллий- озошлик ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда шарт- шароитларини ҳулоса тариқасида ўрганиш жадидчилик ва жадидлар ҳаракатининг фаолиятини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Жадидчилар ижтимоий тизимни ўзгартириш вазифаларини, аввало, маънавият соҳасини ривожлантириш орқали амалга оширишга эътибор ҳаратадилар. Бунинг учун улар янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр этишни, ғарбнинг янги маданият ва технология услубиятларини ўрганиш заруриятини, уни Туркистонда тарғиб этиш орқали миллий - дунёвий таълимни юзага келтиришни, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш, миллий ўзлиқни англашни юксалтиришга замин яратишга интиланлар.

Жумладан, Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг «Хотираларим»<sup>2</sup>, Беҳбудий, Фитрат, Авлоний<sup>3</sup> ва бошқа миллий истиқлол қаҳрамонлари асарларида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида мустамлакачилик сиёсатининг асорати, маънавий-маърифий ва сиёсий қолоқлик ҳамда миллий истиқболга эришиш муаммолари кўтарилган.

- «Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмаслиги, Беҳбудий келган биринчи ҳулосалардан эди»<sup>1</sup> - дейди Б. Қосимов. Дарҳақиқат, бундай ғоя миллий истиқлолчилик ҳаракатининг асосини ташкил этган. Жадидчилар олиб борган сиёсий фаолиятларининг асосий моҳият-мазмунини ўрганишга эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида янада ортди. Бу борада Б.Қосимовнинг «Миллий уйғониш», Ш. Юсуповнинг «Худоёрхон ва Фурқат»,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мустақиллик изоқли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ. 1998. Б-135.

<sup>2</sup> Абдурашидхон М. Хотираларим. -Т.: Шарқ. 2001.

<sup>3</sup> Авлоний А. Танланган асарлар 1, 2 жилдлар. -Т.: Маънавият. 1998; Беҳбудий. Танланган асарлар. Маънавият. 1999; Фитрат. Танланган асарлар 1,2,3 жилдлар, -Т.: 2000; Беҳбудий. Танланган асарлар. Сўз боши. -Т.: Маънавият. 1999. Б-28.

<sup>1</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият. 2002. Б-8

«Хуфия қатламлар» Х. Мажидийнинг «Туркистон босқини»<sup>2</sup> асарларини ўрганиш орқали сиёсий воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини кенгроқ ўрганиш имкониятини беради. Шунингдек, Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг демократик - янги маърифий моҳиятини очишда, шу йўлдаги ижтимоий ҳаракатларнинг фаолияти таҳлили тўғрисида Б. Дўстқораевнинг «Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати»<sup>3</sup> номли мақоласи мавзумизни тўлдиришга хизмат қилади.

Мустақиллик ҳар бир миллат, халқнинг орзу - умиди бўлиб, Ватанни ҳимоя қилиш ва унинг тупроғини муқаддас билиш энг олий қадриятдир. Миллат фақат мустақил Ватандагина ҳақиқий эркин ва озод бўлиши мумкин. Ватан тушунчаси маънавий-ахлоқий қадрият эканлигидан ташқари, у инсоннинг моддий-маънавий хоҳиш ва истакларини ҳам қондирувчи макон. Чунки миллат айнан ана шу маконда юксалади ҳамда камолу воёга етади.

Жадидларнинг миллий-маданий мухторият қурилиши тамойиллари ўлкани ривожлантиришнинг амалий дастурий ҳужжати саналади. Улар Туркистонда республика ваколатига қирадиган масалалар бўйича қонунларни нашр этиш, ҳокимият, бошқарув ва суднинг олий органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш ва ҳоказоларга жиддий эътибор билан ҳараганлар. Шу тариқа демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб қўйилган ва унда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва конституциявий қафолатланиши масалалари кўзда тутилган. Бу борада Бехбудийнинг «Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси»<sup>1</sup> номли дастури бевосита жадидчиларнинг Туркистонда демократик жамият қуришнинг назарий асосларини яратишга бўлган интилишлари деб қараш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, жадидчилар ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, мустақиллик учун кураш олиб борди. Уларнинг ғайрат ва ташаббуси билан дунё кўрган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди. Маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқди.

---

<sup>2</sup> Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. -Т.: Шарқ., 1995; Хуфия қатламлар. -Т.: Маънавият. 1999. Тарих ва адаб бўстони. -Т.: Маънавият. 2003; М. Қасаний. Туркистон босқини. -Т.: Нур. 1992.

<sup>3</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати // Жамият ва бошқарув. 1997. № 2.Б-13

<sup>1</sup> Бекбудий М. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси // Жақон адабиёти. 2003. Б-146.

Аммо миллий истиқлол учун кураш йўллари ва шу йўлдаги мақсад муштаракликда бўлган эмас. Мустақилликка эришиш курашлари афсуски, турлича анланган ва ёндашилган<sup>2</sup>.

Миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тинч йўл билан амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етган маҳаллий халқ вақллари 1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Қўқонда ўлка умуммусулмонларнинг фавқулодда съездига тўпланиб, “Қўқон Мухторияти”ни ташкил этилганлигини эълон қилдилар. Лекин 1918 йил 23 январда Туркистон советларининг IV ўлка қурултоғи Қўқон Мухториятининг Муваққат ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташҳари, деб эълон қилди ва қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган эски шаҳарни тўплардан ўққа тутиб тарқатилишининг сабаб ва оқибатларига алоҳида эътибор берилиши муҳим. Айнан шу давр воқеа - ҳодисалари баёни ҳамда тафсилотлари М.Чўқайнинг «Истиқлол жаллодлари», «Хўқанд Мухторияти»<sup>1</sup>, С.Аъзамхўжаевнинг «Туркистон Мухторияти»<sup>2</sup> каби асарларда ўз ифодасини топган.

Мавзумизни қуйидаги мулоҳазалар билан хулосалаймиз:

**Биринчидан**, Мовароуннаҳрда дунёвий ва диний маърифий асарлардаги ғояларни ўрганишга эътиборни кучайтириш, бу йўлда турли халқларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш орқали бугунга қадар ривожланиш остонасида турган сиёсат фалсафаси фанини шакллантириш имкониятлари кенгайиб боради. Зеро, Шарқ ижтимоий-сиёсий фикрларини ўрганмасдан миллий давлатчилик анъаналарини мустаҳкамлаш масаласи, айти пайтда, демократик жамият қурилишида ахлоқий кадриятларни сингдириб бориш вазифалари орқада қолади.

**Иккинчидан**, Шарқда табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривож, рационализм, ақл кучига ишониш масалаларига алоҳида эътибор ҳаратилган. Жумладан, ҳақиқатни топиш, жамият ва ҳокимият бошқарувида адолат ғояларини тарғиб этиш, ҳақиқатни инсон тасавури, илмнинг асоси деб ҳисоблаш устувор аҳамият касб этган. Ушбу мавзуда яратилган асарларни сиёсий фан дарсликлари мазмунига киритиш ва улар моҳиятини ёшлар дунёқараш ига сингдириш миллий-мафқуравий вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

**Учинчидан**, Шарқда инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, бадий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юксак ахлоқий қонун-қоидалари намоён этилган. Универсаллик - қомусийлик, барча нарса билан қизиқиш бу давр маданиятининг муҳим томонларидан бири бўлган. Бундай илмий маданият

---

<sup>2</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият. 2002. Б-8.

<sup>1</sup> Чўқай М.Истиқлол жаллодлари. -Т.:Ф.Ғулом. 1992; Қўқанд мухторияти //Шарқ юлдузи. 2002.№ 2. Б-128.

<sup>2</sup> Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. -Т.: Маънавият, 2000.

имкониятларидан фойдаланиш давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизларини адолат, инсонпарварлик тамойиллари асосида шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Тўртинчидан,** мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти халқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан-маънан соғлом ва бақувват бўлишда, олдимизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Миллат руҳияти кучли бўлсагина, давлат тараққиёти ва истикболи порлоқ бўлади.

## **2-БОБ. Сиёсат ва ахлоқ муносабатида сиёсий ахлоқнинг ривожланиши тенденциялари.**

Мазкур бобда ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги манфаатлар кураши, уларнинг турли кўринишларининг таҳлили берилади. Сиёсатнинг асосий вазифаси ихтилофларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш, томонлар учун маҳбул бўлган сиёсий шароитларни белгилашдан иборат эканлиги ва бундай услублар мавжуд сиёсатга нисбатан танланган воситаларнинг реал ёки идеаллиги каби масалалари кўриб чиқилади.

Диссертацияда муаммо ва ихтилофлар мавжуд бўлган жойда сиёсатнинг иштирок этиши, сиёсий муносабатлар асосида ўз ечимини топиши, муросавий йўллари, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашлар моҳияти ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб

берилган. Бунда муносабатлар типологиясининг меъёри, аввало, инсон, жамият ва давлат хусусиятларидан келиб чиқиб, сиёсий ахлоқ масалалари, сиёсий - фалсафий жиҳатдан ташкил топган иккита йўналиш - реал ва идеал сиёсатнинг моҳияти, ўзаро муносабатини очиб беришга эътибор ҳаратилади.

Сиёсий реализм мавжуд ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб, сиёсатнинг асосида эзгу ғоялар эмас, аввало, фаолиятни ҳаракатга келтирувчи кучлар манфаати ётиши, бундай шароитда сиёсий иттифоқчилар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик тушунчалари ўта нисбий характерга эга бўлиши, манфаатларнинг ўзгариши билан муносабатлар ҳам ўзгариб туриши масалалари таҳлил этилган.

**Ушбу бобнинг биринчи фаслида турли ахлоқий даражадаги табақа лар ва уларни бирлаштирадиган ягона асос фақат ахлоқ эканлиги ва реал сиёсат ана шу ҳақиқатга асосланмоғи, давлат эса восита сифатида унга хизмат этмоғи тўғрисидаги қараш лар ривожлантирилган. Айни пайтда, давлатнинг мавжудлигини таъминлаш ва унинг асосида куч устувор восита бўлиши - бу ахлоқсиз ҳодиса эмаслиги, яъни у барча фуқароларни ҳимоя ҳила олиш ҳудратига эга бўлиши каби ваколатлар масаласи очиб берилган.**

Мазкур бобда ахлоқ билан боғлиқ бўлган маънавий-маърифий қараш лар кўпроқ идеал хусусиятларга эга эканлиги, реал мавжуд дунёда уларга эришиш ёки амал қилиш мураккаблиги, бунда инсоннинг маънавий салоҳият даражаси билан боғлиқ илмий қараш лар илгари сурилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида «Сиёсат ва ахлоқнинг мувофиқлик даражаси, мезонлари» деб номланади. Мазкур фаслда жамиятда демократик жараёнларнинг шаклланиб бориши, фуқароларнинг маънавий ва маърифий салоҳиятлари қай даражада ҳимоя қилиниши, айни пайтда, бундай салоҳият жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг устуворлиги билан таъминланиши, давлат ва инсон манфаатларини ахлоқ билан уйғунлашган сиёсат ўз муддаосида жамиятни ихтилофлардан, беҳарорликдан, турғунликдан сақлаш масалалари атрофлича ўрганилади.

Мазкур бобда демократик жараёнларда сиёсат ва ахлоқ уйғунлигини таъминлаш муаммоси, аввало, давлат бошқарув механизмларининг нечоғли даражада миллий қадриятлар асосида манфаатларга мос тарзда шакллантирилишига боғлиқ бўлиши масалаларига тўхтаб ўтилади. Яъни бошқарув механизмлари халқнинг сиёсий жараёнларга ва ҳокимият бошқарувига иштирокини таъминлаш даражаси билан белгиланади. Бунда фуқароларнинг ўз манфаатларига эришишларининг реал имкониятлари шакллантирилади. Улар ўз салоҳиятлари даражасида сиёсий жараёнларда иштирок этиш ваколатларига амалда эга бўладилар. Айнан шу мотив сиёсий ахлоқни вужудга келтиради.



Ушбу бобда ахлоқ ва сиёсат муносабатларидаги мавжуд зиддиятлар кўриб чиқилган. Сиёсат ва ахлоқнинг мутаносиблик муаммолари доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Бугунги демократик давлатлардаги назарий таълимотларга мувофиқ жамиятда сиёсий ахлоқ инсон манфаатлари устуворлигига асосланади. Бунда муносабатлар бевосита иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳуқуқлар билан мустаҳкамланиши кўрсатиб ўтилган. Бундай шароит инсонлар ўртасидаги муносабатларни мунтазам равишда интизомга ва у орқали ахлоққа мувофиқ сақлаб туриш имкониятини яратади. Ахлоқнинг интизом билан маънавий уйғун хусусиятлари очиб берилган.

## **2.1. Сиёсат ва ахлоқ муносабатига муқобил қараш лар ва уларнинг хусусиятлари**

Сиёсий жараёнларда турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар ўртасида ташкил топадиган манфаатлар кураши маърифий ҳамда номаърифий воситалар орқали амалга оширилиб келинади. Сиёсатнинг асосий вазифаси эса зиддиятларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш, томонлар учун мақбул бўлган сиёсий шароитларни белгилашдан, маърифий ечимларни ташкил этишдан иборат. Бундай услублар мавжуд сиёсатга нисбатан танланган воситаларнинг реал ёки идеаллиги билан белгиланади.

Маълумки, муаммо ва зиддиятлар мавжуд бўлган жойда албатта сиёсат иштирок этади. Сиёсий муносабатлар таъсирида конфликтлар ўз ечимини топади. Ҳеч бўлмаганда муросага келади. Жамият муносабатларида зиддият ёхуд консенсус ҳолати икки ҳарама-ҳарши ҳамда боғловчи сиёсий элементлардан ташкил топади. Ушбу элементларнинг қай бирининг устуворлигига ҳараб алоҳида олинган давлатларнинг ички ва ташки сиёсий тамойиллари шаклланади ва белгиланади. Муносабатлар типологиясининг меъёри, аввало фуқаро, жамият ва давлат муносабати хусусиятларидан келиб чиқиб, сиёсий ахлоқ масалаларини ўрганишни талаб этади. Албатта бунда, томонларнинг бир-бирига ҳарама-ҳарши бўлган муносабатлари, улар ўртасидаги ўзаро манфаатларнинг уйғун келишига боғлиқ бўлиб қолади.

Шу тариқа мавжуд муаммо сиёсий-фалсафий жиҳатдан ташкил топган иккита йўналиш - реал ва идеал сиёсатнинг моҳиятини таҳлил қилишга ҳаратилади. Бундай йўналиш жамиятда ахлоқнинг сиёсатга нисбатан мувозанатларини, уларнинг ўзаро ҳарама-ҳарши зиддиятини очиб беришга ёрдам беради.

Сиёсий реализм мавжуд сиёсий жараёнларни аслида қандай бўлса, шундайлигича асосий объект сифатида тадбиқ қилади. Давлат бошқарувида бошбошдоқликнинг олдини олиш учун сиёсий реал вазиятни тўғри баҳолаш ва ундан объектив хулосалар чиқарилишини талаб қилади. Бундай сиёсий ёндашув ахлоқдан кўра, уни ҳаракатга келтирувчи оқибатлар моҳияти ва белгиланган мақсади билан асосланади.

Сиёсий реализм мавжуд ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб, сиёсатнинг асосида эзгу ғоялар эмас, аввало фаолиятни ҳаракатга келтирувчи кучлар манфаати этади. Масалан, К.С. Гаджиев «Жаҳон сиёсий майдонида ўзини хурмат қилувчи давлатлар ғоявий, ахлоқий ва бошқа қараш ларини иккинчи даража сифатида ҳараб, реал сиёсий

воқеъликдан келиб чиқиб миллий манфаатларини белгилайдилар»<sup>1</sup> - дейди. Тўғри, аммо, бундай шароитда сиёсий иттифокчилар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик тушунчалари ўта нисбий характерга эга бўлади. Манфаатларнинг ўзгариши билан муносабатлар ҳам ўзгариб туради. Аслида жаҳон сиёсий майдонида шундай бўлиб ҳам келмоқда.

Сиёсий реализм ва халқаро муносабатлар тажрибасидан маълумки, кечаги иттифокчилар рақибга, рақиблар эса иттифокчига айланадилар. Бундай феномен асрлар оша халқаро майдонда ҳукмкорлик учун бўлган курашларнинг ҳуфиёна моҳиятини белгилаб келмоқда. Аслида, инсониятнинг рақиби инсон эмас, у, келтириб чиқараётган ёвузликдир. Шунинг учун инсон, инсон билан эмас, балки унинг ахлоқсизлиги туфайли келиб чиқаётган ёвузлиги билан курашмоғи керак. Шундай қилиб, инсон олдида турган муаммоларни, унинг маънавий қиёфасини ўзгартириш билан сиёсат ва ахлоқ муносабатларини ўзгартиришга эришиш мумкин бўлади. Лекин, сиёсий реализм таълимоти ахлоқий ёндашувлардан фарқли улароқ бир неча илмий йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Булар;

**Биринчидан,** давлат ҳокимиятининг асосий субъекти сифатида ўз фуқароларини химоя қилиш устуворлиги, ички ва ташқи таҳдидларга ҳарши тура олиш зарурати ва эҳтиёжи.

**Иккинчидан,** сиёсатда куч ва зўравонликка асосланиш ички ва ташқи давлатлараро зиддиятларни ҳал этиш мурвати сифатида ҳаралмоқда. Бундай қараш давлатнинг куч ва қувватини ҳар томонлама оширади. Бунда давлат нафақат ўз манфаатларини балки рақибининг ҳам манфаатларини баҳолайди ҳамда ана шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўзининг реал сиёсатини белгилайди<sup>1</sup>.

**Учинчидан,** реал сиёсат манфаатга, конкрет вазиятга, самарадорликка, бўйсинтиришга, ҳукмронлик қилишга, мақсадга эришишда куч ишлатишга ҳаратилади ва бундай фаолиятда мурасиз бўлади.

О.Конт, И.Г. Фихте, Сен-Симон, В.Вильсон, Ф.Бэкон, Г.Моргентау, Г.Киссинджер, З.Бжезинский ва бошқа кўплаб классик идеал ва реал сиёсат таълимотчиларининг илмий тадқиқотлари асосан давлатлараро муносабатларга бағишланган. Ушбу илмий қараш лардан фарқли ўлароқ, биз ўз тадқиқотимизни «фуқаро – жамият – давлат» муносабатларидаги реал ва идеал сиёсатнинг ахлоқий моҳиятини ҳамда мафкуравий хусусиятларини сиёсат фалсафаси нуктаи-назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Яъни, инсон ва давлат муносабати, адолатли жамият қуриш

---

<sup>1</sup> Гаджиев К.С. Политическая философия. М.: Экономика. 1999. Стр-401.

<sup>1</sup> Қаранг: Гаджиев К.С. Политическая философия. М. Экономика, 1999. Б-401.

муаммоларининг мафкуравий манзарасини аниқлашга ҳаратамиз. Чунки, реал ва идеал сиёсатга асосланган сиёсий жараёнлар ривожини мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мафкура ушбу сиёсатнинг воситаси сифатида намоён бўлади.

Давлат аслида инсон тафаккурининг маҳсули, маданий дунёқараш ининг ҳосиласи. Шу тариқа унинг шакли-шамойили турли маданиятлар ва қадриятлар асосида ривожланиб келган. Масалан, XVI-XVII асрлар Европада мулккий муносабатларнинг хусусий тартиботлари шаклланаётган даври бўлиб, эгалик тасарруфининг кенгайиб бориши билан давлатнинг ваколатларини мустаҳкамлаш эҳтиёжлари ортиб боради. Айнан ана шундай эҳтиёж ижтимоий воқеликнинг реал сиёсатини шакллантириш заруратини туғдирган. Биринчи навбатда дин давлатдан ажратилди, фуқаро, давлат масъулият ва мажбуриятлари белгиланди. Монархиядан парламент ва республика бошқарув шаклига ўтилади. Бу даврда ишлаб чиқариш рақобати ўз қонуниятларини тобора жадаллаштириб борган. Натижада, одамларда яшаш учун кураш тенденцияси ошиб борган. Шиддат билан ривожланган шафқатсиз рақобат инсон фаолиятида маънавий масъулиятнинг пасайиб кетишига олиб келган. Сиёсий фаолиятнинг ахлоқий қадриятларга мос келиши масаласи инобатга олинмай қолган.

Масалала кенгрок ёндашадиган бўлсак, ҳокимият омили аслида фуқаро ва давлат муносабатларининг ўзаро эҳтиёжи билан боғлиқ ҳодиса. Ҳокимият одамлар учун чексиз имконият ва эркинликни таъминлаб бериш воситасига айланган. Шундай қилиб, ҳокимиятга эга бўлган фуқаро ва ҳокимиятсиз фуқаролар ўртасида зиддият пайдо бўлган. Натижада сиёсий манфаатлар ҳарама-ҳаршилиги реал ва идеал мафкуравий ғоялар орқали талотўп инқилобларга олиб келган. Инсон табиатидаги ёвузлик бундай ҳодисани реалликка айлантирган. Яъни давлат инсоннинг кучга эга бўлиши мойиллигини ифода этувчи восита сифатида ижтимоий жараёнларни турли «изм»ларга солиб келаверган. Жамият ҳаёти ва унинг моҳият мазмуни эса, ўзгармаган. «Изм»лар ўзгарган бўлсада, аммо, мавжуд адолатсизлик иккинчи бир зуғумнинг такроран пайдо бўлишига сабаб бўлиб келаверган.

Жан Жак Руссо ўзининг «Тенгсизликнинг келиб чиқиши ва сабаблари ҳақида мулоҳазалар» асариде жамият тараққиётида ҳарама-ҳаршиликлар ва низоларнинг кучайиши синфий қатламларнинг юзага келиши давлатнинг вужудга келишига сабаб бўлганлигини кўрсатган. Шундай қилиб, инсон қайтадан эркинликка эришиши учун нима қилмоғи керак? – деган табиий савол туғилади. Файласуф фикрича, «фуқаролар» битимини амалга ошириш лозим, яъни эркин битимга асосланган жамиятнинг ҳуқуқий ташкилотини тузиш керак. Бундай ижтимоий ҳолатда ҳар бир фуқаронинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи қонунлаштирилмоғи лозим. Давлат фуқароларнинг мазкур қонунларни ҳимоя қилувчи кучга айланиши

зарур. Руссонинг фикрича, давлат республика шаклида бўлиб, на бойлар ва на камбағаллар бўлишига йўл қўймаслиги керак. Халқнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи олий орган – халқ мажлислари бўлмоғи кўрсатилган. Бу орган чиқарган ҳарорлар ҳукумат ва ҳукмрон ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий деб ҳисоблаган<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, бир пайтлар идеал ғоя деб саналган Руссонинг қарашлари бугунги кунда қўплаб ривожланган давлатларнинг сиёсий тизимлари негизини ташкил этади. Демак, ҳокимият ёвузлик манбаи эмас, балки бунёдкорлик, барҳарорлик манбаи бўлади. Масалан, уни қай тартибда ва қай мақсадда йўналтиришга боғлиқ. Шундай қилиб, ҳокимият фуқаролар ўртасидаги сиёсий мақомни мустаҳкамлайди, жамиятда улар тенглигини, қабул қилинган қонун ва ижтимоий тартибларга риоя этиш қафолатини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сиёсатда ҳокимият масаласи устувор экан, сиёсий қуч ишлатиш тамойили мавжуд бўлади. Қуч доимо давлатнинг ички ресурсларига боғлиқ бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларнинг имконият даражасини белгилаб туради. Масалан, XVII асрда Ҳожа Самандар Термизий томонидан айтилган ўғитларда шундай дейилган: «Азизим, бир тола ҳасга арзимайдиган махлуқсифатлар ҳамиша ўз бошларини зулм ва ситам охуридан кўтармайдилар. Подшоҳнинг асов оти каби бевақт, ўринсиз ўжарлик, итоатсизлик қиладилар.

Раҳбар рўй бераётган бедодликни қаҳр болтаси билан чопиб, ер билан яқсон қилмаса, замон боғидаги тилаклар, орзулар ниҳоли хазон бўлади»<sup>1</sup>. Хулоса қилиш мумкинки, мавжуд фикр реал сиёсатнинг назарий асосини ташкил қилади. Аслида, давлат ҳам сиёсат ҳам ҳимояга муҳтож. Аммо масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор беринг, реал сиёсатга ахлоқдан ва ҳақиқатдан айри ҳолда ҳаралмаган, аксинча уйғунлаштирилган. Қолаверса, бундай назарий реал сиёсат шарқда ҳам ривожлантирилганки, Гоббс, Спиноза, Дикарт, Руссо ва бошқа Ғарб таълимотчилари қарашлари билан уйғун келади. Фарқ шундаки, Ғарбда парламент ва республика давлат бошқарув шаклига ўтиш жараёни ушбу ғояларнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва уларнинг амалий ифодасини ҳарор топтиришга хизмат қилган. Шарқда эса, реал сиёсат тантанаси «одил шох» зиммасида қолади. Шунинг учун идеал ғоялар реал сиёсатнинг қурбонига айланиб келган.

Албатта сиёсий реализм таълимоти давлат ва ҳокимиятнинг вужудга келиши билан пайдо бўлади. Н.Макиавелли ва Т. Гоббснинг бундай сиёсатнинг асосчилари деб қараш ади. Н.Макиавелли ўз

---

<sup>1</sup> Қаранг: Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарқ, 63-64 бетлар.

<sup>1</sup> Термизий Ҳожа Самандар. Дастур ул-мулк. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1997. Б-63.

таълимотида сиёсий натижаларнигина реал сиёсий воқеъликнинг асоси қилиб олади. Яъни, мақсад ҳокимиятни эгаллаш, сўнгра эса уни тутиб туришдан иборат бўлиб, бошқа ҳамма нарса, шу жумладан ахлоқ ва дин ҳам восита деб ҳисобланади. Макиавелли ахлоқни сиёсатга бўйсундиради. Яъни, у, ахлоқни ҳукмдорнинг давлат барҳарорлигини таъминлаш мақсадида восита сифатида ҳарайди. Бунда давлат манфаатини халқ манфаатидан устун қўйиш ғояси илгари сурилади. Натижада тоталитар сиёсатнинг асослари вужудга келади.

Аммо бу борада бошқа фикр ҳам мавжуд. Жумладан, эҳтимол, Макиавелли бадахлоқ жамиятда сиёсатчининг ҳокимият учун олишувини қандай қилиб ютиши тўғрисидаги назарияларнинг муаллифи сифатида кўпроқ маълумдир. Макиавеллининг ана шундай нуктаи назардан келиб чиқиб ҳараладиган ҳокимият муаммоларига нисбатан қизиқиши ахлоққа зид ёки ахлоқдан ташҳарш турмайди, балки унинг мақсади тартибсизликни бартараф қилиш эканлиги миқёсида ахлоқий бўлиб ҳисобланади. Мақсад яхши давлат ёки янада аниқроқ қилиб айтганда, одамлар қандай бўлса, шу ҳолида мавжуддир, деган қоидага асосланиб иш тутилса Макиавеллининг фикрича, унда эҳтимол тутилган вариантларнинг энг яхшисини танлашдан иборатдир<sup>1</sup>.

Бизнингча, Макиавелли ўз қараш ларида инсоннинг эгоистлиги тўғрисидаги шартга асосланади. Одамнинг ҳокимиятга интилиши чеки-чегараси бўлмайди. Бироқ ресурсларнинг чекланганлиги сабабли низолар келиб чиқади. Давлат индивиднинг бошқа индивидлар томонидан тажаввузкорлик қилинишидан ҳимояга муҳтожлигига асосланади. Қонунни ҳимоя қилиб турадиган куч бўлмаса, анархия вужудга келади. Бинобарин, одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун кучли ҳоким зарур. Макиавелли ўзининг далиллари асосида яхши ва ёмон давлат, шунингдек, яхши ва ёмон фуқаролар тушунчаларини қўллайди. У айнан яхши давлат ва яхши фуқароларни ҳосил қилиш мумкин бўлган шарт-шароитлар билан қизиқади. Агар давлат ҳар хил эгоистик қизиқишлар ўртасидаги балансни тутиб тура олса ва бинобарин барҳарор бўлса, яхши давлат бўлади. Ёмон давлатда турли эгоистик манфаатлар очикчасига низога киришади. Яхши фуқаро ватанпарвар ва жанговар субъект бўлади. Бошқача айтганда, яхши давлат барҳарордир.

Н. Макиавелли ўз қараш лари билан антик давр классиклари аъналарига ҳарши бўлган сиёсатга янги ёндашувни олиб қиради. Унинг учун сиёсат мустақил соҳа бўлиб, у ўзи учун мақсадларни, амалга ошириш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқади. Шунинг учун сиёсатнинг бошқа категориялар яъни ахлоқий қоидалар билан боғлаб баҳоламаслик лозим деб ҳарайди. Айни пайтда, Н. Макиавелли сиёсат қонунларини инсон табиати моҳиятидан келиб

---

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа тарихи. -Т.: Шарқ, 2002, 269-бет.

чикиб шаклантириш лозим деб ҳарайди. Шу тариқа сиёсатни ахлоқдан ажратиб олади. Ташкил этилган чегара сиёсатни кучга асосланган ҳокимият учун кураш воситасига айлантиради. Макиавелли ахлоқий тамойилларни ҳисобга олмаган ҳолда мустаҳкам давлат барпо этишнинг сиёсий услубиятини яратади. Унинг фикрича сиёсий давлат фаолияти ахлоққа бўйсина олмайди<sup>1</sup>.

Албатта, Н. Макиавеллининг қараш ларини сиёсий ахлоқ доирасидан мутлақо ташҳарида деб бўлмайди. Давлатнинг мавжудлигини таъминлаш ва унинг асосида куч устувор восита бўлиши ахлоқсизлик эмас, давлат моҳиятан барча фуқароларни ҳимоя қила олиш даражасида кучга ва уни ишлатиш имкониятига эга бўлиши лозим. Зеро, давлатнинг заифлиги ғайриахлоқий ҳодисадир. Агар давлат заиф бўлса, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамият барҳарорлигини сақлаб туриш имкониятига эга бўлмайди.

Аммо Н. Макиавелли фикрлари таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, у давлатни илоҳийлаштириб, инсонга нисбатан ёвузлик манбаи сифатида ҳарайди. Шундан келиб чиққан ҳолда кучли давлатни ташкил этиш учун жамият аъзоларини шу мақсад йўлида қурбон қилиш мумкинлигини оқлайди. Ва, бу йўлда зўравонликка асосланган барча воситаларни бирлаштиради.

Н. Макиавелли ўзининг ғоявий қараш ларида инсоннинг ёвуз хиссиётларини рағбатлантиришга асосланади. Шунга мувофиқ, у эзгуликка нисбатан ёвузликни ғалаба қуроли, аниқроғи, воситаси сифатида ривожлантиради. Инсон ўзи англамаган, лекин амалда ярим чала сифатида фойдаланиб келган ёвуз имкониятларини такомиллаштиришига эътибор ҳаратади. У ҳукмдорга берган тавсиясида шундай дейди: «Одамларни ё алқаш, ё қириш кераклигини айтиб ўтиш лозим. Чунки, кўрсатилган озгина жабр учун одам қасос олиши мумкин, катта зулмга эса ҳаршилик кўрсата олмайди. Бундан одамга жабрни ҳам келажакдаги қасосдан кўркмайдиган даражада ҳисобга олиб қилиш кераклиги хусусида фикр чиқади»<sup>1</sup>. Шу ўринда Макиавелли одамларни ҳукмдорга ва давлатга муҳолифат сифатида ҳарайди. Гўёки, ҳукмдор одамларга ҳарши туриш билан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиши мумкинлигига ишора қилади. Одамларга нисбатан ёки аёнларни алқаш ёхуд қириш билан ҳукмдор ўз ҳокимиятини қай муддатгача сақлай олиши инобатга олинмайди. Умуман, шу тариқа инсонлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда ҳукмдор учун фақат икки йўл борлигини кўрсатади. Ҳукмдор, ўз давлатини душманлардан хавфсизлантириши, бу йўлда янги дўстлар ортиришида куч билан ёки айёрлик билан халққа муҳаббат ҳамда қурқув сингдириши, зиён келтириши мумкин бўлган одамларни эса йўқотмоқ зарурлигини

---

<sup>1</sup> Қаранг: Макиавелли.Н. Государ Рассуждения о первой декаде Тита Ливия. О военном искусстве. -Минск.: Попурри. 1996. Стр-57

<sup>1</sup> Макиавелли Н. Ҳукмдор // Жақон адабиёти. 2002, № 9. Б-108.

таъкидлайди. Шу фикрларга ҳамоҳанг тарзда: «Яхшиликка ҳар бир соҳада эътиқод ва амал қиламан деган одам - яхшилик мутлақо ёт одамларга дуч келавериб албатта ҳалокатга учрайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳокимиятни сақлаб қоламан деган ҳукмдор - яхшилик қилишдан ўзини олиб қочиш маҳоратини эгаллаши ва зарур бўлганда бу маҳоратини ишлатиши керак»<sup>1</sup>, дейди. Бир ҳараганда, Макиавелли одамини ўзига маҳлиё қиладиган тавсиялар беради: «Тўғрида, мен шунчалик яхши ишларни қилсамда, халқ буни билмас» деган фикрлар ҳукмдор кўнглидан ўтиб турадиган тўйғу. Лекин, ҳукмдор учун яхшилик биринчи навбатта - бу масъулият. Илтифотни эса, агар лозим топса халқ кўрсатади. Сиёсатда «яхшилик» қилиш одамлар олқишини олиш учун эмас, аксинча белгиланган тартибни адо этиш мажбурияти сифатида ҳаралиши лозим. Шу тариқа Макиавелли таъмага ботган ҳукмдорнинг изтиробларига малҳам топган шифокорга айланади.

Агар ҳукмдор яхшиликни, асосиз равишда, ўз манфаати йўлида сарфлайверса, бундай номаъқул лўттибоз қилиқдан, шубҳасиз муъкул жавобни олади. Қолаверса, яхши ном келтириши мумкин бўлган хислатлар ҳукмдорнинг истаги билан эришилмайди, аксинча сиёсатнинг ахлоқийлигидан келиб чиқиб, ҳукмдорнинг яхши хислат соҳиби эканлиги халқ эътирофи билан сазовор бўлинади. Яхшилик қилиш лозим бўлган жойда золим бўлишликнинг мантиғи нимада! Умуман давлатчилик тарихида золимлик маълум шароит ва маълум давргача тахтни ва ҳукмдорнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаган халос. Таъкидлаш лозимки, шу каби тавсиялар мустамлақа сиёсат олиб борган ҳукмдорлар учун ниҳоятда қўл келган. Масалан, у бу борада шундай тавсиялар беради: «... шаҳар ёки ўлка яккаҳокимлик остида яшаган бўлса ва истилодан сўнг ҳокимнинг зоти қириб ташланса, шаҳар аҳолиси қурол олиб кўзғололмайди. Чунки бир томондан, у қулликка кўниккан, иккинчи томондан эса ҳоким йўқотилгани учун янгисини топишга имконлари бўлмайди ва улар янги қулликка тез кўникадилар. Шунинг учун бундай ўлка ёки шаҳар устидан ҳокимиятни сақлаб қолишнинг аниқ йўли - уларни вайрон қилиш ёки у ерга кўчиб ўтишдир»<sup>2</sup> дейди. Бундай тавсиялар ўзга ўлжаларни эгаллаш иштиёқида бўлган ҳукмдорлар учун аини муддаодир. Иккинчи томондан, Макиавелли ўз қараш ларида ҳаётийлик мавжудлигини ниҳоятда маҳорат билан, мантиқан асослайдики, уни инкор этиш қийин. Тавсияларда ахлоқ бўлмасида - мантиқ бор, адолат бўлмасида - реаллик бор! Шу ўринда ўйлаб қолсан, ахлоқ реал воқеъликдан ташҳаридами ёки реал ҳолат ҳақиқат деб тан олинса, ахлоқ нима?! Ахлоқ ҳақиқат эмасми?! Реал сиёсат мантиғи адолатдан ташҳари нимага хизмат қилиши лозим?!

---

<sup>1</sup> Ўша жойда. Б-129.

<sup>2</sup> Макиавелли Н. Ҳукмдор // Жақон адабиёти. 2002. № 9. Б-130.



Макиавелли инсоннинг чексиз ҳокимият ва эркинликка, лаззат ва оромга мойил бўлган нафсоний туйғуларини очади. Ана шу инстинкт орқали ҳукмдор фаолиятини ҳукмронлигини таъминлашга ва шу йўлда маълум мақсадларга эришишнинг самарали сиёсий воситаларини тавсия қилади. Яъни, «мақсад - ҳар қандай воситани оқлайди» деган машҳур қонидани яратади. Бундай ғояга «халқ», «ватан», «этикод», «ор-номус», «садоқат», «муҳаббат» каби тушунчалар мутлақо ёт. Унинг учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. «Такбир шуки, доно ҳукмдор агар бир вақтлар берган сўзи ҳозирда ўзига зарар бўлса ёки ўша берган сўзини беришга мажбур қилган сабаблар ечилган бўлса - сўзига содиқлик қилиши шарт эмас. Агар одамларнинг бари ўз сўзида турганларида эди, бундай маслаҳатим албатта нотўғри ва ножўя ҳисобланарди. Лекин аксар одамлар ёвуз, қасамхўр бўлгани учун сен ҳам уларга шу билан жавоб қайтаришинг зарур. Сўздан тониш баҳонаси эса доим топилади. Ва бунда ҳамиша тулкилик қилган томон ютган. Аммо, масаланинг яна бир муҳим томони шуки, бу - тулкиликни яшира билишдир. Ўта айёр, алдамчи ва ўта иккиюзламачи бўла олишга эришиш керак»<sup>1</sup>. Билмак, агар «Шоҳларнинг, ҳукмдорларнинг сўздан қайтиши сабабли қанча-қанча тинчлик битимлари, шартномалари бузилиб, чок-чокидан сўкилиб кетган» бўлса, янада айёр ва иккиюзламачилик қилишнинг қандай истикболлари бор экан?! Ёки айёр ва фирибгар бўлиш фазилатми?! Кейинги фикрларига эътибор берадиган бўлсак, шундайга ўхшайди: - «...ҳукмдор яхши хислатларнинг эгаси бўлиши шарт эмас, бироқ шу хислатларнинг эгасидек овоза тарқатиши шарт. Яна бир қўшимча қилишга журъат этай: яхши хислатлар эгаси бўлиш ва ҳамиша уларга эътиқод қилиш - зарарли: лекин яхши хислатларга эгадек ном чиҳариши ва унга амал қилмаслик - кони фойда. Бошқача қилиб айтганда, киши кўзига дардқаш, сўзида турадиган, меҳрибон, ҳалол, яхшилик қиладиган бўлиб кўриниш керак, ҳақиқатда ҳам шундай яшаш керак, лекин ичингда, лозим бўлиб қолган пайтда, шартта тесқарисини қилишга доимо шай туриш керак»<sup>1</sup>. Агар инсоннинг руҳий ҳолати ва имкониятидан келиб чиқсақ, Н.Макиавелли айтган тавсияга амал қилиш учун шайтон бўлмоқ лозимлигини уқиш мумкин. Ҳукмдор бўлмоқ учун, унингча аввал инсон қиёфасидан маҳрум бўлиш зарурдек туюлади. Негаки, инсон бир вақтнинг ўзида бир қанча турга мансуб одам бўла олмайди. Ўзини бари бир фош қилиб қўяди. Боз устига, худо ҳукмдорни ақл-фаросатдан қисган бўлса, яхшилик ва эзгулик туйғуси бўлмаса, у қанча уринмасин муаллиф айтганидек, «яхши хислатлар эгасидек ном чиҳара» олмаслиги тайин.

Албатта, Н. Макиавелли ниҳоятда ўткир зеҳнли, руҳшунос ва кучли мантиғи билан ажралиб туради. Шунга мувофиқ, уни айрим

---

1 Макиавелли Н. Ҳукмдор. //Жақон адабиёти. 2002. № 9. Б-133.

<sup>1</sup> Макиавелли Н. Ҳукмдор. //Жақон адабиёти. 2002. № 9. Б-133.

масалаларда ожиз ёки бирёклама қараш га эга бўлган деган фикрдан йироқмиз. У ўз тавсияларини ҳокимият ва одамлар табиатидан келиб чиқиб ёзганлиги маълум. Ўша даврдаги маданий муносабатлар даражаси шу тариқа сиёсий воситалар билан кафолатланишини тақоза қилган. Қолаверса, ҳокимиятни черковдан ажратиб олинишга ҳаратилган ғоялари давлатнинг диний мафкурадан холи бўлишига олиб келган ютуқларидан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳокимиятнинг мустаҳкам кучга эга бўлиши масалалари сиёсатшунослар томонидан бугунда ҳам маъқулланиб келинмоқда.

Сиёсатда мутлақо оптимал ёки ижобий ечим бўлмайди. Доимо ёмонлардан яхшиси танланади. Аммо, унинг қараш лари унгача ривожланган умуминсоний кадрятларга ҳарама-ҳарши, зиддир. Християн динида ҳам ёвузлик - ёвузликни келтириб чиҳаради деган қоида мавжуд. Унда «Одамларнинг сенга нисбатан қандай муносабатда бўлишини хоҳласанг, уларга ҳам шундай муносабатда бўлгин. Акс ҳолда, инсоннинг ўзи ёвузлик манбаига айланади» (Ветхий завет<sup>1</sup>). Шу ўринда унинг ғоялари одамлар ўртасидаги муносабатларга хосдир, аммо кишилик жамиятнинг қонуниятларига зид келади.

Бугунги кунда Н.Макиавеллининг шу каби ғайрияхлоқий қараш ларини қўплаб олимларимиз инкор этиб келмоқдалар. Жумладан, М.Жакбаров шундай дейди: «Адолатнинг мезони, Макиавелли фикрича, инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мазлумларга шафқат ва раҳмдиллик кўрсатиш, виждон талаби ила олиб бориш эмас, балки шохнинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлида, унинг фаолиятини асослаб бериш учун бир восита ҳисобланади. У инсонни ишонч ва ҳурматга арзимайдиган маҳлук, инсон моҳиятига кўра разил ва мунофикдир, шунинг учун ҳам унга нисбатан қўлланган фирибгарлик ва зўрвонлик чоралари ҳақлидир, деб ҳисоблайди»<sup>2</sup>. Мазкур масала юзасидан олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатаптики, Н. Макиавелли таълимотида реал сиёсат ахлоқий кадрятлар масъулиятидан маҳрум этилган. Натижада сиёсат ёвузлашади, мақсад ва воситалар моҳияти ахлоқсиз кўриниш касб этади.

Масалан, Шарқда яшаб ижод этган Н.Макиавеллининг замондоши Муҳаммад Қозининг ўғитлари Макиавелли асос солган «сиёсий реализм» таълимотидан фарқли ўлароқ, ҳақиқатга, эзгуликка, адолатга, ахлоққа асосланади. Умуман Шарқ фалсафаси сиёсий реализмининг фарқи ҳам шунда. Жумладан, у шундай дейди: «Подшоҳ жабр - зулм ва такаббурлик билан халқни ўзидан кўрқитмаслиги, балки заифлар ва ўз қўл остидагиларга адлу эҳсон ва шафқат назари билан ҳараб, раъиятнинг муҳаббатини қозонмоғи лозим. Расулulloҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам шундай деган:

<sup>1</sup> Этическая мысль. -М.: Республика. 1992.

<sup>2</sup> Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Т.: Академия. 2002. Б-44

«Сизнинг энг яхши подшоҳларингиз сизни севадиган ва сиз ҳам уларни севадиганларингиздир. Энг ёмон ҳокимларингиз эса сизни ўзига душман деб биладиган ва сиз ҳам уларни душманингиз деб ҳисоблайдиганларингиздир»<sup>3</sup>. Эътибор беринг, Макиавеллида унинг мутлоқ тескари талқини берилган. У одамларни «ё алқаш керак, ё қириш керак» деса, Муҳаммад Қози «Энг ёмон ҳокимларингиз эса, сизни ўзига душман деб биладиган ва сиз ҳам уларни душманингиз деб ҳисоблайдиганларингиздир» дейди. Шу тариқа масаланинг ҳарама-ҳарши жиҳатлари нимадан иборат экан? Муаммога «яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш» қабилида жавоб берсак, мавзумиз моҳиятини очармикан?! Ҳар ҳолда, у, биз ўйлаганчалик анойи одам бўлмаган. Инсоният давлатчилиқ тарихи ва унинг ривожидagi воқелик, афсуски кўпроқ у айтган башоратга тўғри келади.

Сабабларнинг моҳиятини Муҳаммад Қозининг ҳукмдорга берган ўғитларини солиштириш асосида очишга ҳаракат қиламиз. Ҳаранг; «Подшоҳ халқнинг розилигини ўйлаб, ҳукм чиқаришда сусткашлиқ кўргазмаслиги ва иккиюзламачилиқ қилмаслиги лозим. Шунингдек, ҳар бир одамни хушнуд этиш учун ҳақиқат ва шариатга ҳарши бормаслиги керак. Ҳукмронликнинг ўзига хос томони шундаки, доимо халқнинг ярми подшоҳдан норози бўлиб юради. Чунки муҳолиф тарафни ҳақиқат билан хушнуд этиб бўлмайди ва бутун халқнинг розилигига эришмоқ одил подшоҳ учун ҳам имконсиздир. Подшоҳ ҳукм чиқарганида ҳеч кимга ён босмай беғараз бўлса, яъни норози одамларнинг ғазабидан андиша қилмай, аввало Оллоҳ розилигини истаса, Ҳақ субҳонаху ҳам ундан рози бўлади ва ҳам одамларни ундан рози қилади»<sup>1</sup>, дейди. Бунда ҳам Макиавелли «ҳукмдор айёр ва иккиюзламачи» бўлишни тавсия қилса, Муҳаммад Қози «ҳукмдор икки юзламачилиқ қилмаслиги» тўғрисидаги шартини билдиради.

Муҳаммад Қозининг ушбу фикрларини сиёсий-социологик тадқиқотга киёслаш мумкин. У масалани ҳар томонлама бир-бирига боғлиқ ижтимоий қонуниятлар асосида таҳлил қилган ва реал воқеликка хос бўлган хулосаларга келган. Агар ҳукмдор халқни ўйлаб ҳақдан воз кечса ва ўзининг ҳарорларида мунофиқлик қилса, унда салтанат пойдеворига зарар келтирар экан. Эътибор беринг, подшоҳ нафақат аёнларга, балки халққа ҳам яхши кўриниши учун иккиюзламачилиқ қилмаслиги лозим. Унинг фалсафасида адолат муаммоси ахлоқ билан асосланган. Ушбу фикрдан хулоса қилиш мумкинки, ҳақиқатга хизмат қилган ва шу ҳақиқатни бурч деб билган. Ҳукмдор яхшилик қилгани учун одамлардан мурувват сўрашга эҳтиёжи қолмайди. Ахлоқнинг моҳияти ана шу ҳақиқатга

---

<sup>3</sup> Муҳаммад Қози. Ҳукмдорга ўғитлар. -Т.: Шарқ., 1999. Б-27

<sup>1</sup> Муҳаммад Қози. Ҳукмдорга ўғитлар. -Т.: Шарқ, 1999. Б-26

асосланишида. Айни пайтда, ҳукмдор сиёсати ахлоқий бўлиши учун унинг ўзи шу даражадаги фозил сифатларга эга бўлиши лозим.

Муҳаммад Қози ўз замонасидаги илмларни мукамал эгаллаган ва сўфийлик йўлини ихтиёр этган илғор фикрли кишилардан бўлган. Унинг каламига мансуб «Ҳукмдорга ўгитлар» рисоласида давлатни идора қилиш, подшоҳларнинг одоби ва уларга юкланган вазифаларнинг охиратдаги жавоблари ўнта шарт асосида баён этилган. Зеро, бу йиллар Шайбонийлар ҳукмронлиги даври бўлиб, Моварауннаҳрдаги мураккаб сиёсий курашлар билан ажралиб турган бўлсада, Муҳаммад Қози ҳукмдорни унга ҳарши галаён қилаётганлар ёки қилиши мумкин бўлганлардан қандай сақланиш тўғрисида эмас, балки адолат ва инсоф ҳақидаги рисоласини ёзади. У давлатни «адолат ва эҳсоннинг ривожидир» деб ҳарайди. Шу тариқа ўз таълимоти билан бугун биз бош қотириб юрган жамият ва давлат бошқарувидаги сиёсий ахлоқ муаммоларининг илмий асосларини ривожлантиради. У шундай дейди: «Подшоҳ давлат ва мамлакатга таҳдид этадиган хатардан гофил қолмаслиги керак. У шуни билсинки, амирлик мансаби ва ҳукумат бир восита бўлиб, бу восита орқали абадий саодат ва эзгу ном қўлга киритилади. Даврон подшоҳлари ва ҳокимларининг аксари фоний дунёнинг бевафо давлатига мағрур бўлиб, нафслари учун ўз динини вайрон қиладилар ва беномусликлари туфайли иймонни шамолга учирадилар»<sup>1</sup>. Эътиборли жиҳати шундаки, давлатчилик шакллари монархияга асосланганлигига ҳарамасдан Макиавелли ахлоққа ҳарама-ҳарши тарзда «мақсад - ҳар қандай воситани оқлайди» деса, Муҳаммад Қози восита «абадий саодат ва эзгу мақсадларга» хизмат қилиши тўғрисидаги ғояларни илгари суради. Давлатчилик сиёсатининг воситалари умуминсоний кадриятларга асосланиши инсоннинг муҳаббатга тўла қалб қудратини очади. Халқнинг юксак туйғуларини эзгуликка сафарбар қилади.

Жамиятда бир хил бўлмаган ахлоқий даражадаги табақаларнинг турли қарашлари мавжуд, аммо уларни бирлаштирадиган ягона ғоя фақат ахлоқдир. Реал сиёсат ана шу ҳақиқатга асосланмоғи, давлат эса восита сифатида унга хизмат этмоғи лозим.

Макиавелли ахлоқий тамойилларни ҳисобга олмаган ҳолда мустаҳкам давлат барпо этишнинг сиёсий услубиятини яратди. Унинг фикрича сиёсий давлат фаолияти ахлоққа бўйсина олмайди<sup>1</sup>. Лекин, сиёсат ахлоққа асосланмагач, унда ҳеч қандай масъулият қолмайди. Ахлоқий кадриятлардан маҳрум давлат сиёсати табиий зўравон, жохил, барча нарсаларда куч ишлатишни устувор билади.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Қози. Ҳукмдорга ўгитлар. -Т.: Шарк, 1999. Б-26

<sup>1</sup> Макиавелли Н. Государь. Рассуждения о первой декаде Тита Ливия. О военном искусстве. -Минск.: Поппури. 1998. Стр-5.

Сиёсатнинг мақсади халқ фаровонлиги бўлса - бу фаровонлик фақат кадриятлар негизда ривожланади.

Жамиятда бир хил бўлмаган ахлоқий даражадаги табақаларнинг турли қараш лари мавжуд, аммо уларни бирлаштирадиган ягона ғоя фақат ахлоқдир. Реал сиёсат ана шу ҳақиқатга асосланмоғи, давлат эса восита сифатида унга хизмат этмоғи лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, давлатнинг мавжудлигини таъминлаш ва унинг асосида куч устувор восита бўлиши - бу ахлоқсиз ҳодиса эмас. Давлатнинг вазифаси моҳиятан барча фуқароларни ҳимоя қила олиш каби мақсадларга асосланиши билан белгиланади. Макиавелли эса давлатни илоҳийлаштириб, инсонга ёвузлик манбаи сифатида ҳарайди. Шунинг учун у кучли давлатни ташкил этишда жамият аъзоларини шу мақсад йўлида қурбон қилиш мумкинлигини оқлайди. Ва бу йўлда зўравонликка асосланган барча вомиталарни бирлаштиради. Давлатчилик қурилишига бундай тарзда ёндашув уни кучайтиришга эмас, аксинча, емиришга хизмат қилган. Тоталитар давлатлар сиёсий тарихи бунга ёрқин мисол бўла олади.

Сиёсий идеализм тушунчаси фалсафий моҳиятидан фарқли ўлароқ дунёни қандай бўлса шундайлигича эмас, балки қандай бўлиши лозимлиги тўғрисидаги тасаввурларда ўз ифодасини топади. Ғоялар ва мафқуралар яратилган сиёсий идеализмнинг фалсафий моҳияти инсоннинг оғир турмуш тарзидан қутулиб фаровон ва бахтли ҳаётга бўлган орзулари ифодаланади. Инсон ўз орзусини ҳаёт машаққатларига ҳарши қўяди, шу тариқа аввал эртақлар, қўшиқлар ва ривоятлар орқали ифода этади.

Аммо ҳаётда ҳаёлий тасаввур билан жамият қуриб бўлмайди. Идеал мукамал ижтимоий - сиёсий қурулма ўтмишга ёхуд келажакка ҳаратилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай лойиҳалар, фикрлар Платон, Аристотель, Конфуций асарларида ўтмиш кадриятлари билан боғлиқ маросимлар, тартиблар, ахлоқий қоидаларга риоя этишга чақиради. Иккинчи тоифадагилар инқилобий лойиҳалар асосида жамият ва давлат қурилишини тубдан ўзгартиришни ёқлаб чиқадилар. Гўёки, фақат шундай ёндашув ижтимоий адолатни, эркинликни ёки ирқий, миллий умумий тенгликни таъминлайди деб ўйлайдилар. Масалан, Платоннинг «Давлат»идан Кампонелланинг «Қуёш ўлкаси» асарларигача бўлган утопик қараш лар сиёсий идеализмнинг энг юқори кўринишлари ҳисобланади. Барча идеал лойиҳалар, аслида инсон камолотига ҳаратилган руҳий ташаббуси билан йўғрилган бўлади. Сиёсий идеализм тарафдорлари аксарият ҳолларда инсон фожиаларини унинг ўзидан эмас, балки ижтимоий шароитдан, жамиятнинг шаклланмаганлигидан, деб билади.

Инсоният тарихида кўплаб ғоялар вақт ўтиши билан сиёсий идеализм қобиғидан чиқиб эртами-кечми сиёсий реализм аъналарини бойитган. Шунинг учун сиёсий идеализм билан

реализм ўртасига чегара қўйиб бўлмайди. Ёки уларнинг қай бири сиёсат учун ижобий ва афзал эканлиги тўғрисидаги бир ёқлама мунозара мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Қолаверса, ижтимоий-сиёсий фикрлар сиёсий жараёнларда ўзгарувчан хусусиятларга эга. Тарихий ва сиёсий жараёнлар эҳтиёжга биноан идеал ғоялар ўрнига реал ғоялар келади ҳамда бир-бирларини тўлдиришга хизмат қилади. Масалан, жамият ривожини ёки унинг тараққиёти шу жамият аъзоларининг ўз истиқболларини қандай идрок этишга ва унга интилишларига боғлиқ. Яъни, баъзи ғоялар мантиқан утопия ёки ақидапарастликдан нарига ўта олмайди. Бошқа бир ғоялар ҳам борки, улар ижтимоий қонуният талабларига мувофиқ яратилсада, ижтимоий ҳаётда фуқароларнинг истак – хоҳишига айлана олмайди, яъни улар фуқаролар маънавиятига мос келмайди. Ғояларнинг яна бир тури борки, уларда фуқароларнинг барча истаклари ўз ифодасини топган бўлсада, аммо давлатнинг амалга оширадиган амали бўлмаса, бунда ҳам энг ҳаётий ғоялар ғоялигича қолиб кетади. Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий: «Инсон бахт-саодат нимадалигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа бу қилмишлари ёмон ва ноўриндир»<sup>1</sup>, дейди.

Афсуски, ҳозиргача бу борада назарий ва амалий фикрлар уйғунлигига эришилган эмас. Ҳеч бир жамият идеал давлат қуриш мақсадига етган ҳам эмас. Аммо, идеал ғояларни давлат бошқаруви тизимида реал сиёсат билан уйғунлаштиришга ҳаратилган фаолият жамиятда эзгуликни ёвузлик устидан назоратини ушлаб туришга хизмат қилади. Бундай ахлоқий устунлик инсонларнинг фаровон, озод ва обод ватан бунёд этиш эзгу истакларини саробга айлантиришга йўл қўймайди.

Албатта, ахлоқ билан боғлиқ бўлган маънавий-маърифий қарашлар кўпроқ идеал хусусиятга эга бўлади. Чунки, реал мавжуд дунёда уларга эришиш ёки амал қилиш мураккаб вазифа. Унинг мураккаблиги ҳам аслида инсоннинг маънавий салоҳият даражаси, тафаккури билан боғлиқ. Шунинг учун инсон идеал ва реал ғоялар ўртасида доимий курашда бўлади. Яъни, инсонларда адолатга интилиш бор экан, ёвузликка ҳарши кураш масаласи ҳам сақланиб қолади. Шунинг учун реал сиёсат ёвузлик даражаси пастроқ бўлган ижтимоий шароитда танланади. Энг муҳими жамиятда ахлоқий муносабатларнинг ҳаётчилигини таъминлашда ёвузликнинг қиймати эзгулик қиймати даражасидан юқори бўлмаслигини назоратга олиниши муҳим. Чунки, жамиятда мутлоқ ахлоқийликни таъминлашнинг имкони йўқ. Агар улар ўртасидаги мувозанат

---

<sup>1</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: А.Қодирий. 1993.

мезонларига амал қилинмаса, ёвузлик ҳокимият бошқаруви орқали жамиятнинг бутун ижтимоий қатламига кириб боради. Нагжижада уни жамият ҳаётидан чиҳариб ташлаш анча мушкул вазифага айланади.

Идеал мақсад қанчалик илоҳий ёхуд баланд бўлмасин бари бир реал дунёга хос ҳодисадир. Идеал мақсадлар инсониятнинг салоҳияти юксалиши баробарида реал воқеяликка айланиб боради. Шунинг учун ижтимоий жараёнларни ахлоқий қадриятлар тизимида шакллантириш ахлоқнинг сиёсатдан ташҳарида қолиб кетишининг олдини олади. Қабул қилинаётган ҳарорларнинг ижросини инсоннинг иштироки орқали ташкил этиш мурватлари белгиланиши муҳим. Инсонда жамият истиқболи олдида масъулияти ва жавобгарлик ҳисси мустаҳкамланади.

Турли даврларда мавжуд бўлган мафкуралар – салтанат ва элу-улус равнақи, илм-фан ривожига асос бўлган, маданият ва маънавият юксалишига хизмат қилган. Мафкуралар яна шундай ҳам бўлганки, инсоният асрлар оша яратган маънавий меросни яқсон қилган, инсон қалби ва шуурини зулматда сақлаб, жамики маданиятларни вайрон қилган. Аслида, иккала ҳолатда ҳам идеал ғоя ва шу ғояга интилиш манфаатлари бир хил бўлган. Иккала ғоя ҳам маълум шахс ва кейинчалик миллат руҳияти орқали мафкурага айланган ижтимоий ҳодиса. Аммо, масала шундан иборатки, биринчи ҳолатда мафкура – ахлоқий тамойилларга таяниб, умуминсоний қадриятларни устувор билган бўлса, иккинчи ҳолатда эса фақат маълум гуруҳ ёки миллий тор манфаатлари доирасидан келиб чиққан. Тор, бир ёқлама манфаатлар нуқтаи назаридан белгиланган ёхуд кейинчалик амалга оширишга ҳаракат қилинган мафкуралар ахлоқий тамойилларга зид ва ҳарама-ҳарши бўлганлиги туфайли, инсоният учун ҳалокатли оқибатларни олиб келган.

Инсониятнинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истибдод, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги асрий кураши шу тариха мафкураларда ўз ифодасини топган. Хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай ғоялар ҳам мафкура бўла олмайди. Фашизм, коммунизм, нацизм, рассизм, шовинизм, ваҳобизм ва бошқа мафкуралар миллионлаб халқлар бошига қанчалар кулфатлар солди ҳамда ва ҳамон уларнинг ҳуфиёна таҳдидлари сақланиб келмоқда. Шу жиҳатдан ҳам мафкуранинг ғайриинсоний ва ғайримиллий моҳияти ғайриахлоқийдир.

Мафкура бевосита давлат ва жамият ривожига у ёки бу даражада таъсир этади. Мафкуранинг давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларини белгиловчи ахлоқий мезонлар уйғунлиги умуминсоний қадриятларга қанчалик асосланганлиги даражаси билан давлат равнақи белгиланади ёки халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлади. Яъни, ахлоқ инсон орзу-интилишларининг маърифийлигини таъминловчи мезон бўлиб, разолат ва жаҳолат йўллариини тўсувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Демократик ривожланиш йўлини танлаган жамият, тоталитаризмдан фарқли равишда, мафкуралар хилма-хиллигига асосланади. Жамият ижтимоий ривожланишида мафкура хилма-хиллигини жорий этиш, аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Демократик жараёнларда жамият аъзолари томонидан қандай «адолатни» танлашига ҳараб миллатнинг ахлоқий кифоаси аниқланади. Зеро, инсон фаолияти воситалари ва турли-туманлиги яъни адолатли ва адолатсиз, эзгулик ва ёвузлик, ҳақиқат ва ёлгон каби муносабатлар билан баҳоланади. Бундай муносабатларнинг турлилиги ижтимоий онгда ифодаланади. Натижада, қабул қилинган ҳарорлар миллий кадриятларга хос тарзда жамият ҳаётидан ўрин олади. Шунинг асосида жамият аъзоларининг аниқ мақсадлари шаклланади ва унга мувофиқ истиқболлар белгиланади.

Жамиятда сиёсий ахлоқ муносабатларини шакллантириш ва уни амалга ошириш жараёнлари албатта ўзгарувчан реалликка мувофиқлаштирилмоғи лозим. Сиёсатчи реал воқеликни англаши ва уни ахлоқий кадриятлар негизида ривожлантира олиши жамиятда сиёсий барҳарорликни таъминлайди. Ана шу оддий фалсафа мураккаб муаммоларнинг ечимини тўғри белгилашга ёрдам беради. Бундай тўғрига эга бўлмаган сиёсатчи муросавий ечимларни топа олмайди ва унинг фаолияти зиддиятларга дуч келади.

Аммо, айрим ҳолларда муросавий сиёсатни ахлоқий жиҳатдан эътиқоддан қайтиш ёки маълум идеаллардан воз кечиш деб ҳам баҳолашади. Шунинг учун сиёсатчи муносабат объектининг ахлоқий хусусиятларини ўрганиши ва шунга мувофиқ таъсир ўтказиш воситаларини танлаб жалб қилиши лозим. Зеро, жамиятда ахлоқсизлик рағбатлантирилганда, у барчани ўз гирдобига тортади. Тарихий тажриба шунини кўрсатмоқдаки, одамларга ақл-заковати билан муросага эришган арбоблардан кўра ҳаттиққўллик билан, муросасиз ўз гоълари ва қарашларини амалга оширган арбоблар кўпроқ ёқади. Бундай шароитда иккинчи тоифадаги арбоб ахлоқий кадриятларга кўпроқ зиён етказиши ҳам мумкин. У ўз фаолиятида ўзи англаган ахлоқни ҳарор топтиришга, қолганларни шу ахлоққа бўйсинишларига мажбур этади. Натижада бахтли ҳаёт тўғрисида берилган «ваъда» маълум бир муддат ўтгач, саробга айланади.

Албатта ҳаётда идеал демократик давлат ёки сиёсатчи бўлмайди, аммо кўплаб одамларнинг фаровонлиги йўлида амалий ишларни амалга ошира олган давлат ва сиёсатчи ахлоқий масъулият орқали ўз мақсадларини намоён этиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир фаолият натижаси қай даражада халқчил эканлиги билан ўлчанади.

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб, жамият сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланмоқда. Бунинг ўзига хос маданий ва



маърифий жиҳатларидан бири шуки, бу тоталитар жамият ва унинг мафкуравий негизларига тамомила ҳарама-ҳаршидир. Тоталитар онг ва тафаккурдан фарқли ўлароқ фикр эркинлигини, фуқароларнинг жамият тўғрисидаги қараш ва тасаввурларини шакллантиради. Колаверса, фуқаролар онги ва тафаккури билан боғлиқ соғлом демократик муносабатлар уйғунлигини вужудга келтиради.

Бугунги кунда миллий мафкура тамойиллари умуминсоний кадрятлар асосида миллий ўзлигимизни англаш, Ўзбекистон халқларининг миллий ва диний эътиқодидан қатъий назар, ягона мақсад ва ягона байроқ атрофида бирлаштириш, бошқа халқлар билан ўзаро тенг ҳамкорлик қуриш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, фуқароларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, умумбашарий ютуқлар билан ҳамоҳанг бўлиш каби ғояларга ахлоқий таянч сифатида ҳаралмоқда. Бундай мафкуравий тамойиллар нафақат ўзбек миллати ёки давлатининг балки барча миллат ва давлатларнинг ҳам манфаатларига мос келади. Шу ўрнида идеал ва реал сиёсатнинг уйғун келган тарихий ифодасига алоҳида эътибор қилиш зарурати туғилди. Масалан, бундан икки аср олдин, яъни 1713 йилда де Сент – Пьюерининг «Европада абадий тинчликни ўрнатиш лойиҳаси»; Ж.Ж.Руссонинг Европа халқларининг ташкилотини тузиш ғояси; 1813 йилда А.К.Сен-Симон ўзининг «Европа жамиятини қайта қуриш тўғрисида» деб номланган ишида умумевропа миллий давлатини ташкил этиш ғоялари илгари сурилади<sup>1</sup>. Албатта ўша даврда бу ғоялар одамлар тасаввурида замон нуктаи назаридан идеал бўлганлиги учун мафкурага айланмаган. Ундан чикди одамлар ўз идеал ғояларини сиёсатга айлантиришлари билан реал воқелик ҳарор топар экан. Бу биринчи хулоса. Иккинчи хулоса шундан иборатки, Президент И.А.Каримов ташаббуси билан 1996 йилда «Туркистон умумий уйимиз» ғояси илгари сурилди. Аммо уни англаш афсуски, бугунги кунда идеал тасаввурдан реал сиёсатга ўтган эмас. Лекин, ўртага ташланган мавжуд ғоя ижтимоий турмуш эҳтиёжи ва маданиятнинг ортиб бориши билан, шубҳасиз реал сиёсат кун тартибига айланади.

Мавзумизни хулосаси сифатида шуни таъкидлаш лозимки, **биринчидан**, кишилиқ жамияти тарихида инсоният ўзи яратган идеал ғояларнинг кўпроқ душманига айланиб келган. Яъни, идеал ғояларни маълум сиёсий манфаатлар нуктаи назаридан ёки маънавий ожизлиги туфайли қабул қила олмаган инсон тафаккури жамият ривожига хизмат қилиши мумкин бўлган илғор ғояларнинг яшаши ва ҳарор топиши учун имконият бермаган.

**Иккинчидан**, кўплаб миллатларнинг ижтимоий тараққиётдан ортда қолишининг сабаблари ҳам шунда. Шунинг учун жамиятда – жамият, миллат, халқ тараққиётига, инсон

---

<sup>1</sup> Қаранг: Гаджиев К. Политическая философия. -М.: Экономика. 1999. Стр- 425.

манфаатларига хизмат қиладиган ғояларнинг яшаш шароитининг яратилиши муҳим ҳисобланади<sup>1</sup>. Аслида миллий кадриятлар сиёсий реализмнинг таркибий қисмига кириб бориши лозим.

**Учинчидан**, идеал ва реал сиёсатнинг талабларини жамият манфаатларига мувофиқлаштирувчи куч - ахлоқ бўлиб қолади. Ахлоқи йўқ идеал ғоялар жамиятни фашизмга, коммунизмга ёки ахлоқи йўқ реализм зўравонликка, анархияга, парокандаликка олиб келади. Сиёсатда уларнинг мувозанатига эришиш «фуқаро – жамият – давлат» муносабатларини барҳарорлаштиради, истиқбол мақсадларини мустаҳкамлайди.

**Тўртинчидан**, инсониятнинг бугунги ижтимоий тараққиёти самараси кечаги озод ва обод жамият қуришга бўлган интилишининг идеал ғояларда ташкил топган назарий самараси эканлигини англаб ва ундан тўғри сабоқ чиқармоғи лозим. Агар жамиятда турли-туман ғоялар бўлмаса, миллатнинг истиқболи мавҳумлашади. Шунинг учун жамиятда соғлом реал ғоялар қаторида идеал ғояларнинг мавжудлигини таъминловчи соғлом демократик жараёнларни ташкил этиб бориш зурур бўлади.

**Бешинчидан**, фақат миллий, умуминсоний кадриятлар бунёдкор мафкураларнинг асоси бўлиши, давлатлар, халқлар ўртасидаги муносабатларни маданий - маърифий даражада мустаҳкам боғловчи омил эканлигини эътироф этиш даврнинг тақозоси бўлиб қолади.

**Олтинчидан**, ҳар қандай мафкуранинг асоси ахлоқ эканлиги, давлат, жамият ва фуқаро муносабатлари ҳақиқат, адолат каби ўзаро манфаатлар асосида қурилиши мафкуранинг ахлоқий тамойилларини мустаҳкамлайди. Шундагина мафкура миллатнинг ҳаётий эҳтиёжига айланади ва у миллий–маънавий юксалишга хизмат қилади.

## **2.2. Сиёсат ва ахлоқнинг мувозанати, мувофиқлик даражаси, мезонлари**

Жамиятда демократик жараёнларнинг шаклланиб бориши фуқароларнинг маънавий ва маърифий салоҳиятларига ва шу мезонларни қай даражада химоя қилишларига боғлиқ бўлади. Бундай салоҳият жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг устуворлигини таъминлайди, давлат ва инсон манфаатларини уйғунлаштиради, жамиятнинг ижтимоий ахлоқини юксалтиради. Шундай қилиб, демократик жараёнларда сиёсий ахлоқ ижтимоий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Щацкий Е. Утопия и традиция. -М.: Прогресс. 1990. Стр-27

фаолиятнинг маънавий мезони бўлиб, жамиятнинг барҳарор ривожини таъминлаб берувчи омил сифатида намоён бўлади. Ахлоқ билан мувофиқлашган сиёсат ўз муддаосида жамиятни ихтилофлардан, фавкулудда ҳодисалардан, беҳарорликдан, турғунликдан сақлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат ёхуд сиёсий арбоб ўз сиёсий фаолиятини миллий кадриятлар негизид ахлоққа боғлаши жамиятнинг истиқбол имкониятларини кенгайтиришга олиб келади. Зеро, ахлоқ бўлмаган жойда сиёсатнинг мақсад ва моҳияти бузилади.

Демократик жараёнларда сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлаш муаммоси, аввало давлат бошқарув механизмларининг нечоғли даражада миллий кадриятлар асосида манфаатларга мос тарзда шакллантирилишига боғлиқ бўлади. Яъни, бошқарув механизмлари халқнинг сиёсий жараёнларга ва ҳокимият бошқарувида иштирокини таъминлаш даражаси билан белгиланади. Бунда фуқароларнинг ўз манфаатларига эришишларининг реал имкониятлари шакллантирилади. Улар ўз салоҳиятлари даражасида сиёсий жараёнларда иштирок этиш ваколатларини қўлга киритадилар. Айнан шу омил сиёсатни ахлоққа нисбатан мувофиқлаштирилишига олиб келади.

Бу борада дунё мутафаккирлари асрлар давомида ахлоқ, сиёсат, ҳокимият ва зўравонлик муаммоларига нисбатан умуминсоний, диний, илмий–назарий қараш ларни шакллантириб келганлар. Аристотелнинг «Инсоннинг фаровонлик билан боғлиқ бўлган интилиши давлатнинг мақсади бўлса, унда ахлоқ ва сиёсат ҳам уйғундир»<sup>1</sup>, дейди. Демак, у сиёсат ва ахлоқни ягона фан сифатида шаклланишини назарда тутди. Уларни ўрганиш ва ижтимоий турмушимизга сингдириб бориш жамият маънавий ҳаётини юксалтиришга хизмат қилади.

Сиёсат ва ахлоқ мувозанати муаммолари доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу масала Шарқ мутафаккирларининг ҳам диққат марказида бўлган. – «Улар билим, маънавий камолот, одамийлик ва шу каби ахлоқий фазилатларни ҳарор топтиришга хизмат қилади. Юксак ахлоқийлик ва маънавийлик ҳукмрон бўлмаган жамиятда ҳеч қачон адолат ва яхши ишлар, қонунчилик юзага чиқмайди, деб билганлар. Яъни, ахлоқни сиёсатнинг зидди, деб эмас ахлоқ ва ахлоқийлик сиёсатнинг негизидир, деб ҳараганлар»<sup>2</sup>, дейди М Жакбаров. Шу сабабдан ушбу фасл тадқиқот эътиборини бевосита сиёсат ва ахлоқнинг мувозанати, мувофиқлик даражаси ҳамда мезонларини белгилашга ҳаратамиз.

**Сиёсат ва ахлоқ мувозанати** русча луғавий таржимаси – «баланс» деб юритилади. Унинг луғавий маъносига кўра иқтисодий

---

<sup>1</sup> Аристотель. Соч. в четирех. Т.4 -М.: 1984, Стр-65

<sup>2</sup> Қаранг: Жамиятни эркинлаштириш ва маънавийт. -Т.: Академия, 2002. Б-46.

ва молиявий тушунчалар касб этади. Кирим-чиқим, даромат-буромат ўртасидаги фарқларни мувофиқлаштириш, тенглаштириш каби тушунчаларда ишлатилади<sup>3</sup>.

Бугунги кунда мувозанат ёки баланс тушунчалари сиёсий термин ва атамаларда ҳам ишлатилмоқда. Жумладан, сиёсий ҳокимиятлар ўртасидаги кучлар нисбатини мувозанатга келтириш, жамиятда социал гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги мувозанатни сақлаш, халқаро муносабатларда ҳарама-ҳарши тарафлар мувозанатини таъминлаш масалаларини қамраб олади. Тадқиқотда сиёсат ва ахлоқ муносабатларининг мувозанатини ташкил этиш мақсадида ушбу тушунча муомилага киритилди. Бундай эҳтиёж юҳарида таъкидланганидек, сиёсат ва ахлоқнинг алоҳида хусусиятлари ва мувофиқлик даражаларининг мавжудлигидан келиб чиқилди.

**Сиёсий ахлоқ мувозанати жамиятда сиёсатнинг талаб ва эҳтиёжларга мос равишда ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқ. Яъни, сиёсат ижтимоий ва индивидуал манфаатларни уйғунлаштиришга, инсон манфаатлари устуворлигига эришишга ҳаратилмоғи лозим. Сиёсат манфаатларнинг рўёбга чиқишини таъминловчи мурват бўлса, ахлоқ манфаатларнинг мазмунини белгилайди. Зеро, ахлоқ сиёсий воситаларсиз ижтимоий муносабатлар таркибий қисмига айланмайди, балки, ахлоқий кадриятлардан ташҳари бўлган сиёсат ўз моҳиятини йўқотади. Шу аснода масала сиёсатни ахлоққа ёки ахлоқни сиёсатга қўшиш тўғрисида эмас, аксинча улар мувозанатини таъминлаш орқали жамиятда сиёсий ахлоқ категориясини вужудга келтириш муаммолари ётади. Яъни сиёсат устидан жамиятнинг ахлоқий назоратини ахлоқий кодекс ва нормалар орқали ўрнатиш вазифалари киради. Сиёсатшунослик фанида бундай ёндашув сиёсий ахлоқ категориясининг институциялашган даражаси сифатида белгиланган.**

Сиёсат билан ахлоқ муносабатида мувозанат тўғри ташкил этилмаса, яъни ахлоқ сиёсийлаштирилиб юборилса, жамиятда ахлоқ зугумга айланади. Натижада ақидапарастликка асосланадиган мафкуравий иллатларнинг кучайишига олиб келади. Белгиланган ҳуқуқ ва сиёсий тизим жамиятда минимал даражадаги ахлоқни кафолатлаши лозим. Одамларнинг ахлоқини ўзгартиришга, қайта тарбиялашга уриниш тоталитар сиёсатни вужудга келтиради. Давлатнинг зарурий вазифаси одамларнинг ёмон одатларига тўсик қўйиш, яхши фазилатларини эса, рағбатлантиришга ҳаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқишдан иборат. Сиёсий институтларнинг бу борадаги фаолияти жамиятда ахлоқ танқислигининг олдини олади.

---

<sup>3</sup> Философический энциклопедический словарь. -М.: Энциклопедия. 1989. Стр-23.

Ҳокимият шундай танқисликнинг тақсимотини одилона ташкил этиши муҳим. Бундай ёндашув фуқароларда ахлоқ орқали ҳуқуққа ва сиёсий тартиботлага итоат этиш рағбатлари ортиб боради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат уч муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Уларнинг уйғунлиги сиёсий ахлоқ категориясининг вужудга келишига олиб келади.

Аммо, ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги ҳали сиёсатда ахлоқий қадриятларни таъминлади дегани эмас. Бу борада ҳокимиятлар ўртасидаги кучлар муносабати тенглиги ва мувозанати масалалари, жамоат ҳамда сиёсий партиялар ўртасидаги муҳолифатчилик асосидаги рақобатлари, ҳокимият бошқарувига иштироки ташкил этилган бўлиши лозим. Мазкур ҳуқуқий тизим сиёсатнинг ахлоқий қадриятларга итоатда ва ҳисоботда бўлишга мажбур қилади. Яъни сиёсий субъектларнинг объектга нисбатан ошқора фаолияти ахлоқийлиги билан халқнинг фаолиятга айланади. Шунинг учун сиёсий ахлоқ тамойиллари объективлик, тарихийлик, миллийлик, мантиқийлик, изчиллик каби услублар асосида ўрганилади.

Сиёсат ва ахлоқ кўпроқ идеал ғоялар даражасида ҳам мувозанатга келиши мумкин. Шундай ғоялардан бири бу - бурчдир. Бурч масъулияти сиёсий фаолият олиб борувчи шахс, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ёки умуман ҳокимият орқали сайлов олди дастурларнинг ижросини таъминлашда, ҳокимият томонидан халқ манфаатларини амалга оширишда ва бошқа шу каби вазифаларда намоён бўлади. Бурч ахлоқий категория сифатида сиёсат билан айнан шу нуқтада мувозанатга келади.

Илмий тадқиқотда турли қараш лар таҳлилини бериш билан бирга сиёсат ва ахлоқнинг умумий ва алоҳида хусусиятлари моҳияти очиб берилади. Жумладан, жамиятда одамлар ҳатти-ҳаракатини умумий мақсад йўлида тартибга солишда ахлоқ ва сиёсатнинг мувофиқлик даражаси намоён бўлади. Яъни ахлоқ ҳатти-ҳаракатни тартибга солса, сиёсат шу ҳаракатнинг мақсадини ташкил этади. Ахлоқ жамиятга ва фуқароларга нисбатан инсоннинг тажовузини ушлаб турувчи восита саналади. Дастлабки даврларда одамлар сиёсатсиз урф-одат, қадриятлар, анъана ва удумлар билан муносабатларини тартибга солганлар. Социал институт сифатида оила, маҳалла, мачит муносабатларнинг умумий назоратини олиб борган. Кейинчалик одамлар жамоасининг кенгайиб бориши ва айни пайтда, урф-одоат, анъаналарнинг таъсири пасайиши билан, аниқроғи, давлатнинг вужудга келиши билан одамлар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш учун мажбурий восита – сиёсат вужудга келади. Масалага шу тарзда ҳараганда сиёсат ва ахлоқ вазифалари бир-бирига мувофиқ келади. Улар ижтимоий

## **адолат, инсон фаровонлиги ва эркинлиги масалаларида ҳам уйғундир.**

Сиёсат ва ахлоқнинг умумий хусусиятлари билан бирга сиёсатнинг принципаал фарқлари ҳам мавжуд. Уларнинг фарқли жиҳатларини В. Пугачев, А. Соловьевлар сиёсатнинг можоролиги билан белгилайди. Жумладан, сиёсат бутун жамият ва ҳокимият билан боғлиқ бўлган ижтимоий можороларни ҳал этишга ҳаратилиши ахлоқ эса, сиёсий вазиятга кўтарилмаган одамлар ўртасидаги шахсий муносабатларни тартибга солиши билан характерланади. Сиёсатнинг асосий манбалари гуруҳлар, миллатлар, табақаларнинг манфаатлари ҳисобланади. Ахлоқнинг манбаси умуминсоний кадриятлар бўлади. Шунинг учун ҳам ахлоқ ва сиёсат ўртасидаги рақобат аввало - бу моддий манфаатлар билан маънавий кадриятлар ўртасидаги кураш. Сиёсат маълум мақсадга, натижаларга эришишга ҳаратилади. Ахлоқ воқеа ва ҳолатнинг субъектив сабабларига, инсоннинг ички кечинмаларига муурожаат қилади. Ахлоқ учун эришилган мақсаддан ва натижадан кўра моҳият устуворлик қилади. Сиёсат жамоавий, оммавий характерга эга, ахлоқ эса, индивидуал. Сиёсат реал воқеаликка нисбатан ҳозиржавобликни талаб қилади, ахлоқ ўз талабларида умумий баҳо беради. Сиёсат ва ахлоқнинг муҳим фарқли жиҳати сиёсатнинг кучга асосланиши ҳисобланади. Ахлоқ ҳукм чиҳаришдан кўра виждонга асосланади<sup>1</sup>.

Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда сиёсат ва ахлоқнинг қўйидаги фарқли жиҳатлари мавжуд деб ҳисоблаймиз;

- ҳокимиятнинг легитимлиги сиёсий куч ишлатишга ҳуқуқ беради.
- сиёсатда ҳокимият бошқаруви институционал равишда тартибга солинади. Яъни, бўйситириш, ҳукмронлик қилиш.
- сиёсатнинг вазиятлиги, конкретлиги, мақсадга, муваффақиятга, самарадорликка йўналтирилганлиги.
- сиёсатда мақсад ва воситаларнинг ҳарама-ҳаршилиги.

Бугунги демократик давлатларнинг назарий таълимотларига мувофиқ жамиятда сиёсий ахлоқ инсон манфаатлари устуворлигига асосланади. Бунда муносабатлар бевосита иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳуқуқлар билан мустаҳкамланади. Албатта, жамиятда манфаатлар турли бўлган шароитда том маънода эркинликка эришиш анча мураккаб ва нисбий тушунча касб килса-да, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари кафолатланган ва уни амалда бажариш шароитлари белигиланиши муҳим. Зеро, инсон қанчалик эркинликка эҳтиёж сезса, ундан шунчалик даражада фойдалана олиш имкониятига эга бўлиш истаги баланд бўлади. Ахлоқ моҳиятан интизом билан ниҳоятда маънавий уйғун хусусиятларга эга. У

---

<sup>1</sup> Пугачев В, Соловьев А. Введение в политологию. -М.: Аспект Пресс, 2002. Стр. 50-51.

муносабатларни тартибга солишда регулятор вазифасини ҳам ўтайди. Шунга ҳарамасдан бу борада олимлар ўртасида айрим баҳс ва мунозаралар мавжуд. Жумладан, ахлоқ жамиятда адолат тамойилларини ўратишда сиёсат учун регулятор бўла олмайди. Сиёсат фақат ҳуқуқ оркали кадриятларни интернализациялаши мумкин, дейди Ирина Матвиенко<sup>1</sup>. Иккинчи бир қараш да Андрей Дахин жамиятда ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг ички маънавий интилишлари босимини фақат ҳуқуқ билан тартибга солиб бўлмайди. Ҳуқуққа зўр бериш сиёсати тоталитаризмга хос бўлган қатоғон ва зуғумни келтириб чиқаради<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳуқуқ ва ахлоқ функцияларидан ўринли фойдалана олиш сиёсат ва ахлоқнинг мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Бизнингча, Андрей Дахиннинг мулоҳазалари ҳақиқатга тўғри келади. Фуқароларнинг манфаатлари доимо белгиланган ҳуқуқий тартибларга тўғри келавермайди. Ҳуқуқ, кўпинча, ижтимоий жараёнлардан орқада қолиб юради. Ёки мунгазам равишда ўсиб борадиган ижтимоий эҳтиёжларни қодириш борасида қонунларни такомиллаштириб боришга етарли даражада эътибор берилмайди. Масалан, солиқчи белгиланган солиқ тўловларини қонун асосида ўндиришни бирламчи вазифалари деб билади. Тўловчи эса, солиқ юқининг ҳаддан ортиқ оғир эканлигига шикоят қилади. Айнан шу нуктада ижтимоий зиддият ва жамиятда ахлоқсизилик ҳолатларининг вужудга келишига асос пайдо бўлади. Ривожланган демократик давлатларда ушбу зиддиятларнинг олдини олиш учун қонун қобул қилишдан олдин сўровномалар ташкил этилади, ижтимоий фикрлар ўрганилади. Шунинг учун давлатнинг нафақат ҳуқуқий, балки, ахлоқий-ҳуқуқий бўлиши сиёсат ва ахлоқнинг мувофиқлигини таъминлайди. Бундай ёндашувни ижтимоий-сиёсий жараёнлар мониторинги деб ҳам юритилади.

Ҳуқуқий муносабатларни ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлашда сиёсатшунос Т. Сутор - «Фуқарога нисбатан олий ахлоқий қоидаларни талаб қилмасдан, балки оддий инсоний хусусиятларига жавоб берадиган, эзгуликка йўналтирадиган, эркинлик, ҳуқуқ ва маънавий салоҳиятларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган, номуносиб ҳаракатларни эса, ўз вақтида таъқиқлай оладиган тузум энг яхшидир»<sup>1</sup>, дейди. Дарҳақиқат, ахлоқий муносабатлар инсон фаолиятида зўрлик билан эмас, аксинча, эътиқоди ва эҳтиёжи оркали таъсир этиш воситаларининг жорий этилиши жамиятда ахлоқий кадриятларнинг ижтимоийлашувига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Дахин А. Вестник Российской Ассоциации Политической Науки. - М.: 2001. Стр. 8-9

<sup>2</sup> Ўша жойда. Б-9

<sup>1</sup> Сутор Б. Политическая этика. Полис. 1993, № 1. Стр-68

Сиёсат ва ахлоқ уйғунлиги «фуқаро – жамият – давлат» муносабатларининг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини кафолатлашдан иборатдир. Биринчидан, қонун олдида барчанинг бирдек жавобгарлиги ва масъулияти, сайловларга қатнашиши, меҳнат ҳуқуқи, виждон эркинлиги каби бошқа масалалар ҳам киради. Шунинг учун давлат ижтимоий муносабатларда, айниқса адолатни ҳарор топтиришга ҳаратилган фаолиятида барчага тенг шароит ва имконият яратиб бериши билан барчадан бирдек тенг бўлишни талаб қилмаслиги лозим. Аксинча, жамиятда кишилар ўртасида зуғум ва зўравонлик тенденцияси кучаяди, мафкуравий тазйиқ вужудга келади. Демократик давлатларнинг тоталитар давлатдан фарқли жиҳати ҳам шунда.

Иккинчидан, сиёсий шароит билан биргаликда жамиятда моддий неъматларга эришишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тақсимланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган демократик давлатларда «фуқаро - жамият – давлат» муносабатидаги масъулият мезонлари шаклланиш жараёнига кирган. Марказ, вилоят, туман ваколатлари ва мажбуриятлари ташкил этилган. Шунга мувофиқ, фуқаро ва давлат ўртасидаги мажбуриятлар ижтимоий шартномалар асосида шакллантирилган. Яъни объект ва субъектларнинг масъулият мезонлари, жавобгарлик даражаси, улар ўртасидаги мувозанат, назорат, фаолият кўлами тақсимотлари аниқ белгиланган ҳамда уларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланган.

Ижтимоий адолат муаммоларини ҳал этиш вазифалари сиёсатнинг олдига жамиятда эркинлик ҳамда тенглик масалаларини бирламчи вазифалар сифатида қун тартибига қўяди. Лекин бу ҳолат, шахснинг эркинлиги ва шу эркинликнинг жамиятда барча учун мақбул бўлган ахлоқий ҳамда ҳуқуқий мезонларини яратишни талаб этади. Чунки, «эркинлик» тушунчаси ниҳоятда нисбий тушунча. Қолаверса, барчанинг эркинлиги ҳали тенглик дегани ҳам эмас. Айнан шунга мувофиқ жамиятда фуқароликнинг ҳарор топиши ва шахс эркинлигининг ахлоқини таъминловчи мурватлар ишлаб чиқилиши лозим. Аммо, ҳуқуқий таъсирдан ташҳари эркинликнинг ички маънавий чегараси бўлмаса, бундай эркинлик беҳарорликка олиб келади. Дарҳақиқат, бу жараёнда жамият аъзолари томонидан қандай «адолат»ни танлашларига ҳараб миллатнинг ахлоқий қиёфаси аниқланади. А. Камю айтганидек: «Мутлоқ эркинлик адолатни таҳқиқлашга олиб келади. Мутлоқ адолат эса, эркинликни рад этмоқ билан тенг»<sup>1</sup>. Инсонда эркинлик ёхуд унга интилиш бевосита жамият равақи билан мос келиши ва унинг фаровонлигига хизмат қилишига ҳаратилган аниқ-мақсадли ижтимоий мурватларнинг ташкил этилишини талаб этади.

---

<sup>1</sup> Камю А. Бунтуящий человек. -М.: Мысль, 1990. -345 с.



Маълумки, инсонпарварлик гояларини жамиятда ҳарор топтириш мураккаб вазифа бўлса-да, ахлоқ ва сиёсатнинг асосий вазифаси умумфаровонликка ва ижтимоий адолатни ҳарор топтиришга ҳаратилган. Шунинг учун ахлоқ жамият муносабатларига сиёсатнинг таъсири камайган вақтда маънавий озуқа қувватини берувчи восита сифатида намоён бўлади. Қўриниб турибдики, сиёсат моҳиятан ахлоқий талабларнинг ижросини таъминлашга ҳаратилган. Тасодиф эмаски, шунинг учун Шарқ мутафаккирлари жамият бошқарувида ахлоқ масалаларига ниҳоятда катта эътибор берганлар. Лекин кишилик жамиятида уни ҳарор топтириш ёки тизимлаштиришда бир ёқлама сиёсий манфаатларнинг устуворлик қилиши натижасида сиёсатнинг ахлоқий функциялари ўз моҳиятидан узоклаштирилиб келинган. Яъни ахлоқий кадриятлар давлат бошқарувининг функционал механизмлари таркибида ташкил этилмаган. Аммо, коммунистик ахлоқ қоидалари функционал механизм сифатида давлат бошқаруви тизимига сингдирилган эди. Лекин бундай «ахлоқ» миллий ва умуминсоний кадриятлардан узок бўлгани учун жамиятда фуқаролар ўртасида зуғумни кучайтиришга олиб келди.

Мақсаднинг ахлоқийлигини мутлоқлаштириш воситаларнинг ахлоқсизланишига олиб келиши мумкин. Ахлоқнинг сиёсатга мувофиқлиги эса, кишиларда ташаббус ва истиқболга бўлган ишонч, умид туйғуларини уйғотади. Зеро, сиёсат ва ахлоқнинг уйғунлиги маънавий анъаналарни жамиятга қай даражада татбиқ этишда намоён бўлади. Чунки бундай ёндашув айрим шахс ёки гуруҳ эмас, балки халқ манфаатига мос келади. Шу тариқа сиёсий ахлоқ жамият учун мажбурий бўлган қоидалар тизимида ўз аксини топади. Бу қоидалар инсон онгида унинг ички эътирофига айланган ҳаракатларини тартибга солади. Ахлоқ эзгулик ва ёвузликнинг моҳиятидан келиб чиқиб жамият ҳаётида инсонлар фаолиятини, уларнинг давлатга бўлган муносабатларини баҳоловчи алоҳида илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Чунки ахлоқ ва сиёсат асосан одамларнинг хатти - ҳаракатларини тартибга солувчи восита сифатида умумий ва алоҳидалик хусусиятларига эга. Айни пайтда, ахлоқ инсонни индивид ёки давлат ўртасидаги муносабатларнинг зиддиятини бартараф этиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун демократик жараёнлар ривожига сиёсий ахлоқ муаммосини илмий жиҳатдан ўрганиш бугунги сиёсатшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда сиёсатнинг ахлоққа мувофиқлик даражасини ва зиддини қуйидаги мезонларда намоён бўлади, деб ҳисоблаймиз:

**Биринчидан**, агар инсон учун фаровонликка эришиш давлатнинг бош мақсади бўлса, унда ахлоқ ва сиёсат уйғундир ҳамда улар битта фан сифатида шаклланишига барча асослар мавжуд.

**Иккинчидан**, ахлоқ ва сиёсат мутлақо тескари хусусиятларга эга. Яъни, ахлоқ ва сиёсат ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, дейишади. Ахлоқ ёлғон, зўравонлик каби муносабатлар билан келиша олмайди. Улар бир-бирларига зиддир. Ҳокимиятга эса, барча воситаларни қўллаган ҳолда мақсадга эришилади. Ундан чиқди, ахлоққа зид бўлган муносабатлар сиёсатда ўз ифодасини топиши мумкин.

**Учинчидан**, ахлоқ ва сиёсат фарқини эътироф этиш баробарида, биринчиси иккинчисининг шартларини чекловчи восита сифатида уйғунлашиши мумкин. Кантнинг фикрича, ахлоқ сиёсий фаолиятнинг мезонларини белгилаш, чеклаш каби шартларини бажара олади.

**Тўртинчидан**, ахлоқ сиёсат билан фақат мақсад доирасида уйғунлашиши мумкин. Унинг воситалари эса турлича бўлади.

Кўриниб турибдики, сиёсат ва унинг ахлоқ билан мувофиқлик даражаси турли ҳолатларда намоён бўлмоқда. Фақат муаммоларга комплекс тарзда ёндашув масаланинг моҳиятини аниқлашга, объектив ечимларни топишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, сиёсий фаолият жамиятда ижтимоий муаммоларни бартараф этишга ҳаратилган ҳокимиятнинг таъсири билан белгиланади. Ахлоқ эса, сиёсий мураккаб зиддиятларга ўсиб ўтмаган одамларнинг кундалик турмушидаги шахсий муносабатларининг ифодаси сифатида намоён бўлади. Шу тариқа ахлоқнинг манбаи умуминсоний кадрятлар бўлиб, сиёсий манфаатларни ҳокимият орқали уйғунлаштиради. Шунинг учун ахлоқ ва сиёсат ўртасидаги зиддият, аввало - моддий манфаатлар билан маънавий кадрятлар ўртасидаги ҳарама-харшиликнинг ифодаси ҳамдир.

Сиёсатнинг ўзига хослиги шундаки, у талабларни амалда таъминлаш мақсадида кучга таянади. Бу борада М. Вебер «Сиёсат ўз мақсадини зўравонликка асосланган ҳокимиятни восита сифатида шакллантиради» деб ёзган эди<sup>1</sup>. Ахлоқ эса зўғум ва зўравонликни қоралайди ва асосан эътиқодга суянади. Жамиятда шахсий эътиқод даражаси паст бўлса, ахлоқнинг сиёсатга таъсир доираси ҳам шу даражада бўлади. Бундай ҳолат сиёсатнинг ахлоқ устидан ҳукмрон бўлишга олиб келади.

**Ахлоқнинг сиёсатга таъсири даражасини белгилаш ҳамда унинг чегарасини аниқлаш мақсадида М.Вебер ахлоқни маънавий дунёқараш га алмаштиради. Маънавий масъулият ижтимоий воқеяликнинг конкрет ҳолатини ҳисобга олиш, биринчи навбатда, сиёсат натижаларини олдиндан мувофиқлаштириш сиёсатчининг шахсий масъулиятни**

---

<sup>1</sup> Вебер М. Избранные произведения. -М.: -694 с.

оширади. Шу тарика сиёсатчининг маънавий масъулияти ва маънавий эътиқоди ўртасидаги фарқ реал ҳаракатда намоён бўлади. М.Вебернинг ахлоқ ва сиёсат муносабатларига боғлиқ ғоялари жамоатчилик орасида кенг тарқалади. Вебернинг ёндашуви сиёсатда ҳокимиятда куч ишлатишнинг легитимлигини мустаҳкамлайди. Яъни, бугунги демократик йўлни танлаган давлатлар тажрибасидан маълумки, куч ишлатиш қонун доирасида ташкил этилмоғи ва у доимий жамоат назорати остида бўлмоғига ҳаратилади.

Жамиятдаги турли қараш лар, диний эътиқод, миллий масалалар, бағрикенглик, ҳамжихатлик фақат сиёсий мурса билан барҳарор сиёсатга айланади. Шунинг учун халқ ахлоқий кадриятларнинг бунёдкори, ифодачиси ва ташувчиси ҳисобланади. Ундан чиқди, кадриятларнинг сиёсатда мувозанат асосида уйғулашуви сиёсий ахлоқ тамойилларининг ҳарор топишига олиб келади.

Ахлоқ, бу шубҳасиз идеал ва кўпроқ умумий тушунча касб қилади, шунинг учун ижтимоий турмушга сингишида мураккабликка учрайди. Бунда ахлоқнинг сиёсий жараёнларга кириб боришини таъминловчи восита ҳуқуқий тартиботлар бўлиб ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқий амаллар жамиятда одамлар фель-атворини ҳам ўзгартириб боради. Масала шундаки, ахлоқ аксарият ҳолатларда кўпроқ қуйи табақа одамларига хос кадрият. У ҳокимият даражасига кўтарилган сайин заифлашиб ва мавҳумлашиб боради. Манфаатлар билан йўғрилган сиёсат эса, кўпроқ юқори табақа одамлар машғулоти учун хос. Улар ахлоқдан кўра сиёсат билан шуғулланишни афзал кўрадилар. Бундай муносабатларнинг вужудга келишига сабаб, сиёсат замирида ҳокимият ва унга эғалик қилиш манфаатлари ётади. Ҳокимият ҳукмдор табақалар фаолияти ёки маълум мақсадларга эришишда имконият воситаси бўлиб хизмат қилади. Бундай имкониятлардан маҳрум бўлган одамларнинг манфаатлари заифлашади. Натижада манфаатлардан маҳрум бўлган шу тоифадаги одамлар ҳасратини ахлоқ умумлаштиради. Яъни, улар аксарият ҳолатларда мажбурий, ихтиёридан ташҳари равишда ахлоқий муносабатлар даражасига тушадилар. Шунинг учун ҳокимиятдан маҳрум бўлган одамларнинг аксарияти аламзада кайфиятда бўладилар. Яъни, сиёсатдан жабр кўрганлар ахлоқдан таскин топадилар.

Сиёсатнинг ахлоққа мувофиқ келишининг яна бир омили - табақалар ўртасидаги муносабатларнинг тенглигини таъминлашга ҳаратилган ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилишидир. Албатта, юқори табақа ўз ваколатларидан ахлоқ фойдаси учун ўз-ўзидан воз кечмайди. Шундай экан, қандай қилиб, сиёсий жараёнлар асосини ахлоқ ва ҳуқуққа мувофиқлаштириш, яъни кучлар мувозанатини таъминлаш мумкин?!

Мазкур ижтимоий муаммо Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Навоий, Амир Темур ва бошқа қатор мутафаккирлар ҳамда давлат арбоблари асарларида ўз ифодасини топган. Яъни, жамият аҳолисини табақалаштириш, меҳнат ресурсларини тартибга солиш, интеллектуал салоҳиятни давлат ривожига ва рақобатга йўналтириш масалалари очиб берилган. Масалан, жамият бошқаруви ва унинг истиқболини ижтимоий табақалар манфаатига асослаган Амир Темур улкан давлатнинг мустақкам пойдеворини яратишга эришади. У табақаларнинг ўз мавқеларига ва имкониятларига мувофиқ бошқарувни ҳамда унда бевосита иштирок этишнинг шароитини амалий жиҳатдан ташкил этиб беришга муваффақ бўлади. Бу борада у - «Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонунқондаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалагининг ўн икки буржи ва давлатим қорхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим»<sup>1</sup>, дейди. Бунда ахлоқ табақалар ўртасидаги ижтимоий шартноманинг асосини ташкил этган. Ижтимоий келишувнинг шу тарихи ташкил этилиши давлат бошқарувида тоифаларнинг интеллектуал салоҳиятлари асосида иштирок этишини таъминлаш ва унда мавжуд давлат ваколатларидан салоҳиятга мувофиқ тақсимлаш шароитини вужудга келтирган. Айни пайтда, давлатда меҳнат ресурслари ҳамда уларни мақсадга мувофиқ йўналтириш тизими ҳам шаклланиб борган. Натижада ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ва қафолатланган мезонлар табақаларнинг ўзлари томонидан риоя этилишига, унинг назоратини олиб боришга шахсий манфаатларини кучайтирган. Айниқса, тоифалар ва аъёнларнинг ўз салоҳияти ва имкониятидан орттига даъво этмасликнинг ахлоқий, ошқора мезонлари яратилган.

Бугунги кунда бундай модел Ғарб ва айни пайтда, Япония, Жанубий Корея, Хитойда ва яна бошқа кўплаб Шарқ давлатларида жорий этилган. Жамият табақаланиш асосида ўзини-ўзи тартибга солиш ва назорат қилиш даражасига келган. Мазкур бошқарув механизмлари ноқобил шахслар ва салоҳиятли шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга (ахлоқий қадриятлар асосида) солиб туришда ўз ижобий самарасини бериб келаётир. Бундай назорат механизми жамиятда сиёсий фаолиятларнинг ошқоралигини таъминлаш баробарида сиёсат билан шуғулланувчиларнинг масъулиятини ҳамда жавобгарлигини оширишга мажбур қилади. Мазкур механизм ҳокимиятга бўлган интилишда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, ахлоқий қадриятларни реал кучга айлантиради.

Маълумки, жамиятда ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган ҳолатларда ҳокимиятга эга тоифалар ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий

---

<sup>1</sup> Амир Темур тузуқлари. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. Б-81

назоратдан устун бўладилар. Натижада жамиятда зўравонлик, фирибгарлик, қаллоблик, иккиюзламачилик каби иллатлар авж олади. Шунинг учун сиёсий фаолиятнинг ошқоралигини таъминловчи мурват сифатида жамиятда интеллектуал салоҳият устуворлигини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Бундай мурватлар бевосита ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларининг амалийлигида, ОАВ ҳамда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг фаолияти билан таъминланади.

**Сиёсатнинг ахлоқийлигини таъминлаш, унинг ижтимоий назоратини ўрнатиш жамиятда ҳуқуқларнинг мустаҳкамланишини, маънавий меъёрларнинг институционал тизимини ташкил этилишини талаб қилади. Бундай тартиб, аввало давлат хизматчилари, парламент аъзолари, сиёсий партия раҳбарлари учун мўлжалланиб, улар маълум қонунларда ўз ифодасини топиши керак. Зеро, шу йўналишдаги қонунларнинг ташкил этилмаслиги сиёсий жараёнларда сиёсатнинг ҳам сиёсатчининг ҳам, ахлоқини ўлчайдиган масъулият мезонларининг мавҳумлашувига олиб келади. Бундай мавҳумлик ҳолати сиёсий жараёнларда ахлоқсиз ҳаракатларнинг кўламини кенгайтишига шароит яратади. Масалан, Ғарб мамлакатларида раҳбар этикаси, депутат этикаси сифатида қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур қонунлар сиёсатчилар фаолиятининг ахлоқийлигини назорат этувчи механизм сифатида хизмат қилади.**

Ижтимоий жараёнлар самарадорлигини мустаҳкамлаш борасида сиёсий институтлар фаолияти ахлоқий жиҳатдан оддий, фуқаролар англаши учун мақбул даражасида шакллантирилмоғи ва мувофиқлаштирилмоғи муҳим. Токи улар манфаатларини ифодалашга, вазифа ва мажбуриятларини бажара олишга, барча учун мақбул бўлган қонунлар ва тартибларга амал қилишга, шу тариқа шахсий манфаат жамият манфаати билан уйғунлашувига бўлган имкониятларни реал даражада ташкил этишга олиб келсин. Фуқаролар томонидан қонунларни амалда бажаришлари ва унга итоат этишлари учун рағбат тизимининг шакллантирилишига эътибор ҳаратиш муҳим. Мазкур ёндошувнинг такомиллашувига сиёсатнинг ахлоққа ва ахлоқнинг демократик жараёнларга мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Демократик жараёнларнинг ахлоққа мувофиқлигини таъминлаш борасида сиёсат мақсади ва воситаларининг моҳияти анча зиддиятли ва олимлар ўртасида баҳс талаб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Сиёсат бир-бирига ҳарама-ҳарши бўлган сиёсий жараёнларда маълум мақсадларни кўзлаган ҳолда вужудга келади ва амалга оширилади. Шунинг учун сиёсий ахлоқ жамиятнинг ички ҳаётини интеграция қилиш, сиёсий жараёнлардаги зиддиятлашувга сабаб бўлиши мумкин бўлган турли манфаатларнинг уйғунлашувини таъминлашга ҳаратилади. Аммо сиёсатнинг мақсадини манфаатлар

турли бўлган шароитда амалда ахлоққа мувофиқлаштириш осон иш бўлмайди. Айниқса, жамиятда шахсий ахлоқсизлик ва худбинлик тусини олган манфаатларни тартибга солиш учун сиёсий восита ва услубларни ҳуқуқий таъсир орқали жорий этиш талаб этилади. Булар аввало, ҳокимият, ички ишлар ва бошқа органлар, қонуний актлар, матбуот, тарғибот компаниялари, иқтисодий, молиявий инфраструктуралар орқали таъсир ўтказилади. Шунинг учун мақсад ва восита натижаларининг ахлоққа таъсири масаласи аслида азалдан баҳс-мунозара объекти бўлиб келган. Чунки, сиёсий тартибларни таъминловчи субъектларнинг ахлоқий даражаси билан жамиятда сиёсий ахлоқ мезонлари белгиланади.

Кўриб чиққанимиздек, сиёсатнинг ахлоқийлиги ва мавжудлиги ҳокимиятнинг қандай кадриятларга асосланишига боғлиқ бўлади. Сиёсат мақсад ва воситаларнинг инсонпарварлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Сиёсатчиларнинг «мақсад воситани оқлайди» деган шиори аслида ғайриахлоқий ҳаракатларни ниқобловчи «ахлоққа» айланган. Бугунги кунда бундай қараш лар кўп тарғибот қилинмаса-да, амалда улардан фойдаланиш ҳамон сақланиб келмоқда. Чунки, бундай ёндашув инсоннинг табиатига хос хусусият. Оммавий урушлар, киргин, террор, турли тўнтариш ва инкилобларга бош бўлган сиёсий арбоблар кўпинча ўз ҳаракатларини ахлоқсиз бўлса-да, умуминсоний манфаатлар важи билан ниқоблашга ҳаракат қилиб келадилар.

Жамиятда адолатни ҳарор топтиришга ҳаратилган сиёсат зўравонлик асосига қурилмаслиги муҳим. Адолатга эришиш йўлидаги ахлоқий муносабатлар жамият аъзолари учун мутлоқлаштирилиши ҳам мумкин эмас. Аввало, жамиятда тенглик бўлиши учун нотенгликнинг мезонлари ҳуқуқий жиҳатдан белгиланиши зарур. Жамият эҳтиёжидаги сиёсат ва ахлоқ табақаланган муносабатларни ижтимоий механизмлар орқали фуқаролар ўртасида, табиий бўлган номуносабликнинг мувозанатини таъминлашга ҳаратилади. Бунда ахлоқ оммавий, шартли ва зуғум воситаси орқали эмас, балки, ҳар бир фуқаронинг шахсий тарбия топганлигидан келиб чиқиб, жамият ахлоқига бўйсунуш рағбатини оширишга хизмат қилади. Шу тарика жамиятда тоталитар тузумдан фарқли ўлароқ ахлоқнинг сиёсийлашувига йўл қўйилмайди. Чунки, ҳақиқатни жамиятга уқтириш, зўрлаш ахлоқий кадриятларни суистеъмол қилишга ҳам олиб келади. Фақат турли маданиятлар, қараш лар, истак–майллари жамият манфаатига мос келтириш орқали ахлоқнинг сиёсатга мувофиқлигини таъминлаш мумкин бўлади. Аммо масаланинг мураккаблиги шундаки, шахс эркинлиги жамият ёхуд давлат эркинлиги билан ҳамма вақт ҳам ҳамоҳанг келавермайди. Кишилар ўртасидаги манфаатларнинг турлилиги улар ўртасида кўпроқ рақобатни келтириб чиқаради. Бундай муносабатларнинг ҳуқуқий негизлари кенгрок ташкил этилса, у ахлоққа мувофиқлашиб боради. Агар

муносабатлар ҳуқуқдан кўра кўпроқ стихияли тартибда ва яна хуфийна олиб борилса, соғлом рақобат ўрнига жамиятда зиддият кучаяди.

Сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш борасида зўравонликка асосланмаган восита ва усулларни танлаш муҳим. Бу борада Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг етакчиси Махатма Ганди (1869-1948) жамият ривожининг даражаси, унинг маънавий юксаклиги билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги таълимотни яратади. Бунда у маънавиятни куч сифатида реал воқеликнинг сиёсий воситаларига айлантиради. Воситалар мақсаддан устувор бўлиб, сиёсатнинг ахлоқий мезонларини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади. Сиёсат мақсад ва воситанинг ўзаро мувофиқлик даражасидан келиб чиқиб, унинг ахлоқий уйғунлигини ташкил этади. Бундай қараш ларни Л.Н.Толстой, М.Л.Кинг, Д.Шарп<sup>1</sup> ва бошқа мутафаккирлар ижодида кўриш мумкин.

Ҳар қандай сиёсат, аслида мақсаддан бошланади. Мақсад сиёсий ҳаракатларни ва унинг натижаларини ягона тизим сифатида сиёсий субъектга нисбатан амалда тақдирини ҳал қилади. Кўп ҳолларда мақсаднинг воситага мувофиқ келмаслигининг сабабини мақсаднинг утопик моҳиятига эга эканлиги билан ҳам асосланади. Собик коммунистик тузумнинг мақсадлари бунинг яққол мисолидир.

Ахлоқсиз ҳаракатларнинг сиёсатга таъсири ва унга яна амал қилинмаслик жамиятда энг оғир ижтимоий оқибатларга олиб келади. Шу тариқа сиёсатнинг ахлоқсиз ҳаракат воситалари ўртасида ҳам доимо ҳарама-ҳаршилик мавжуд бўлади. Платон «Айрим ҳолатларда қўл остидагиларнинг манфаатлари учун сиёсатда нисбатан зарарсиз бўлган ёлғонларни ишлатиш мумкин ва у шифобахш муолажа сифатида фойдали»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. Бундай муносабат, албатта инсон табиатидан келиб чиқиб айтилган. Чунки, инсон табиатан ёлғон гапиришга ёки шу каби риёкорлик қилишга мойил бўлади. Аммо, бу фикрни мутлоқлаштириш сиёсат ва сиёсатчи учун ҳам зарарлидир. Бир марта ёлғон гапириб, унинг самарасини кўрган одамда бундай услубни яна қайтариш истаги туғилади. Агар бу одам сиёсий арбоб бўлса-чи, у неча марта алдаши мумкин. Аслида одамларни зиддиятга олиб келадиган учта қусур мавжуд. Булар ҳарама-ҳаршилик, ишончсизлик, шухратпарастлик. Инсонлар ўртасидаги ҳарама-ҳаршилик мулкни эгаллашга бўлган интилишларида намоён бўлади. Ишончсизлик эса, ўз хавфсизлигини ўйлаб кўрилган тадбир ҳисобланади. Шухратпарастлик унинг ориятини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳодиса. Умуман инсоннинг шу каби рухий хусусиятларини ўрганмасдан туриб, ахлоқнинг сиёсий фаолиятдаги ўрнини тўғри ташкил этиб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Этическая мысль. -М.: Республика. 1992.

<sup>1</sup> Платон. Государство. Соб. соч. В 3-хт. -М.: 1971, Т,34, Стр-459.

Бугунги кунда ижтимоий фанлар томонидан демократик жараёнлар учун мақбул ва самарали воситалар борасида тўлик тавсиялар ишлаб чиқилган эмас. Аммо сиёсий мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган ахлоқий воситалардан фойдаланишни тартибга солиш ва уни жамият – давлат манфаатлари асосида шакллантириш мумкин. Демократик давлатларда олий мақсадлардан келиб чиқиб, халққа нисбатан куч воситасини қўллашни нафақат жамиятга нисбатан ахлоқсиз муносабат, балки, жинойт сифатида қораланади. Давлат ўз фаолиятида ғайриинсоний ҳаракатларга асосланган мақсадлардан воз кечмоғи, айти пайтда одамларнинг табиатидан келиб чиқиб, ички ёхуд ташқи сиёсатини шакллантирмаслиги лозим. Чунки, инсон табиатидаги бундай иллатлар баъзан миллий қадриятларни ҳам суистеъмол қилишга олиб келади.

Ҳар қандай давлат ўзининг худуди доирасида куч ишлатиш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини шакллантиради ва фақат у шундай ваколатга эга ҳисобланади. Бундай мақсад халқ манфаати нуктаи назаридан келиб чиқади. Сиёсий партияларнинг ва бошқа жамоат ташкилотлари эса, сиёсий зўравонлик фаолиятига берилиши қонун билан тақиқланади. Аммо зўравонликнинг сиёсий жиҳатдан мавжудлиги ахлоқий қадриятларга барибир зид бўлиб қолади. Унинг мунтазам равишда қўлланилиши ёки унга зўр берилиши жамият маънавий асосларини емириш хавфини сақлаб қолади. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик, меҳрокибат, ҳуқуқий муносабатларни издан чиқаришга, одамларда қўрқув, икки юзламачилик, хоинлик, товламачилик ва яна бошқа кўплаб ғайриахлоқий иллатларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Натижада индивидуализм таъқибга олинади, эркин фикр, ижодий тафаккур сўнади. Шунинг учун ҳам сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлашнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Зўравонликнинг жамият сиёсий ҳаётида намоён бўлиши турли ижтимоий сабаблар билан белгиланади. Чунончи, сиёсий зўравонлик нафақат инсон эркинлигини таъқиб қилади, балки уни таъқибдан ҳам ҳимоя қилиши мумкин. Шунинг учун сиёсий зўравонлик таъсир қўлами даражаси давлат сиёсий тизимининг, тоталитар, авторитар ёки демократик бошқарув услубларига асосланишига боғлиқ. Тоталитар, авторитар тузумда мажбурлаш воситаси яқка шахс қўлида бўлади ва унинг таъсир даражаси қонун билан чекланмайди ёки қонун нисбий кучга эга бўлади. Демократияда сиёсий зўравонлик сақланади, аммо иккала тузумдан фарқли ўлароқ, халқ ёки унинг вакиллари орқали қонунлар асосида назоратга олинади ва амалга оширилади. Бунда сиёсий вазиятнинг реал мураккаблигини инобатга олган ҳолда жинойтчиларга, террорчиларга ва бошқа турдаги ҳар қандай давлат яхлитлигига ҳарши тажовузкор кучларга нисбатан зўравонлик ишлатилади.



«Зўравонликка ҳарши туриш, исён қилиш - бу инсоннинг эркинликка бўлган табиий интилишида мужжасам ва унинг ҳуқуқий асослари ҳам мавжуд. Кимки ушбу ҳуқуққа тажовуз қиладиган бўлса, уни шу восита билан тўхтатмоқ зарур»<sup>1</sup>, дейди Д. Локк. Дарҳақиқат кўплаб демократик давлатлар Конституциясида миллий ва умуминсоний кадриятларга раҳна соладиган кучларга ҳарши зўравонлик кучини ишлатиш мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан асосланган. Демократик тартиботларнинг яна бир афзаллиги куч ишлатиш воситаларига урғу бермаслигидадир. Бу эса, зиддиятларни бартараф этишни маърифий йўл билан ҳал этишнинг ахлоқий воситаларини ривожлантирилишига шароит яратади.

Сиёсий ахлоқнинг моҳияти шундаки, бунда мавжуд можаро ва мунозараларни ҳал этишда куч ишлатмаслик, балки инсопарварлик тамойилларига асосланган маърифий йўлни танлашга ҳаратилади. Бугунда сиёсий партиялар ва кўпгина халқаро ташкилотлар дунёда қашшоқликни, турли касалликларни, экологик офатларни олдини олишда, болалик ва оналикни муҳофаза этишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда куч ёрдамсиз ўз сиёсий таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Мавжуд сиёсий ёндашув, аввало инсониятнинг дунё муаммолари яхлитлигини англашдан, ақл ва тафаккурининг нафсоний тор ҳиссиётидан устун эканлигидан далолат беради. Зеро, куч ва зўравонликка асосланиш ҳар қандай кадриятларни емиришга олиб келади. Муаммолар эса, ўз ечимини топмасдан муаммолигича жамият тараккиётига ўз таъсирини ўтказиб келаверади.

Жамиятда сиёсий ахлоқнинг ҳарор топишида сиёсий маданиятнинг аҳамияти катта. Айнан сиёсатчининг сиёсий профессионализи ва ахлоқи мавжуд масалаларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан ахлоқ сиёсатнинг мақсад сари интилишида нафақат ўлчов мезони, балки унинг барҳарор ва мустаҳкам ривожини таъминлаб берувчи омилдир. Ахлоқ билан уйғунлашган сиёсат ўз муддаосида тасодифий, салбий таъсирлардан, фавқулудда ҳодисалардан сақланади. Демократик жараёнларда ахлоқ сиёсий етакчининг ҳам мавқеини сақлаб қолишини кафолатлайди.

Аммо, назарий жиҳатдан эътироф этилган ушбу қараш ларнинг мавжудлиги баробарида амалиётда кўпроқ ахлоқ ва сиёсатни уйғунлаштиришга ҳарши ҳаратилган тенденциялар мавжуд. Аслида илмий тадқиқотимизда қўйилган мавзунинг муаммоси ҳам шунда. Бу муаммо, аввало сиёсатда ахлоқ билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳар доим ҳам қонуний жиҳатдан амалга ошириб бўлмаслиги, мақсадга эришишда ахлоқ маълум тўсиқ ёки қийинчиликларни туғдиришидадир. Хуллас, сиёсат ва ахлоқ бир-бирига тескари ҳодиса

---

<sup>1</sup> Локк Д. Избранное философские произведения. -М.: 1960. Т.2, Стр-89.

сифатида ҳаралади. Унинг зиддиятлилиги ҳокимият ва ахлоқ ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Сиёсатнинг вазифаси эса, улар ўртасидаги зиддиятни жамият манфаати нуктаи назаридан бартараф этиш билан белгиланади. Бундай моҳият бирлиги сиёсий маданият даражаси билан амалга оширилади. Агар у заиф бўлса, сиёсат ахлоққа хизмат қила олмайди.

Шунинг учун ҳам ҳокимиятда сиёсий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ижтимоий ўзгарувчан реалликка амал қилиш лозим. Сиёсатчи учун реал воқеийликни англаши унга муҳтож бўлган одамларнинг манфаатидан келиб чиқишни талаб қилади. Ана шу оддий фалсафа мураккаб муаммоларнинг ечимини тўғри белгилашга ёрдам беради. Бундай сифатга эга бўлмаган сиёсатчи муросавий ечимларни топа олмайди.

Демократик жараёнларда давлат ходимининг фаолияти бевосита ҳал қилувчи роль ўйнайди. Веберь уларни икки тоифага ажратади, яъни биринчи давлат бўғинларидаги амалдорлар ва сиёсатчи давлат арбобларига бўлади<sup>1</sup>. Унинг фикрича, сиёсатчи ва амалдор фаолияти масъулиятлари ҳам турличадир. Амалдорлар юқори бошлиқ томондан белгиланган вазифаларнинг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир, гарчи у ғайриахлоқий бўлса ҳам. Сиёсий раҳбар ёки давлат арбоби ўз ҳаракатлари учун шахсан жавобгар шахс ҳисобланади. Бундай масъулият ундан маълум ахлоқий ва юксак маърифий тарбия ҳамда эътиқодни талаб қилади. Шу маънода амалдорларнинг интизоми, ўз ишига ҳалол ёндашуви, унинг профессионал маҳоратини ва ахлоқий кўрсаткичларини ифода этади.

Яна бир хусусият - бу сайланадиган сиёсатчи фаолияти билан боғлиқ. Унинг сайланиши учун ахлоқий сифатларга эга бўлиш талаб қилинади. Амалдор эса сайланмайди, у тайинланади. Унинг ахлоқий сифати тайинланувчининг ахлоқига боғлиқ бўлади.

Давлат ва жамият бошқарувида адолат тамойиллари яқка шахснинг иродаси ёхуд лавозими билан белгиланмаслиги муҳим. Адолат мезонини белгилашда қатъий муросасиз талаблар қўйилмоғи зарур. Зеро, адолат тўғрисидаги шахсий идеаллар ва қараш лар белгилувчи мезонга айланмаслиги лозим. Жамиятда адолат ўзгаларнинг ҳуқуқини бузмаслик шарти билан яратилган тенглик асосида ўрнатилмоғи керак. Чунки адолат ҳуқуқий ва интизомий муносабатлар кафолатини талаб қилади. Бу эса ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги мезонни аниқ белгиланишини тақозо этади. Бундай мезон жамиятнинг маънавий салоҳияти ҳисобланади. Маънавият ҳуқуқ-ҳуқуқсизлик ёки ахлоқ-ахлоқсизлик ўртасида моҳиятти бегиловчи восита саналади. Жамиятда сиёсий ва ахлоқий муносабатлар фуқаролик позицияси билан амалийликка эришилади.

---

<sup>1</sup> Вебер М. Избр произв. –М.: 1990. Стр-666.

Фуқароларнинг ўз фаолиятларида ҳуқуқни ҳурмат қилиши билан уларнинг ҳуқуқий кафолатлари таъминланиб борилади.

Муаммо шундаки, эркин бозор иқтисодига асосланган либерал жамият тарафдорлари иложи борича ҳокимият кучидан камроқ фойдаланиш лозимлигига асосланади. Бундай ёндашув эса, аксарият ҳолларда анархияга олиб келган. Шунинг учун жамиятда демократик кадриятларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб бориш ва давлат ушбу кадриятларни ҳимоя қилиши лозим бўлади. Бунда ҳимоя маълум «куч» ишлатиш воситалари орқали амалга оширилади. Айнан ана шундай жараёнлар жамиятда сиёсий жараёнларнинг ахлоқийлигини белгилаш, аниқлаш ёки маълум мувоzanатини ташкил этиш эҳтиёжларини туғдиради. Яъни умумийликдан хусусийликкача бўлган барча соҳаларда демократик кадриятларни аниқлаш, белгилаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий кафолатларини жорий этиш зарур. Бундай муаммонинг ечимини топиш сиёсий фанлар олдига янги вазифаларни кўяди. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос демократик тамойиллари бўлгани каби бу борада ҳам тайёр андоза бўлмаганлиги сабабли бу муаммони ҳал этишда миллий-маънавий негизларга эътибор ҳаратилмоғи лозим.

Сиёсий ҳаракатлар зўравонлик ва нозўравонлик моҳиятига асосланади. Бугунги кунда нозўравонлик сиёсати қатор услубий асосларига эга. Булар оммавий чиқишлар, арз ва шикоятлар, эътирозли шиорлар, намойишлар уюштириш, иш ташлаш, маъмурий биноларни ҳамал қилиш, қонунларни бажармаслик, очлик эълон қилиш кабилардир. Аммо, шунга ҳарамасдан, бундай услубларда ғаразли ниятлар, яъни давлат яхлитлигига, жамият бирлигига ҳарши ҳаратилган мақсадлар ҳам бўлиши мумкинки, бу ҳолат давлатнинг тегишли ташкилотлари эътиборидан четта бўлмаслигини талаб қилади. Айни пайтда, демократик жараёнларда ҳокимият институтлари қаторида жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролар Конституцияга мувофиқ тенг мажбуриятларга эга ҳисобланади. Шунга биноан, фуқаролар эътирози ва норозилиги тегишли тартибларда амалга оширилиб, давлат яхлитлигига салбий таъсир этмаслиги инobatга олинади. Зеро, жамиятда бировнинг эркинлиги бошқа бировни таъқиб қилиш эвазига амалга оширилмаслиги зарур. Бундай шароитда муаммо ва зиддиятларни чуқурлаштирмаслик мақсадида фуқароларнинг ўз фикрларини, интилиш ҳамда истакларини ифода этишнинг мунтазам ҳуқуқий асосларининг таъминланишига эришиш муҳим масала бўлиб қолади.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бошқарув тизими қанчалик мустаҳкам бўлса, мамлакатда шунчалик ишлаб чиқариш мароми таъминланган, тинчлик барҳарор ва миллатлараро муносабатларда чуқурлашиб бораётган вазиятни бир меъёردа сақлаб туриш имкониятлари вужудга келади. Бошқарув жиловни сусайган давлатда «жайдари» ва «чапани» демократлар бош

кўтариб, хонаки «доҳийлар» кўпайиб, халқни чалғитади<sup>1</sup>. Давлатчилик тарихий тажрибаларидан маълумки, носоғлом сиёсий жараёнларда ҳокимият социал адолат ва унинг ахлоқий мақсадлар йўлидаги талабларига жавоб бермай қолади. Натижада демократиянинг формал кўриниши давлат аппаратининг бюрократлашувига, амалдорларнинг коррупциялашувига, жамиятда консерваторликнинг кучайишига, миллат зиёлиларининг ўз масъулиятларига бепарволигига, сиёсий элитанинг маънан заифлашувига, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан амалда маҳрум этилишига олиб келади. Жумладан, И.А.Ерохов «Жамиятда шахсларнинг, гуруҳ ва ижтимоий қатламларнинг бир-бирига нисбатан зўравон салбий таъсирларини олдини олиш учун, ахлоқнинг ўзи реал ижтимоий куч ва қонунга айланиши керак. Фақат шундагина сиёсий ахлоқ жамиятда ўз ифодасини топади»<sup>2</sup>, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат сиёсий жараёнлар ривожини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб бориш фуқароларнинг ижтимоий ҳаракатларини тартибга солишга ва у орқали демократик кадриятларни жамият бағрига сингдиришга шароит яратади.

Давлат томонидан олиб борилаётан изчил сиёсатни, унинг интизомий чораларини сиёсат ва ахлоқ ўртасида мувофиқлаштириш муҳим. Бугунги кунда давлат аппарати ва унинг бошқарув механизмларининг миллий хусусиятларга хос тарзда шакллантирилиши асосий вазифалардан ҳисобланади. Зеро, давлат бошқарувининг аниқ белгиланган ҳамда жамият аъзоларига маълум восита ва услублар орқали бошқарувни ташкил этиш орқали сиёсат ва ахлоқнинг уйғунлигини таъминлаш мумкин бўлади. Кўп ҳолларда давлат бошқарувини миллий онг ва маданиятдан ажратиб замонабоп андозаларга интилиш жамият бошқарувини издан чихаради. Чунки ҳар қандай янгича, замонабоп бошқарув ҳали демократия дегани эмас. Демократия миллий маданиятга асослангандагина сиёсатнинг ахлоқийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, ахлоқни жамиятга тикиштириш, зўрлаш адолатни суистеъмол қилишга олиб келади. Ҳар бир миллат аъзоларининг англаган, шаклланган ахлоқи мавжуд бўлади. Сиёсий арбобнинг профессионал маҳорати ҳам шундаки, жамият «ҳақиқатини» англаши ва шунга мувофиқ сиёсий муносабатларни шакллантира олишидадир. Бундай ёндашув «фуқаро - жамият – давлат» муносабатларининг яхлитлигини таъминлашга ҳаратилади. Аммо, масаланинг мураккаб томони шундаки, шахс эркинлиги жамият ёхуд давлат эркинлиги билан ҳамоҳанг келавермайди. Чунки кишилар ўртасидаги ақлий тафаккур ва маданиятлар турлича бўлади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. -Т.: Шарк, 1997. Б-59.

<sup>2</sup> Ерохов И.А. О возможности политической морали //Полис. 2002. - № 4.-122 с.

Шунинг учун сиёсат одамлар истагига эмас, аксинча, ахлоққа, адолатга, ҳақиқатга асосланиши керак. Ижтимоий адолат ёхуд ахлоқий кадриятлар қонунларга асослангандагина ҳақиқатга айланади. Қонунлар ўз ижроси билан адолатга хизмат қилади. Бундай муносабатларнинг изчиллигига амал қилинмаган жамиятда манфаатлар уйғунлигига эришиш муаммолигича қолади. Кишилар ўртасида зуғум ва зўравонлик яшаш шартига, ҳимоя воситасига айланади.

Сиёсий ахлоқ категорияларини жорий этиш сиёсий шароит билан биргалликда жамиятда иқтисодий омилларнинг, яъни моддий неъматларнинг тўғри тақсимланганлигига ҳам боғлиқ. Яъни, жамиятда, моддий неъматларга эгаллик қилишнинг иқтисодий инфраструктуралари орқали ҳуқуқий меъзонларнинг жорий этилиши, фуқароларнинг имкониятлари ва салоҳиятлари даражасида ундан фойдаланиш шароитини туғдиради. Бунда давлат фуқароларнинг ижтимоий муносабатлар фаолиятида, айниқса адолатга эришишда барчага тенг шароит ва имконият яратиб бериши билан барчадан бирдек тенг бўлишни талаб қилмаслиги лозим. Чунки, адолат жамият аъзолари учун абсолют бўлиши мумкин эмас. Аввало, тенглик бўлиши учун нотенглик бўлиши зарур. Бозор иқтисодига асосланган ва бунда самарали тажрибаларга эга ривожланган демократик давлатларда «фуқаро - жамият – давлат» муносабатидаги масъулият деярли аниқ - равшан шаклланиб бўлган. Қолган ижтимоий масалалар фуқаролар ўртасида мавжуд қонунчиликлар асосида амалга оширилади.

Жамиятда том маънода эркинликка эришиш анча мураккаб ва нисбий тушунча ҳисобланса-да, аммо ҳар бир инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари кафолатланган ва уни амалда бажариш шароитлари белгиланиши муҳим. Зеро, инсон қанчалик эркинликка эҳтиёж сезса, ундан шунчалик даражада фойдалана олиш имкониятига ҳам эга бўлиши керак. Бундай шароит инсонлар ўртасидаги муносабатларни мунтазам равишда тартибга ёки ҳуқуққа мувофиқ равишда сақлаб туриш шароитини яратади. Демократик давлатнинг амалий ва назарий таълимотларига мувофиқ, жамиятда инсон манфаатларидан устун бошқа мақсад бўлмаслиги лозим. Чунки «фуқаролик» нафақат ҳуқуқий мақомга, балки ижтимоий асосга ҳам эга. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқини кафолатлаш, барчанинг тенглигини таъминлаш давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда ҳуқуқ бевосита сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаёт билан уйғунлашади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан бири, унинг барча аъзолари учун минимал турмуш шароитини яратиб беришдан иборат. Биринчи навбатда болалар, ногиронлар, ҳариялар давлат ҳимоясида бўлиши лозим. Қолган жиҳатларда давлат хавфсизликни кафолатловчи субъект сифатида намоён бўлади.

Жамиятда адолат муаммосини ҳал этиш вазифалари сиёсатнинг олдига, аввало, эркинлик ҳамда тенглик масалаларини кўндаланг кўяди. Бу масалада шахснинг эркинлиги ва шу эркинликнинг ахлоқий ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини аниқламоқ муҳим. Чунки эркинлик ҳали тенглик дегани эмас, қолаверса, ахлоқий ҳам бўлавермайди. Айнан шунга мувофиқ, фуқароликнинг ҳарор топиши шахс эркинлигининг ахлоқий жиҳатларини аниқлаш билан белгиланади. Яъни, максимал фуқаролик ахлоқий эркинликни таъминлашга олиб келади. Аммо ҳуқуқий таъсирдан ташҳари эркинликнинг ички маънавий чегараси бўлмаса, бундай эркинлик бошбошдоқликка олиб келади. Инсонда эркинлик ёхуд унга интилиш бевосита жамият равнақи билан мос келиши ва унинг фаровонлигига хизмат қилмоғи лозим. Бундай ахлоқий муносабат давлат қонунларини мустаҳкамлаш, унинг яхлитлигини таъминлашда намоён бўлади.

Бизга маълумки, коммунистик тузум даврида «халқ номидан, халқ манфаати» йўлида қанчадан-қанча қотиллик ва жиноят билан кадрятлар топталди. Шу тариқа тоталитаризм мутлақо инсон табиатига ёт бўлган унсурларни қонунийлаштиради. Одамларда «янги, мавҳум истиқболлар учун» мавжуд қотилликларга мажбурийлик асосида кўникишни ҳосил қилди ва бундай сиёсатни адолат деб тушундилар. Аммо, масаланинг фалсафий моҳияти шундаки, инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун ташкил топган. Инсонни шахс сифатида эркидан маҳрум қилмоқ таҳқирлаш билан тенгдир. Инсонга ҳеч қачон давлат ўз мақсадига эришиш воситаси сифатида ҳарамаслиги лозим. Аксинча халқ фаровонлиги мақсади йўлида давлат уни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак<sup>1</sup>.

Жамиятда фуқароларнинг моддий ва маънавий имкониятлари ҳокимият орқали тасарруф этилади. Бундай ҳолат мавжуд имтиёзларга эгалик қилиш, шахсий шухрат ва бойлик орттиришга мойил бўлган шахсларнинг табиий равишда сиёсий бошқарувга кириб келишини рағбатлантиради. Боз устига ҳокимият эркинлик манбаи сифатида раҳбарнинг қул остидаги одамларга нисбатан ғаразли ниятларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши билан ҳам ғайриахлоқий иллатларнинг ортиб боришига олиб келади.

Сиёсатнинг одамлар манфаати ва тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этгани баробарида, ўзаро муносабатлар ғайри ахлоқий бўлса-да, унга кўникиш, «тирикчилик» манбаи деб қараш шаклланади. Яъни, сиёсий маданиятнинг заифлиги сиёсатнинг ғайриахлоқий тартибларининг турғун даражада сақланиб қолишига шароит яратиб беради.

---

<sup>1</sup> Кинг М.Л. Полонничество к ненасилию. Этическая мысль. -М.: Республика. 1992. Стр-170.

Сиёсий ҳарорларнинг умумийлиги, мавҳумлиги, ташкилий, ҳукукий асосларининг заифлиги, ижро маданияти ва масъулиятининг пастлиги, ҳукукий назоратнинг либераллиги сиёсатнинг ахлоқий қондалардан чекланишига олиб келади. Маълумки, кимки ҳарор қабул қилса, унинг бошқалар томонидан бажарилишини назорат қилади. Ўзининг унга амал қилиши шарт эмаслиги имкониятига эга гуруҳлар ёки ундан ҳеч нарса сўралмаслиги «ваколат»ига эга бўлган айрим табакалар фаолиятларини рағбатлантиради ҳамда жамиятда ғайрияхлоқий муносабатларнинг кучайишига олиб келади.

Жамиятда айрим гуруҳ манфаатлари устуворлиги ва унинг сиёсатга таъсири миллий ва умуминсоний қадриятларга путур еткази. Тарафқашлик, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик каби иллатларнинг шаклланишига олиб келади. Ҳокимиятни хуфиёна манфаатларга мувофиқ суистеъмол қилиш тенденцияси кучаяди. Мансабдор шахслар томонидан ўзига қулай ва яқин «мафкура»даги одамларни йиғиши, ноқулайларини, бундай ҳолларда кўпроқ малакали кадрларнинг сиёсий бошқарувдан четлаштирилиши каби носоғлом рақобат авж олади. Натижада «Ўргимчак тўри» қиёфасини олган демократик жараёнлар ва унинг манфаатдор (хукмрон) ҳимоячилари давлат бошқарув тизимида коррупция бирлашмасини пайдо қилади. Жамиятда шаклланган устувор ғайрияхлоқий-сиёсий муносабатлар жамиятнинг демократик қадриятларини халқа сифатида сиқиб чиқаради. Ҳар қандай эркин фикр инсон учун таъқиб майдонига айланади. Ахлоқсизлик шахсий манфаат йўлидаги кўплаб фуқароларнинг оммавий ҳаракатини рағбатлантиради.

Жамиятда сиёсат ва ахлоқ мувофиқлигини таъминлашда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг роли катта. Аммо айрим сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ҳокимият ва унинг воситаларини тасарруф қилиш мақсадида ички ихтилофларни чиқаришга зўр беришларини оқлаб бўлмайди. Ҳар қандай зўравонлик ёвузлик манбаи сифатида нафақат ахлоққа балки сиёстага ҳам зид келади. Зеро, сиёсий партиялар ҳокимият учун кураш олиб борар эканлар, фаолиятларининг ахлоқийлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий жараёнлар учун масъулликларини ошириш мақсадида тегишли механизмлар қонун даражасида ишлаб чиқилишига аҳамиятни ҳаратиш лозим. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат, муҳолифат, аниқроғи, сиёсий кураш олиб борилиши ҳукукий жиҳатдан ташкил этилмаса, ҳокимият учун хуфиёна жиноий гуруҳлар кураш олиб бориши имконияти ортади. Айнан ана шундай масалалар сиёсат ва ахлоқ мувоzanатини белгиловчи муаммолар сирасига қиради.

### **III-БОБ. Сиёсат ва ахлоқ мувозанатида миллий, умуминсоний кадриятларнинг намоён бўлиши**

Мазкур бобда давлатлар ва халқлар ўртасида ҳадимдан ташкил топган умуминсоний кадриятларнинг сиёсий муносабатларга таъсири ўрганилади. Айни пайтда, бугунги кунда халқаро муносабатларда ўзаро ихтилофларнинг кўчайиши умуминсоний кадриятларга амал қилмаслик ёки нописандлик билан қараш каби муаммолар билан боғлиқ эканлиги тўғрисидаги ғоялар ривожлантирилади.

Бунда давлатчиликнинг шаклланиши, халқлар ўртасидаги муносабатлар мураккаб ижтимоий - сиёсий жараёнлардан ташкил топиши, манфаатларни ҳарор топтиришга ҳаратилган турли ихтилоф ва курашларнинг сабаблари ўрганилади. Бу борада давлатчилик тарихи умуминсоний кечмишининг узвий бир қисми сифатида айрим урушлар тарихи билан боғлиқ масалалар таҳлил этилади.

Ушбу бобда халқаро ҳуқуқ нормалари глобал таракқиёт муаммоларининг ахлоқий мезонларини аниқлаш, уларни тасниф этиш муаммоларига эътибор ҳаратилади. Халқаро муносабатларда конфликтларни умумий манфаатлар доирасида бартараф этишга ҳаратилган самарали ва қафолатли механизмларга эга эмаслиги очиб берилади. Ядро қуроли мавжуд бўлган давлатларнинг ханузгача ягона консенсусга кела олмаганликлари, қурол - яроғ пойгасини чеклаш ва тартибга солиш буйича умумий битимнинг йўқлигига баҳо берилади. Айни пайтда, умумий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш ҳудудий ва минтақавий можароларни бартараф этиш, халқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишончни ҳарор топтириш сиёсатни ахлоқ нормалари билан уйғунлаштиришга олиб келиши тўғрисидаги ғоялар илгари сурилади.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли Марказий Осиёнинг XIX - XX асрлардаги давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ мустабид тузум асоратида ҳолишининг сиёсий сабаблари таҳлиliga бағишланади. Жумладан, мустамлакачилик асоратида миллий-маънавий мерос, миллий бирлик, ватанпарварлик тушунчаларининг мавҳумлашуви, ўзаро низоларнинг кескинлашуви, жамиятда шарият ахлоқининг заифлашуви, хонларнинг нафс ва ҳирсга берилиб, жаҳолат гирдобига ботиши, жамиятда рижкорлик, хоинлик, товламачилик каби ахлоқсиз иллатларнинг ижтимоий турмушга сингиб кетиши миллий руҳиятнинг заифлашуви сабаблари кўрсатилади.

Тадқиқотда ўзбек миллий давлатчилик тарихида айрим сиёсий воқеаларнинг ўхшашлиги ва ана шу ўхшашликда ахлоққа зид хусусиятларнинг тақрор келиши миллий руҳиятдаги баъзи носоғлом иллатларнинг сақланиб келинганлиги масалалари очиб берилади. Яъни, бир пайтлар истилочиларнинг фойдасига хизмат қилган тилмочлик, хоинлик, лўттибозлик, лаганбардорлик, сиёсий



саводсизлик, мансабпарастлик, иккиюзламачилик, айна пайтда, умуммиллий манфаат ва мақсадларни англамаслик қатағонлик йилларида сўнгра “Ўзбеклар иши” даврида намоён бўлган салбий омиллар таҳлил қилинган.

**Мазкур бобда энг асосий илмий муаммо халқлар тақдири узвий боғлиқ эканлиги ва умумий хавфсизлик ва тараққиёт умуминсоний қадриятлар негизидагина барҳарор бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилади.**

### **3.1. Миллий руҳият – сиёсий ахлоқнинг негизи**

Мамлакатнинг равнақи инсонларнинг эътиҳоди ва буюк келажакка бўлган ишончи ҳамда миллий истиқлол ғояси, мақсади, вазифаларини англаши билан ўзаро муштарак ҳолда кечади. Тарихий тараққиётнинг ривожланиш қонунияти абадий бўлса-да, у халқлар хоҳиш-иродасига ҳам маълум даражада боғлиқ. Тараққиёт даври тарихий ваҳт ва макон ўзгаришлари туфайли хилма-хил воқеаларга бой бўлади. Миллат равнақи инсоннинг ўз қадр-қиммати ни, шаънини, ор-номусини умуммиллий даражада англаш туйғуси билан ҳамоҳанг. Лекин бу ҳамма ваҳт ҳам бир хил кечган эмас ва ўзига хос мураккаб ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида намоён бўлган<sup>1</sup>.

Айнан ана шу ижтимоий - маънавий ҳодисалар ҳосиласи бевосита миллий руҳиятнинг ахлоқий ҳолати билан белгиланади. Унинг мураккаблиги эса миллий тараққиётнинг юксалиши ва тарихий фожиаларини сиёсий нухтаи назардан англаш ва ундан сабоҳ чиҳара олишида ифодаланади. Зеро, ҳар бир миллат ўз тарихида адолат, тенглик тўғрисидаги идеал ғоялари асосида яшар экан, уни ижтимоий-сиёсий ҳаётда ташкил эта олиши улардан юксак эътиҳод талаб этувчи мураккаб жараён ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, XVI-XIX асрлар давомида миллий давлатчилик анъаналарига путур етказган миллий бошбошдоҳлик, 1865-1917 йиллардаги мустамлакачилик сиёсати ва айниҳа, 1917-1990 йиллардаги истибдод тузуми Оқибатларини англаш ва ундан тўғри сабоқлар чиҳариш лозим.

Марказий Осиёнинг XIX-XX асрлардаги сиёсий ва ижтимоий жараёнларини ҳиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, давлат ва жамият инқирози миллий руҳиятнинг таназзули билан боғлиқ жиҳатларини кузатамиз. Мустамлакачилик асоратида миллий бирлик, ватанпарварлик тушунчаларининг мавҳумлашуви, ўзаро низоларнинг кескинлашуви, жамиятда шарият ва миллий ахлоқнинг заифлашуви, хонларнинг нафс ва ҳирса берилиб, жаҳолат гирдобига ботиши, айрим зиёлиларнинг мунофиҳлиги, жамиятда риёкорлик, хоинлик, товламачилик каби ахлоқсиз иллатларнинг ижтимоий турмушга кириб келиши миллий руҳиятнинг заифлашувига олиб

---

<sup>1</sup> Эргашев И. Миллий камолот йўли // Жамият ва бошқарув. 2001.- № 2. - Б. 4.

келади. Амалларда билимсизлик, эътиҳодсизлик, гумроҳлик, тобелик, маърифатсизлик жамият ва давлат муносабатларида умумий ҳолат тусини олади. Жамиятда босҳинчилик, зўрлик, хунрезликлар ҳукмрон мафкурага айланади. Бир пайтлар Абу Наср Форобий давлатнинг инқироzi икки сабаб билан юз беради, деб огоҳ этган. Булардан бири ўз халқига фойда келтириши мумкин бўлган вазифаларни бажармаган одамларнинг ҳаёт тарзи нопокликдан иборат бўлса, Бошқа бир сабаб, уларнинг устидан ҳам Бошқа нопок ҳокимлар мавжудлигидир<sup>1</sup>, дейди. Тарихнинг аччиқ ҳақиқати иккала башоратнинг ҳам ҳаётийлигини исбот килди.

Шу даврларда яшаб ижод этган Мулла Олим Махдум Ҳожи мавжуд ғайрияхлоқий ҳолатнинг моҳиятини хўйидагича таърифлайди: “Туркистон хонлари ваҳтидаги мусулмониялар ниҳоят даражада аҳволи оламидин хабарсиз бўлдилар. Золим ҳакамларга рост ва тўғри сўзни айтадурғонлар ҳолмай, золимлар учун беш - ўн тилло бадалига эртадан кечгача хушомад сўзлар айтиб, алар қандай сўз айтса маъкул дейдурғонлар бўлгон эдилар. Илму маорифда бўлса Туркистонда ўтган Ибн-Сино, Форобий, Улуғбек, Али Ҳушчи ўрнига ўлтургон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликка табдил бўллуб, жаҳл балосига мубтало бўлгон эдилар. Ҳакам ва улуғларимиз фуқаролардин ўз жойига ва масрафига сарф қилмай, ўз хоҳишлари ва йу шаълариға харж ва сарф ҳилар эди. Ҳукумат ишида мутлаҳо мунтазам коида ва қонун Йўк эди. Фуқаролар оларнинг ўз молидек ҳисоб ҳилинур эди”<sup>1</sup>.

Мавжуд тарихий ва ижтимоий воҳеликларни ўзида ифода этган манбалардан миллий руҳиятнинг ахлоқий даражаси ва унинг ижтимоий ҳаётда таркиб топа боришининг тадрижини, айни пайтда, миллий давлатчилик ривожидаги тадбирларнинг тараққиётга эмас, аксинча, таназзулга хизмат қилганлигининг гувоҳи бўламыз.

Шариф Юсуповнинг хонликлар ўртасидаги ички зиддиятлар билан боғлиқ келтирган тарихий маълумотлари шу даврдаги сиёсий воқеаларнинг тафсилотларини сиёсий ахлоқ нухтаи назаридан аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Унда шу даврдаги сиёсий фожиалар моҳияти ҳар томонлама холис ёритилганлиги билан ажралиб туради. Аммо домланинг мазкур китобларида келтирган хулосалари билан баҳс этиш эҳтиёжи ҳам туғилади. Яъни, у шундай дейди: “Ўтмишдаги ҳукмдорлар тарихи уларни сиёсат майдонига чихарган халқнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлишини, кўп ҳолларда шу тарихнинг бир қисми бўлиб, унга сингишиб кетишини... Зотан муайян тарихий шароитда халқнинг феъл-атвори,

---

<sup>1</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. -Т.:Халқ мероси, 1993. - Б. 78.

<sup>1</sup> Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши: Насаф, 1992. - Б. 100.

аъмоллари қандай бўлса, ўшанга лойиҳ ҳукмдор унинг тепасига келишини бир неча бор исботламоҳда”<sup>2</sup>.

Албатта, масалада ҳақиқат борлигини инкор этмаган ҳолда, масъулият миллатнинг зиёлилари тоифасига кўпроқ тааллуқли деб ҳисоблаймиз. Шу халқ асрлар давомида буюк маданиятларга ва фанларга асос солган мутаффакирларни, инсоният тарихини истибод занжиридан олиб чиққан давлат ва унинг арбобларини яратган бўлса, сўнгги даврларнинг тарихий фожиалари халқнинг феъл-атворининг ўзгарганлигидан далолат бермайди. Халқ қандай бўлса, шундайлигича мавжуд бўлади. Халқнинг қози-ю, уламолари шариатни ҳукмдорга маъқул тарзда шакллантирган бўлса, халқда нима айб? Тарихда аччиқ қисматлар силсиласида бундайин адолатсиз турмуш тарзига нисбатан халқ исён қилган, кўзғолон кўтарган, Бошқа ҳукмдор танлаган, аммо, ҳар сафар алданаверганлар. Чунки бундай муаммо халқни давлат ва ҳукмдор билан боғловчи, унинг ахлоқий сиёсатини таъминловчи зиёлилар (виждони, муолажа этувчи етакчилар) қатламининг йўқлигида намоён бўлади.

Мовароуннаҳрда ислом таълимоти ёхуд унинг мафқураси кўпроқ ҳукмдор табақа манфаатига мос равишда тарғиб қилиниши ёки унинг маълум мақсад воситасига айлантирилиши оқибатида миллатни реал кундалик турмуш талабларидан – маънавиятдан айри ҳолда яшаш тенденциясини кучайтиради. Натижада диний - ахлоқий кадрятлар кишиларнинг амалий фаолиятига айланмайди. Мутаасиблик шаръий кадрятларимизнинг асл моҳиятини бузишга олиб келади. Масалага янада кенгроҳ ёндашадиган бўлсак, миллий эҳтиёжларнинг ҳондирилиши диний маросимлар никоби остида аҳидавий ёндашувларнинг устувор бўлганлигини кузатамиз. Масалан, Бехбудий “Бизни кемиргувчи иллатлар” мақоласида шундай дейди: - “Маълум бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлуқларини оқшом элтиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қоларлар. Биз бўлса, ўлуқ ва тўй учун ҳафталар, ҳатто ойлар ила ишдан қолурмиз. Қолбуки, шореъи аъзам, пайғамбари ақрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмум ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишга кетмоқға ва ўлуқхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, ҳаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзиға ва ўзимизни нафъимизға амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан ташҳарими, Худо учун сўйлангиз. Биз нима?!”<sup>1</sup>.

Бехбудийнинг сўзларидан хулоса қилиш мумкинки, биз диний кадрятларимизга амал қилмай, маиший эҳтиёжларимизни қондирмоқ учун турли тадбирларни жорий этганмиз. Нафсимизга

---

<sup>2</sup> Юсупов. Ш. Худоёрхон ва Фурқат. –Т.: 1995. - Б. 93.

<sup>1</sup> Бехбудий. М. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999. - Б. 190.

нимаики мақбул бўлса, ўша нарсани “кадрият” ёки “урф-одат” сифатида шариат номидан оммавийлаштирганмиз. Шу тарика халқнинг устувор тафаккур тарзига айланган унинг ақидавий дунёқараш и ва турмуш тарзи миллатнинг истикболини мавхумлаштириб келган.

Масалан А. Бегматов ўз мақоласида ислом никоби остида олиб борилган жаҳолатнинг сиёсий кўринишларини қуйидагича асослайди: “XX аср сўнгида ёзилган баъзи мақола ва рисоаларда маърифатчиларни динга ҳарши қўйиш майли сезилади. Аслида улар диндор одамлар эдилар. Туркистондаги уларнинг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқанд муфтийси эди. Улар ўзлари яшаган даврга халифалик даври нухтаи назаридан эмас, XX аср ибтидоси нухтаи назаридан реал ҳарардилар. Худди шу нарса уларнинг Бухоро қозиси ва Бошқа ақидапараст уламолар томонидан кофир, деб эълон қилиниши га сабаб бўлди”.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, бундай муносабат анча пухта ташкил этилган маълум тадбирлар асосида амалга оширилган. Жумладан, қозининг фатвосини бажариш, яъни маърифатчиларни ўлдириш учун аввал уларни бошқалардан ажратиб олиш керак бўлган. Шуни назарда тутиб, тугма қадалган ёқали қўйлак ёки костюм кийган мўйлови узун, соқоли қиска кишилар, айни пайтда, ўз боласини янги усул мактабига берганлар, газета ўқиганлар ёки газета ўқийдиганлар билан борди-келди қилганлар, рус тилини оз-моз биладиганлар маърифатчилар деб фатвога биноан ўлимга маҳкум этилган. Шулар қаторида Абдулла Авлоний ҳам “Турон” газетасидаги фаолияти учун таъкибга олинган. Фақат матбуот орқали қилинган тавба тазарругина уни ўлимдан сақлаб қолади. Аммо ақидапарастлар қирғинидан омон қолган маърифатчилар ундан-да ёвузрок, коммунистик ақидапарастлар қирғинига дучор бўлдилар.<sup>2</sup>

Ҳар қандай давлатчиликнинг ривожини бевосита миллатнинг маданий салоҳияти даражаси билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Агар миллат ўз истикболи ривожини англаб етса ва кундалик турмушида унга амал қилиб яшаса, эл-юрт юксалади. Унинг бугунги куни кечагидан яхшилиққа, эзгуликка ҳараб ўзгаради. Аммо дунё тараққиёти ва унинг талаблари ҳисобини билмаган халқлар фақат шу куннинг ташвишларидан ташҳарига чиҳа олмайдилар. Аслида тарихдан маълумки, инсон, сўнгра миллат шу тарика ўз нафсининг қулига айланадилар.

А.Авлоний миллатнинг бутун турмуш тарзини, унинг дунёқараш и, тафаккури ҳамда маданиятининг даражасини ифода қилиб берадики, шу даврдаги миллий-руҳий салоҳиятининг нечоғли

---

<sup>1</sup> Бегматов А. Маърифатчилик ва диний ақидапарастлик // Жамият ва бошқарув. 2000. - № 2. -Б. 18.

<sup>2</sup> Бегматов А. Маърифатчилик ва диний ақидапарастлик // Жамият ва бошқарув. 2000. - № 2. -Б. 19.

даражада ғайриахлоқий бўлганлигини аниқлашга ҳаратилган мулоҳазаларимизни мустаҳкамлайди. Жумладан, у, шундай ёзади: "... Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, ҳунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсан? Йўқ, бу фикрингиз ёнглиш.. Эшонларимиз тоат ва ибодат, панду насихат, зикру тасбеҳ ўрнига тўйларида тўн киюб кўп ошаб, кўп ухлашни яхши кўрурлар. Уламоларимиз дарсу таълим ўрнига, бир-бирилари ила ўрин талашиб мукаррир ва мударрис бўлишни, ўзлари бўлалмай қолсалар, эшикма-эшик юруб сайловни бузушни яхши кўрурлар. Имомларимиз, халойиқга ваъз ва насихат ўрнига, тўй ва жанозаларда юруб, жома кийишни яхши кўрурлар. Бойларимиз орқа-ўнларига ҳарамасдан, фойда ва зарарларини ойирмасдан бир-бирларига рақобат қиламан, деб "бонка" ва "кредит"ларини кўпайтуруб, дўффилари тор келганда рус ва яҳудийларнинг букиб-синишини яхши кўрурлар. Мўйсафидларимиз намоз ва ниёз ўрнига, масжид эшигига йиғилиб ўтуриб, ҳар кимни ғийбат ва шикоят қилишни яхши кўрурлар. Муаллимларимиз бир-бирларидан қизғонишуб, болаларни арзон ўқитаман деб, бир ўзларига юз, юздан ортиқ бола йиғуб, ўзлари тўй ва маъракаларда болаларнинг умрини бекор ўтқаришни яхши кўрарлар. Аммо мен бўлсам, ҳозирги замонда индамасдан туришни яхши кўрурман".<sup>1</sup> Агар Абдулла Авлониининг айтганларини таснифий кўринишда берсак, унда миллатнинг ғайриахлоқий руҳий ҳолати билан боғлиқ барча иллатлар моҳияти очилади. Қотиб қолган, айна пайтда, миллий тафаккурда чуқур шаклланган ушбу ижтимоий тенденция ҳақиқий миллат дарди ғамига ошно бўлиб яшаган, ўзи санокли бўлган зиёлиларни бирин-кетин жаҳолат гирдобида бадном қилиб келганлигини кузатамиз. Масалан, Мунаввар Қори Абдурашидхонов "Хотираларим" номли рисоласида келтирган хулосаларидан тарих, миллат ва шахс қисматларининг нечоғли даражада аянчли кунларда қолганлигининг гувоҳи бўламиз. Мунаввар Қори бор-йўғи 53 баҳорни кўрди. Шундан 39 йили "инқилоб"дан олдинги чоризм мустамлакачилиги азоби остидаги болалик, балоғат ва фаоллик даври бўлса, қолган 14 йили қизил империя ва сталинча қатағонлик сиёсати томонидан маънавий хўрланиш замони бўлди. Умрининг охириги икки йилида у ҳарбийлаштирилган сиёсий бошҳарма ҳамоқҳоналарида ўз халқи озодлиги ва мустақиллиги учун ўлимга тик туриб курашди.

**Таассуфларки, миллат зиёлиларининг ўз юртида ёлғиз ва бегона бўлиши энг даҳшатли ўлим билан баробар қисматдир. Мунаввар Қори чор тарафдан гумроҳлик ўпқонида қолган миллат зиёлисидир. Миллий хуррият ва озодлик йўлида олиб борилган машаққатли курашларнинг самарасиз якуни, барча сиёсий иттифоқчиларнинг парчаланиши, зиёлиларнинг**

---

<sup>1</sup> Авлони А. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1998. - Б. 227.

низолари-ю, парокандалиги, халқнинг омилиги Мунаввар Қори шахсини батамом емиради. Унинг ҳибсда, маҳбуслик пайтида ёзган аризаси том маънода ватанпарвар миллат зиёлиси бўлганлигидан далолат беради. Жумладан, у шундай ёзади: “Ҳақиқатан ҳам мен ташкилотчилик билан машғул бўлганман. Мен доим барча маҳаллий зиёлиларни бир ташкилот байроғи остида бирлаштириш, ҳамма орган ва ташкилотларда иш юритишни маҳаллий тилда олиб бориш ва шу йўл билан уларда ишловчи оврупаликларни ҳам маҳаллий тилдагина гапиришга мажбур қилиш, шунингдек, буюк рус миллатчиларга ҳарши курашиш дарди ҳаёли билан яшадим...”

Ҳозир мен сизнинг қўлингизда тутқинликдаман, агар ўлдирмоқчи бўлсангиз, мана сизга менинг бошим...”<sup>3</sup>.

Хулоса қилиш мумкинки, аслида шу йилларда Туркистонда вужудга келган сиёсий вазият оқилона тадбир ва яқдиллик билан мустақилликни қўлга киритиш шарт-шароитларини пайдо қилган эди. Аммо, аввало, зиёлилар ўртасидаги бирликнинг йўқлиги, миллий сиёсий партияларнинг ягона мақсадни англаб етмаганликлари, Туркистонда яшовчи барча халқлар ва элатларда миллий ғоянинг заифлиги туфайли кам сонли болшовойлар исканжасида қолиб, ўз юртида пароканда бўлган фарзандларининг қисмати, албатта, ачинарли ва аянчли бўлган. Мустафо Чўқай ўғли шундай хотирлайди: “Табийй, бу муваффақиятсизлигимизнинг сабаби кўпдир... Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инкилоби жараёни келтириб чиқарган вазият ижоботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар”.<sup>4</sup> Мустафо Чўқай ўз фикрини хулосаси сифатида “ахлоқий ва фалсафий нуқтаи назардан яхши ва ёмон халқлар деган нарсая йўқ ва бўлмайди. Бироқ сиёсий нуқтаи назардан эса масала Бошқачарок, яъни давлат қуриб, уни юрита билиш тайёргарлиги йўқлиги, турли мутахассис кучлар ва халқ оммасининг уюштирувчи ташкилот яратиш тажрибаси бўлмаганлиги, мавжуд сиёсий кучларнинг ҳам ўзаро ихтилофда бўлиши каби сабаблар билан биргаликда халқнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардан ташҳарида бўлганлигини “Туркистонда туркистонликларнинг муқаддароти (тақдири) устида ҳукмронлик учун Тошкент кўчаларида уруш бораётган бир пайтда туркистонликлар бетараф сайрчи бўлиб қолдилар”<sup>5</sup>, деб таъкидлайди.

---

<sup>3</sup> Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Хотираларим. -Т.: Шарқ, 2001. - Б. 31-32.

<sup>4</sup> Чўқай М. Истиқлол жаллодлари. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1992. - Б. 6.

<sup>5</sup> Ўша асар. Б-77.

Албатта, фожиаларимизга тўла бундай тарихий саҳифалардан яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин, аммо масала миллий зиёлиларнинг ижтимоий табақа сифатида шаклланмаганлиги ва натижада жамиятда ахлоқий кадриятларнинг заифлашувиغا олиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар миллий давлатчилик тажрибалари ворисийлик қонуниятлари асосида ривожлантирилганда, анъана ва кадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ажралмас таркибий қисмига айланганда эди, яратилган мавжуд давлатчилик кудрати асослари кўпайган бўлиб, 17-йилнинг истиқлолига замин бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Афсуски, мустақилликка эришиш ва унинг тамал тошини қўйиш учун 130 йил даврни талаб қилди.

**Кўриниб турибдики, мустақилликни исташ билан уни англаш моҳиятан икки хил нарса экан. Айнан ана шу моҳиятни уйғунлаштириш учун, афсуски, кўплаб фидойиларимизнинг ҳаёти керак бўлди.**

Шу ўринда масаланинг муҳим сабабларидан бири - бу миллатнинг ўз - ўзини англаш муаммоси билан боғлиқлигида кўзга ташланади. Халқ ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши муҳим. Чунки миллатимиз вакилларининг кўпчилигида ўзининг жузбый манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўя билиш ҳисси ўта секинлик билан намоён бўлди<sup>6</sup>. Миллатнинг руҳиятида муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва ягона давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигининг мавҳумлиги ҳар қандай миллий мустақиллик ғоясига асосланган мафқурани емиради ёки шундай ғоянинг мавжудлигини қабул қила олмайди.

Ўзбек миллий давлатчилик тарихида сиёсий воқеаларнинг ўхшашлиги ва ана шу ўхшашликда ахлоқсиз хусусиятларнинг уйғун ҳолатда такрор келиши миллий руҳиятдаги носоғлом иллатларнинг сақланиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни, бир пайтлар истилочиларнинг фойдасига хизмат қилган тилмочлик, хоинлик, лўттибозлик, лаганбардорлик, сиёсий саводсизлик, мансабпарастлик, иккиюзламачилик, айни пайтда, умуммиллий манфаат ва мақсадларни англамаслик қатағонлик йилларида ҳамда “Ўзбеклар иши” даврида ҳам айнан яна шундай услубларнинг янги кўринишлари намоён бўлди. Мунтазам олиб борилган аёвсиз таъқибларда бир-биримизни сотиш ва шу орқали маълум сиёсий имкониятларга эга бўлиш кайфияти устуворлик қилди. Айни пайтда,

---

<sup>6</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ, 1998. - Б. 254.

халкни бадном қилишда бизнинг ганимларимиз жуда усталик билан йўл тутишди. Бошқача айтганда, “сопини ўзидан чихаришди”. Ўзбек халқи ичидан чиққан, шу халқнинг нон-тузини еб қатта бўлган раҳбарлар ва бошқа кишиларнинг кўли билан иш кўрилди.<sup>1</sup>

Аммо 1991 йил 1917 йилдан фарқли ўларок миллатнинг тўла мустақиллигига олиб келди. Биринчидан, халқ руҳиятида ягона мақсад ва манфаатлар умумийлигининг англаниши ва шаклланиши, иккинчидан, миллий зиёлиларнинг мамлакат мустақиллиги ҳамда истиқбол тақдири олдидаги масъуллигининг ўсиб бориши, учинчидан, Президент И.А.Каримовнинг давлат раҳбари сифатида раҳнамолиги ана шу икки омилни бирлаштириши ва ягона мақсад сари сафарбар эта олиш салоҳияти билан асосланади.

**Мустақиллик даври халқимизнинг ўзлигини англаш ва миллий кадриятлар билан умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш имкониятларини очиб берди. Миллатнинг урф-одатлари, тарихий кадриятлари билан бирга маданий интеграциянинг янги турмуш тарзимизда уйғунлашиб келаётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Шундай экан, биз бугун адолатли жамият, кучли давлат қуришдаги интилишларимизга тўғаноқ бўлаётган асрий руҳий иллатларимизнинг мазмун-моҳиятини англаш баробарида унга ҳарши етарли чоралар кўра олаяпмизми?! Айни пайтда, жаҳон интеграцион жараёнлари талаб қилаётган маданиятларни бозор муносабатлари шароитида миллий хусусиятларимиз билан омукта қилишнинг қандай истиқболларини кўряпмиз?! Афсуски, масаланинг ривожини биз ўйлаганчалик бугунги кунда ҳам осон кечмаяпти.**

Социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуродов миллий руҳият билан бевосита боғлиқ бўлган давлатчилик ривожининг ижтимоий-сиёсий, маданий асосларини таҳлил қилиб, аввало, миллатнинг тарихий эҳтиёжи негизида шаклланган маданият ва ташкил топган турмуш тарзи моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Жумладан, олим шундай баҳо беради: “Биринчидан, одамларда собиқ тузум асоратлари, эскича тафаккур қилиш хусусиятларининг сақланиб қолаётгани; иккинчидан, одамларда ташаббускорлик, янги фаолиятларни бошлаб юборишдан чўчиш, ҳадиксираш туйғусининг мавжудлиги; учинчидан, янги фаолиятларни бошлаш учун етарли билим ва малакаларининг етишмаслиги, хорижий тилларни билмаслик ва замонавий алоқаларга киришиш воситалари, ранг-баранг коммуникациялар тизимларига боғланиб ҳаракат қилиш малакасининг сустрлиги, компьютерлардан фойдаланиш бўйича саводхонликнинг пастлиги, тўртинчидан ва энг, таассуфлиси ана шу камчиликларни тез бартараф этиб, ишга киришиш учун шижоатнинг сустрлигидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. –Т.: Ўзбекистон, 1992. - Б. 22.



Катта кусуримиз бу - ўз умримизга шафқатсизлигимиздир. Бундай дейишга асос шуки, аксарият фуқароларимиз маиший ҳаёт лаззатларини маънавий камолот, ўсиш, янгиланишга нисбатан устун қўйишга мойилдирлар. Одамлар оғзидан бугун қандай мазали таом еганликлари, яхши дам олганликлари, тўйларга борганликлари хусусида кўп ва ҳўп эшитамиз-у, аммо фалон роман, мақола ёхуд спектаклда шундай муаммо кўтарилибди, фалон театрда янги асар қўйилибди ёки янги кўргазма намойиш этилаётган экан, деган гапларни кам эшитамиз”<sup>1</sup>. Аслида айнан шу каби миллатнинг хусусиятлари ва руҳий ҳолати унинг ўз истиқболига бўлган муносабатларнинг сиёсий-ахлоқий даражасини белгилайди. Олим ўз фикрларини ўзбеклар табиятан жамоавий халқ бўлганидан ўзлигимизни ҳамиша атрофдагилар муносабатига кўра англашга мойил эканлигимизни, айниқса, тўйларимиз ёхуд маъракаларимиз обрўсини атрофдагиларнинг тадбирларимизга қандай муносабатда бўлиши, яъни кимлар катнашиши, қанча одам келишига кўра баҳолашга ўрганганимизни таъкидлайди.

Албатта, халқ ўз орзу-интилиши, истак-майллари билан яшашининг айби йўқ. Маиший эҳтиёжлар барча халқлар сингари тўқ ва фаровон ҳаёт кечиришдир. Аммо эҳтиёжларнинг асосий қисми ахлоқсиз ақидавий маросимлар билан боғлиқ бўлиб, дунёвий тараққиёт талабларига зид эканлигини инobatга олиш оғир кечаётганлиги афсусланарли ҳолат. Менимча, мавжуд мантиқсиз, баъзан маърифатсиз ўзгача маишатларимиз билан боғлиқ сарф-харажатга чек қўйишда ўзбек зиёлисининг маърифати ва жасорати етишмаяпти. Шу тариха миллат зиёлилари халққа раҳнамоликни бугун ҳам “ўтган кунлардек” давом эттириб келмоқда. Бундай “жамоавийлик” шаклларининг илдиз отиб бориши эркин шахс тарбиясини мавҳумлаштириб келади. Жамиятда демократик соғлом кадриятларнинг ривожига тўсқинлик қилади.

Зеро, ҳар қандай миллат ўз истиқболига тўсиқ бўлаётган иллатларни рўйи-рост тан олсагина ва шу тариха уни бартараф этишга ирода қилсагина, юксалади. Маънавий янгиланиш турли тадбир, воситаларни қўллаб, миллатни ғафлатдан - хушёрликка, билмасликдан - билишга, номаълумликдан - маълумликка, зарардан - фойдага, саволдан - жавобга, муаммодан - ечимга, камбағалликдан - бойликка олиб ўтиш йўлларида биридир. Инсон омилини ана шу муаммоларни ечиш учун энг зарур бўлган фазилатлар билан қуроллантиришимиз керак. Ана шулардан бири – жасоратдир<sup>7</sup>.

Шубҳасизки, жамоавийликнинг маълум ҳаётий қийинчиликларни ҳамжихатликда ҳал этиш каби ижобий томонларидан кўз юма олмаймиз, лекин “Шарқона демократия”

---

<sup>1</sup> Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети // Хуррият. 2002. 9 окт.

<sup>7</sup> Куръонов М. Жасорат // Халқ сўзи. 2003. 31 янв.

никоби остида унга сиёсий тус берилганда ёки унинг асл моҳияти бузилганда жамоавийлик муносабатлари тоталитар хусусиятларнинг ривожлантирилишига олиб келади. Коллективизмга яқин жамоавийликда инсон эркинлиги таъминланмайди, аксинча, уни хиралаштиради ва охир-оқибатда шахсни “мен”идан маҳрум қилади. Жамоада ташаббус қилишдан, янгиликка интилишдан кўра қачонлардир, кимнингдир томонидан жорий этилган ва муҳим стереотипга айланган одатлар устуворлик қилади. Одамлар ўз ҳаракатларининг баъзида ахлоқсиз ва мантқиқсиз эканлигини билсалар-да, жамоадан ажралиб қолишларидан қўриқиб ёки андиша қилиб яшайдилар. Бундай носоғлом миллий-руҳий хусусиятларнинг устуворлигида, албатта, жамоавийликдаги айрим кадриятлар ўз ижобий хусусиятини йўқотиб боради.

Аслида инсон, шахс фақат том маънода эркин бўла олгандагина, у миллат зиёлисига айлана олади. Унинг эркинликка бўлган ишончи ва эътиқоди ижтимоий - амалий ҳаракатини белгилайди. Масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, шахс қандай эркинликни хоҳлайди, унинг эркинлиги жамият манфаати билан уйғунми, ана шу истакларнинг қандай имкониятлари бор?! Эркинлик унинг учун идеалликми ёки реалликми?! Айнан шу саволларга жавобнинг инсон тафаккурида пайдо бўлиши, сўнгра, унинг учун чидаб бўлмас изтиробга айланиши эркин шахснинг пайдо бўлишига олиб келади. Н. Бердяев - “Биз ўз ташқи таъқибларимиздан фақат ички руҳий қуллигимиздан озод бўлсаккина қутула оламиз”<sup>8</sup> деб таъкидлайди. Ундан чикди, эрк ва эркисизлик инсоннинг руҳиятидаги ҳодиса бўлиб, инсонни эмас, унинг руҳиятини қулликдан озод этмок керак экан. Бундан хулоса шуки, инсоннинг эркисизлик ҳолатини ва шу билан боғлиқ иллатларини ташҳаридан ахтармасдан, ўзликка мурожаат қилишга ундайди. Ўзликни англаш эса, ҳақиқатга олиб келувчи бирдан-бир йўл. Шунинг учун эркинлик - бу нафақат сиёсий, балки ахлоқий категория ҳам ҳисобланади. Чунки фақат эркин одамгина ахлоқий эътиқодга эга бўлади.<sup>9</sup> Ундан чикди, ахлоқсиз одам эркин бўлиши ҳам мумкин эмас. Эркинлик бизни ҳақиқатда яшашга олиб келиши лозим. Ҳақиқатсиз эркинлик бизни бошбошдоқликка олиб келади.

Эркинлик нима ва у қандай ҳосил бўлади? Эркин жамият қонунларга амал қилган жамият эмас, одамларнинг яхши яшашга бўлган имкониятларини таъминлаб берган жамиятдир. Бунда энг муҳим жиҳат шундаки, миллат ўз ҳақиқатини билиши ва унга мувофиқ яшай олиши масаласи муаммолари мавжуд бўлади. Кўп ҳолатларда ҳақиқат маълум бўлади, аммо унга амал қилишга журъат

---

<sup>8</sup> Вехи. Интеллигенция в России. -Москва: Молодая гвардия, 1991. - С. 16-17.

<sup>9</sup> Межуев В.М. Насилие и свобода в политическом контексте // Полис. 2004. - № 3. - С. 105.

этмайди. Барча ижтимоий муносабатлар тирикчилик билан оқланади. Яъни, тафаккур яшайди, аммо у ҳаракатда бўлмайди. У реал дунё билан ҳеч қандай алоқага киришмайди. Ундан, унинг бешафқат реаллигидан кўрқади. Инсон эътиқоди ўз руҳиятининг интилиши олдида ожизлик қилади. Руҳиятнинг ҳозирги ҳолати шундаки, индивиднинг тафаккури шахсийликдан айри ҳолдалигида. Чунки тана руҳсиз, руҳ вужудсиз яшайди<sup>10</sup>.

Ҳақиқатни англаш, айниқса, уни ўз иродасига бўйсундириш ва маълум мақсадга йўналтириш мураккаб ҳодиса. Шу тарика аксарият инсонлар, шу жумладан, миллатлар эркинликдан кўра унга эришган одамлар тобелигида ёки ҳеч бўлмаганда ҳаёт ҳукми билан муросада яшашни афзал кўрадилар. Бундай ҳолатда “ҳақиқат” миллатнинг, инсоннинг мавжудлик даражасидан ташҳарига кўтарила олмайди. Тўғри, шахс айрим ҳолларда жамият ахлоқиға бўйсунишға мажбур бўлади. Унинг ўзига ҳос хусусиятларини маълум маънода ўзлаштиради. Аммо, ушбу “ўзлаштириш” ва “мажбурийлик”да шахснинг қанчалик даражада ўз ҳолатига ҳамнафас яшашға бўлган мойиллиги ва ундан қониқиши ҳам сабаб бўлади. Масала шундаки, “Шахс”ға ёхуд “Миллат”ға нисбатан билдирилиб келинаётган ҳулосаларимиз шу пайтгача анча бирёқлама бўлиб келган. Яъни, даврнинг маҳсули бўлиб яшаган одамларни миллат шахслари сифатида баҳолаб келдик. Ваҳоланки, бундай шахслар мавжуд тузумға, замонға мослаша олганликлари ҳамда ўз салоҳиятларини ана шу давр тақозасидан келиб чиқиб фойдалана олганлиги билан эътирофға сазовор бўлганлар, аслида. Шу ўринда И.Эргашевнинг шахс хусусиятлари таҳлили мавжуд муаммоға бўлган қараш ларимизни бир мунча ўзгартиради. Жумладан, у шундай дейди: “... шахс ўз даврининг маҳсули бўлиши мумкин, аммо бу билан у ўз даври ва халқининг дардини ўзида ифодалаш даражасида унга мувофиқ бўла олмаслиги, ёки аксинча, шахс фақат ўз даврининг маҳсули бўлмасдан, уни ҳис этган ҳолда ундан ўзиб кетиши, вақт ва замон ўтиши билан у ўз халқининг, башариятнинг қалбидан тобора чуқурроқ жой олиши ва қолиши мумкин. Бу - шахс сифатида ўз манфаатларидан жамият манфаатларини устувор қўйганлигидан, ўз фаолияти ва ички дунёси билан башариятға дахлдор бўлиб, унинг дарди билан яшаганлиги, уни ҳис эта олганлиги, мустақиллик, демократия ва эркинлик йўлида унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан боғлиқдир”.<sup>1</sup> Бошқача айтганда, ана шу ғоялар йўлида ўзини фидо қилган инсонларғина миллат, сўнгра башарият учун шахсға айланадилар. Айни пайтда, И.Эргашев шахс хусусий сифатларини белгилловчи омилларнинг илмий моҳиятини очиб беради. Биринчидан, шахс фаолияти ва дунёсининг инсон эрки, хошиш-

---

<sup>10</sup> Вехи. Интеллигенция в России. –Москва: Молодая гвардия, 1991. - С. 88.

<sup>1</sup> Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. -Т.: Академия, 2000. - Б. 64.

иродаси, кадр-киммати билан ўзаро мос тушиши, иккинчидан, шахс ўз фаолиятида айрим гуруҳ манфаатларидан келиб чиқиб эмас, аксинча, инсон, умумхалқ, жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатиши, ўзлигини халқидан, унинг тарихи, кадриятлари, орзу-умидларидан ажралмаган ҳолда идрок этиши ва унга ўзини бахш этиши, учинчидан, шахс фаолиятида мустақиллик, эркинлик, демократик кадриятларга инсоний кадрият сифатида ҳаралиши, унга амал қилиниши чуқур маъно касб этади. Даврга шунчаки мослашишда эса шахс сифатлари эмас, аксинча, фаолсизлик ҳолатлари кўпроқ мужассам бўлади.<sup>11</sup> Дарҳақиқат, ана шу ғоялар йўлида ўзини фидо қилган инсонларгина миллат, сўнгра башарият учун шахсга (миллат зиёлисига) айланади.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир шахснинг эрки, кадр-қимматининг устуворлиги миллий ҳурриятга элтувчи йўл демакдир. Миллатнинг адолатли жамият барпо этишга бўлган орзу-интилишларининг амалий ифодаси эса ана шу эркин, руҳияти озғом шахсларнинг ақл-идроки ва этиқоди асосида ривожлантирилади. Миллат зиёлисининг адолат ва ҳақиқатга амал қилиб яшай олиши ва бунда фидойилик намунаси жамиятда ижтимоий ахлоқнинг юксалишига, давлат сиёсатининг адолатпарварлигига олиб келади.

“Миллат, унинг кадр-қиммати, ор-номуси, ғурури муқаддас ҳисобланади. Чунки, миллат реал шахслар орқали намоён бўлади. У тил, урф-одат, анъаналар, кадриятлар ўзликни англаш руҳияти умумий бўлган шахслар мажмуидан иборат. Агар айрим шахснинг ор-номуси, ғурури, кадр-қиммати унинг ўзи билангина боғлиқ бўлса, миллат шаъни уни ташкил этадиган шахслар билан боғлиқ бўлади”<sup>12</sup>, дейди профессор С.Отамуродов. Ҳақиқатда, жамиятда реал - бутун шаклланган шахслар бўлмаса, миллатнинг шаклланиши нисбий, тузилиши эса расмий хусусиятларини сақлаб қолаверади. Фақат этиқоди мустаҳкам, ахлоқий руҳияти умумий бўлган шахсларгина халқни миллат даражасида бирлаштиришга қодир бўладилар. Шундай экан, ушбу муаммолар бугун миллат зиёлиси ким ва у қандай бўлмоғи лозим, унинг миллат шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга ҳаратилган маънавий имкониятлари қай даражада, унинг жамият олдидаги масъулияти нималарда намоён бўлади каби зиёлиларнинг ижтимоий табақа сифатидаги аҳамиятини ўрганиш ва англаш масалаларига мурожаат қилишга ундайди.

**Фаровон ҳаёт ижтимоий адолат тамойиллари асосида ижтимоий турмушларини кура олган миллатлар тақдирида зиёлилар ниҳоятда катта таъсир кучга эга бўлганлар. Зиёлилар миллат шаъни, унинг ор-номуси ва ахлоқининг ҳимоячиси, мамлакат, эл-юрт тақдири олдида масъул ижтимоий табақа ҳисобланади. Улар жамият ривожиди халқнинг минг йиллик**

<sup>11</sup> Ўша жойда. - Б. 64-65.

<sup>12</sup> Отамуродов. С. Миллатпарварлик надур? // Фидокор. 2003. 10 апр.

қадриятларини, тарихини, улкан маданий меросини сақлагувчи ва сайқаллагувчи, айни пайтда, миллатнинг ўтмишини бугунги ҳаёти билан боғлагувчи, халқнинг бутун бор фалсафасини ўзида уйғунлаштиргувчи шахслар бўлади. Миллий қадриятлар зиёлининг танасида ҳужайрага айланади. Шунинг учун бундай рухият ҳеч қандай тўсиқ ёхуд таъқибни тан олмайди.

Айни пайтда, зиёлининг жасорати ўз сўзига эътиқоди билан белгиланади. Сўз зиёлининг эркинликка бўлган сўнгги илинжини сақлаб қолувчи улкан куч. Ва шу сўзнинг даражаси зиёлининг салоҳиятини белгилайди, унинг шаъни ва ор-номусини сақлайди. Сўз учун масъуллик - бу ижтимоий ҳаракатнинг масъулиятини кўрсатади. Масъулият билан кафолатланган сўз эса зиёлининг ахлоқини намоён қилади. Ана шу ахлоқ ва номус қалбдан сўзда ўз ифодасини топмас экан, жамият турли руҳий зиддиятларда қолиб калавереди. Иккиюзламачилик, ёлгон, фириб ҳар қандай қадриятларнинг моҳиятини бузишга олиб келади. Одамлар ўзининг тор манфаатларини ниқоблаш мақсадида сўзларнинг жозибадор имкониятларидан фойдалана бошлайдилар. Натижада сўз миллий тафаккурни емиради, илғор фикрларни қабул қилолмаслик даражасига туширади. Шу тариқа ўз қадрини йўқотган сўз инсонни, сўнгра миллатни ҳам таназзулга олиб келади. Фақат инсон манфаати, кадр-киммати ҳимоясида турувчи сўз ва унинг масъулияти эркинлик ва хурриятга олиб келади. Фақат сўз қудратида эркин ва мустақил шахсина янги ижтимоий жараёнларнинг бунёдкорига айланади.

**Тарихий даврлар мобайнида ўзбек зиёлиси рухиятида диспотик фикр ҳарамлиги устуворлик қилган. Бундай ижтимоий шароит бир неча асрдан буён ҳар қандай илғор ғояни ўз бағрида ўлдириб келган. Оқибатда ўз ҳақиқатига эга бўлмаган зиёлининг рухиятини иродасизлик ва чуқур мавҳумлик, кўрқув қамраб олган. Иродасизлик ҳолатида мавҳумликдан чиқиб истиқболга юз тутиш машаққатидан кўра, қалбнинг турғунлиги инсонни кўпроқ қониқтирган. Албатта, ҳаётимизда доимо қандайдир уфқ ортидан нимадир ялтираб кўрингандай бўлади ва биз учун шунинг ўзи кифоядек туюлган, камлик қилса, уни қуёш эканлигига оммани ишонтиришимиз осон бўлган. Аммо у янги, уйғониши мумкин бўлган миллий рухиятнинг томир отишига озуқа бўла олмай келган.**

Миллат зиёлилари халқ ва ҳокимият муносабатларининг адолат ва инсоф нуқтасида соғлом меъёрларнинг мувозанатларини сақловчи бўгин бўлиб ҳам ҳисобланади. Уларнинг фаолиятлари билан жамиятда миллат рухиятини соғломлаштирилишига олиб келувчи маърифий сиёсатнинг ахлоқий мезонларини белгилайди. Муносабатларнинг шу тариқа уйғунлашуви эса жамиятда адолат асосларини мустаҳкамлаб боришга хизмат қилади. Шунинг учун жамият ривожидида миллий рухиятнинг ахлоқий жиҳатдан соғломлиги

ва бунда миллат зиёлиларининг халқ олдидаги масъулияти муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқий зиёли, даставвал, ичдан мустақил шахс. Унга ташҳаридан таъсир ёхуд тазйиқ ўтказиб бўлмайди. У воқеа ва ҳодисаларни тўлалигича ўз изтироблари билан қабул қилади ҳамда ўз фаолиятида намоён этади. Шу тариқа халқ шунчаки билимли одамни эмас, ўз билимига эътиҳод қилиб яшаган зиёлини миллат шахси даражасига кўтаради.

Бу борада Мустафо Чўқайнинг миллий зиёлилар тўғрисидаги фикрлари эътиборлидир. Жумладан, у шундай дейди: “Миллий зиёли на демакдур? Илк қараш да бу масала қулай кўрунса-да, ҳақиқатда бу сўроққа тўғри жавоб бера билиш ўнғгай бир нарса эмасдир.

Ҳар ўқуғон, таҳсил кўрган одамни зиёли деб аташ ва уни мансуб бўлгон миллатининг “миллий зиёли” сифатинда санаш мумкинми? Табиий, бу мумкин эмас. Биз ёлғиз бир белгили ғоя орқасиндан юрган ва бу белгили ғоя теварагинда тўпланган ўкумишларнигина зиёли деб атай оламиз. Миллий зиёлилар синфига эса ўз халқига сиёсий, ижтимоий ва ҳуррияти йўлида хизмат этмакчи бўлгон зиёлиларгина кира оладилар. Зиёлиларнинг вазифаси юксак ва муқаддас бўлғони каби кўп оғирдир”<sup>1</sup>.

**Дарҳақиқат, маълум бир ғоя атрофида бирлашиш, аини пайтда, сиёсий, ижтимоий ва ҳуррият йўлида хизмат қилмоқ миллат зиёлисининг масъулияти ҳисобланади. Миллат зиёлиси миллатнинг эгаси ҳисобланади. Шунинг учун халқнинг ҳукмдори эмас, балки зиёлиси қандай бўлса, унинг қисмати ҳам шундай бўлади.**

Бугун ривожланган давлатларнинг демократлашув жараёнлари натижаларига назар соладиган бўлсак, тараққиётнинг асосини иқтисодий технологик ривожланиш эмас, балки, мураккаб ахлоқий эврилишлар ва инкирозий ҳолатда тафаккур янгиланишига бўлган интилишда намоён бўлади. Жамиятда маданий-техник тараққиётнинг ахлоқий моҳиятини англамасдан ва ана шу йўлда миллат бирлашмасдан, ҳеч ҳачон юксалмайди. Чунки ҳар қандай юксалиш миллий ўзликни англашдан бошланади. Бундай ахлоқий сиёсий куч жамият ривожига тўсиқ бўлиб келган эски тартибларни ўзгартиришга хизмат қилади.

Шу ўринда, мавзумизнинг хулосаси сифатида ахлоқий кадрятлар таснифи бизга маълум бўлганлиги учун миллий руҳият билан боғлиқ бўлган ахлоқсиз хусусиятларнинг кўринишларини очиб беришни мақсад қилиб олдик. Жумладан, жамиятда сиёсий ахлоқсизлик қандай ижтимоий муносабатларда намоён бўлади? Ёки сиёсатнинг ахлоқсизлиги нималарда ўз ифодасини топади? Бунда

---

<sup>1</sup> Чўқай Мустафо. Қўқанд Мухторияти. Шарқ юлдузи. 2002. № 2. Б. 129.

миллий рухиятнинг хусусиятлари қандай ижтимоий иллатлар билан боғланади?!

**Биринчидан**, сиёсатда ахлоқий кадриятларга амал қилмаслик ёки унинг институционал тизимини ташкил этишга эътибор бермаслик фуқароларда сиёсатга нисбатан икки хил муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Улар инсоннинг ички ва ташқи дунёсининг зиддиятида, айти пайтда, давлат ва жамиятга бўлган муносабатида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, шахснинг иккиюзламлилик ҳолатга тушиш жараёни намоён бўлади. Натижада инсон ўз ташқи интилишларини ички оламига мос тарзда қура олмайди. Инсоннинг ўзига нисбатан хиёлати нафақат инсон турмушига, шу билан бирга, жамиятга ҳам ўз таъсирини ўтказиши. Одамлар ўзаро муносабатларда ана шу ёлғонларга кўникиб яшайдилар. Оқибатда хуфиёна сиёсат ҳарор топади ва у реал воқеликка тўғри келмай қолади.

**Иккинчидан**, жамиятда сиёсий ахлоқ категорияларининг жорий қилиниши ижтимоий назорат тизимини ташкил этилишига, ҳуқуқий муносабатларни ҳарор топишини таъминлашга хизмат қилади. Агар бундай муносабатлар ҳарор топмаса, жамиятда коррупция авж олади, солиқлар яширилади, қонунларнинг ижроси ва таъсири пасаяди, хуфиёна муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боради, ҳисобот ва кўрсаткичлар реал ҳаётдан тубдан фарқ қила бошлайди.

**Учинчидан**, сиёсий ахлоқсизлик ва унинг жамиятга салбий таъсири харизматик бошқарувда кўпроқ намоён бўлади. Харизматик етакчи эмоционал таъсир кўрсатиш билан авторитар бошқарувни ташкил этади. Бундай муносабат сиёсий ахлоқнинг мавжудлик даражасини яқка шахснинг “ахлоқ”ига боғлаб қўяди. Натижада жамиятда шахснинг иродасига боғлиқ жамият ахлоқи шаклланади ва сиёсий жараёнларнинг маънавий қиёфасини белгилайди. Ушбу ҳолатда харизматик шахснинг иродаси жамият ҳуқуқидан устун келади. Энг хавфли жиҳати харизматик муносабатлар жамиятда тизимий поғоналарини (ворисийликни) вужудга келтиради. Норасмий “амалдор”лар пайдо бўладики, уларнинг ахлоқи жамият сиёсатини белгилашга олиб келади. Ҳокимият, давлат ташкилотлари, унинг моддий неъматлари гуруҳлар ўртасида ўзаро таксимот объектига айланади. Харизматик муносабатнинг шу тартибда ҳарор топиши (Бошқача бўлмайди ҳам) сиёсий институтлар фаолиятининг шаклланишини издан чиҳаради.

**Тўртинчидан**, юқорида ҳисобга олинган мавжуд нуқсонлар занжирсимон ҳолатда жамиятда сиёсий ахлоқсизликни келтириб чиҳаради. Бунда мансабдор ва амалдор шахслар ўз мажбуриятларини сунистеъмол қилади ёки ҳокимият фақат шахсий манфаатларни қондириш воситасига айлантирилади. Ишлаб чиҳаришда шартномалар бажарилмайди, қонун ва ҳарорлар ижроси пасаяди, инсон кадр-қиммати ва манфаатларига эътибор берилмайди. Давлат

ва жамият бошқарувининг функционал вазибалари издан чиқади, фукаралар ўртасида оқибатсизлик, зиддият, ишончсизлик вужудга келади.

Шунга мувофиқ сиёсий ҳокимият органлари фаолиятида сиёсий этика, сиёсий маданият, ижтимоий адолат ва ошкоралик тамойилларини жорий этиш ва сингдириш, ушбу кадрларнинг ифода этилишини таъминлашнинг илмий дастурларини ишлаб чиқиш давлат организмнинг мунтазам муолажасини таъминлашга ҳаратилган дастурларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазибаларидан деб ҳисоблаймиз.

Жамиятда сиёсий ахлоқ талабларига итоат этиш мажбуриятини белгиловчи ва унинг ижросини назорат этувчи механизмларнинг ташкил этилиши туғилиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олади. Аксида, фақат хоҳиш ва истак билан сиёсий ҳокимият фаолиятини ахлоқий нормалар асосига қуриб бўлмайди. Сиёсий ахлоқсизлик ҳолатида фукараларда икки хил сиёсий муносабат шаклланади.

**Олтинчидан**, мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда тарихий ривожимизда миллат зиёлисининг ижтимоий иллатларга нисбатан кураши ва бунда миллий ахлоқий кадрлар асосида халқни бирлаштира олмаган хусусиятлари ва сабаблари таҳлили кўрсатилди. Миллий руҳият ва унинг ахлоқий мезонларини аниқлашда миллатни ташкил этувчи шахслар тўғрисидаги тушунча ва қараш ларимизни истикбол мақсадларимиз билан қанчалик ҳамоҳанг эканлигини ҳамда олдимизда турган муаммолар кўламини аниқлашга, унинг илмий - таҳлилий жиҳатдан тадрижий ривожини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилдик.

**Еттинчидан**, миллий руҳиятнинг ахлоқий моҳияти бевосита миллат зиёлларининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий позицияси билан боғлиқлиги масалалари очиб берилди, айти пайтда мазкур параграфда шахснинг сиёсий ахлоқ билан боғлиқ бўлган масъулият мезонлари тавсия этилади. Жумладан;

- ҳуррият ва эркинликни қуллик ва ҳарамликдан фарқлай олишга ҳаратилган маърифий тарғиботларни олиб бориш;

- ана шу интилишда озодликни миллат ҳамда ўз “мен”ининг кадрляти, ор-номуси деб билишда фидойилик кўрсатиш;

- давлат ва жамият қурилишида ва бозор иқтисодига асосланган демократик йўлнинг моҳият-мазмунини теран англай олиш ҳамда шу мақсадга бутун илмий-ижодий салоҳиятини сафарбар қилиш;

- ўз тақдирини ватан тақдири билан боғлай олиш, бунда салоҳият ва меҳнати билан жамият ривожига ҳисса қўшишга интилиш;

- миллат ва инсон муаммоси ва у билан боғлиқ бўлган вазибаларнинг фалсафий-сиёсий ечимини англаб этиш;



- жамиятнинг барча ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этиш, унинг барҳарорлигини таъминлашга хизмат қилиш;
- ижтимоий тараққиёт, инсоннинг камол топишига тўсик бўлаётган ижтимоий иллатларга ҳарши маърифий кураш олиб бориш;
- қонунчилик асосларида жамиятда адолат ва ҳақиқат тамойилларини ҳимоя қилиш;
- жамият манфаатлари йўлида ватанпарварлик ва фидойилик наъмуналарини кўрсатиш;
- ўз касбий маҳоратини ҳамда маданий салоҳиятини жаҳон талаблари асосида мунтазам ошириб бориш;
- мамлакат ва жаҳон сиёсий, иқтисодий, технологик, информацион ўзгаришларидан баҳобар бўлишга интилиш;
- эзгулик ва яхшиликка, тўғри сўз ва ҳақиқатга хайрихоҳлик кўрсатиш, илмли, маърифатли, фидойи шахсларни қўллаб-қувватлашдир.

### **3.2. Глобаллашув жараёни ва сиёсий ахлоқ муаммолари**

Ҳар қандай давлатчиликнинг шаклланиши, халқлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар мураккаб ижтимоий эврилишлар асосида ташкил топадиган сиёсий жараёндр. Унинг мураккаблиги ижтимоий мақсадларни ҳарор топтиришда манфаатларнинг турли-туманлиги билан белгиланади. Манфаатлар ечими эса аксарият ҳолларда ўзаро ихтилофлар, курашлар билан ўз бағрида турли таҳликали таҳдидларни сақлаб келганлиги билан характерланади. Бу борада давлатчилик тарихига умуминсоният кечмишининг узвий бир қисми сифатида назар соладиган бўлсак, урушлар тарихи билан боғланганлигини, айни пайтда давлатчиликнинг юзлаб шакллари кашф қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Гарчи урушлар офат, кулфат ва талофат манбаи бўлишига ҳарамасдан, у инсониятнинг яшаш шартига айланганлигини кузатамиз.

Шу ўринда савол туғилади, инсоният улкан маданий меросга эга бўлиши баробарида ўз муносабатларини тажовузкорлик асосида қуриши ва уни устувор билиб, тараққиёт манбаига айлантириши, қолаверса унга ўзининг ақлий салоҳиятини сафарбар қилишининг сабаблари нимада? Нега ушбу воситаларнинг ахлоқсиз эканлигини ёхуд ёвузлик фақат иккинчи бир ёвузликни келтириб чиқариши ва бунда ғолиблар бўлмаслигини англагани баробарида ундан макбул восита сифатида фойдаланиб келинади? Урушларни келтириб чиқараётган сабабларнинг асл моҳияти нимада?!

Афсуски, инсоният ўз тарихида моҳиятан ўхшаш бўлган тарихий таҳдидларнинг янги кўринишларини тақрорлаб келади.

Демак, таҳдид инсондан ташҳари ҳодиса эмас, аксинча, унинг табиатида яширинган сўнгра, амалий фаолиятга кўчиб ўтадиган ҳол экан. Шу тариқа урушлар ўз моҳиятига кўра инсонлар томонидан адолатли ва адолатсиз урушларга бўлиниб келинган. Ҳар бир халқда ўз ҳақиқати билан йўғрилган адолатини уқтириш майли устувор бўлганлигини кўрамаиз. Шу сабабдан урушларнинг моддий манфаатдорлик асоси мафкуравий ваҳлар билан беркитиб келинган. Сиёсатшунос олим К.С.Гаджиев бу борада шундай дейди: «Урушлар билан боғлиқ бўлган халқларнинг бутун бир тарихи аслида инсоннинг ўйин-кулгу ва кўшиққа майли бўлгани каби, унинг табиатида намоён бўлади»<sup>1</sup>. Шу тариқа, инсон ўз майлларини қондириш йўлида воситаларни ихтиро қилади. Қудратли воситаларга эга бўлиш унга куч, завқ бағишлайди, ҳукмронлик қилиш имкониятини яратади. Айни пайтда, у шу воситалар билан табиатни ҳам ўз манфаатларига буйсундиришни, мослаштиришни, керак бўлса, уни қайтадан ўзлаштиришни истади. Аслида, табиатга нисбатан бундай хуруж инсоннинг ўзига ҳаратилган таҳдидларнинг кучайишига олиб келишини тан олгиси келмайди. Инсон ўзи англолмаган ҳолатда борлиққа даъво қилади. Инсонни камолотга элтувчи ақл ва тафаккур нишонасининг хиралашуви оқибатида ўзлигини, табиат билан боғлиқлигини ва унинг учун олий ҳукмдор мавжуд эканлигини унутишга олиб келади. Пировард натижада, табиат устидан инсон эмас, балки у яратган технология ғолиб келади. Инсоннинг ўзи табиатдан - мавжудлик олаmidан бегоналашди. Технология инсондан кўра ҳукмдорроқ ва ёвузроқ бўлиб, инсонни ўзига тобе қилади. Шу тариқа инсониятнинг бундан кейинги ҳаёти, нафақат таҳликали, балки фожиали бўлиб ҳам қолмоқда<sup>2</sup>. Албатта масалага қўйилган бундай нисбат кишини ваҳимага солади, аммо инсоният яратган қуроллар башарият истиқболига таҳлика солиб тургани аниқ.

Э. Фромм ўзининг «Инсоннинг ҳозирги ҳолати» номли мақоласида инсоният яратган фожиалар кўламини ёки улар билан боғлиқ бўлган ижтимоий иллатларни турларга ажратади<sup>3</sup>. Яъни, инсоннинг эксплуатация қилишга бўлган истаги, мол-дунё тўплашга иштиёки каби руҳий ҳолатларини очиб беради. Айни ана шу руҳий ҳолатлар моҳиятида инсоннинг ахлоқсиз фаолияти яширинганлигини эътироф этади. Хулоса қилиш мумкинки, инсоният ўз тарихида эксплуатациянинг кўплаб кўринишларини бартараф этиш жараёнида, унинг бошқача, нисбатан тараққий этган турларини кашф этиб келган.

---

<sup>1</sup> Гаджиев. К.С. Ведения в геополитику. -М.: Логос. 2000. Стр-372

<sup>2</sup> Той Ибн А.Дж. Цивилизация перед судом истории. -М.: Прогресс, 1996. Стр-396.

<sup>3</sup> Фромм.Э. Инсоннинг қозирги қолати //Жақон адабиёти. 2000. Стр-113-115.

Давомли истеъмолчига айланиб қолган инсон, фақат моддийлик даражасининг мавжудлик қиймати билан ижтимоий муносабатларини куради ва шу тариқа «тенглик» фалсафасини тенгсиз ҳолатда такомиллаштиради. Бу саволга Фрейднинг «Биз бундан буён ҳам инсоннинг табиий истак-майллари олдида ақл-идрокимиз ожиз эканлигини тан оламиз ва бундай дейишга ҳақлидирмиз. Аммо, ақл-идрок ожизлигига ҳарамай, одамни ҳайвонийликдан инсонийликка чақиришдан толмайди. Ақл-идрок доимий мағлубиятларга ҳарамай, бир замон келиб, устун келишини ҳали жуда узоқ замонлар кутишга тўғри келади, аммо бундай замон чексиз узоқ ҳам эмас»<sup>1</sup>, деган фикри билан ойдинлик киритиш мумкин. Аммо Фрейд сўнгги жумлани инсоният қисматига ачиниш нуқтаи назаридан қўшиб қўйган бўлса ажаб эмас.

Шу тариқа бугунги кунда инсониятни кескин ўзгаришлар кутмоқда. У жуда теран ижтимоий тўнтаришлар арафасида, бутун даврни тубдан ижодий қайта қуриш бўсағасида турибди. Кишини ларзага солувчи бу цивилизацияни биз ҳали тузукроқ тасаввур ҳам қилиб улгурганимиз йўқ, лекин шундай бўлса-да, бошиданок унинг қурилишида иштирок этмоқдамиз<sup>2</sup>.

Дунё харитасида тизимлар ва мафкураларнинг ўзгариши, афеуски, биз ўйлаганчалик инсоният ривожини унинг тафаккури билан боғлиқ таҳликалардан бутунлай озод қила олмади. Аксинча, муаммоларнинг янги, шиддатлироқ, глобал зиддиятларини келтириб чихарди. Шу ўринда Ислом Каримов - «Ҳақиқатан ҳам, инсониятнинг эртанги куни қандай бўлар экан? У янги даврга қай ҳолда кириб боради? У ўтмишнинг оғир меросини бартараф эта оладими? Ўзаро ҳадиксираш, ишончсизлик, ҳукм ўтказиш ҳоллари йўқ бўлиб кетганда у давлатлараро муносабатларда рўй-ростлик ва самимийликнинг шундай даражасига эришадими? Миллатлараро ҳамжамиятнинг келажаги мана шу саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ»<sup>1</sup>, деб билдирган фикрлари мавзумизнинг моҳиятини очиб беради.

Бинобарин, сиёсий мақсадларнинг ахлоқий қадриятларга мос келиши муҳим ижтимоий вазифалар қаторида адолат, тенглик, инсон ҳуқуқи, эзгулик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват каби умуминсоний фазилатларнинг халқаро тизим фаолиятидаги ифодаси глобал ахлоқнинг моҳиятини бегилайди. Бундай масала, бугунги кунда қабул қилинган халқаро ҳуқуқий тартиботларда, ҳамкорликда қабул қилинган халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Аммо

---

<sup>1</sup> Цвэг С. Зигмунт Фрейд. Руқий тақлил санъати // Жақон адабиёти. 2000. № 3. Стр-134.

<sup>2</sup> Қаранг. Элвин Тоффлер. Учинчи тўлқин // Жақон адабиёти. 2001. № 1. Б-180.

<sup>1</sup> Каримов И. А БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза.

Асарлар, 2 жилд, -Т.: Ўзбекистон 1996. Б. 57.

амалда сиёсатга ахлоқдан айри ҳолда ёндашув устуворлик қилиб, барча муносабатлар манфаатларга асосланиб келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бугунги кунда халқаро сиёсий муносабатлар ҳамда уларнинг самарадорлиги давлатларнинг икки томонлама манфаатлари нуктаи назаридан эмас, балки ҳарбий қудрати ҳисобидан ёндашувнинг сақланиб қолганлигига эътиборни ҳаратмок зарур.

Аслида инсоният ҳар қандай тажовузга, қирғин барот урушларга нафрат билан ҳарайди. Аммо уларнинг келиб чиқиш сабабларини миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ғайриахлоқийлигидан эмас, манфаатлар номутаносиблигидан ахтаради. Манфаатлар эса, доимо ўзгарувчан сифат касб этишини унутиб қўяди. Уларни фақат умуминсоний кадриятлар негизда уйғунлаштириш мумкин. Халқаро муносабатлардаги ана шундай зиддиятлар доимо кўплаб олимларнинг эътиборини тортиб келган. Хусусан, кўплаб мулоҳазалар асосида ташқи сиёсатнинг хусусиятларини айрим олимлар ахлоқдан ташҳари ҳодиса сифатида деб, унинг назарий тамойилларини реал воқеликдан келиб чиқиб ривожлантиришга уринадилар. Реал воқелик эса, афсуски, куч кимда бўлса, сиёсатда устуворликка асосланишини кўрсатади. Муаммо шундаки, инсоният ханузгача ўз муносабатларини маърифий халқаро тизим асосига кура олмади. Шунга мувофиқ, халқаро сиёсий муносабатларнинг натижалари, кўп ҳолларда, давлатларнинг икки томонлама тенглик нуктаи назаридан эмас, балки ҳарбий технологик қудратига ҳараб ҳал этиб келинмокда. Умуминсоний кадриятлар шиори эса, мавжуд ахлоқсиз ҳолатларни никоблашга хизмат қилмокда.

Шундай экан, инсоният таҳдид ва можароларнинг кенгайишини қандай воситалар билан тўхтата олади?! Умуман, инсоният урушларсиз яшай оладими?! Моддий дунёнинг неъматларини тўғри тақсим қилишнинг маърифий йўллари борми?!

Бизнинг назаримизда, бугунги дунёнинг глобал муаммоси умуминсоний кадриятларни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий ахлоқнинг муҳимлигини англаб етишдаги қийинчиликда намоён бўлмокда. Дунёнинг яхлитлиги ва унинг истиқболини фақат юксак ахлоқий муносабатлар қафолатлаши мумкин. Инсон ёвузликка онгли ҳаракати натижасида келади, нафсга мутелик уни жаҳолат гирдобига тортади. Натижада инсонда келажак учун масъулият ҳисси йўқолади. Масалан, Афғонистонда Толибонлар томонидан Будда ҳайкалларининг вайрон этилиши, аслида, шу халқнинг минг йиллик улкан тарихига болта уриш билан тенг бўлса-да, лекин улар ўз мухолифларига шу тарика зарба бера олганларидан ўзлари анча энгил тортдилар. Ёки ярим асрдан буён давом этиб келаётган Яқин Шарқдаги маънисиз уруш ва бунда кўплаб томонлар манфаатларининг пинҳона ифодаси мавжудлиги кимга сир?! Дунёда

сиёсий кучлар мувозанати ўзгарган бўлсада, уни бўлиб олишга бўлган иштиёқ ўзгарган эмас.

Ахлоқнинг зидди - ғайриахлоқийлик кўпинча турли зиддиятлар кўринишида намоён бўлади. Таассуфлар бўлсинки, давлатлар, миллатлар ўртасида, сунъий равишда, зиддиятлар келтириб чиқариш билан махсус шуғулланадиган гуруҳлар ҳам мавжуд. Сўнгги йилларда сиёсатшунослар томонидан халқаро миқёсдаги мавжуд можаролар ва зиддиятлар моҳиятини аниқлаш борасида муайян илмий кузатишлар олиб борилмоқда. Улардан катта қизиқиш уйғотгани Америка сиёсатшуноси С. Хантингтоннинг «Маданиятлар тўқнашуви»<sup>1</sup> номли асаридир. Асарда эндиги зиддиятларнинг давлатлар эмас, маданиятлар ўртасидаги кураш билан боғланиши ҳақида фикр юритилади. Муаллиф ўз қарашларида зиддиятларнинг ривожини, уларнинг ўзаро зиддиятли, ҳарама-ҳарши хусусиятларининг моҳиятини методологик жиҳатдан асослашга уринади. Масалан, у шундай дейди: «Менинг тахминим шундаки, янги даврнинг зиддиятлар омили мафқуравий, иқтисодий асосларда эмас, балки маданий фарқларда намоён бўлади. Халқаро майдонда энг кучли фаолият кўрсатувчилар сифатида миллий давлатлар устуворлиги таъминланади. Шу тариқа асосий тўқнашувлар цивилизацияларга тегишли бўлган миллатлар ёки гуруҳлар ўртасида содир бўлади. Келажак конфликтлар ўчоғи сифатида цивилизациялар ўртасидаги тўқнашувлар бўлиб қолади.

Цивилизациялар ўртасидаги тўқнашувлар бугунги дунёнинг можаролари эволюциясининг энг сўнгги нуктаси сифатида намоён бўлади»<sup>2</sup>.

Хантингтон гипотезаси ўз-ўзича амалга ошиши мумкинлиги тахмини билан дунёни ваҳимага солади. У нафақат можароларнинг рағбатига сабабчи бўлмоқда, аслида халқаро муносабатларда кучлар мувозанатини бузишга, халқаро бирлашмалар ўртасида антагонизмни кучайтиришга ва оқибатда Ғарб ва Ғарб бўлмаган давлатлар ўртасида хавфли можароларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Агар миллатлар қурол-аслаҳа тўплашга ҳаракат қиладиган бўлсалар, дунё ҳеч қачон таҳдидлардан хавфсиз бўла олмайди. Хантингтон шу тариқа АҚШга ечими йўқ глобал сиёсат ғоясини ўртага ташлайди<sup>1</sup>.

У исломга Ғарб учун катта таҳдид солувчи йирик маданият сифатида ҳарайди. Унинг мавжуд халқаро таҳдидлар борасида

---

<sup>1</sup> Хантингтон Сэмюэл. Столкновение цивилизации? // Экономическое обозрение. 1998. № 1. Б-67.

<sup>2</sup> Хантингтон Сэмюэл. Столкновение цивилизации? // Экономическое обозрение. 1998. № 1. Б. 67.

<sup>1</sup> Абдурахмон Вахид. Грядущая битва. // Экономическое обозрение. 1998. № 1. Б. 67.

билдирган тахлилий фикрлари билан бутунлай қўшилиб бўлмайди, албатта. Фақат маданиятлар уйғунлиги инсониятни тахдидлардан холос этади, деган ғоя асосчиси Тойнбидан фарқли ўларок, тахдидларни уларга ҳарши туриш йўли билан бартараф этиш таклифини билдиради<sup>2</sup>. Бундай муносабат маданиятлар ўртасидаги мавжуд зиддиятларни чуқурлаштириши мумкин эканлигини эътиборга олмайди. Айни пайтда, олимнинг маданиятлар ўртасидаги тўқнашувлар ривожини тарихий ва тадрижий жиҳатдан пайдо бўлаётган тахдидлар деб қараш ида далиллардан кўра эхтирослар устуворлик қилганга ўхшайди. Масалан, тарихда 1480 ва 1941 йилларда содир этилган 278 та урушларнинг 78% фуқаролар уруши, қолганлари давлатлараро олиб борилган урушлар деб ҳисобланади, 1945-1985 йиллар мобайнида жаҳонда 160 та ҳарбий моjarолар содир этилган. Шундан 154 таси учинчи давлатлар томондан амалга оширилган<sup>1</sup>. Шунинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, маданиятлар ўртасидаги тўқнашувларга нисбатан ички моjarолар 1,5 баробар кўпроқ содир этилган.<sup>2</sup>

Зиддиятларнинг негизига чуқурроқ ҳарайдиган бўлсак, бугунги кунда муаммоларнинг инсон омили билан боғлиқ бўлган икки хил носоғлом йўналишини кузатиш мумкин. Жумладан, биринчи ҳолат, халқаро миқёсдаги гегемонлик қилиш кайфияти билан боғлиқ бўлиб, у айрим миллатларда бошқалардан устуворлик қила олиши туйғусини шакллантириб келади. Натижада, шундай имкониятга эга миллатда милитаристик рух кучаяди. Милитаризм мафкурага, сўнгра сиёсатга айланади. Германия, Япония, Россия халқлари тарихидан маълумки, милитаризм нафақат бошқа халқлар учун, балки шу ғояни мафкурага айлантирган халқлар учун ҳам ҳалокатли.

Масалан, Америкалик етакчи сиёсатшунос олим З. Бжезинский шундай ёзади: «Рақибнинг (СССР) кулаши натижасида Кўшма Штатлар кулай имкониятни қўлга киритди. У халқаро миқёсда ҳақиқатда биринчи ва ягона буюк қудратли давлатга айланди. Бугунги Америка ҳукмронлиги қайсидир маънода гарчи ҳудудий доираси кичик бўлса ҳам, аввалги империяларни эслатади»<sup>3</sup>. Шу тарика муаллиф асарининг бошидан охиригача Америка томонидан эришилган ютуқлар унинг гегемон мавқеини мустаҳкамлашга ҳаратилиши лозимлигини баён қилади. Бундай сиёсатнинг барча асослари мавжуд эканлигини мамнуният билан

---

<sup>2</sup> Тойнби. А. Цивилизация перед судом истории. -М; «Прогресс», 1996. Б. 398

<sup>1</sup> Урушлар тарихи // Хуррият. 2001 йил, 3-16 январ сони.

<sup>2</sup> Гаджиев. К.С. Ведения в геополитику. -М.:, изд. Логос. 2000. Стр-396.

<sup>3</sup> Бжезинский. З Великая шахматная доска. -М.: Международные отношения. 2000. Стр-20.

эътироф этади. Таъкидлаш жоизки, олимнинг сиёсий реализм негизида ахлокий муносабатлардан узоқлашуви фуқароларда носоғлом руҳиятнинг кучайишига, оқибатда ҳарама-ҳарши кучлар зиддиятини ҳам кескинлаштиришга олиб келади ва аслида шундай бўлиб ҳам келмоқда.

Бундай муносабатга жавобан иккинчи носоғлом йўналиш бу диний экстремизм ва фундаментализм ҳисобланади. Ғарб милитаристлари демократияни важ қилса, Шарқ ақидапарастлари исломни байроқ қилади. Аслида тажовузнинг моҳияти бир хил. Натижада дунё ёшларида соф эътиқод, руҳий комиллик ўрнида шовинизм, ирқчилик, диний тажовуз, зуғум кайфияти сақланиб келмоқда. Жумладан, 2002 йил 22 февралда Покистонда ўтказилган Халқаро илмий конференцияда Парвез Мушарраф ақидапарастликни мурасасиз танқид остига олди. Жумладан, у шундай деди: «Мусулмонлар дунё аҳолисининг ярмини ташкил этади, шунга ҳарамасдан, энг камбағал, энг маълумотсиз, қоқоқ, касал ва заиф тоифа ҳисобланади. Биз ғафлат сиртмоғида қолиб, ёвузлик ва ўзаро низолар гирдобига ботдик. Дунё эса бизни террористлар деб ҳисоблайди. Бугунда давлатларимизнинг ялпи ички маҳсулоти 1,2 триллион долларни ташкил қилса, биргина Германиянинг ялпи ички маҳсулоти 2,5 триллион, Япониянинг ялпи ички маҳсулоти эса 5,5 триллион долларга тенг. Биргина Англияда йилига 3 минг номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинса, бутун мусулмон давлатларида эса 500 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинар экан. Шундан кўриниб турибдики, биз илм-фанга, маданият ва маърифат масалаларига етарлича эътибор бермай келаяпмиз»<sup>1</sup>. Шу тариқа Покистон Исломи республикаси раҳбари бугунги мусулмон давлатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳолатини изоҳлаш баробарида инсоният ривожига тўғаноқ бўлиб келаётган диний маҳдудлик, биқиклик иллатларини танқид қилади. Камчиликларни руйи-рост айтиб, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашга чақиради.

Бугунги халқаро манфаатлар билан боғлиқ можароларнинг яна бир сабаби давом этиб келаётган қуролланиш пойгасидир. Ядровий ва бошқа оммавий қирғинбарот қуроллари ишлаб чиқариш бир неча йилдан бери халқаро ҳамжамият томонидан қораланганига ҳарамай уларнинг ўсиш суръати давом этиб келмоқда. Бир томондан, гўёки қуролланишга барча ҳарши чиқаётгандек, аммо, иккинчи тарафдан, имкониятлари бор давлатлар қуролланишни бир дақиқа ҳам тўхтаганларича йўқ. Қолаверса, оммавий қирғинбарот қуролларига эга давлатлар сони, аксинча ортиб бормоқда. Айнан ривожланган мамлакатлар томонидан ҳарбий самолётлар, болистик ракеталар ва бошқа қуроллари бозори авжга чиқмоқда. АҚШ технологик бюроси хулосасига кўра ривожланган давлатлардан 6

---

<sup>1</sup> Висенис М. Джиход на научном фронте. Вести РУ, 26.02.2002

таси 43 турдаги замонавий қуролларни ишлаб чиқаришнинг халқаро лицензиясига эгадирлар<sup>1</sup>. Бу давлатлар ўзаро қурол-яроғ савдоларини дунёнинг хоҳлаган бурчагида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қолган давлатларнинг фаолияти эса ғайриқонуний ҳисобланади. Табиийки, бундай муносабатнинг номутаносиблиги бошқа бир зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабини ўз бағрида сақлаб келади.

Инсоният учун умумглобал муаммоларга айланган қурол-яроғ пойгаси, ядровий таҳдидларнинг, экологик вазиятнинг зўрайишига, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, турли касалликларнинг кучайишига, натижада жаҳон иқтисодий тизимининг издан чиқишига олиб келади. Бинобарин, дунёда тинчликни сақлаш, уруш ва можароларни бартараф этиш, химиявий, бактериологик, ядровий қуролланишни тўхтатиш бугунги куннинг энг устувор, энг долзарб вазифаларидир. Муаммоларнинг глобал моҳияти бугунги кунда тоборо авж олаётган кашшоқлик, очлик, эпидемия, атроф муҳитнинг ифлосланиши, иссиқлик энергияси ҳамда табиий ресурсларнинг танқислигида намоён бўлмоқда. Муаммоларнинг яна бир йирик қўлами меҳнат бозорларининг тақчиллашаётганлиги билан ҳам белгиланмоқда. Оммавий ишсизлик ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни бирдек ташвишга солмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни ташқи тажовузлардан асраш амалда оғирлашиб бормоқда.

Санаб ўтилган муаммолар қўлами ўз табиатига кўра, инсон фаолиятининг турли жабҳаларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам бу муаммоларни бартараф этишнинг комплекс ёндашувларини ўрганиш, шунга мувофиқ, таркиб топган мавжуд сиёсий ва иқтисодий халқаро тизимни такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда. Бугунги кунда халқаро жамоатчилик фаолиятини консенсусга олиб келиш йўллари ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун давлатлар ўртасида эркин савдони ривожлантириш, иқтисодий муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш талаб этилади. Глобал тараққиётнинг иқтисодий муаммоларини ечиш, аввало, дунёда тинчликни сақлашга боғлиқ. Аммо аксарият ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий даромади ҳарбий саноат комплекслари фаолиятига асосланган. Қуролсизланиш улар иқтисодий даромадларининг муайян даражада пасайишига ҳамда айрим давлатлар геополитик мавқеининг тушишига сабаб бўлади. Аслида қуролланиш ва уни саноат асосида такомиллаштириш ишсизликнинг кўпайишига олиб келади. Америкадаги олимларнинг илмий маълумотларига кўра, ҳарбий саноатда бир ишчи ўрнини ташкил этиш учун фуқаровий саноатга нисбатан тўрт карра кўпроқ ҳаражат талаб этилар экан. Ҳарбий эҳтиёжларга сарфланган 10 млрд долларга ишлаб чиқариш корхоналарида 40 минг киши учун ишчи ўрнини ташкил этиш мумкин. Дунё бўйича бир йилда сарфланган ҳарбий

---

<sup>1</sup> Гаджиев. К. Ведение в геополитику. -М.: Лотос. 2000. Б. 388.



харажатларга 150 млн. га. чўл ерни ўзлаштириш ва бунда 1 млрд аҳолини боқиш имконияти ҳамда шу маблагга 500 млн аҳолига 100 млн квартира, 650 млн бола учун мўлжалланган 1 млн. мактаб биносини куриш мумкин экан<sup>1</sup>.

Мавжуд муаммолар жаҳонда қашшоқлар сонининг ўсиб боришига ҳам олиб келмоқда. Муайян имкониятларга эга бўлмаган аҳоли қатлами, айниқса, болалар ва аёллар ночор ҳолда қолиб келмоқда. Маълумотларга кўра бугун Ҳиндистонда 160 миллион аҳоли қашшоқликда яшайди. Сўнгги 20 йил ичида жаҳон иқтисодиёти юқори суръатларда ўсишига ҳарамасдан, қашшоқликда яшаётган одамларнинг сони 1,2 миллиардга етди. Ҳар бештадан битта одам қашшоқликда яшайди. Шулардан 600 миллиони болалар ҳисобланади. Охирги 15 йил ичида Африка мамлакатларида 1 миллион аҳоли СПИД касаллигидан нобуд бўлди. Бир ойда 250 минг болалар ва ёшлар СПИД касаллигига чалинмоқда<sup>1</sup>. Ва бундай таҳдид кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Глобал сиёсатнинг носоглом ривожланиш тенденцияси ёки глобал бозор шароитида кимнинг кўлида капитал ва технология бўлса, унинг бойликлари янада кўпайишга хизмат қилмоқда. Чунончи, жаҳонда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 80 фоизи 20% мамлакатлар ҳисобига тўғри келади. Ер юзининг 80% бойлигига 17% аҳоли эгаллик қилади, 83% аҳоли эса фақат 20% неъматга эга<sup>2</sup>. Масалан, дунёда ЯИМ бўйича бешинчи ўринда турадиган Англияда 2000 йили аҳолисининг жон бошига олган даромади 24,3 минг долларни ташкил этди. Барча, собиқ иттифоқ республикаларида 7 минг долларни, жаҳон давлатлари бўйича эса 3,8 минг долларни ташкил этди<sup>3</sup>. Бугун дунёда шу нарса аниқки, ер юзида яшайдиган аҳолининг 60 фоизи Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида яшаётган ҳар бир одамнинг ҳаёт кечириши учун кунига 2 доллар ва ундан ҳам камроқ маблаг тўғри келаётгани ташвишлантирадиган ҳолат. Бугунги кунда 1,3 миллиардга яқин одам жуда ночор ахволда ҳаёт кечирмоқда. 1 миллиардга яқин аҳоли саводсиз, 1 миллиарддан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтож ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Ҳар куни 840 миллионгача одам оч қолмоқда ёки улар ишончли озиқ - овқат манбаига эга эмаслар<sup>4</sup>. Албатта бундай нотенглик дунёда оммавий ишсизликни, миграцияни, турли касалликларнинг тарқалишига, экологик муаммоларнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Экономическая теория. -М.: Пром-Медео. 1995, Б. 590.

<sup>1</sup> Положение детей в мире. Доклад ООН. 2000. Стр-13.

<sup>2</sup> Гофуров А.А Политология: Анализ и оптимизация общественного развития. -Т.: Фан. 2000, Б. бет.

<sup>3</sup> Қаранг. Челябинский А. Терроризм и современные международные отношения. // Меж.права и Меж. Отно.2001, №4 Б-19.

<sup>4</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. Тошкент 2001, Б-146.

чуқурлашувига олиб келмоқда. Иккинчи томондан эса гиёҳвандлик вабоси тобора авж олиб келмоқда.

Ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси, ҳисоб-китобларга кўра йилига 400 миллиард доллар миқдорига умумий даромад келтиради. Бу бутун дунё савдосининг 8 фоизини ташкил этиб, жаҳон металлургия ёки автомобил саноати айланма оборотидан кўра кўпроқдир. Бутун дунёда 200 миллиондан кўпроқ киши гиёҳванд моддалар қабул қилади ва унинг билан курашга саноати ривожланган мамлакатларнинг ўзида йилига 120 миллиард доллар сарфланмоқда. Мазкур кураш доирасига гиёҳвандликка ҳарши қонунларни қўллаш, уларни таъқиб этиш, ҳамоқхоналарда сақлаш ва гиёҳвандликнинг олдини олиш дастури ҳамда гиёҳвандликни бартараф этиш кабилар қиради<sup>1</sup>.

Глобал технологик, ташкилий, маъмурий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги фаолиятларнинг ўзаро жадал суръатларда уйғунлашуви бутун жараёнларни қамраб олган. Айнан технологик имкониятлар муайян тоифаларнинг қудратини ва шунга асосланган ҳукмдорлик қилиш майлини ошириб келмоқда. Иккинчи томондан, мавжуд халқаро зиддиятларни бартараф этишга ҳаратилган саъй-ҳаракатлар бошқа глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, янги аср бўсағасидаги вазият сиёсий, иқтисодий, ҳарбий соҳаларда табиий офатларни, қашшоқликни, дунё можароларини бартараф этишда ҳамкорлик қилишнинг кенг кўламли хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Ижтимоий жараёнлар моҳияти ва уларни мақсадли йўналтириш имкониятлари даражасини аниқлаш ва бунда яратилган халқаро тажрибаларни жорий этиш, ривожлантириш таклифларини кенгайтиришга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Мавжуд муаммолардан кўриниб турибдики, бугунги кунда халқаро миқёсдаги таҳдиднинг турли хусусиятларини, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш, унга ҳарши иммунитетни шакллантириш воситаларини, омилларини ва уларнинг халқаро изчил тизимини яратишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Сиёсий жараёнлар нуқтаи назаридан нафақат айрим давлатлар, балки бутун дунё яхлитлигига боғлиқ муаммолар мисолида таҳдидларнинг таҳлилий хулосаларини ўрганиш зарур. Бу борада рус олими Л.М.Мечников сиёсатнинг асосий принципи ва ижтимоий тараққиётни белгиловчи омил халқаро муносабатларнинг инсонпарварлигида деб ҳарайди. Можароларни камайтиришга ҳаратилган ижтимоий йўналтирилган сиёсатни ишлаб чиқиш, мавжуд цивилизациялар ривожига ўзаро боғлиқ, самарали диалектик тизимни шакллантиришга хизмат қилади. Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик декларацияси 187 мамлакат томонидан БМТ Низоми ва бошқа қонуний - ҳуқуқий актлар асосида имзоланган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: БМТ Асосий тамойиллар. -Т.: 2000.

Шунга мувофиқ, бир давлат ҳудуди бошқаси учун манфаат объекти бўла олмайди. Бунда ҳар қандай таҳдид ёки куч ишлатишга асосланган ҳудудий мунозара қонуний ҳисобланмайди. Халқаро мунозаралар давлатларнинг тинч, ўзаро ҳамкорлик, суверенитети асосида ҳал этилиши кўзда тутилади.<sup>1</sup> Аммо, афсуски, можароли ҳодисаларни тинч йўл билан ҳал этишга чақирилган БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар мавжуд низомий коидаларни амалга оширишда сусткашлик қилиб келмоқда. Кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ёнғин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганида, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Модомики, жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олмоқчи экан, бефарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар нуктаи назарига ўта бориши керак<sup>2</sup>. Афғонистоннинг собиқ президенти Б. Раббонийнинг бу борадаги хулосаси айрим ғайриахлоқий муносабатлар моҳиятини очиб беради. Жумладан, у шундай дейди: «1996 йил «Толибон» Қобулини ишғол қилганида халқаро ҳамжамиятнинг сукунати мени ҳайрон қолдирди. Айни пайтда, ҳудудда воқеаларнинг чигаллашуви билан БМТ тизими негадир ишламай қолди. Ташкилотнинг аралашуви талаб этилганда унинг вакиллари ғойиб бўлдилар. Худди шундай ҳол Жалолобод, сўнгра Ҳирот шаҳарлари ишғол этилганида ҳам тақрорланди. Ўйлайманки, кўпгина фожиалар бевосита БМТнинг айби билан юз берди»<sup>3</sup>. БМТ фаолияти билан боғлиқ бундай фикрларни қитъанинг бошқа жойларида содир этилган урушлар мазмунида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашув муносабатларига қираётган давлат - субъект олдига қўйиладиган талабга алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Гап шундаки, бундай ҳамкорликда, қадимда бўлганидек, мамлакатларнинг ҳудудий салмоғи, ҳарбий ва иқтисодий қудрати эмас, биринчи навбатда, интеллектуал салоҳияти бош омил сифатида эътиборга олинади. Тўғри, интеллектуал салоҳият ҳамма халқлар ва ҳамма давлатларда тенг эмас, албатта. Назаримизда, айни шу интеллектуал ожизлик сезилган жойда ёвузлик уруғини сепади. Ақл - идрок ўрнини жаҳолат эгаллайди. Жаҳолат халқаро микёсларга кўтарилганда халқаро терроризм туғилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мечников Л.И. Цивилизация и великие исторические реки. –М.: 1995 г. Стр.328-329. Цит. По книге. Бабурин С.Н. Территория государства правовой и геопол проблемы.-М.:1997. Стр-319.

<sup>2</sup> Каримов.И.А. БМТ Бош Ассамлеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи 2-жилд: 1996. Стр-54.

<sup>3</sup> Раббони Б. Главное-вечность иностранцев из Кабула интервью С.А. Чукововым. Комсомольская правда 1996. 31 октябрь.

<sup>1</sup> Дўстмуқаммад Х. Глобаллашув: дунёни эзгулик бошқарсин // Халқ сўзи, 2001, 13 октябрь.

Айнан шу туфайли ҳам бугунги кунда БМТнинг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати туғилмоқда. Хавфсизликни таъминлаш бўйича мукамал механизмларнинг етишмаётганлиги, шу тариқа давлатлар ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал қилишдаги тарқоқлик тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида қатор ташкилий таклифларни билдирди. Жумладан, хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилади. Маълумки, БМТ фаолиятининг асосини Хавфсизлик Кенгаши ташкил этади ва унга бугунги кунда 5 та давлат доимий аъзо ҳисобланади. Ҳозирги пайтда 192 та давлат БМТга аъзо бўлса-ю, уларнинг ҳаёт-мамотини 5 та давлат ҳал қилиши адолатдан эмаслиги таъкидланди. Иккинчидан, БМТ Бош қотиби ваколатларини кенгайтириш лозимлиги кўрсатилди. Учунчидан, БМТ бутун дунёда рўй бераётган воқеаларни, бутун жаҳондаги мавжуд вазиятни ўз назоратида ушлаб туриши лозим. Минтақалардаги халқаро ва ўзига беш-ўн та давлатларни жамлаган ҳудудий ташкилотлар БМТнинг бевосита раҳбарлигида ва кўмагида иш олиб борсагина, уларнинг фаолиятида изчиллик ва тартиб бўлади. Акс ҳолда бир минтақада ўзини халқаро ташкилот деб фарз қилган ҳар бир уюшма ўзича ишлайверса, бу БМТнинг фаолиятига, асосий сиёсатига мос келмаса, бундай ҳол истикболга, умумий тараққиётга катта салбий таъсир кўрсатади<sup>1</sup>.

Масалан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида қуйидаги ҳуқуқий меъёрлар белгиланган:

- барча аъзо давлатлар ўз мажбуриятларини Низом бўйича виждонан бажаришлари лозим;
- улар ўзларининг халқаро мунозараларини тинч йўл билан, халқаро тинчликка ва хавфсизликка, адолатга таҳдид солмасдан ҳал қилишлари керак;
- улар куч билан қўрқитишдан ўзларини тийиб, бошқа ҳар қандай давлатларга нисбатан ҳам куч ишлатилишига ҳарши турмоқлари лозим;
- улар Низомда қабул қилинишига мувофиқ тарзда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, унинг барча ҳаракатларида ҳар томонлама ёрдам беришлари, шу билан бирга, БМТ ҳарши бўлган ва оғоҳлантирувчи характердаги ҳаракат бошланган ҳар қандай давлатга нисбатан ёрдам кўрсатишни тўхтатишлари лозим<sup>2</sup>.

Низом Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳеч бирон-бир давлатнинг ўзигагина тегишли бўлган ички ишларига аралашиб ҳуқуқини бермайди. Низомга мувофиқ Бош Ассамблея халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда ҳамкорлик тамойилларини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. Асарлари, 4-жилд. Т.: Ўзбекистон. 1996, Б. 57-58.

<sup>2</sup> Қаранг: БМТ. Асосий тамойиллар. -Т.: 2000.

назарда тутган ҳолда қуролсизланишни белгилайди ва қуролланишни бошқариб боради, шу жумладан, ушбу тамоийлларга муносабат борасидаги таклифларни ишлаб чиқади. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга доир ҳар қандай масалаларни муҳокама қилади ва бу масалалар юзасидан тавсияларни тайёрлайди, булардан Хавфсизлик кенгаши кўриб чиқиши лозим бўлган мунозара ёки вазиятлар мустаснодир. Низом доирасидаги ҳар қандай масалага ёки Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ҳар бир органи ваколати ва вазифасига тегишли муаммоларни муҳокама қилади, таклифлар беради. Сиёсий соҳада халқаро ҳамкорликка қўмаклашади, халқаро ҳуқуқни кодификация қилади ва ривожлантиради, инсон ҳуқуқларини ва барчанинг эркинлиги асосларини амалга оширади, иқтисодий ва ижтимоий соҳада халқаро ҳамкорликка қўмаклашади, шунингдек, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш мақсадларида тадқиқотларни ташкил қилади ва бу борада тавсиялар беради. Миллатлар ўртасидаги дўстона алоқаларга зиён етказувчи ҳар қандай вазиятнинг келиб чиқишидан қатъи назар уни тинч йўл билан ҳал қилиш учун чора-тадбирлар таклиф этади, Хавфсизлик Кенгаши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари маърузаларини олиб, кўриб чиқади, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бюджетини кўриб чиқади, тасдиқлайди ва айрим аъзолар бадаллари миқдорини аниқлайди. Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолари, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ва Васийлик Кенгаши аъзоларини сайлайди, Хавфсизлик Кенгаши билан биргаликда Халқаро суд судьяларини сайлашда иштирок этади. Хавфсизлик кенгаши таклифига кўра Бош котибни тайинлайди.

Кўриб турганимиздек, халқаро ҳуқуқ нормалари глобал тараққиёт муаммоларининг ахлоқий мезонларини аниқлаш, уларни тасниф этиш имконини беради. Жумладан, уларнинг намоён бўлиши халқаро социал - сиёсий муаммоларга, ядровий уруш хавфини бартараф этишга ҳаратилган халқаро фаолият самарали ва кафолатли механизмларга эга эмаслигини кўрсатади. Ядро қуроли мавжуд бўлган давлатларнинг ҳанузгача ягона консенсусга кела олмаганликлари қурол-яроғ пойгасини чеклаш ва тартибга солиш буйича ягона битимнинг йўқлиги натижасидир. Умумий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш ҳудудий ва минтақавий можароларни бартараф этиш, халқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишончни ҳарор топтириш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Халқаро социал - иқтисодий ва экологик муаммолар паст суръатлардаги ривожланиш оқибатидаги қашшоқлик, маданий қолоқлик, хом-ашё, энергия ва озиқ-овқат танқислиги, инқирозий ҳолатлардан чиқиб кетиш йўллариининг комплекс ёндашуви режалаштирилмаганлиги билан белгиланади. Демографик жараёнларни оптималлаштириш, тинчлик йўлида жаҳон океани ва космосни ўзлаштириш, экологик хавфларни бартараф этишни таъминлаш, табиат инъомларини тобора инсон манфаатига тўғри

йўналтириш ҳамда тақсимлаш бугунги куннинг устувор вазифаларига киради. Инсон муаммолари эркинлик ва ҳуқуқнинг асосий тамойилларига амал этиш, зарур ҳаётий шароитларни таъминлаш, ижтимоий муносабатларни демократлаштириш, умуминсоний маданий кадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб қолади.

Тавсифланган глобал муаммоларнинг сиёсий-иқтисодий, социал ва экологик жиҳатларининг ижтимоий ахлоққа мувофиқлиги нуқтаи-назаридан ўрганмоқ долзарб вазифалар қаторида қолади. Айни пайтда янги дунё тартиботи мавжуд муаммоларни қайси тамойиллар асосида ҳал этади? Халқаро ҳамжамият ўз фаолиятида қандай манфаатларни устувор билмоғи зарур, каби саволларга жавоб топиш мумкин бўлади. Бизнинг назаримизда, уларни қуйидаги йўналишларда деб хулосалаймиз:

**Биринчидан**, халқаро муносабатларни демилитаризация қилиш, барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий хавфсизлик тизимини ҳамда халқаро барҳарорликни таъминлашга ҳаратилган механизмларни ташкил этиш.

**Иккинчидан**, ҳар бир давлатнинг суверенитетини, ўзи танлаган социал-иқтисодий йўлининг ҳуқуқий кафолатларини амалда таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бунда халқаро муносабатларни мафқурасизлаштириш.

**Учинчидан**, халқаро муносабатларнинг инсонпарварлик асосига қурилишида инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашнинг халқаро тизимини такомиллаштириш, халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳарорларининг ваколатларини янада кенгайтириш талаб қилинади.

**Тўртинчидан**, бугун инсоният учун олам бир бутунлиги, барҳарорлиги учун ҳарама - ҳаршиликлар кураши фалсафаси эмас, балки ҳозирча тафаккуримиз ҳазм қила олмаётган ўзаро «ҳамнафаслик» тафаккури устувор эканлигини тушуниб етиш пайти келди<sup>1</sup>.

**Бешинчидан**, давлат ташқи сиёсатининг муваффақияти аниқ шаклланган миллий манфаатларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Албатта, барча давлатларнинг у ёки бу тарзда ташқи сиёсати шаклланган, аммо шиддат билан ривожланаётган глобализмни ахлоқий талаблар даражасида ижобий деб бўлмайди. Давлат ташқи сиёсатининг аҳамияти, аввало, унинг манфаатлари мужассамлашган дастурини бошқа давлатлар томонидан эътироф этилиши билан белгиланади. Агар ташқи сиёсатда бундай уйғунликка эришилмаса ҳар қандай ташқи сиёсатнинг ахлоқий истиқболи бўлмайди.

**Олтинчидан**, давлатларнинг барҳарор ривожланиши ҳамда уларнинг умумий хавфсизликни таъминлай олиши, глобал

---

<sup>1</sup> Пахруддинов.Ш. Такдид қалокатли куч. -Т.: Академия, 2001, Б. 48.

сиёсатнинг устувор вазибалари қаторида муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, глобализм давлатларнинг интеграцион тараққиётига хизмат қилиш имкониятларини кенгайтириб бориши ижобий ҳолат. Умуминсоний кадриятларга ёт бўлган, миллатнинг ахлоқий, фалсафий-эстетик қараш ларига, иймон-этиқодига, адолат ва ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларига мос келмайдиган иллатлардан халос бўлмоқ глобал тараққиётнинг муҳим шарти бўлиб қолади. Зеро, глобал тараққиётнинг ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш инсониятнинг маънавий баркамоллик даражаси билан белгиланади. Маърифат инсон руҳияти, қараш лари ва кадриятларининг воқеийлиги бўлибгина қолмай, унинг ўз-ўзини муҳофаза қила олиш ва ривожланиш салоҳияти ҳамдир.

Таъкидлаб ўтганимиздек, XX аср инсоният тарихи учун улкан сабоқ ва тажрибалар даври бўлди. Ер шарида шу қадар улкан ўзгаришлар содир бўлдики, у халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий, социал, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асосларини кескин ўзгартириб юборди. Сиёсий саҳнага батамом янги ва мустақил давлатлар кириб келди. Шу тариқа инсоният турмуш тарзи ва унинг ахлоқий моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Табиийки, бундай шароит давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларда маълум ўзгаришларга олиб келди. Айни пайтда, хавфсизлик муаммолари ва улар қўламининг долзарблиги янада ортиб борди. Долзарблик қўлами, аввало, халқаро хавфсизлик институтлари тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бериш ёки бера олмаслиги билан белгиланмоқда. Бунда халқаро хавфсизлик унга дахлдор бўлган барча субъектларнинг хоҳиш иродаси, хулқ-атвори ва мақсадларига боғлиқ бўлади.

Сиёсий муносабатларнинг маънавий ва ахлоқий мезонлари, уларнинг давлатлараро муносабатлардаги ифодаси энг мураккаб ҳамда ҳарама - ҳарши мунозараларга, турли зиддиятларга сабаб бўлиб келаётган муаммолар қаторига киради. Давлатларнинг ташқи сиёсати билан боғлиқ фаолиятлари ва бунда уларнинг турли воситалар асосида бир-бирига нисбатан амалга оширилиб келинаётган баъзан пинҳона, баъзан очик тажовузи, афсуски, ҳар сафар инсон ҳуқуқини поймол этиш билан, этник ва миллий масалаларда ён босиш орқали ёки «демократия хавф остида» деган вазлар билан халқаро сиёсий фаолиятларнинг ахлоқийлигини асослашга уриниб келмоқдалар. Бундай ҳолларда табиийки, кимнинг имкониятлари юқори бўлса, «ахлоқ» ҳам унинг хизматига бўйсундирилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳеч бир давлат ўз халқи ва халқаро ҳамжамият кўзгусида агрессор бўлишни истамайди. Аммо ўз ташқи сиёсати асосларини мустаҳкамлаш йўлида унинг амал ва воситаларидан фойдаланади. Шу аснода бошқа халқаро субъектлар, жумладан, транснационал компаниялар дунё халқларининг иқтисодий ривожланишида ёрдам бераётганликларини таъкидлайдилар. Айни пайтда, террористлар

хам ҳаракатлари қанчалак тажовузкор бўлмасин, гуёки, «этиқоддан қайтганларни худонинг йўлига қайтариш» гоёси билан ўз ҳаракатларининг ахлоқийлигини асослашга ҳаракат қиладилар. Шу тариқа, муаммонинг маънавий моҳияти, айниқса, унинг назарий асосларининг мавҳумлиги катта тажрибага эга бўлган халқаро муносабатларда ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

Халқаро сиёсат ёхуд жараёнлар моҳияти тўғрисида мулоҳаза қилинганида, ундаги воқеа ва ҳодисаларнинг асосида инсоннинг хатти-ҳаракати ёки у билан боғлиқ бўлган манфаатлари ва интилишлари замирида ахлоқнинг ўрнига кўп ҳам эътибор бермаймиз. Зеро, халқаро сиёсат негизида адолат, тенглик, эзгулик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, диний бағрикенглик каби ахлоқий қадриятлар ташкил этилиши лозим. Инсоннинг айнан ана шу қадриятларга қай даражада амал қилиб яшай олиши билан олам яхлитлиги, давлатлар мавқеи ҳамда халқаро муносабатлар муаммоси ўз ечимини топиб боради.

Халқаро муносабатларда сиёсий ахлоқ муаммолари ўз табиатига кўра мураккаб ҳодиса. Турли тизимлар, маданиятлар, қадриятлар, мафкуралар асосида мавжуд бўлган ахлоқ бевосита сиёсатнинг амалий фаолиятида намоён бўлади. Масаланинг асрий муаммоси, уни халқаро муносабатларда уйғунлаштириш билан боғлиқдир. Мавжуд муаммонинг моҳиятига чуқурроқ назар соладиган бўлсак, аслида ана шу умумийликнинг (умуминсонийликнинг) ўзида зиддиятли ҳарама-харшиликлар мавжуд эканлигига амин бўламиз. Аввало, таъкидлаш лозимки, ахлоқнинг маданиятлар учун умумий бўлган жиҳатлари - сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги даражасида таркиб топади. Чунки, сиёсатнинг воситаси ҳокимият ва у ким томонидан ҳамда қандай мақсад-ваколатлар асосида ташкил топган, ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада кафолатланган? Айни пайтда, манфаатлар асосида ташкил топган миллий манфаатлар бошқа тизимлар, мафкуралар ҳамда маданиятлар билан умумийлиги нимада намоён бўлади?! Бизнингча, ушбу масалаларнинг шу каби назарий асосига эътибор бериш билан муаммонинг моҳиятига келиш имкониятлари очилади.

Тадқиқотда, аввало, мавжуд муаммоларнинг кўламини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Биринчидан, миллатлараро умуминсоний қадриятлар уйғунлашмоғи лозим бўлган маданиятлар бағрида зиддиятлар моҳияти нималарда намоён бўлади?! Иккинчидан, ушбу маданиятларнинг умумийлиги, айни пайтда, улар манфаатларини уйғунлаштирадиган халқаро муносабат омиллари, имкониятлари қандай?!

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида масаланинг фалсафий моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, христиан ва ислом динидаги илоҳий талабларга мувофиқ ҳукмдор худонинг ердаги вакили эканлиги эътироф этилади. Лекин бундай ёндашув сиёсий институтлар фаолиятлари билан тўғри келмайди. Ундан



чиқди, ерда табиий равишда икки ахлоқий тартибнинг вужудга келишига сабаб бўлиб келган. Яъни, ҳукмдор масъулияти бир томондан худонинг ва ўз халқи олдидаги вазифаларнинг мавжудлигида намён бўлса-да, лекин дунёвий давлатлар сиёсатида дин давлатдан ажратилган. Шунинг учун диний кадриятлар билан боғлиқ бўлган ахлоқий тамойилларга амал қилмасликнинг ҳуқуқий кафолати ўз-ўзидан сиёсатга ҳеч қандай масъулият юкламай кўяди. Натижада халқаро муносабатлар манфаатлар никоби остида сиёсат ахлоқдан кўра устуворлик қилади. Манфаатларни ҳимоя қилишга ҳаратилган халқаро ҳуқуқий тартиботлар эса шу тариқа реал талаблардан чекинишга мажбур бўлаётганлигининг гувоҳи бўламыш.

Шунга ўхшаш зиддиятни ислом давлатлари сиёсатларида ҳам кузатиш мумкин. Дунёвий давлатлардан фарқли ўлароқ, исломий давлатларда илоҳий таълимот бевосита сиёсий ҳаётга жорий этилишига ҳаратилади. Ҳукмдор (раҳбар) худонинг ердаги вакили сиёсатида мутлоқ ҳокимиятга эга бўлади. Бундай мутлоқлик ҳукмдорнинг ваколатини кўп ҳолларда абадийлаштиришга ва ҳокимият бошқаруви амалда халқнинг иродасидан узоқлашувига олиб келади. Оқибатда, чексиз ҳокимиятга эга бўлган ҳукмдор на худонинг олдида, на халқнинг олдида масъулият ва мажбуриятни ҳис этади. Бугунги кунда, масалан, Эрон, Малайзия, Индонезия, Сурия, Ливия каби ислом давлатларида айнан ана шундай зиддиятларни бартараф этишга ҳаратилган давлат қурилишида маълум диний ва дунёвий халқчил тажрибаларни умумлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Бундай уйғунлик диний ахлоқий кадриятларнинг давлат сиёсатида ҳарор топишига олиб келишда аҳамияти катта. Лекин ҳар сафар халқ ўз раҳбари ва мафкурасини илоҳийлаштириши билан сиёсатни умуминсоний кадриятларга ҳарши кўйишга олиб келади. Айни пайтда, бундай маънавият билан боғлиқ ички ҳарам-ҳаршиликлар халқаро муносабатларда ҳам мавжуд зиддиятларнинг сақланиб келинишига сабаб бўлмоқда. Шу тариқа, гарчи ҳеч бир инсон, миллат бошқа бир миллатга ёвузликни раво кўрмаса-да, давлат ташқи сиёсий муносабатларининг ҳосиласи мавжуд халқаро можароларнинг сақланиб, ўзаро зиддиятга айланиб келаётганлигига гувоҳ бўламыш.

Муаммоларнинг моҳияти шундаки, давлатлар ички сиёсатидаги мавжуд маданий тизим ташқи сиёсатининг ахлоқий тамойилларини кафолатлашга ва унга амал қилишга салоҳияти ожизлик қияпти. Зеро, сиёсий мафкура ва диний қараш ларда тенглик, инсонийлик, садоқат, ҳамкорлик, бағрикенглик, муҳаббат, адолат каби умумахлоқий кадриятлар ўз ифодасини топган бўлса-да, «ахлоқ»қа нисбатан талқин, ёндашув ва унга амал қилишлар турлилиги, иккинчидан, ахлоқий кадриятларга аслида ўзи сиёсатдан айри ҳолда ҳаралганлиги учун ҳам унинг амалий кафолатини таъминланишига тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам умуминсоний

кадриятлар ташқи сиёсатда декларатив хусусиятга эга бўлиб келмоқда.

Маданиятлар билан боғлиқ бўлган халқаро муносабатлардаги сиёсий ахлоқ муаммолари ҳам назарий-илмий жиҳатдан шу каби зиддиятларга рўбарў келади. М. Вебер ушбу ахлоқий таълимот йўналишларини «этикод» ва «масъулият» ахлоқи деб иккига ажратади. Этикодчилар ахлоқий тамойилларнинг ўзгармас ва абадий абсолют хусусиятидан келиб чиқади. Улар сиёсатнинг белгиланган илоҳий ахлоқ тартиботларига мувофиқлаштирилишини тан оладилар. Натижада реал воқеликдан узоқлашиб, ўзларининг абстракт қараш лари билан фаолиятларининг оқибати ва масъулиятлари тўғрисида қайғурмайдилар. Ижтимоий муаммоларга дуч келинганда ёки ахлоқ ва сиёсат ўртасида ҳаршилик пайдо бўлса, унда бунинг учун инсонларнинг маданиятсизлигини, дунёнинг мукамал эмаслигини қоралайдилар.

Ахлоқий масъулият тарафдорлари эса ўз қараш ларида дунёнинг мукамаллигига ишониб бўлмаслиги ва бунда инсоннинг нуқсонлари билан ҳисоблашмасдан бўлмаслигини эътироф қилади. Аммо сиёсатда ҳокимиятнинг кучи билан зўравонлик қилишни инкор қилдилар. Айнан шу ўринда сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги номуаносиблик муаммоси келиб чиқади. Яъни, бунда Макиавеллининг таълимотига асосан, «восита ва мақсад» муаммоси билан боғлиқ зиддият пайдо бўлади. Кўп ҳолатларда «яхши мақсадларга» эришиш баҳонасида баъзан ахлоқий жиҳатдан шубҳали ва номаълум воситаларни қўллашга изн берилади. Шунинг учун халқлар ва давлат ўртасидаги ахлоқнинг қай даражада ва қай ҳолатда боғланиши умумманфаатларга мос, ижобий ҳолат эканлиги масаласи назарий жиҳатдан ўз ечимини топа олмаяпти.

Шу тариқа ўз маданиятлари ва манфаатлари доирасидан ташқарига кўтарила олмаган давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатлардаги мавжуд можароларнинг сақланиб келинишига сабаб бўлмоқда. Муаммо шундаки, давлатлар олдида кўпроқ миллий, социал гуруҳларнинг ёки алоҳида жамоа манфаатларини ҳимоя қилиниши лозимми ёки унинг олдида ахлоқий масъуллиги мавҳум бўлган умумдемократик, умуминсоний, халқаро, ҳудудий манфаатларни ҳимоя этиш лозимми?! Улар бир-бирларига ҳарама-ҳарши ва зид келса-чи?! Аслида бири иккинчисини тўлдириши лозим. Яъни ички сиёсат халқчил ахлоқий муносабатлар асосида қурилса, бундай натижа ташқи алоқаларда ҳам ўз самарасини беради. Ёки ташқи сиёсатда изчиллик бўлса, унда жамият унинг неъматларидан баҳраманд бўлади. Аммо, афсуски, маълум бир жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаратилган айрим давлатлар сиёсати халқаро муносабатларда икки стандарт ҳолатда халқаро алоқаларни ўрнатишга интилиши реал сиёсатнинг негизларини ташкил этар эмиш.

Кўриниб турибдики, халҳаро муносабатлардаги мавжуд ахлоқий муаммолар давлатларнинг маданий алоқа имкониятлари даражаси торлигида намоён бўлмоқда. Бунда давлатлар ўртасидаги милитаризм, шовинизм каби кайфиятлар устуворлик қилаётган бўлса, иккинчидан, ахлоқ ва адолат тамойилларига асосланишдан кўра уруш ва унга тайёрланишни хавфсизликни таъминлаш омили сифатида ҳараб келмоқдалар. Бундай ёндашув, шубҳасиз, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг зўравонлик тамойилларига асосланишига олиб келмоқда. Фожиа шундаки, бу борада халҳаро муносабатлар умумманфаатларни уйғунлаштириши мумкин бўлган ахлоқнинг назарий асосларини аниқлаш ниҳоятда долзарб муаммо сифатида қолмоқда.

Масаланинг энг муҳим ва мураккаб бўлган жиҳатлари шундан иборатки, ахлоқий қараш ларни мутлоқлаштириш, айниқса, халҳаро миқёсда унинг монополлашувига олиб келади. Маданиятлар ранг-баранглигига салбий таъсир кўрсатади. Унинг оқибатларини биз турли зуғумкор, сўнгра, вайронкор ғоялар кўринишида намоён бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. Албатта, халҳаро ахлоқий муносабатларнинг мезонини белгилашда Г.Моргентау томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар давлатларнинг ташқи сиёсатидаги фаолиятини маърифий жиҳатдан мустаҳкамлашга ёрдам беради. У вақт ва конкрет шароитдан келиб чиққан ҳолда умуминсоний ахлоқ тамойилларини белгилашни таклиф этади. Айни пайтда, ахлоқий сиёсат тарафдорлари эҳтиёткорлик, вазминлик ва меъёрни аниқ тасаввур этишлари лозимлиги кўрсатилади. Айниқса, давлат ва миллатларнинг ахлоқий талабларидан келиб чиқиб мавжуд муаммони муҳокама қилиш тўғри хулосаларни бермаслиги ҳақида огоҳлантирилади. Бирон бир давлатнинг манфаати билан белгиланган ахлоқ бошқалар учун андоза бўла олмайди. Агар биз бошқалар манфаатларини билсак ва бунда ўзимизнинг манфаатларимизни уйғунлаштира олсак ёки ана шундай масъулият ташқи сиёсатда устуворлик қилса, ахлоқнинг умумназарий тамойилларига амал қилиш имкониятлари вужудга келади<sup>1</sup>.

Халҳаро муносабатларда умумий ахлоқий кадриятларнинг сиёсат даражасида шаклланиш жараёнлари оғир кечса-да, аммо, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий адолатсизликка ҳарши кураш, демографик, кашшоқлик, инсон ҳуқуқлари, болалар, аёллар, сиёсий маҳбуслар, қочоқлар, терроризм ва бошқа шу каби муаммоларни ҳал этишда ижобий натижаларни кузатиш мумкин. Энг муҳим ахлоқий фаолият турларидан бири - бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя чораларини мустаҳкамлашдир. Бу борада халҳаро журналистлар томонидан тегишли маълумотларни олиш имкониятларининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши муҳим ҳисобланади. Zero, журналистлар ЮАРдами, Ироқдами, қаерда

---

<sup>1</sup> Morgenthau J. Politics among nations. New York, 1961, 10 p.

бўлмасин, давлатлар томонидан амалга оширилаётган зўравонликка ва улар ўртасидаги мажороларга нисбатан ҳарши ижтимоий фикрларнинг салмоғи ҳамда таъсирининг ортиб боришига хизмат қилади. Шу тариқа ижтимоий фикрларнинг ташқи сиёсатга таъсири аслида давлатлар ўртасида тузилган Хельсинки шартномаларининг амал қилиш талабларини ва масъулиятларини оширишга олиб келади.

Давлатлараро муносабатлар тизимида ҳозирги янги дунё бошқарув санъати мазмуни, шакли-шамойили жиҳатидан катта ўзгаришлар юз берган бўлса-да, ҳокимият учун кураш, рақобат моҳиятан ўзгарган эмас. Халқаро муносабатлар ва уларнинг мавқеи даражаси кўпроқ жаҳон бозори тизимида намоён бўлади. Бу ҳисобда доимо йирик субъектлар ҳал қилувчи ролни ўйнайдик, рақобат нисбий кўринишга эга бўлиб қолади. Яъни, бозорда ҳам тенглик, адолат масалалари субъект таъсир даражасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Айнан шундай давлатлар ўз манфаатларига мос халқаро тизим структурасини белгилайдилар ва қолган кичик давлатларни мавжуд ташкил этилган қолигга мослашиш кераклигини уқтирадилар. Чунки уларнинг имкониятида ҳаётий муҳим бўлган ресурслар мавжуд бўлиб, истаган пайтда бундай ваколатдан бошқага нисбатан тазйиқ ўтказишда фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолат анча «маърифий» кўринишларда бизгача сақланиб келмоқда. Белгиланган ҳукмрон қоида ва тартибларга мослашмаган давлатларнинг халқаро сиёсий тизимда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таъқибга учраш хавфи сақланиб қолади. Баъзан эса давлатларнинг суверенитетлик масалалари ҳам таҳдид остида қолиши мумкин. Шу тариқа бир давлатнинг халқаро тизимдаги нуфузининг ортиб бориши иккинчи бир давлат нуфузининг камайиши эвазига амалга оширилади. Шунинг учун давлатлар доимо ташқи таҳдид таъсири билан яшайди. Айни пайтда қўшни давлатларнинг ҳукмронлиги остида қолмасликлари учун ўз ҳарбий имкониятларини кенгайтириб боришга уринадилар. Аммо барча ҳам унинг уддасидан чиқа олмайди. Сиёсий муносабатларнинг зиддияти ҳам шу нуқтада бошланади.

Ҳарбий кучга асосланиш давлатларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиради, сиёсий мавқеини оширади. Давлатнинг сиёсий саҳнада ўйин қоидаларини ўз манфаатларига хос тарзда белгилаш шароитини беради. Шунга ҳарамасдан, мутлоқ хавфсизликка ҳеч қайси давлат эриша олмайди. Вақтинчалик хавфсизлик даражасини пасайтириши ёки маълум бир барҳарор ҳолатни сақлаб қолишга эришиши мумкин, холос. Айтиш мумкинки, ҳар қайси давлат ўз мавжудлигини сақлаб қолишга бўлган интилиши халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Жаҳон сиёсий майдонида юқори ўрин олиш учун албатта давлатларнинг иерархиясидан ўрин олиш шарт эмас, қолаверса, бунинг учун кўп давлатлар сиёсатига мослашиши ҳам ўринсиз уриниш. Ҳар бир

давлатнинг мустақил сиёсати ва ўз ташки сиёсатида собитқадамлиги ёш давлатларнинг катта халқаро сиёсий майдонга киришига имконият беради.

Маълумки, халқаро муносабатларнинг императив асослари ташки сиёсат принциплари билан белгиланади. Бундай принципларнинг асоси, аввало, бошқа давлатлар суверенлигини эътироф этишда намоён бўлади. Уларнинг тинчликни сақлашга ҳаратилганлиги асосий масала бўлиши лозим. Аммо инсоният тарихи ва бунда давлатларнинг халқаро сиёсати шуни кўрсатиб келмоқдаки, муносабатлар мавжуд умумхлоқий кадриятлар асосида олиб борилишига эътибор берилмаяпти. Аксинча, манфаатлар ифодаси сифатида уруш ва урушга тайёргарлик даражаси ёки ҳарбий қудрат имкониятларидан келиб чиқилаётган ёндашув сақланмоқда. Айни пайтда, уруш давлатлараро муносабатлар сиёсий мақомининг устуворлигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Зеро, бугун терроризм мунтазам, тартибли ва ташкилий инфраструктураларга эга. Миналаштириш, кўпуровчилик, ўлдириш, контрразведка ва ҳоказо вазифалар билан бевосита шуғулланмоқдалар. Шунга мувофиқ терроризмнинг тактик услуби ҳам анча такомиллашиб келмоқда. Эндиликда терроризм нафақат айрим объектларга ёки шахсларга нисбатан, балки жамият барҳарорлигини ўзгартиришга ҳамда сиёсий тузумни издан чиқаришга ва бунда давлатларнинг ташки алоқаларига путур етказишга уриниб келмоқдалар.

Албатта, терроризм глобал муаммо сифатида давлатлар томонидан жиддий ташкилий тадбирларни ишлаб чиқишга мажбур қилмоқда. Унга ҳарши курашнинг коллектив услубларини талаб қилмоқда. Аммо буни англаб етиш учун айрим мажбурийлик, иложсизлик ҳолати таҳликали ҳодисага айланганидан сўнггина амалий фаолиятга ўтилмоқда. Бунга қудратли давлатлар томонидан ҳуфиёна сиёсий мақсадлар нуктаи назардан келиб чиқиб ҳараладиган бўлса, айрим давлатларнинг маълум кучларга нисбатан ожизлиги терроризмнинг ҳамон таҳдид бўлиб келаётганлигига сабаб бўлмоқда. Аммо инсониятнинг ўз таҳдидларини қанчалик англаши умуминсоний ахлоққа бўйсунушига боғлиқ бўлиб қолади.

Шу ўринда халқаро муносабатларнинг ахлоқий тамойилларини қандай назарий тамойиллар асосида ишлаб чиқиш ижобий самара бера олади деган савол туғилади?! Халқаро муносабатларнинг ахлоқий уйғунлигига эришиш, аввало, социалмаданий умумийликда ифодаланади. Шу жиҳатдан масалага ёндашилганда унинг ахлоқий тамойиллари маълум. Айни пайтда, унинг амалий ифодаси мавжуд социал - сиёсий шароит билан боғлиқ бўлиб, миллатларнинг маданий хусусиятлари, уларнинг иқтисодий, сиёсий имкониятларидан келиб чиқади. Шунинг учун нафақат маданий интеграция, балки барча соҳалардаги фаолиятлар умумлашуви ҳам назарда тутилади. Бундай жараён аслида

глобаллашувнинг моҳиятида табиий эҳтиёж сифатида кенгайиб келмоқда. Аммо бундай эҳтиёжни англаш ва унинг талабларига мувофиқлашув амалиёти ниҳоятда оғир кечмоқда. Албатта, бугунги глобал муаммолар олиб келаётган таҳдидлар кўламига ҳамоҳанг тарзда ҳаршилиқ кўрсатмаслик давлатларнинг нафақат ташки сиёсатига, балки, ички сиёсатига ҳам салбий таъсир ўтказди. Улар, аввало, ривожланган давлатларда хомашё танқислиги, ишлаб чиқариш молларининг янги бозорга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, ишсизлик, касаллик, қашшоқлик, очарчилик, қочоқлар муаммосининг кучайиши, гиёҳвандлик, ирқчилик, диний фанатизм, шовинизм, халқаро жинойтчилик ва терроризм, экологик муаммолар, иқтисоди заиф ёки ривожланаётган давлатларнинг чет эл инвестициясига бўлган эҳтиёжларида намоён бўлмоқда.

Халқаро микёсдаги муаммолар кўлами ва уларнинг ечими бугун давлатларни бир-бирига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ боғлаб қўймоқда. Ҳеч бир маданият ёки давлат айри ҳолда ўз манфаатларини алоҳида ҳал этиш имкониятига эга бўлолмайди. Шу тариқа ташки сиёсатда маданий - ахлоқий жиҳатдан умумий манфаатларга асосланишга мажбур бўладилар. Бундай қонуниятларни сиёсатда суистеъмол қилиш табиий равишда халқаро зиддиятларни келтириб чиқараверади.

Бир пайтлар Гегель шундай деган: «ҳар бир давлат қурилиши маълум халқнинг миллий-маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий онглилик тараққиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зинаси қадам-бақадам босиб, бир меъёрдаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир, унда тафаккур, фалсафа, ҳамма нарса мужассам»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, шундай экан, у ёки бу давлатнинг вақтдан ўзиб кетиши, айни пайтда, вақтдан орқада қолиб кетиши ҳам тараққиёт қонуниятларига зид келади. Шунинг учун иккинчи ёхуд учинчи даражали миллат ёки давлат бўлиши ҳам мумкин эмас. Халқлар ўз истикболи, ривожи ҳамда улар билан боғлиқ бўлган муаммоларида бир-бирларига боғлиқдирлар. Чунки дунё ранг-баранглиги билан гўзал бўлса, миллатлар ҳам ўз хусусиятлари билан бетакрордир. Ана шу бетакрорликда уйғунлик мавжуд. Айнан ана шу умумийликни англаш халқаро муносабатларнинг маънавий - ахлоқий асосларини ташкил қилади.

Бу борадаги илмий таҳлилий ҳулосалар шуни кўрсатмоқдаки, биринчи навбатда, ҳамкорлик қилишнинг устунлигини тан олмаслик ва муносабатларда ишончсизлик ҳукмрон бўлаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун олимлар томонидан томонларнинг эркин ташаббуси, етакчи давлатлар томонидан биринчи қадам қўйиш лозимлигига ишора қилинмоқда. Ҳамкорлик муносабатларини ахлоқий нуктада бирлаштириш нафақат сиёсий жиҳатдан, балки

---

<sup>1</sup> Гегель. Философия и право. -М.: 1990. Стр-469.

иктисодий жиҳатдан ҳам халқаро муносабатларни кафолатлашга имконият беради. Бу борада ҳамкорлик қанчалик чуқурлашса, халқлар ўртасида тинчлик шунчалик реал воқеликка айланиб боради.

Албатта, бунда давлатлар суверенлигининг айрим жиҳатларини баъзан чекланишга олиб келиши мумкин ва шундай ҳам бўлмоқда. Аммо суверенлик тушунчаси ҳам бугун (нисбий) мазмунан янги назарий ва амалий хусусият касб қилмоқда. Фаровонликка ва маданиятларнинг умумийлигига, иктисод, туризм, савдони ривожлантиришга хизмат қилаётган интеграцион жараёнлар таъсирида давлатлар ўз мустақиллигини халқаро ташкилотлар фойдасига ҳал этмоқдалар. Шундай қилиб, хулоса сифатида жаҳон сиёсатининг маърифийлашуви қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

**Биринчидан**, халқаро ҳуқуқнинг субъекти деганда, фақат давлатлар ва халқаро ташкилотлар тушунилган. Бугун эса улар қаторида ўз мустақиллиги учун қурашаётган халқлар (курдлар, уйғурлар) алоҳида субъект сифатида қайд этилмоқда. Чунки, мазкур халқлар ҳам, давлатчилигидан қатъи назар, ўзларига хос маданий муҳитга, урф-одатларга, қолаверса, ўзининг тарихий-тадрижий цивилизациясига, ривожланишнинг ўзига мос кўринишларига эга. Шундай экан, ҳар бир элат, миллат мустақил давлатчилик асосларини яратишга ҳақлидирлар. Зеро, миллатларнинг тарқоклиги турли таҳдидларни ўз бағрида сақлаб келади. Давлатчилик эса, миллатнинг уюшишига, халқаро субъектларнинг муносиб иштирокчиси сифатида намоён бўлишига имконият беради.

**Иккинчидан**, ўзгараётган жамиятда етакчи давлатлар томонидан бирор минтақадаги мамлакат билан алоқалар тизимини шакллантириш ёки янада ривожлантириш масалаларида икки томонлама ёки кўп томонлама муносабатлар ўрнатиш асосида объектнинг қайси маданий цивилизацияга мансублигига, унинг давлат манфаатларида нечоғли аҳамиятга эга бўлиши сингари жиҳатларига эътибор ҳаратилмоқда. Бундай муносабат ўз-ўзидан ҳарама-ҳарши томонларнинг вужудга келишига олиб келади. Аксинча, реал халқаро муносабатларда ҳамкорликнинг сиёсий, ҳуқуқий, иктисодий тамойиллари қаторда алоқалар кўламининг умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ маданий жиҳатларига катта эътибор ҳаратилиши инсониятни ягона ғоя – умуминсоний қадриятлар атрофида бирлаштирилишига олиб келади.

**Учинчидан**, адолатли жамият ва бунда инсоннинг камолоти ривожланган давлатчилик замирида шаклланади. Бундай давлатчилик миллатнинг ягона ғоя атрофида ўзаро келишуви, бирлигига эга бўлиши натижасида амалда вужудга келади. Албатта, бугунги даврга келиб инсон томонидан яратилган бу каби ахлоқий тафаккур маҳсуллари янада тўлдириш мумкин. Айни пайтда, инсон мавжуд қадриятларни англаш ёхуд англамаслик ҳолатлари билан ижтимоий субъектга айланади. Сиёсий субъект эса сиёсий объектнинг фаолият даражасини белгилаб боради. Сиёсатда

маърифатлашув тушунчаси конфликтдан кўра консенсусга яқинроқ. Халқаро сиёсатнинг маърифийлашуви давлатлараро ҳамкорликдан ташҳари, ўша давлатда истиқомат қилаётган миллий-этниқ ва маданий гуруҳлар ўртасидаги мулоқотга ҳам алоҳида назар билан ҳарайди<sup>1</sup>.

**Тўртинчидан**, инсоният, турли-туман расмий ва норасмий илмий марказлар ва гуруҳлар билан беҳатар, барҳарор ва ривожланишда давом этиш учун хавфсизликнинг умумбашарий тизимига айланиши зарурлиги ҳақида фикр билдирилмоқда. Халқаро ҳамжамият бугун ўзида шу қадар улкан яратувчилик, куч-қудрат ва салоҳиятга эгаки, уни рўёбга чиҳариш учун бутун дунёда хавфсизликнинг таъминланишига эришиши лозим. Глобализм бугунги кунда хавфсизликни фақат ҳарбий - сиёсий соҳага оид деб тушунмасдан, шунингдек, уни инсон мавжудлиги ва ўз - ўзини қайта ишлаб чиҳариш учун керак бўлган барча жабҳаларга тааллуқли эканлигини кўрсатмоқда. Аммо ҳозирча халқаро хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишни расман ўз зиммасига олган бирон бир халқаро ташкилот йўқ. Тўғри, халқаро хавфсизлик таъминланишини кузатиб, унга ҳаратилган у ёки бу фикрни шакллантириш, огоҳлантириш нуктаи назаридан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти катта ишларни амалга ошириши мумкин. Лекин миллий давлатларда фаолият кўрсатаётган тегишли институтлардан фарқ қилиб, БМТнинг қабул қилган ҳужжатлари мажбурий ҳуқуққа эга эмас. Шу боис, кейинги мураккаб даврда унинг тавсия ва кўргазмалари айрим қудратли давлатлар ва ҳарбий-сиёсий блоклар томонидан кўр - кўрона менсимаслик, ҳатто унинг функцияларини ўз зиммасига олиб, БМТ номидан иш тутиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда<sup>1</sup>.

**Бешинчидан**, барҳарор сиёсий тизим у ёки бу миллатнинг маънавий салоҳияти билан белгиланади. Муаммоли томони шундаки, миллий хавфсизлик ҳарбий қудрат билан эмас, балки, маънавиятга ҳаратилган давлатнинг сиёсати билан мустаҳкамланади. Қурол доимо ёвузлик рамзи сифатида, аксинча, таҳдидлар кўламани ўз бағрида ривожлантириб келади. Маънавият эса эзгуликка ҳаратилган куч сифатида нафақат давлат яхлитлигини, балки давлатлар - халқлар ўртасидаги муносабатларни ҳам мустаҳкамлайди. Ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорликни ривожлантиради. Ахлоқ давлатлар, миллатлар хавфсизлигининг даражасини ва имкониятини белгилловчи омил бўлиб хизмат қилади.

**Олтинчидан**, давлат - мамлакат ҳаётбахшлигини таъминловчи омил сифатида халқаро муносабатлардан тортиб жамият фаолиятини ташкил этиш вазибаларини амалга оширади. Унинг ахлоқий ва прогрессив таракқиётини белгилайди. Миллий

---

<sup>1</sup> Каримов И. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 193-194.

<sup>1</sup> Қаранг: Политология. -Т.: 2002. Б. 206



кадриятлар кўп тармоқли тизим сифатида мамлакатнинг хилма-хил ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро ҳаракатларини мужассамлаштиради. Фақат шундай халқаро яхлит тизимнинг мавжудлиги ахлоқий кадриятларнинг таъсирчан, фаол кучга айланишига олиб келади.

#### **4 - БОБ. Жамиятни модернизация қилишда сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлаш муаммолари**

Мазкур бобда Ўзбекистонда жамиятни модернизация ва ислоҳ этишда сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлаш механизмлари, шунинг билан биргаликда янгиланиш жараёнидаги ютуқлар, муаммолар ва ечимларнинг таҳлили ўз ифодасини топган. Унинг биринчи фаслида сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Жумладан, жамият бошқарувининг мураккаб, зиддиятли, турли манфаатлардан иборат эканлиги, унинг ахлоқий тамойилларини ҳуқуқий меъёрлар асосида шакллантириш масалалари, айти пайтда, жамият аъзолари ўртасидаги ахлоқий - маърифий муносабатларнинг ифодаланиши таҳлил этилган.

Ушбу мақсадда мазкур бобда ҳокимиятлар бўлиниши масаласида айрим муаммолар мавжуд эканлигига эътибор ҳаратилди. Жумладан, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида президент ваколати қолган ҳокимиятлар даражасидан «кучли», «кучсиз», «меъёрий» бошқаруви ташкил этилиши лозимлиги тўғрисидаги турли қараш лар ривожлантирилди. Бу борада ҳокимиятлар

тақсимоти қай тартибда ҳуқуқий жиҳатдан амалда қафолатланганлиги ва бундай қафолат сиёсатнинг ахлоқийлиги билан мувозанатга келиши масалалар ўрганилди.

Мазкур бобнинг иккинчи фаслида сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлашда раҳбар омили масаласи муаммолари ёритилади. Яъни, жамият бошқарувида ахлоқий кадриятга риоя этиш, аввало, миллатнинг ўз кадриятларини, анъана ва удумларини, ҳуқуқий талаблар асосида нечоғли даражада уйғун ҳолда ижро этиши каби тушунчаларнинг сиёсий–фалсафий моҳияти талқинлари берилади. Шунингдек, ахлоқий кадриятлар жамият манфаати нуктаи назаридан баъзан мажбурийлик кўринишларини касб этиши, давлат функциясига хос бошқарув меъёрларининг ташкилий тартиби фуқаро, жамият ва давлат манфаатларининг бир маромда барҳарор ривожланишини ҳамда жамият зиммасига юкланган масъулияти, вазифаларнинг қафолатланганлиги даражаси ҳамда бу борадаги муаммолар ёритилади.

Мавжуд муаммоларни ҳисобга олганда раҳбар кадрларнинг давлат хизматидаги ахлоқий асосларини шакллантириш, ташкил этиш бевосита жамият манфаатлари билан уйғунлашмоғи ва ана шундай уйғунликнинг ишончли ва қафолатланган ҳуқуқий асосларини яратиш лозимлиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилди.

Ушбу бобда муаммоларнинг ахлоқий жиҳатлари билан биргаликда унинг сиёсий–фалсафий хусусиятларини ўрганишга аҳамият берилди. Жумладан, ҳар қайси даврда ҳокимиятга интилиш, унинг воситаларига эга бўлиш истаги сақланиб келади. Бош масала интилиш ва истакларнинг қай даражада ахлоқийлиги ва қонунийлиги таъминланганлигидадир. Жамиятда давлат бошқарувида интилиш ошқора, аниқ белгилаб қўйилган мезонлар ва талаблар асосига қурилмас экан, ҳокимиятга интилишнинг ноахлоқий кўринишларининг мавжудлиги давлат тизими асосларига катта зарар етказувчи тўрачилик, таъмагирлик, порахўрлик каби иллатларни келтириб чиқарувчи салбий омилар эканлиги очиб берилади.

#### **4.1. Сиёсий ҳокимиятни модернизациялашнинг сиёсий-ахлоқий механизмлари**

Жамият бошқаруви ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, ҳарама - ҳарши, турли манфаатлардан иборат. Унинг сиёсий ва ахлоқий тамойилларини шакллантириш, ҳарор топтириш ундан-да мураккаб жараён. Уларнинг уйғунлигига жамият аъзоларининг маданий даражаси орқали эришилади. Агар мавжуд ижтимоий кадриятлар заиф бўлса, жамиятда ҳуқуқий муносабатлар нисбий кўриниш касб қилади. Яъни миллий кадриятларнинг ижтимоий ҳаётда ҳарор топишга ҳаратилган ҳуқуқий меъёрлар ҳам ўз таъсир кучини кўрсата олмайди.

Кишилиқ жамияти ривожини тажрибаларига назар соладиган бўлсак, ҳар бир жамият ва унинг аъзолари ўз тараққиётида жамиятда мавжуд мулкларни тасарруф этишга, унга янада кўпроқ эришишга ва

шунинг баробарида ижтимоий мавқени эгаллашга бўлган доимий интилишларини кузатамиз. Бундай интилишлар жаҳолат ва маърифат, адоват ва адолат, мурувват ва разолат ўртасидаги асрий кураш билан боғланиб келган. Шу жиҳатдан инсоннинг «тасарруф» этишга бўлган интилиши ва шу интилиш оқибатида ўйлаб топган минг хил амаллари инсоният учун кўплаб ижтимоий ихтилофларни келтириб чиқарган бўлсада, бундай ёндашув эскирган эмас. Аслида шу каби ғазоватнинг барча кўринишлари заминда инсоннинг нафси ва уни қондирувчи ҳокимиятга бўлган интилиши ётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жамиятда фуқаролар ўртасида шаклланган бугунги ҳуқуқий ва маърифий муносабатлар аслида инсон онги ва маданиятнинг ҳосиласи ва тантанасидир. Зеро, кишилиқ жамиятида адолат бўлмаганида, инсоният XXI асрга етиб келмаган бўлур эди. Нима бўлганда ҳам, адолат кўп асрлик эврилишлар силсиласида умуминсоний қадриятлар сифатида ривожланди, такомиллашди. Ташкил топган ҳуқуқий таълимотлар инсонлар ўртасидаги ёвуз муносабатларга ҳарши ахлоқий қадриятларни қўйди. Аини пайтда, инсоният куч ўрнига ҳуқуқий муносабатларни танлай бошлади. Аинан ушбу жараёнларда сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлаш муаммолари ётади.

Шундай экан, тарихий тажрибалар ва сабоқлар асосида кишилиқ жамияти ўз давлатчилиги тарихида инсон ҳуқуқларини қанчалик даражада ҳимоя қилишни таъминлай олди? Инсоннинг манфаати ҳамда камолоти учун етарли шарт-шароитларни таъминлай оладиган давлат қурилишининг ҳуқуқий негизлари яратилдими? Жамиятда ҳокимиятга бўлган интилиш ва унинг тақсмоти ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик тўғри ҳамда тенг ташкил этилган, дея оламиз? Умуман, ҳуқуқий тенгликнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий чегараси борми? Бугунги кунда фуқаро - давлат муносабати борасидаги мавжуд назарий тажрибалар етарлими? Қолаверса, ҳуқуқий тамойилларга амал қилинадиган умумий қонуниятларни биз биламизми? Ҳуқуқий қафолатни таъминлайдиган инсоннинг ички ахлоқий маданияти билан унинг ижтимоий турмушдаги фаолияти, ҳаракати, интилиши уйғунлигига қандай эришилади? Нега ҳуқуқни англаган ҳолда жамиятнинг унга эришиши оғир жараён ҳисобланади? Муносабатлар ҳуқуқий маданиятга боғлиқ бўлса, нега инсоният минг йиллик маданий меросга эга бўла туриб, ўз ҳуқуқларига амал қилишдан кўра уни айланиб ўтишни афзал кўради?! Кўриниб турибдики, саволлар моҳияти асрий муаммолиги билан долзарб бўлиб келмоқда.

Сиёсий ҳокимият ёки ҳуқуқий давлат қурилиши концепциясининг назарий таълимоти ва унинг тушунчалари XVIII ҳамда XXI асрларда Ғарб олимлари томонидан шакллантирилганлиги бизга маълум. Жон Локк, Шарль Мотескье, И.Кант, Т.Жефферсон, Жан Жак Руссо ва бошқалар ҳуқуқий давлат бошқарувининг назарий асосларини, аввало, ҳокимиятлар бўлиниши

ва тақсимоти принциплари, фуқаро, жамият, давлат аъзоларининг шартномавий муносабатлари, уларнинг масъулият ва бурчларини белгилаш, турли эътиқодлари ҳамда интилишларининг амалий ифодасини муҳассама этган таълимотларга асос соладилар.

Фалсафий ва сиёсий фанлар тарихидан бизга маълумки, ҳокимият бўлиниши ёки тақсимоти масалалари давлатчиликнинг илк шаклланиш давридаёқ у ёки бу тарзда вужудга келган. Бундай муносабат ҳокимиятни яқка қўлда тўпланиши, яъни ягона шахс орқали бошқарув асосида ташкил этилган бўлса, иккинчидан давлатнинг институционал бошқарув эҳтиёжлари орқали ҳокимиятлар бўлиниши шаклланган. Мавжуд ижтимоий тенденция бир томондан ҳокимият ўртасидаги курашни тўхтатишга, сиёсий муносабатларни тартибга солишга ҳаратилган бўлса, айни пайтда, жамиятдаги ижтимоий қатламларни муросага келтиришга ҳамда ҳарама-ҳаршиликларни бартараф этишга хизмат қилган.

Дастлабки, ҳокимиятлар бўлиниши сиёсий ва диний ҳокимиятлар ўртасида намоён бўлади. Яъни ҳукмрон ҳокимият ва черков. Бунда улар бир-бирларига нисбатан доимо муҳолифатда бўлганлар. Ўзаро нисбат замирида аввало, черков кўрсатмаларининг сиёсатга зид эканлигида ёки ҳукмрон ҳокимият мақсадлари йўлидаги ихтилофларда кузатилади. Бундай муносабатлар, айниқса, Европада XVII асрга келиб кескин тус олади. Шарқ давлатларида бу масала бошқача кўринишга эга. Яъни, дин ва сиёсат ҳокимият таркибида уйғунлашиб кетганлигини кўрамыз. Бошқача қилиб айтганда, дин ҳокимиятнинг мафқурасига айлантирилган. Айрим жиҳатларда диннинг алоҳида бошқарувларини ҳам кузатиш мумкин, аммо, шунда ҳам дин ва унинг ташкилотлари ҳукмрон ҳокимият кўрсатмалари таъсирида бўлган. Натижада муҳолифатга ўрин қолмаган. Айрим Шарқ давлатларида ҳанузгача ҳокимиятлар фаолиятида диний сиёсат таъсири сақланиб келмоқда.

Аммо, ҳокимиятлар бўлиниши ёки унинг алоҳида тармоқларининг фаолияти тўғрисида Шарқ мутафаккирлари томонидан кенг қўламдаги таълимотлар яратилган. Албатта, балки уни том маънодаги ҳокимиятлар бўлиниши тамойили деб бўлмас, лекин, ўша даврга хос ёндашувларнинг илмий асослари ишлаб чиқилган. Масалан, XI асрда яшаб ижод этган Ғаззолий шундай ёзади: - «Бас, одам ҳамма ҳожатини ўзи тамом қилолмас. Ғайрига ҳожати тушган сабабдин халқаро хусумат пайдо бўлур. Ва ҳар киши ўз ҳаққига ризо бўлмай, бир-бирига қасд килурлар. Бу важҳдин яна уч сифатга ҳожат тушар. Бири салтанат ва сиёсат, яна бири қазо (қозилик) ва ҳукумат, яна бири сифат фикҳқим, мунинг бирла сиёсат ва салтанат қонунини халққа жорий қилғай»<sup>1</sup>. Кўриб турганимиздек, ҳокимиятлар тақсимоти масалалари назарий жиҳатдан асосланган. Бундай асос албатта ҳокимиятни бошқариш ва тасарруф этиш

<sup>1</sup> Ғаззолий З.М. Кимиёи саодат. -Т.: Камалак. 1994. Б. 64-65.

муаммоларидан келиб чиққан. Улар ўртасидаги мувозанат, вазифаларининг алоҳидалиги ҳокимиятларнинг самарали фаолиятига ҳаратилган. Мазкур муаммолар хусусида, Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мавардийнинг (974-1058) «Ал-аҳком ас-султония» (Ҳукмдорлик қонунлари), Ибн Халдуннинг (1332-1406) «Муқаддима», Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» номли асарларида бундай ғоялар илгари сурилган. Бу борада М.Имомназаров – «Қоидага кўра ислом дунёсида ҳукмдор фақат ижро ҳокимиятини бошқариб боради, қонун ишлаб чиқиш эса, мужтахид фақиҳлар вазифаси ҳисобланган. Судлов ҳокимияти ҳам мустақил равишда юрт қозилари томонидан амалга оширилган»<sup>1</sup> дейди. Дарҳақиқат, Ибн Халдун ва Форобийнинг асарлари моҳиятида диний ва дунёвий ҳокимиятлар бир-биридан фарқлаш ва ажратиш тарафдори бўлганлар. Давлат бошқариш ни дунёвий ҳокимият сифатида талкин қилинади.

Албатта, ҳокимиятлар тақсимоти ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Бу жараён сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-маънавий ғояларнинг ривожланиши, илм-фаннинг диний мутаассиблик устидан ғолиб келиши, теологик догма қараш ларнинг емирилиб бориши, шунингдек, монархия ва диспотик тузумга ҳарши кураш оқибатида вужудга келади. Шу тариқа XVII ва XVIII асрнинг бошларига келиб Ғарбда жуда катта сиёсий, ижтимоий, илмий ва ғоявий ўзгаришлар содир бўлдики, у бевосита ҳокимият бошқарув асосларига ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, Монтескьенинг таълимотига кўра суд ҳокимияти халқ манфаатини ҳимоя этишга ҳаратилган, ижро ҳокимияти монархияни, қонунчилик палатаси эса аристократияни ҳимоя этишга ҳаратилади. Унинг ёзишича ҳар бир ҳокимият умумдават функциясида маълум вазифаларни ижро этиши лозим. Аммо, бундай алоҳидалик мутлоқлаштирилмаслиги, улар ўз ваколатлари доирасида уйғун ҳаракатда фаолият олиб бориши назарда тутилган. Ҳокимиятлар ўртасида кучлар мувозанатини таъминловчи тизим яратилиши керак дейди<sup>1</sup>. Масалан, вазир қонунни бузадиган бўлса, қонун чиқарувчи орган томонидан жавобгарликка тортилиши, ўз ўрнида ижро ҳокимияти президент қафилигида қонун чиқарувчи органнинг таъсиридан ҳимоя этади. Чунки, президент қонун чиқарувчи органга нисбатан «вето» қўйиш ваколатига эга. Шу тариқа, Монтескье асарларида давлат институтлари фаолиятларининг асосий принциплари ўз ифодасини топган. У ёзади: «Қонун чиқарувчи ҳокимият референдум билан қифояланади, президентга вето қўйиш ҳуқуқи берилади, Конституциявий судни чегараловчи механизм бўлиб, икки палатали

---

<sup>1</sup> Имомназаров М. Адолат мезони // Жамият ва бошқарув. 1997. № 2. Б. 34.

парламент ҳисобланади. Ижро ҳокимияти фаолияти парламент ва унинг қонуности актлари таъсири билан чекланади. Шунингдек, президент ва ижро ҳокимиятининг ички бошқарув ваколатлари федерал ва ҳудудий ҳокимиятларга бўлинади. Суд ҳокимияти Конституция ва қонунларга бўйсиндирилади»<sup>1</sup>.

Аммо, шунга ҳарамасдан, Монтескьенинг Конституцион лойиҳасида ҳокимиятлар мувозанати ғояси етарлича аниқ кўрсатилмаган. Қонун чихарувчи ҳокимият етакчи ҳокимият этиб, ижро ҳокимиятини эса, Монтескье чекланган ҳокимият деб ҳисоблайди. Суд ҳокимиятининг фаолиятига эса ярим ҳокимият ваколати сифатида ҳарайди.

Кейинчалик ҳокимиятлар бўлиниши масаласи ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ривожлантирилди. Жумладан, Ж.Ж.Руссо асарларида Монтескьедан фарқли ўлароқ ижро, қонун чихарувчи ва суд ҳокимиятига халқ ҳокимиятининг ягона ва уйғун бўғини сифатида ҳарайди. Бундай ёндашув нафақат ҳокимиятларни умумий мақсадга йўналтиради, балки, турли даражадаги жамиятнинг ижтимоий қатламларини бирлаштиришга хизмат қилади. У, ҳокимиятлар, умумий бўлган давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя этишда яқдил бўлиши лозимлиги тўғрисидаги ғояларни илгари суради. Ана шундагина давлатнинг сиёсий ислохотлари шаклланади ва ижтимоий ҳаётда ўз ижросини топиб боради деб ҳарайди<sup>2</sup>. Айнан шу жиҳатдан Руссо Монтескьенинг ҳокимиятлар бўлиниши тўғрисидаги ғояларига ҳарши чиқади.

Айни пайтда, Руссонинг фикрича мустақилликни бўлиб бўлмайди, у яхлитдир. Шундан келиб чиқиб, ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили мутлақо мустақил ҳокимиятлар тушунчасини бермаслиги керак деб таъкидлайди. Унинг таъбирича, Монтескьенинг ҳокимиятлар мустақиллиги тўғрисидаги таълимоти жамиятда бошбошдоқликни келтириб чихаради деб танқид остига олади. Яъни, айрим ҳокимият қонун чихарса, бошқаси солиқ солса, яна бошқаси уруш эълон қилса, яна бошқаси суд ишлари билан шуғулланса, жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ўрнига зўравонлик ва ҳарама-ҳаршилик келиб чиқишини, айни пайтда, улар ўртасида мувозанат ва ўзаро ҳисобот механизмлари шакллантирилиши лозим эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, ҳокимиятларни бир-бирига ҳарши қўйиш эмас, балки, ваколатлари даражасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва бу ҳамкорлик маълум мувозанат ҳамда кучлар нисбатини таъминлашга ҳаратилиши бугунда ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб қонун чихарувчи ҳокимият мустақил халқнинг иродасини ифода этувчи орган сифатида барчага таълуқли

---

<sup>1</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. – М.: 1955. Стр-289.

<sup>2</sup> Жан-Жак Руссо. Трактаты. - М.: 1969. Стр-199

<sup>1</sup> Жан-Жак Руссо. Трактаты. - М.: 1969. Стр-201.

бўлган вазифаларни тартибга солиди. Қонунга итоат этувчи халқ унинг бунёдкорига айланади. Аммо, Руссо – «Баъзан нима фойда, нима зарарлигини билмайдиган саводсиз халқ қандай қилиб қонунлар тизимини яратиши мумкин» деган саволга тугал ва яхлит ҳуқуқий куч берадиган воситачи ҳуқуқшунос бўлиши лозим дейди. Ҳуқуқшунослар ҳокимиятга боғлиқ бўлмаган шахслардан танланиши тавсия этилади. Мақсад одамларга раҳбарлик қилган шахслар қонун устидан ҳукмрон бўлмаслиги, айти пайтда, қонунлар устидан ҳукмронлик қилган шахслар одамларга ҳокимлик қилмасликлари лозим дейди<sup>2</sup>.

Руссо ўз қарашларида бирон-бир бошқарув шаклини устувор деб билмайди. Масалан, у кичик миллий ҳудудлар учун демократик республика шакли тўғри келади, дейди. Ўртача давлатлар учун аристократик республика бошқарув шаклини тавсия этади. Улкан ва қудратли давлатлар учун монархия бошқарув шаклини афзал кўради. Аммо, Руссо учун бошқарувнинг шакли эмас, балки, ҳокимиятнинг табиати, хусусияти, халққа бўлган муносабати-яъни унинг ахлоқий масалалари муҳим бўлган. Шу тариқа Руссо ўз қарашларида ҳокимият фуқароларга аввало максимум эркинлик ва тенгликни яратиш бериши керак дейди<sup>1</sup>.

Айти пайтда, ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларига салбий муносабатдаги тарафдорлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг фикрига кўра (Е.Гросман, Ф. Садтен) ҳокимиятлар бўлиниши реал ҳаётда расмий хусусият касб этиб келмоқда. Бу борадаги мунозара ва баҳслар фақат конституция бандларида сақланиб келинаётганлигини рукач қилади ҳамда ҳокимиятлар бўлиниши борасидаги камчиликлар кўйидагиларда деб билади. Яъни, ҳокимият халқ учун ва халқники бўлса, унда ҳокимиятлар бўлиниши эмас, давлат органларининг функциялари алоҳидалигини таъминлашга эътибор ҳаратилиши лозим.

Тўғри, бугунги кунда мазкур мунозараларга ҳарамасдан, давлат органларининг функциялари тақсимооти ҳокимиятлар бўлиниши тамойили негизида амалга оширилмоқда. Чунки, масала нафақат ҳокимиятлар бўлиниши балки, улар ўртасида назорат механизмларини ташкил этиш киради. Яъни муҳолифатлилик асосларини ҳам яратиш тараққиёт гарови бўлиб хизмат қилади. Зеро, ҳокимиятлар бўлиниши тамойиллари масаласида қарашлар ва талқинлар турли бўлсада, аммо, ҳокимият яқка шахсга бўйсинса, эркинлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас деб ҳарайдилар<sup>2</sup>.

Мавжуд баҳс ва мунозаралар баробарида айтиш мумкинки, Фарб адабиётларида умумий бўлган, айти пайтда, амалда ҳокимиятлар бўлиниши масаласи қай тартибда амалга оширилиши

---

<sup>2</sup> Ўша асар. Б. 99

<sup>1</sup> Жан-Жак Руссо. Трактаты. - М.: 1969. Стр-204

<sup>2</sup> Қаранг: Фиджеральд Дж. Конгресс и разделение властей.

тўғрисидаги саволга аниқ назарий тавсиялари йўқ. Аммо, ҳокимиятлар бўлиниши тартиботлари ва жорий этилиши у ёки бу давлатларнинг ривожланиш хусусиятларига, жамиятнинг маданий ва иқтисодий салоҳиятига боғлиқ бўлиши, айти пайтда, субъектив омил сифатида расмий доираларнинг хоҳишига ҳамда қўшни давлатларнинг қандай сиёсий тизимига эга эканлиги муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб ҳокимиятлар бўлиниши принципларининг ташкил топиши, аввало, уни суистеъмол қилишнинг олдини олиш учун улар ўртасидаги кучлар мувозанатини таъминлашга ҳаратилган. Агар улар ўртасида кучлар мувозанати таъминланмаса, жамиятда эркинлик бўлиши мумкин эмас. Шунга мувофиқ, қонун чиҳарувчи ҳокимият парламентга, ижро ҳокимияти Президент ва Вазирлар Маҳкамасига, суд ҳокимияти эса одил судларга бўлинади. Айти пайтда бунга жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органлари ҳам киради.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойиллари демократик жамият қуришга интилаётган давлатларнинг энг бирламчи вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мавжуд тамойил жамиятда эркинликни таъминлаш, деспотизмнинг олдини олишга ҳаратилган. Шу жиҳатдан, қонун чиҳарувчи ҳокимият қонунларни қабул қилади, ўзгартиради, бекор қилади, бюджетни тасдиқлайди, ижро органини назорат қилади. Мавжуд ҳуқуқий давлат қурилишининг ташкил этилишидан мақсад жамиятда адолат, сиёсатда ахлоқий кадрятларни ҳарор топтиришга ҳаратилганлиги билан белгиланади.

Кўриб чиққанимиздек, ҳокимиятлар бўлиниши масаласида, бугунги кун мунозаралар мавжуд. Жумладан, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида президент ваколати қолган ҳокимиятлар даражасидан «кучли», «кучсиз», «меъёрий» бошқаруви ташкил этилиши лозимлиги тўғрисида турли қараш ларга эга бўлган баҳсталаб муаммолар бор. Яъни, бир томондан, кучли президентлик бошқаруви барҳарорлик гарови бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан, унинг кучайиши якка шахснинг қўлида ҳокимиятларнинг жамланишига олиб келади. Боз устига, парламентнинг қонуншунослик фаолиятини чеклайди.

Албатта, бугун мавжуд муаммоларнинг олдини олиш учун ривожланган мамлакатларда ҳокимиятлар ўртасида кучлар мувозанатини таъминловчи механизмлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Америка Конституциясига мувофиқ сенат президентга нисбатан импичмент эълон қилиш ҳуқуқига эга. Иккинчи томондан, сенат маслаҳати ва розилиги билан президент олий суд вакилларини тайинлаш ҳуқуқига эга. Ўз ўрнида суд барча ҳокимиятлар устидан конституцион назорат қилиш вазифасини амалга оширади. Яъни, суд

---

<sup>1</sup> Мигранян А. Механизм торможения в политической системе и пути его преодоления //Иного не дано. -М.,1988. Стр-105.



конгресс қабул қилган қонунларни, президент фармонларини, агар у Конституцияга хилоф бўлса, бекор қилиши мумкин.

Жанубий Корея суд ҳуқуқий тизимида ҳокимият бўлиниши принципларининг ўзига хослигини кузатиш мумкин. Жумладан, президент парламент розилиги билан Олий суд раисини тайинлайди. Қолган аъзолари Олий суд таклифи билан тайинланади. Олий суд ва унинг аъзолари камида 15 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим. Улар давлат юридик фанлардан имтиҳон топширишлари шарт. Ундан сўнг давлат малакавий курсларини ўташлари зарур қилиб белгиланган.

Жанубий Кореяда юстиция вазирлиги прокуратура тизими фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Бош прокурор президент томонидан тайинланади. Қолган прокурорлар юстиция вазири томонидан тайинланади.

Уларда Конституцион суд тўққиз аъзодан иборат бўлиб, учтаси парламент томонидан, яна учтаси Олий суд томонидан тавсия этилади. Конституцион суд раиси парламент розилиги билан Президент томонидан тайинланади.

Ҳокимиятлар ўртасидаги қучлар мувозанати Францияда ҳам ўхшаш. Масалан, прокуратура фаолиятини юстиция вазирлиги раҳбарлиги остида амалга оширилади. Бош прокурор бевосита юстиция вазирлигига бўйсунди. Японияда судлар 10 йилга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Номзодлар Олий суд томонидан тавсия этилади. Олий суд раиси император томонидан тайинланади. Судьяларнинг ишдан бўшатилиши махсус текширувдан сўнггина парламентнинг алоҳида органи ҳулосаси билан амалга оширилади.

Японияда суд, прокурор ёки адвокат бўлиш учун ниҳоятда қатъий тартиблар ўрнатилган. Жумладан, шу қасбга талабгорлар юстиция вазирлиги томонидан уюштирилган имтиҳонда иштирок этишлари лозим. Сўнгра махсус курсда тайёрланади. Курслар тугаллангач, яна имтиҳон топшириб, тегишли қасбга эга бўладилар.

Испанияда Конституцион суд 12 кишидан иборат. Улар ҳар бир палатадан 4 кишидан тавсия этилади. Ҳукумат 2 нафар, суд ҳокимияти бош кенгаши 2 нафар номзодлар кўрсатиб, Испания қироли томонидан тасдиқланади. Италияда ҳам Конституцион суд 15 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 5 нафари президент, 5 нафари икки палата ва 5 нафари Олий суд органлари томонидан тавсия этилади ҳамда 9 йил муддатга сайланади. Раис эса, Конституцион Суд аъзолари томонидан сайланади<sup>1</sup>. Ушбу давлатлар сиёсий тизимига эътибор берсак, аввало, улар моҳиятида ҳокимиятлар ўртасидаги қучлар мувозанати ҳуқуқий асосда тенг шакллантирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай шартда жамиятда эркинлик ва адолат тамойилларини ҳимоя қилишга ва бу йўлда демократик

---

<sup>1</sup> [http // sudreforma Samal кг. Фонд судебная реформа. 2004.](http://sudreforma Samal кг. Фонд судебная реформа. 2004.)

кадриятларни такомиллаштириб бориш мақсадлари ётганини кўраимиз.

Маълумки, собиқ иттифок сиёсий тизимида ҳокимиятларнинг бўлиниши буржуа назарияси сифатида салбий муносабатда ҳаралган. Аслида давлатнинг синфий табиатига мувофиқ социалистик жамиятда ҳокимият бўлинишини зид деб ҳаралган. Барча ҳокимият бўғинлари узвий равишда ягона партия иродасига ва бошқарувига бўйсундирилган. Давлат ва жамият фаолияти КПСС ҳарорлари билан юритилган. Суд ҳокимиятининг арбитражлик вазифаси ташкил этилмаган. Советлар органи эса, давлатнинг халқчиллигини ниқобловчи восита бўлиб хизмат қилган.

Масалан, бугунги кунда Россия давлат конституциясига мувофиқ ҳокимиятлар муносабати ва мувозанати кўйидаги кўринишларда ўз ифодасини топган. Жумладан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти муносабатида Президентга давлат Думасини тарқатиш, қайта сайловлар ва референдум ўтказиш, қонун лойиҳасини қиритиш, федерал қонуларни тасдиқлаш ҳамда эълон қилиш ваколатлари берилган. Худди шу тартибда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатлари мувозанат тариқасида ижро ҳокимияти фаолиятига қайта таъсир мурвати сифатида ташкил этилган. Яъни ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва президентни ўз вазифасидан озод этиш ваколати инobatга олинган. Аммо, қонун чиқарувчи ҳокимиятга нисбатан ижро ҳокимияти ваколатлари устуворлиги сақланиб турибди. Мана шу устуворликни неграллаштириш мақсадида РФ конституцияси 103 моддасида Президент тавсия этган ҳукумат бошлиғи номзодини тасдиқламаслиги ёки бутунлай ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин. Бундай имконият уч ой мобайнида ва уч номзодгача қайтарилади. Агар масалалар ўз ечимини топмасдан қолса, унда Президент давлат Думасини тарқатиши ва янги сайловларни ўтказиш ваколатига эга<sup>1</sup>. Мавжуд ҳолатдан хулоса чиқариш мумкинки, ижро ҳокимияти ваколати устувор бўлиб, қучлар мувозанати тўғрисидаги масала кўпроқ нисбий ва расмий кўринишга эга бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, инсоннинг «ҳар қандай эркин ҳаракати икки асосда вужудга келади. Биринчи асос ахлоққа асосланган ирода бўлса, иккинчиси, ушбу иродани амалга оширишга ҳаратилган жисмоний қучдир»<sup>2</sup> дейди Ж.Руссо. У жисмоний қуч сифатида ҳокимиятни назарда тутди.

Маърифий, очик жамиятда давлат сиёсати биринчи галда халқ хизматида ҳаратилган конституцияси билан ҳамоҳанг бўлган

---

<sup>1</sup> Конституция Российской Федерации. -М.: Юридическая литература. 1993. Стр-84.

<sup>2</sup> Жан – Жак Руссо. Об общественном договоре. -М.: Государственное социально-экономическое издательство. 1938. Стр-48.

бошқарувда сиёсат ва ахлоқ тамойиллари ривожлантирилади. Яъни, танланган йўл ва тараққиёт ҳамма учун аниқ ва амалда бажариш имконияти мавжудлиги билан белгиланади. Фуқаролар Конституциявий ҳуқуқлари орқали ҳамда унинг амалий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз манфаатларини бевосита ҳис қиладилар. Ҳар қандай жамиятда халқ ўз мақсад ва интилишларини, тақдирини, истиқболини давлат сиёсатида қанчалик аниқ кўrsa, унга шунчалик ихлос билан эргашади ва суянади. Уни ўз тақдирини билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса, олий кадрият сифатида қабул қилади. Натижада давлат сиёсати билан фуқаролар манфаатлари, жамият тараққиёти билан одамларнинг мақсад ва интилишлари уйғунлашиб, ягона ҳодисага айланади<sup>1</sup>. Айнан шундай назарий қараш давлат ва жамият бошқарувининг ахлоқий асосларини ташкил қилади.

Француз файласуфи Гельвиций бир пайтлар шундай деган: «Жамиятдаги нуксон–қусурларнинг кўплиги кишиларнинг қаҳр–ғазаб, арз– дод қилишида эмас, балки қонушносларнинг жоҳиллигига бориб тақалади: чунки улар хусусий манфаатларни умумий манфаатларга ҳарама – ҳарши кўядилар»<sup>2</sup>. Жамиятдаги нуксонларни йўқотиш учун хусусий манфаатларни умумий манфаатлар билан уйғунлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Аммо бундай жамиятда уйғунлик ўз-ўзидан ҳосил бўладиган жараён эмас. Аслида ҳар қандай давлатнинг Конституцияси шу халқнинг орзу - интилишларини ифода этувчи, қолаверса, унинг салоҳий куч - қудратини намоён этувчи маънавий истиқбол дастури бўлмоғи муҳим. Давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тажрибаларидан маълумки, энг долзарб муаммо бу ҳуқуқий муносабатларнинг етарли даражада такомиллашмаганлигидадир. Кўпгина мамлакатлар ижтимоий ҳаёти тажрибасидан кўриш мумкинки, қонунсизлик оқибатида ғайриахлоқий сиёсат шаклланган, ўзаро нотенг муносабатларни табиий тақдир тақозаси деб қараш тенденцияси ҳукмронлик қилган. Масалан, ярим аср муқаддам мустақилликка эришган Ҳиндистон ўз руҳий ҳарамлик ботқоғи сиртмоғидан чиқиши бугунгача оғир кечмоқда. Зеро, Ҳиндистон Конституциясига мувофиқ барча фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тенглиги белгиланган бўлса-да, ҳамон касталарнинг, уруғларнинг табақаланиши, шунга мувофиқ, жамият мулкларининг нотенг тақсимланиши сақланиб келмоқда. Биргина 1999 йилнинг ўзида касталар ўртасидаги хуфиёна ҳарама-ҳаршилиқлар туфайли давлат томонидан ажратилган миллионга яқин ишчи ўринлари тўлдирилмаган. Айни пайтда, барча касталар ва уруғлар учун давлат

---

<sup>1</sup> Жўраев Н. Саккиз йил сабоғи // Жакон адабиёти. 1999. № 9. Б. 5

<sup>2</sup> Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарк. 2002. Б. 100

корхоналарида, ўқув муассасаларида алоҳида тенг квоталар ажратилган. Хотин-қизлар, болалар масалаларида ҳам ҳамон XVIII ва XIX асрлардагидек салбий муносабатлар сақланиб келмоқда. Қизиги шундаки, Ҳиндистон бугун космосга учяпти, янги технологиялар яратяпти, япзи аҳолисининг саводхонлик ҳамда турмуш даражаси эса ниҳоятда паст<sup>1</sup>.

Бундай мисолларни бошқа Лотин Америкаси, Африка, Яқин Шарқ ва Осиё мамлакатлари ҳаётидан ҳам келтириш мумкин. Аммо ҳулоса шундай бўладики, агар давлат бошқаруви ва унинг қонунлари барча жамият аъзолари манфаатларига хос ҳамда мос тарзда ривожлантирилмас экан, ундай жамиятни ахлокий бошқарув деб бўлмайди. Айни пайтда, давлат сиёсати жамиятда қотиб қолган миллий менталитет билан боғлиқ қараш ларни уйғотиш, адолатни умуминсоний кадриятлар асосида ташкил этишда ўзини мажбурлаш воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Бунда давлат ўз сиёсатини мавжуд ижтимоий ҳолатга мос тарзда эмас, аксинча, қонунлар асосида ташкил этишга эришиши муҳим. Кўп ҳолларда давлат қонунлар жорий этади-ю, ички сиёсати эса, гуруҳлар манфаатига мослаштирилади ёки шу гуруҳлар таъсирида бўлади.

Хўш шундай экан, ҳокимиятнинг бўлиниши жамият ва фуқаро манфаатлари учун нима беради? Унинг демократик тамойиллари нималардан иборат?! Ушбу саволга жавоб тариқасида айрим мулоҳазаларни умумлаштирамиз.

**Биринчидан**, ҳокимият бўлиниши принципи жамиятда эркинлик ва адолат тамойилларини ҳимоя қилишга, демократик кадриятларни такомиллаштириб боришга ҳаратилади. **Иккинчидан**, сиёсий ахлоқ фуқароларнинг қонунларни қабул қилишдаги иштироки, уларга мувофиқ давлат ҳокимияти фаолиятини назорат эта олиш имкониятларининг мавжудлиги, жамиятда амалга оширилаётган барча жараёнларга нисбатан ўз муносабатларини билдира олиш ҳуқуқининг ташкил этилганлигида ўз ифодасини топади. **Учинчидан**, давлат бошқарувида ҳуқуқий муносабатларни барча жаҳаларда тартибга солиб турувчи аниқ ва содда бошқарув мурватларининг мавжудлиги билан жамиятда барҳарорликни белгиланади. **Тўртинчидан**, ҳокимиятлар бўлиниши принципларининг ташкил топиши, аввало, уни суистеъмол қилишнинг олдини олишга, жамиятда кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ҳаратилган. Агар улар ўртасида кучлар мувозанати таъминланмаса, жамиятда эркинлик бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда ҳокимият бўлиниши тамойилларига амал қилган ҳолда 2002 йил 27 январидида ўтказилган референдумга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси икки палатали парламент

---

<sup>1</sup> Юрлов Е. Президент Инди К.Р.Нараянан // Азия и Африка сегодня. № 4, 2001, Стр-47.

тизимига ўтказилди. Бундай ўзгариш тўғрисидаги харор мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги саҳифани очиб берди. Унинг натижаларига биноан Олий Мажлиснинг VIII сессиясида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Бу ҳужжатлар асосида Олий Мажлиснинг Х сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқлаб берди<sup>1</sup>. Мазкур амалга оширилган ислоҳотлар натижасида жамиятда ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатнинг ташкил этилиши таъминланди. Қонун чиқарувчи вакилларнинг нафақат масъулияти балки, профессионал даражаси ошди. Худудий манфаатлар ва уларнинг аниқ химоячилари вужудга келди. Ҳокимиятнинг монопол ва маъмурий усулидан ўзаро тенг ҳамкорлик механизмлари яратилди. Ижро ҳокимияти устидан депутат назорати қонунга мувофиқ ўрнатилди. Сенатр ва депутатни чақириб олиш, айни пайтда, унинг мақоми тўғрисида қонунлар жорий этилди. Амалга оширилган сиёсий ислоҳотлар жамиятда сиёсатнинг ахлоқий кадриятларга табора юзланиб борилаётганлигидан далолат бермоқда. Ҳокимиятлар муносабатида ошкоралик, изчиллик, соғлом муҳолифатчилик, партиялар ўртасида рақобатчилик ва бошқа кўплаб демократик тамойиллар ўз ҳарорини топиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

И.А.Каримовнинг «Биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида ҳараймиз»<sup>1</sup>, дейди. Давлат раҳбарининг адолат тамойилларига суяниши ва шу аснода демократик кадриятларни ривожлантиришга ҳаратилган интилиши бошқарувнинг ахлоқий асосларини такомиллаштиради ҳамда ҳуқуқий тамойилларга амал қилишнинг зарурий механизмларини ривожлантиришга имконият беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституция мамлакатимизнинг асосий қонуни, ҳаётимиз қомуси. Унда халқимизнинг адолатли давлатга, фаровон жамият қуришга интилаётган истиқболнинг асосий мезонлари мужассамлашган. Конституция миллий давлатимизнинг, жамиятимизнинг, барча фуқароларимизнинг бурчини, ҳуқуқини белгилаб берган. Энг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ХI сессия материаллари // Халқ сўзи, 2003,25 апрель.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон. 1999. Б. 16

асосийси, Конституциямиз турли миллат ва элатлардан таркиб тошган халқимизнинг тинч, тотув ҳаётининг ҳуқуқий асосларини кафолатлайди.

Албатта, белгиланган вазифалар ўз кўлами билан мураккаб ва зиддиятли ҳарама-ҳаршиликлардан иборат. Муаммонинг мураккаблиги ҳам шундаки, биз адолатли давлатда, эркин ва фаровон жамиятда яшашни хоҳлаймиз, аммо, ана шу хоҳишга эришиш турлича ёндашувлар таъсирида амалда оғир кечади. Аслида бу табиий жараён. Аммо давлатнинг вазифаси жамиятда турлича бўлган манфаатларни уйғунлаштириши билан белгиланади. Бунда ҳокимият ва шу мақсадга ҳаратилган унинг фаолияти ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатга муҳтож бўлади.

Бу борада сиёсий жараёнларни таъминловчи омил сифатида ислохотларнинг назарий тамойилларини амалга оширишда «фуқаро - жамият – давлат» муносабатларининг уйғунлигига эришиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 11 моддасига мувофиқ ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунда Ўзбекистонда демократик ва ижтимоий адолатга асосланган жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий негизи, аввало, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида ташкил этиш орқали эришиш белгиланган<sup>1</sup>. Шунга мувофиқ, давлат сиёсий тизимини ташкил этиш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади. Шу жиҳатдан ҳам Конституцияда белгиланган давлат ва жамият қурилишини амалда таъминлаш муаммоси долзарб вазифалардан саналади. Чунки, кучли ҳарор тошган ҳокимият тармоқлари фаолияти бўлмаса, қабул қилинган ҳарорлар амалга ошмай қолади. Бу эса қонуний ҳарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни турмушга тадбиқ этилишида маълум муаммоларни келтириб чиқаради.

Ушбу масалаларнинг моҳияти шунини кўрсатиб келмоқдаки, агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган сиёсий баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифаларни бажармаса, бу ҳолат, ҳеч шубҳасиз, шу мамлакатда авторитар бошқарув усулининг юзага келишига ва шу руҳдаги ҳарорларнинг қабул қилинишига олиб келади.

Натижада давлат ва жамият бошқаруви бўладими, иқтисодиёт ёки ижтимоий-маънавий соҳа бўладими, буларнинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1998. Б.11.

барчасида салбий оқибатлар, халқнинг норозилигига сабаб бўладиган нохуш вазиятлар вужудга келиши мумкин<sup>1</sup>.

Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган - ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-бирдан ажратиш тамойили амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳим. Давлат бошқаруви сиёсий институтларнинг демократик тамойиллар асосида мунтазам, барҳарор, сиёсий мувозанатини таъминлаган ҳолда ишлаши лозим. Ўзбекистонда сиёсий тизим тамойиллари ривожланган мамлакатлар билан ҳамоҳанг тарзда ташкил этилишига ҳаракат қилиб келинмоқда. Аммо бу борада икки асосий муаммолар мавжуд, деб ҳисоблаймиз. Биринчиси – жамиятда демократик ва миллий кадриятларни англаш даражаси билан боғлиқ бўлган муаммолар бўлса, иккинчиси - ҳокимият бўғинларининг алоҳида ва мустақил фаолиятини таъминлашга ҳаратилган ҳуқуқий негизларнинг такомиллашмаганлигида ҳамда бу борада эски ташкилий ёндашувларнинг сақланиб келинаётганлигида намоён бўлмоқда.

Маълумки, мамлакатда демократик ислохотлар ривожда белгиланган сиёсий йўналишларнинг моҳият мазмуни Конституцион қонунларга мувофиқ келиши шарт. Айнан сиёсий жараёнлар ташкилий тузилишининг Конституцияга мос келиши адолатли жамият томон қўйилган қадам имкониятларини очади. Бу борада тизимларнинг ўзаро функционал фаолияти белгиланган ҳокимиятлар ўртасидаги мустақиллик масаласи бизнинг назаримизда айрим таҳлилларни талаб қилади. Мавжуд муаммолар нималарда намоён бўлмоқда?!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий, Конституциявий, Хўжалик судлари раислари Президент томонидан тавсия этилиб, Олий Мажлисида тасдиқланиши 93-моддада белгилаб қўйилган<sup>1</sup>. Масалан, Америка Конституциясининг 11-модда 2 бўлимида ҳам сенатлар маслаҳати ва розилиги билан Олий Суд раисини тайинлайди. Бундай ёндашув халқаро демократик тамойилларга мос келади. Аммо, Ўзбекистон Конституциясининг шу моддаси 14-бандида «вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини Президент тайинлайди ва лавозимларидан озод этади»<sup>2</sup> дейилиши ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалда таъминлашга шароит яратмайди. Яъни, бу банд билан суд ҳокимияти ижро органининг тасарруфига киритилиб, унинг мустақиллиги нисбий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгилиниш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. Олий Мажлис саккизинчи

сессиясидаги маърузаси // Туркистон, 2002, 6 апрель.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. Б. 23.

<sup>2</sup> Ўша жойда. Б. 24.

кўринишга эга. Натижада мазкур банд куйи ижро органларидан бошлаб суд раисларининг тобеллигига олиб келмоқда. Суд мустақил ҳокимият сифатида сайлов ёки турли ҳокимият бўғинлари (вакиллари) иштирокида ташкил этилиши лозим.

Мавжуд номутаносиблик, назаримизда, айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, қонунни химоя қилувчи мустақил органлар ҳокимларнинг ижрочисига тобора айланаётганлигининг гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Суд идоралари амалиётда уларнинг фаолиятига тўғридан-тўғри аралашishi судьяларга ғайриқонуний таъсир, ҳатто тазйиқ ўтказиш ҳоллари рўй бераётгани кишини ташвишлантирмай қўймайди. Бу эса, энг аввало, ижроия ҳокимияти, прокуратура идоралари фаолиятларини тартибга солишни такозо этмоқда. Аслида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизими эҳромида суд энг юқори, ҳал қилувчи мақомга эга бўлиши лозим<sup>3</sup>.

Айнан шу номутаносибликка мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизими эҳромида суд судьяларнинг ижтимоий мавқеи ҳам анча паст. Пировард судьялар сафига салоҳияти ва малакаси етарли бўлмаганларни ҳам киритишга мажбур бўлади. Бу борада Ғ. Абидмажидов шундай маълумотларни келтиради: «Туман ва шаҳар судьяларининг 40 фоизи бу фаолият билан икки йилдан кам муҳлат давомида ишлаётгани, ўртача 10 фоизи судьялик лавозимлари доимо бўш эканлиги фикримизнинг исботидир. Айни пайтда судьяларнинг 57,1 фоизи ишда қийинчиликларга учраётганини, 42,9 фоизи иш ҳақи паст эканини, 14,3 фоизи судьялик уларга хуш келмаётганини билдирган»<sup>1</sup>. Мазкур ҳолат, албатта, шу тизим сафида ахлоқий - маънавий ва малакали етук мутахассисларнинг эмас, аксинча, эътиқоди заиф, носоғлом, ижрочи кадрларнинг кўпайишига олиб келади. Айни пайтда, софдил, эл - юрт манфаатини устувор билиб ишлаётган судьяларнинг ҳам иродасига салбий таъсир кўрсатади.

Аммо, таъкидлаш лозимки, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасида айрим ислоҳий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қабул қилинган янги таҳриридаги «Судлар тўғрисида»ги қонун мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, судларда иш кўрилишининг процессуал тартибларини мукамаллаштириш орқали фуқароларнинг суд химоясига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида муҳим кадам бўлди. Мазкур қонунда суд ҳокимиятининг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига ижро ҳокимияти аралашувининг олдини олиш мақсадида умумий юрисдикция судьяларнинг

---

<sup>3</sup> Қаранг: Бобоев Х. Судья мустақилми? //Жамият ва бошқарув. 2000. № 2. Б. 25.

<sup>1</sup> Абдумажидов Ғ. Судьянинг ижтимоий мавқеи // Моқият, 2003, 13 июнь



ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш масалалари бўйича тақдимнома илгаридек Адлия вазири томонидан эмас, балки Олий суд раиси томонидан киритилиши судьялар мустақиллигини таъминлашга асос бўлди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, ҳамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахннинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд ҳарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия этишда жамоат назоратини ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг фаолият юритиши тўғрисидаги норма киритилган. Ушбу қонунга мувофиқ, судьялар захираси судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар, ташкилотлар, судьялар жамоатчилиқ бирлашмалари аъзоларининг таклифи асосида судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан шакллантирилади. Судьялик лавозимига номзодлар ҳақидаги таклифлар суд департаментида жамлаб борилади, унинг зиммасига судьялик лавозимига номзодларнинг ҳужжатларини йиғиш ва тайёрлаш, суд кадрлари малакасини ошириш вазифаси юклатилган.

Умуман, Ўзбекистонда суд тизими соҳасида ва судьялар танлаш борасидаги йўналишлар ривожланган давлат тизимига яқин. Аммо бундай ёндашувлар охиригача ишланмаган. Масалан, Ш. Умарова - «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 70–моддасида судьяга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган<sup>2</sup>, дейди. Дарҳақиқат, агар масала Олий суд пленуми ваколатидан ташқари бўлса, унда судьянинг дахлсизлиги ва мустақиллиги анча нисбий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. 2005. 9 август.

<sup>2</sup> Умарова. Ш. Суд ислоқотлари йўлида //Жамият бошқаруви. № 2. 2004. Б. бет.

кўриниш касб қилади. Кўриниб турибдики, бу масалани, такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд.

Конституцион судни ташкил этиш масалаларида ҳам бирёқламалик мавжуд, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Конституцион суднинг барча аъзолари (7 киши) президент томонидан тақдим этилади ва Олий мажлис томонидан сайланади. Бунда ҳокимиятларнинг кучлар мувозанати тамойиллари инobatга олинмаган<sup>1</sup>.

Албатта, суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши ҳали шу бўғин самарали ишлаб кетди, деган тушунчани бермайди. Бу сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Аммо бундай қурилиш қанчалик мураккаб бўлса-да, уни жамиятга жорий этиш муҳим. Чунки инсон ҳуқуқи, миллат ор-номуси ва шаъни, ҳимояси билан боғлиқ бўлган ҳокимият тизимининг яқка ҳокимият ва айна пайтда, айрим шахслар иродасига боғлаб қўйилиши оқибатлари ниҳоятда оғир ва салбий иллатларга олиб келади. Натижанда жамиятда коррупция, сиёсий гуруҳбозлик қоидалари чуқур илдиз отадики, уни йўқотиш учун яна бир авлод умри керак бўлади. Бунда шундай мурватлар жорий этилиши керакки, судья виждонсиз бўлиши мумкин, лекин у инсонни ҳимоя қилишга, қонунни бажаришга манфаати ва жавобгарлик масъулияти уйғунлашмоғига эришиш лозим. Қолаверса, ушбу тизимнинг самарали фаолиятини судьянинг виждонига ҳам ҳавола қилиб бўлмайди. Бундай муносабат фақат изчил тизим ҳамда унга комплекс ёндашувнинг ташкил этилиши билан эришилади.

Қонун чиқарувчи органлар фаолияти масаласида ҳам айнан шундай номуносиваликни қузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» XXI бобининг 99-моддасида «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органи бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар»<sup>2</sup>, дейилади. Савол туғилади, ҳокимлар ижро ҳокимиятининг бўғини бўлса, қандай қилиб вакиллик органи бўла олади, айна пайтда, унга раҳбарлик ҳам қиладими? Аслида, маҳаллий ҳокимият органларига фақат ҳокимият қирмайди. Шу жиҳатдан маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида бу борада ҳали муаммолар бор. Масалан, ҳокимларнинг ҳам вакиллик, ҳам ижро

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси суди. -Тошкент. 1996. Б.10.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2003. Б.27

ҳокимиятига бошчилик қилиши ҳокимият бўғинлари бўлиниши принципларига зид келади<sup>1</sup>.

Конституциянинг 102-моддасида «Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади»<sup>2</sup>, дейилади. Бунда, бизнинг назаримизда, жумла ўзидан олдинги моддаларни мустаҳкамлашга ҳаратилган. Яъни «тайинлангач», «тасдиқлаш» мажбурийлик тушунчасини касб этади. Депутатларга танлаш ваколати берилмаган. Бундай ёндашув вилоят халқ депутатлари Кенгаши ҳамда унинг аъзолари ваколатларини ижро ҳокимиятига нисбатан пасайтиришга олиб келган. Агар демократик тамойил талабларидан келиб чиқсак, Президент номзодни тавсия этиши лозим, вилоят Кенгашлари тасдиқлаши эса мантиққа тўғри келади. Ёки ҳокимларни тайинлаш ваколатини бутунлай Президент тасарруфига бериш лозим. Худди шу аснода туман халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари ҳам чекланган. Ҳокимият бўғинлари ўртасидаги бундай номутаносиблик ҳокимларнинг мутлоқ яқка ҳукмронлигига олиб келмоқда. Масалан, вилоятларда раҳбарларнинг барча бўғинларда ва барча соҳалардаги суистеъмолчилиги билан боғлиқ салбий ҳолатлари, айни пайтда, уларнинг такрорий кўринишларини келтириб чиқармоқда. Аслида халқ депутатлари кенгашларининг ваколатлари кенг бўлса-да, конституцияга мувофиқ ҳокимнинг мутлоқ ҳамда чексиз ваколати уни чеклаб қўйган. – «Бир шахс қўлида, бир вақтнинг ўзида ижро органи бўлмаслиги лозим. Кенгашда алоҳида раҳбар бўлгандагина, у ўз назоратчилик функциясини бажара олади»<sup>1</sup>, дейди Ф. Солиев.

Ўзбекистонда ҳокимиятлар тизимига бағишланган Хайрулло Рузметовнинг «Ҳокимияты» деб номланган монографиясида Ўзбекистонда ташкил топган давлат ҳокимияти органларининг демократик ҳуқуқий асосларини очиб беришга ҳаратилади. Бунда муаллиф Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ ижро ва вакиллик органларининг қўшиб олиб бораётган хусусиятларини очиб беришга ҳамда бу борадаги ижобий масалаларга тўхталади. Аммо унинг фикрларида айрим баҳс талаб мулоҳазалар билдириш эҳтиёжи туғилмоқда. Жумладан, биринчи бобда профессор О.Хусановнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихида давлат бошлиғи фаолиятида, идора

---

<sup>1</sup> Хусанов О. Мустақиллик ва мақаллий ҳокимият. -Т.: Шарқ, 1996. Б.14.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2003. Б.27

<sup>1</sup> Солиев Ф. Вакилликми ёки ижро органи //Жамият ва бошқарув. 1999. № 1-2. Б.49.

органларида яккабошчилик муҳим хусусият ҳисобланган, чунки у масъулиятни оширар эди» деб ижро ва вакиллик органларининг кўшма фаолиятини ижобий ютуқ сифатида эътироф қилади. Яъни «Большим достоянием в государственном устройстве Узбекистана является созданный механизм взаимодействия представительной и исполнительной власти на местах. Это обеспечивается тем, что хоким назначается и утверждается из числа депутатов соответствующего Кенгаша народных депутатов, а также заместители хокима тоже могут быть депутатами соответствующего Кенгаша. Таким образом, через участие руководителей органов исполнительной власти в работе своих Кенгашей в качестве их полноправного члена – депутата, осуществляется взаимодействие двух ветвей власти. Это очень важно, когда в условиях принципа разделения властей необходима избрать возникновения непреодолимых разногласий в деятельности местных органов государственной власти»<sup>2</sup>, дейди. Биринчидан, ўзбек давлатчилиги тарихида яккабошчилик давлат бошқарувининг монархия шакли билан боғлиқ бўлган. Уни бугунги бошқарув билан қиёслаш ва унинг муҳим хусусият сифатида оммалаштириш қанчалик тўғри бўлади! Қолаверса, Амир Темур давридаги бошқарув ҳам Кенгашга асосланган. Биз олишимиз лозим бўлган сабоқ ҳам ана шунда. Ўзбек давлатчилиги тарихида бошқарув кенгашга, адолатга ва миллий кадриятларга асослангандагина юксалишга юз тутган. Қолган сўнги аср давр давлатчилиги тарихи ўз кадриятларига асосланмаганликлари учун ўзаро уруш ва ихтилофларга ботгани бизга аён.

Иккинчидан, депутатлар ичидан тайинланган хоким, айни пайтда, иккала ҳокимият фаолиятини уйғунлаштириш улар ўртасидаги бўлиниш тамойилларини қандай қилиб таъминлайди?! Боз устига муаллиф ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига мувофиқ, давлат органи маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятида ҳарама-ҳаршилиқни вужудга келишининг олдини олади деб ўз фикрини асослашга уринади. Ҳокимиятларнинг кўшиб олиб борилиши уларнинг бўлиниш тамойилига мутлақо зид-ку! Ҳокимиятлар ўртасида кучлар мувозанати таъминланиши - бу ривожланиш қонунияти, усиз тараққиёт бўлмайди. Масала, уни соғлом муҳолифий муносабатларда ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ташкил этмоқ лозимлигида ётади. Ваҳоланки, муаллиф бу борадаги Америка ва Германия мамлакатлари тажрибасини мисол сифатида тўғри келтиради. Аммо, ушбу муносабатларнинг таҳлилини нотўғри чиҳаради. Масалан, Германияда бургомистр иккала ҳокимиятга раҳбарлик қилса-да, у кенгаш олдида ҳисобот беради. Чунки, у сайлов орқали ҳокимият бошқарувига келган. Иккинчи томондан, турли аҳоли қатламлари томонидан сайланган бургомистр ўз

---

<sup>2</sup> Рузметов Х. Ҳокимияты. – Тошкент. 2004. Б. 4-13.

фаолятини мустақил ва яккабош раҳбар сифатида олиб боришга ваколатли ҳисобланади. Керак бўлса, маълум сабабларга кўра ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ҳулосаси билан кенгашни ҳам тарқатиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳудди шундай имконият кенгашда ҳам мавжуд. Агар бургомистрнинг фаоляти қониҳарсиз бўлса, уни қайта сайлаш механизми мавжуд. Шунинг учун кучлар мувозанатини таъминлаш орқалигина яккабошчиликнинг легитимлиги тўғрисида гапириш мумкин. Шунчаки яккабошчилик бошқаруви мутлоқ масъулиятдан узоқлашган якка ҳукмронликка олиб келади.

Аммо, Х.Рузметов 1993 йил 2 сентябрдаги «Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида ҳокимиятларнинг фаолятини, унинг ташкилий тузилиши ҳамда ҳуқуқий асосларини чекловчи айрим нуқсонларни келтиради. Ҳужумдан олим, ҳокимларнинг тасдиқланиши ва ўз вазифасидан озод этилиши масаласига тўхталади. Яъни, Конституциянинг 102, 103-модда ва «Туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади» ва кейингисида ҳокимлар ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширишлари кўзда тутилганидек, бошқа органлар билан келишувсиз бўлиши лозимлигига асосланади. Аммо, амалда улар Президент девонининг кўрсатмаси билан тайинланиши ёки вазифасидан озод этилиши ушбу қонунларга зид келаётганлиги тўғрисидаги ҳулосаларни келтириб ўтади. Айни пайтда, марказлашган бундай ёндашув маҳаллий ҳокимият, ҳокимларнинг фаолятини сустрлаштиришга ҳамда ҳокимиятни босқичма – босқич маҳаллий органларга бериш тўғрисидаги демократик ғояларга амал қилинмаётганлигига эътибор ҳаратади<sup>1</sup>.

Албатта, бундай ҳолат бир қанча носоғлом ёндашувларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Ҳокимлар ваколатининг ҳуқуқий жиҳатдан мавҳум, баъзан ноаниқлиги жойларда ҳуқуқсиз муносабатларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Яъни, мустақил фаолият учун ваколат ҳамда қафолат йўқ. Шундай бўлгач, ҳоким мустақил ислоҳотларни олиб бориш ўрнига унинг шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлаб турган Президент девони олдида ҳисобот бериш билан чекланади. Гарчи уни Кенгаш тасдиқласа-да, у Кенгашга – халққа ҳисобот бермайди. Бундай муносабатлар муаммонинг иккинчи тарафини ташкил этади.

Мазкур ҳолат ҳокимларни назоратсиз қолдириб, мутлоқ дахлсиз шахс даражасига чиқариб қўймоқда. Иккинчидан, умуман, Кенгашларнинг маҳаллий ҳокимият сифатидаги ўрни, жамият ривожига таъсири ва мавжуд конституцион нормаларга мувофиқ халқнинг иштирокини таъминлаш мураккаблигича қолиб келмоқда.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Рузметов Х. Ҳокимияты. - Тошкент. 2004. Б 57-58-59.

Масалан, Президент И.А.Каримов Андижон вилояти фаоллари билан бўлган учрашувида ҳоким раҳбар шахснинг сиёсий тизимга салбий таъсирини танқид қилиб шундай дейди: «Яқинда вилоят суди раиси лавозимига янги номзод тайинлашда вилоят ҳокими бу вазифага ўз одамани қўйиш учун оёқ тираб олганини қандай тушуниш мумкин? Агар биз ҳокимият тармоқларининг бўлиниш тамойилларига амал қилмасак, ҳар қайси ижроия ҳокимият раҳбари ҳокимиятнинг бошқа тармоғи ишига бундай ўзбошимчалик билан аралашишга уринадиган бўлса, у ҳолда, ҳаётда адолат у ёқда турсин, оддий тартиб-интизомни ўрнатиб бўладими? Мана шундай вазиятда одамлар, фуқаролар дардини кимга бориб айтади? Шунинг учун барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳоким ҳокимлигини қилсин, суд-судлигини. Шундагина ҳаётда тартиб бўлади, адолат бўлади»<sup>1</sup>.

Ҳокимиятлар ва ҳокимлар тўғрисида профессор Р.Жумаев қўйидаги хулосаларни билдиради: «Ҳокимларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларининг ҳаддан ортиқ кенгайтирилиши фаолиятларининг объектив равишда кучайишига олиб келади. Натижада ташкил топган «худудий князлар», демократик тарзда сайланган халқ ҳокимияти ҳамда ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида муносабатларнинг зиддиятлашувига олиб келиши табиийдир»<sup>2</sup>, дейди. Тўғри, бугунги мавжуд ҳуқуқий асосларнинг такомиллашмаганлиги ҳам шунда. Аммо олим масаланинг иккинчи томонини ҳам эътибордан қолдирмайди. Жумладан, у шундай дейди: «Охириги йилларнинг тажрибаси шунни кўрсатяптики, республикада пайдо бўлган ушбу муаммоларнинг мавжудлиги вакиллик органларига ҳарама-ҳарши қўйилмаган, аксинча, ҳокимиятларнинг барча жараёнларда бевосита таъсири республика худудида қонун ва фармонларнинг бир мунча тез ва аниқ бажарилиши, иқтисодий ва ижтимоий дастурларнинг бажарилишига, худуд аҳолиси талаби ва манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этилишига ҳаратилган»<sup>1</sup>, дейди. Ушбу фикрларни таҳлил этадиган бўлсак, албатта, уларнинг ижобий томонларини ҳам ажратиш мумкин. Яна шунча камчиликларини ҳам санаш мумкин. Агар биз ҳокимият ва ҳокимлик қилувчининг табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳокимият ва унинг имкониятлари берилмайди. Аксинча сиёсий жараёнлар вазияти ҳокимият томонидан ҳокимият манфаатларига бўйсунтирилади. – «Шунинг учун у ўзининг ҳатто энг кичик функциясини нодавлат ёки жамоат ташкилотларига, ол энди сен бошқар, - деб осонликча бериб қўявермайди. Балки, жамият ҳаётида

---

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Эл-юртга қалол, виждонан хизмат қилиш-қар бир рақбарнинг муқаддас бурчи //Халқ сўзи 2004, 26 май.

<sup>2</sup> Жумаев Р. Политическая система Узбекистана : Становление и развитие -Т.: Фан. 1996. Б.77.

<sup>1</sup> Ўша жойда. Б.77.

уни «мажбур» этадиган вазият ва имкониятлар юзага келган шароитларда ўзининг айрим функцияларини бериши мумкин», дейди С.Отамуродов<sup>2</sup>.

Аммо, ёндашув моҳият-мазмуни билан эътироф этилган ва амалда ўз самарадорлигини исботлаган илмий тамойиллар негизда қурилиши лозим. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VIII боб 32 моддасини амалда таъминлаш, аниқроғи, уни англаш масаласи анча оғир кечмоқда. Бунда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқариш да бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»<sup>3</sup>, дейилади. Кўриниб турибдики, ягона шахсга бўйсундирилган ҳокимиятлар фаолияти халқнинг халқ вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқариш да бевосита иштирокини ҳамда давлат органларини демократик тарзда ташкил этишнинг имкониятини бермайди ёки ўта нисбий кўринишга эга. Чунки сиёсий партияларнинг ва жамоат ташкилотларнинг ҳокимиятларни шакллантиришга ҳаратилган кучлар мувозанати ҳам ўта нисбий ва ожиз шароитда ҳуқуқлаштирилган. Маълумки, ҳокимият фақат сайловлардагина шакллантирилиши лозим. Бу - демократиянинг талаби. Ҳокимиятни эркин сайловларда эмас, балки ҳокимият томонидан шакллантириш - бу сиёсий адолатсизликнинг яққол кўринишидир<sup>1</sup>.

Жамиятда яна унинг устига мустамлака тоталитар сиёсат таъсирида бўлган мамлакатда бир зумда демократик тартиботларни ўрнатиш мумкин эмас. Аммо адолатли жамиятга интилган давлатнинг ҳуқуқий асослари танланган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Токи ундан ғайридемократия тарафдорлари фойдалана олмасинлар. Айнан шу ўринда айтиш мумкинки, сиёсий режим авторитар бўлиши мумкин, аммо сиёсий тизим ва унинг институтлари авторитар бўлиши ахлоқсиз ҳодиса. Зеро, ўтиш даври учун Конституция ёзилмайди. Конституцияда хуррият ва эркинликка интилаётган халқнинг келажак истикболига эришиш йўллари мужассам бўлмоғи ва барча фуқароларни унга сафарбар этмоғига асосий эътибор ҳаратилади.

Аммо, янги қабул қилинган ҳужжатларда ҳам ҳокимиятлар бўлиниши тамойили таъминланмаган, деб ҳисоблаймиз. Жумладан,

---

<sup>2</sup> Отамуродов. С. Миллий ривожланиш фалсафаси. -Т.: Академия. 2005. Б.308.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т. Ўзбекистон. 2003. Б. 8.

<sup>1</sup> Холбеков А. Сайловларга тайёрмизми?! //Фидокор. 1999, 10-ноябрь.

давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва унинг мансабдор шахсларини танлаш ва сайлаш масалалари тўлиқлигича юқори палата ихтиёрига тоштирилган бўлиб, Қонун чиқарувчи палата ваколатида деярли тўрт банддан бошқа ваколат йўқ.<sup>2</sup> Шундай қилиб партияларнинг ҳокимиятни шакллантириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим функцияси эътиборга олинмаган. Хулоса қилиш мумкинки, Қонунчилик палатаси ваколати Сенат палатаси ваколатлари билан тенг эмас. Яъни Сенат ҳокимият ва унинг бўғинларини шакллантиради, аммо, кўппартиявийлик асосида шаклланган депутатлар сиёсий тизимга таъсир кўрсатиш ваколатига эга эмаслар.

Ривожланган демократик мамлакатларда парламентлар мустақил равишда мамлакатнинг ижтимоий ҳаётига самарали таъсир этувчи тизимга айлангунга қадар кўпроқ беҳарор ижтимоий ташвишларни туғдириб келган. Фақат маълум тажрибалардан сўнггина жамиятнинг реал ва идора кучига айланган. Лекин ҳозирги шароитда давлат бошқарувини ҳокимиятлар бўлиниши асосида ташкил этишдан ўзга рақобатдош бошқа усул йўқ. Ушбу соҳада ҳокимиятлар тақсимооти муаммосини амалий жиҳатдан таъминлашнинг мувозанатини яратувчи қандай таклифлар мавжуд?! Бу борада Президент И Каримов - «Барчамиз бир ҳақиқатни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин - барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суистеъмол қилишга, коррупцияга ҳарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волонтаристик ҳарорларни қабул қилишнинг олдини олишга ҳаратилган чоратadbир, деб тан олинади»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Албатта, ўтиш даврида сиёсий институтларнинг шаклланмаганлиги, иқтисодий инфраструктураларнинг заифлиги Конституцияга мувофиқ инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш оғир келади. Шу сабабдан ҳам ҳокимият кўп ҳолларда масалани ҳокимият кучи таъсири ёрдамида амалга оширишни афзал деб билади.

---

<sup>2</sup> Халқ депутатлари мақаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекситон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Халқ сўзи. 2005. 27 январь.

<sup>1</sup> Каримов И. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. Ўзб. Рес. Олий Мажлиси иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясидаги маърузаси // Туркистон газетаси. 2002. 6 апрел сони. № 43.



Ўзбекистон ижтимоий - сиёсий ҳаётини ҳолис ўрганган олим Леонид Левитин ўзининг Конституция борасидаги фикрларини қўйидагича таърифлайди: «Менинг назаримда Ўзбекистон ўзининг конституциясига янги тахририни қабул қилиши, ҳеч бўлмаганда, конституцион ўзгаришларни киритиши лозим бўлади. Бугун бўлмаса, эртага»<sup>1</sup>. Олим ўз фикрини давом эттириб конституциянинг муқаддаслигини сақлаган ҳолда у инсон манфаатлари устуворлигига урғу беради. Тўғри, бугунги кунда, айниқса, шиддат билан ўзгараётган ижтимоий турмуш янги талабларни қўймоқда. Ва унга ҳамоҳанг тарзда янгича ёндашувда бўлишимизга масъулият юклайди. Шу тариқа давлат ва жамият бошқарувининг ахлоқийлигини таъминлаш мунтазам равишда ижтимоий муолажаларни талаб қилади. Чунки ҳаётнинг ўзи доимий ўзгаришда ва бундай ўзгаришлардан ортда қолиш ижтимоий ахлоқсизликни келтириб чиқараверади.

Президент И.А.Каримов Конституциямизда белгиланган давлат ва унинг вазифасига берган назарий таърифи ҳуқуқий давлатчилик қурилиши борасида айрим камчиликларимизнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Жумладан: «Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида гапирганда, Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратиш тамойили амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Келинг, ўзимизга шундай савол берайлик: бу тизим қанчалик самарали ишламоқда, бу тизимнинг ҳар бир бўғини ўз зиммасига юклатилган вазифаларини ва бурчларини қандай бажармоқда? Тўрачилик, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, порага соғилиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда?»<sup>2</sup> дейди ва бу борадаги муаммоларни ечиш учун қўйидаги таклифларини билдиради. **Биринчидан**, давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида уларга ўхшатиб такомиллаштириш. Бу тўхтовсиз давом этадиган жараёндир. **Иккинчидан**, кадрлар масаласини ҳал этиш. Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим; **Учинчидан**, ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало, сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириши лозим;

---

<sup>1</sup> Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. -М.: Вагиус. 2001  
Стр-235

<sup>2</sup> Каримов. И. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон.  
1999. Б. 25

**Тўртинчидан**, халқ ноиблари ва раҳбарлар ўз сайловчилари олдида ўз вақтида ҳисобот беришлари ҳам ҳарз, ҳам фарздир, дейилади<sup>1</sup>.

Демократик жараёнлар фаолиятига мувофиқ ислохотларнинг ташкил этилиши мураккаб бўлса-да, ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиб, такомиллашиб боришига имконият яратади. Зеро, адолатли давлатга интилган жамиятнинг ахлоқи қабул қилган қонунларнинг амалда жорий этилишини таъминлай олганликлари билан белгиланади. Чунки давлат қурилишида бир-бирига боғлиқ бўлган демократик жараёнларни айри ҳолда ривожлантириш бирёқлама оқсоқликни келтириб чихараверади. Демократик кадриятлар ҳимоясида бўла олмаган сиёсий тизим шароитида коррупцион гуруҳлар сонини орттириб боради ва улар ҳеч қачон адолатли жамият асосларини мустаҳкамлаш тарафдори бўлмайдилар.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар тажрибасидан маълумки, фуқароларда давлатни демократик тамойиллар асосида бошқариш малакаси вужудга келиши керак. Демократик бошқарув малакаси эса ижтимоий-амалий тажрибаларда шаклланади. Жамиятда маълум малакаларга кўникмаган фуқароларнинг, эртага демократия ўрнига анархияни қўлламасликларининг афсуски, кафолатлари йўқ! Бу масаланинг бир томони, аммо, масаланинг яна бошқа фалсафий томони мавжуд. Яъни, Жан Жак Руссо «Миллатларда одамларда бўлгани каби ўсмирлик даври сўнгра вояга етган даври бўладики, уларни қонунга бўйсундиришдан аввал кутиш лозим бўлади. Лекин миллатнинг вояга етганлигини аниқлаш доимо ҳам осон бўлмайди. Айниқса, балоғат даври тез келса, барча меҳнат зоя кетади. Шунинг учун айрим халқлар мавжудлигиданок интизомга лаёқатли бўладилар. Баъзилари эса ўнлаб асрда ҳам бундай интизомга эриша олмайдилар»<sup>1</sup>, дейди. Шунинг учун ҳам аслида демократияни танлаган давлатлар кўп бўлса-да, унга эришган халқлар санокли ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ўзбек миллати улкан тарихий синов остонасида турибди.

Шубҳасиз, жамиятнинг маълум бир маънавий ахлоқини белгилловчи ва шу тартибда сақлаб турувчи меъёр бўлиши керак. Зеро, давлат бошқарувида кучлар нисбати ва мувозанатини таъминлашга ҳаратилган аниқ механизмлар бўлмас экан, фақат истак билан жамиятда адолатни ўрнатиб бўлмайди. Аслида жаҳон мамлакатлари тажрибасидан хулоса қилсак, айнан аниқ мақсадли

---

<sup>1</sup> Каримов. И. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон. 1999. Б. 25

<sup>1</sup> Жан – Жак Руссо. Об общественном договоре. -М.: Государственное социально-экономическое издательство. 1938. Стр-38.

сиёсий технологиялар асосида давлат бошқарувини ташкил этиш сиёсий ахлоқни такомиллаштириб, фуқароларни ягона мақсад йўлида мажбурий равишда бўйсундиради. Бундай тобелик ихтиёрий мазмун касб этади. Шунинг учун жамиятда сиёсий институтлар тизимини яратмасдан туриб эркинлик бериш, албатта, анархияга олиб келади.

Шундай қилиб, шахс эркинлиги ва ҳуқуқи, жамиятнинг ҳуқуқий тартиботи, давлат сиёсатининг конституциявийлиги қонунларда ташкил этилиши билан ҳарор топмайди, улар фақат кафолат беради. Қонунлар асосида яшаш халқ, миллат зиёлиларининг фалсафасига, маърифатига шу орқали руҳий эҳтиёжига айланиши зарур. Афсуски, энг устувор иллатларимиздан бири, ўзимиз қабул қилган тартибга ўзимиз рия этмаймиз. Тирикчилигимиз билан ахлоқсиз, ғайридаврий ҳаракатларимизни баъзан оқлаймиз. Бундай муносабат, шубҳасиз, демократик ислохотлар билан боғлиқ ҳаракатларимизга салбий таъсирини ўтказди. Ҳуқуқнинг амалий таъсирига ва унинг самарасига шубҳаланган инсоннинг ҳуқуқий онга ва маданиятга бўлган эҳтиёжи йўқолади. Ҳуқуқнинг мавжудлигига қанча ишонтирмайлик, инсон ўзи учун осон, норасмий воситалардан фойдаланади. Бундай шароитда жамиятда ҳуқуқий тизим фаолиятини таъминлаш ниҳоятда оғир кечади.

Ҳуқуқий маданият эса, бевосита ҳокимиятларнинг фаолиятига, ташкилий қурилишнинг моҳиятига таъсир кўрсатади. Агар жамиятда соғлом тафаккур ва ягона мақсад ҳукмрон бўлмаса, сиёсий институтларнинг мавқеи нисбий кўриниш касб этади. Ва бунда мавжуд сиёсий шароитни айблаб бўлмайди, ижтимоий ҳаёт ҳуқуқий маданиятимизнинг маҳсули бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан – «Қонунлар ишлаши учун ҳам сиёсатни маънавият билан уйғунлаштириш керак»<sup>1</sup>, дейди профессор И.Эргашев. Дарҳақиқат жамиятда қонунлар одамлар майлига ҳараб эмас, ахлоқий кадриятлар талабига мувофиқ ташкил этилиши лозим. Одамларнинг ризолиги фақат ахлоқий қоидалар нуқтасида бирлашади. Аксинча, барчани бирдек истак ва хоҳишларини қондириб бўлмайди. Ахлоқий кадриятлар бевосита давлат қонунларида ўз аксини топиши ва шу қонунлар асосида ижтимоий муносабатларни ташкил этишга эришиш сиёсатда маънавий муносабатларнинг рағбатини шакллантиришга хизмат қилади.

Жамият бошқарувида қонунга мувофиқ мажбурийлик сиёсий ахлоқ нуқтаи-назаридан демократик тамойилларга мос келади. Жорий қилинган қонунлар амалда қандай бажарилади,

---

<sup>1</sup> Эргашев И. Зиёлилик масъулияти. //Қонун қимоясида. 2003. № 2, Б.7

бажарилиши жараёнида қандай тўсиқларга дуч келади, ундан қайси мақсадларда ва қайси томонлар кўпроқ фойдалана олади? Қонуннинг турли ижтимоий кучларга нисбатан таъсири ёки салбий томонлари нимада, қолаверса, қонун ижтимоий жараёнлардан қанча масофада орқада қоляпти?! Умуман, улар мониторингни қай даражада ташкил этилган? Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қонуншуносларнинг энг муҳим вазифаси у ёки бу қонун амал қилаётган ижтимоий муҳитга тўғри баҳо бера олишдан, муайян норма учун жамиятда объектив ва субъектив шарт-шароитлар вужудга келганлигини аниқлашдан, ҳуқуқий қоидалар ўз таъсирини ўтказган воқеа ва ҳодисаларнинг тадрижий ривожланишини таҳлил этишдан иборат<sup>1</sup>. Аммо, яна бошқа муммоларни инобатга олишга ҳам тўғри келади. Яъни, мутахассис қайси пайтда ижтимоий муҳитга тўғри баҳо бера олади? У объектив ва субъектив сабабларни таҳлил этишдан қанчалик манфаатдор? Бу борада айрим муаллифлар бугунги кунда ҳуқуқшунос - сиёсатшунос, ҳуқуқшунос - иқтисодчи, ҳуқуқшунос - психолог, ҳуқуқшунос - журналист каби мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб тўғри таъкидлайдилар<sup>2</sup>. Аини пайтда, бундай касбий уйғунлик давлат ва жамият бошқарувида муаммоларни турли таснифлар асосида таҳлил қилишни ҳамда амалий хулосалар чиқаришнинг имкониятни кенгайтирган бўлур эди.

Давлат бошқарувини аниқ, мукамал, содда ва қатъий қонунлар асосида амалга оширишга интилиш фуқароларни ҳам шу интизом асосида тарбиялаш, унга риоя этириш, сафарбар этиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга олиб келади. Инсон ўз ҳуқуқларини билиб, англаган ҳолда ижтимоий ҳаётнинг бунёдкорига айланади. Агар инсонда мажбурийликдан ҳуқуқийликка ўтиш салоҳияти етарли бўлмаса, у мажбурийлик таъсирида қолиб келаверади. Шу ўринда мутафаккир олим, К Поппернинг фикрлари ибратли, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, у шундай дейди: «Агар инсон бўлиб қолишни истасак, олдимизда фақат битта йўл бор. Бу очиқ жамият йўли. Биз барча мавжуд ақлий салоҳиятимиздан фойдаланган ҳолда номаълум, мураккаб, баъзан хавфли йўлда эркинлигимиз ва хавфсизлигимизни иложи борича таъминлаб боришдан тўхтамаслигимиз лозим»<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, миллат, инсон ўз эркинлигини англаши ва шу эркинликни идора этиш эътиқодига ҳамда салоҳиятига эга бўлолсагина ахлоқий кадрятлар унинг камолига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг; Назаров Й., Рўзиназаров Ш. Мустақиллик куқуқ демақдир. -Т.: Ўзбекистон. Б. 40.

<sup>2</sup> Ўша жойда. Б. 40.

<sup>3</sup> Поппер К. Открытое общество и его враги. -М.: Культурная инициатива. 1992. Стр-167.

Мазкур келтирилган мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда кўйидаги хулосаларга келамиз;

**Биринчидан**, давлат органлари бошқарувини сиёсий ахлоқ тамойиллари асосида таъминлаш ва шарт-шароитларини аниқлаб олиш лозим. Бунда Конституциямизга мувофиқ ҳокимият тармоқларининг бўлиниш тамойили амалий фаолиятларда жамият учун очиқ ҳамда адолатпарвар хусусиятларини намоён этмоғи муҳим. Бундай хусусият ҳокимиятлар томонидан чиқарилаётган барча ҳужжатлар, шартномалар, битимлар, ислохотларнинг ижроси, молиявий таъминот ва ҳаражатлар матбуотларда эълон қилиниб борилиши билан белгиланади. Ҳокимият тармоқларининг мавжуд қонунлари негизида собитқадамлиги ва ошкоралиги барча давлат органларининг ахлоқий фаолиятини ташкил этишда таъсирчан мурват бўлиб хизмат қилади. Ундан чиқди, мазкур ҳокимиятларнинг фаолиятлари ахлоқийлигини таъминлаш учун кенг маънода ошқора таҳлил ва маълумотга эга бўлишнинг ҳукуқий кафолатлари яратилиши лозим. Яъни, жамоатчилик томонидан ҳокимият тармоқлари фаолияти билан боғлиқ барча маълумотларни эркин олишга ҳаратилган қонунлар зарур.

**Иккинчидан**, Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлик топиши учун ҳали замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларнинг қабул қилиниши, жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур. Ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими - умуман, мансаб курсида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим. Айниқса, нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур<sup>1</sup>.

**Учинчидан**, ўтиш даврининг айрим табиий ҳодисалари демократик жамият қурилиши борасидаги муаммоларимизни олдида оқловчи дастак бўлмаслиги керак. Ривожланиш даврининг ўзига хос қонуниятларига амал қилинмаслик ва демократик жараёнларни бошқарадиган тизимни мустаҳкамламаслик оқибатида унинг муаммолари жамланиб кейинги давр учун муаммо сифатида сақланиб қолишига сабаб бўлади. Ҳар бир авлод ўз даври олдида қўяётган вазифаларни кўрқмасдан удалай олсагина, маълум

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикасининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2002, 6 декабрь.

мақсадга эриша олади. Зеро, одамлар бугун ҳуқуқий давлатда яшаш малакаларини оширмаса, уларнинг эртага ҳуқуқий давлат кура олишларига қандай қафолат бор?! Ҳуқуқий муносабатлар ахлоқ сифатида ворисий кўникмаларни ўзида жамлаши ва кейинги авлодни тарбиялаш воситасига айланиши лозим. Ҳуқуқий маданият масалалари бир кунда ёки бир йилда амалга ошадиган иш ҳам эмас. Ундан чиқди, ҳокимиятни босқичма-босқич фуқаролик институтига берилишини яқунлаш лозим. Айнан ана шундай жараёнлар фуқароларда маданият ва масъулият мезонларини вужудга келтиради.

**Тўртинчидан**, сиёсий ахлоқ категориялари ҳокимият бўғинларининг фаолиятларини демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий қафолатларини белгилаш муаммонинг илмий асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Албатта, ҳокимият бўғинларининг мустақиллигини таъминлашга ҳаратилган йўналиш ҳали биз истаган адолатни таъминлаб ҳам қолмайди. Кўплаб омиллар қаторида ҳали шаклланмаган, баъзан вақт талаб этаётган сиёсий маданият билан боғлиқ муаммолар ҳам бор. Аммо давлат бошқаруви жамият муносабатларидан фарқли ўлароқ, сиёсий найрангбозлик, кўзбўямачилик, ҳуқуқсизлик, ўғирлик ҳолатига ҳарши яхлит ва мустаҳкам тизимга эга бўлиши лозим. Бунда жамиятда адолатпарвар ғояларнинг ҳарор топтирилиши билан барча тизимларнинг фаолиятини мувофиқлаштирилишига, жамиятда соғлом кучларнинг бошқарувга иштирокини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

**Бешинчидан**, демократик жамият ривожда халқ, миллат зиёлиларининг ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позицияси унинг ижтимоий фаолиятининг асосини ташкил қилади. Инсон эрки, комилликга эришиш истаги каби бирламчи эҳтиёжлар бевосита жамият ва давлат билан боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, бундай муносабатлар фуқаро-жамият-давлат ўртасида тенг шартномавий асосларни ташкил этишни тақоза этади. Бундай асос улар ўртасидаги масъулият ва жавобгарлик мезонларини вужудга келтиради. Яъни фуқаро ҳам давлат ва ватан олдида аниқ масъулият юқини кўтариши шарт. Бундай масъулият сиёсий партиялар, жамоат, нодавлат, ноижорат ташкилотларига давлат функцияларини топшириш дастурини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатмоқда.

**Олтинчидан**, шартномавий асослар ва улар қафолатининг ташкил этилиши ҳуқуқий онгнинг ўсишига ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишига табиий равишда замин яратади. Чунки жамиятда соғлом рақобат ва кураш муҳити вужудга келади. Маълумки, собиқ тоталитар тузумда ҳам ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юксалишига ҳаратилган қатор тадбирлар тарғибот қилинган. Аммо натижа, аслида хуфиёна ният билан кўзда тутилган мақсаддан ортиқча бўлган эмас. Шунинг учун ҳам давлат ҳуқуқи

инсон ҳуқуқидан устун бўлмаслигининг амалий ҳамда ташкилий мурватларини яратишни тақоза этади.

#### **4.2. Сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлашдаги ютуқлар, муаммолар ва ечимлар**

Жамият бошарувида ахлоқий кадриятга риоя этиш, аввало, миллатнинг ўз кадриятларини, анъана ва удумларини, ҳуқуқий-меъёрий талабларини нечоғли даражада тартибга сола олишида ва уларга содиқлик каби тушунчаларнинг амалий ифодасида намоён бўлади. Бундай ахлоқий кадриятлар жамият манфаати нуқтаи назаридан баъзан мажбурийлик кўринишларини ҳам касб этади. Давлат функциясига хос бошқарув меъёрларининг ташкилий тартиби фуқаро, жамият ва давлат манфаатларининг бир маромда барҳарор ҳамда уйғун ривожланишини таъминлайди. Давлатнинг бу борадаги мажбурийлик ёндашуви мавжуд сиёсий - иқтисодий шароитлар даражаси билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Аммо бошқарув муносабатларининг ҳар қандай шароитда ахлоқий кадриятларга амал қилиши ва унинг ҳуқуқий мезонлардан чиқиб кетмаслиги кадрлар салоҳияти ва ахлоқи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу каби бошқарув билан боғлиқ муаммоларни ечиш ва уларни камайтиришга бўлган уриниш, унга салоҳиятли раҳбар шахсларни сафарбар этиш демократик жараёнлар ривожининг ахлоқий яхлитлигини таъминлашга имконият беради. Сиёсат ва ахлоқ мувозанатини таъминлашнинг мавжуд тартибларини тарихий, миллий хусусиятларга боғлиқ ҳолда ўрганиш, ҳамда давлат ва

жамият бошқарувининг ахлоқий намунасини ташкил қилиш муҳимдир.

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёти асосларини яратиш ва уни ижтимоий турмушда ҳарор топтириш борасида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Бу жараёнлар ўз моҳият–мазмуни билан мураккаб, турли сиёсий тизимлар уйғунлигини талаб қилади. Шулардан бири кадрлар сиёсати ҳисобланади. Кадрлар сиёсати ҳар қандай давлатда энг муҳим ва мунтазам эътибор талаб этадиган масала. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаёти ҳамда ислохотлар ривожини раҳбар кадрлар салоҳияти билан боғлиқ бўлади. Айниқса, бозор иқтисоди шароитида талаб қилинаётган янги демократик жараёнларни бошқариш республикамиз раҳбар кадрлари олдига янги талабларни қўймоқда. Бу бошқарув усулларида ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини кўллаш, уни миллий хусусиятлар билан уйғун тарзда такомиллаштиришни тақозо этади.

Кадрлар сиёсати борасида назарий асослар давлат хизматчиси асосларини сифат жиҳатдан ўзгартиришни талаб қилади. Маълумки, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи малакали, тажрибали, билимли мутахассислар бир неча йиллар ичида шаклланади. Уларнинг иқтидори мавжуд давр талаблари асосида ривожланиши учун анча маблағ ҳам талаб қилинади. Давлат сиёсатида ушбу масаланинг муқимлигини инобатга олмаслик ижтимоий тараққиётни кўпроқ даврга мос турғун бўлишига ёки аксарият қолларда интеллектуал ресурс бошқа давлатларнинг ихтиёрига жалб қилинишига сабаб бўлади.

Мавжуд муаммоларнинг муқимлигини инобатга олган ҳолда кадрлар сиёсати билан боғлиқ муаммолар моҳияти ни очишга эътибор ҳаратиш лозим.

**Биринчидан,** бошқарув кадрларига жамият тараққиёти ривожига интеллектуал ресурс сифатида ҳаралиши ва улар миллий бойликнинг муқим қатлами сифатида ҳимоя ланишига боғлиқ.

**Иккинчидан,** инсон ва жамият эқтиёжларини юксалтириш борасида кадрлар салоҳияти жамият тараққиёти ривожини белгилувчи муқим омилга айланган. Бундай ислоқотнинг ташаббусқори барча қолларда давлат қисобланади. Шунинг учун кадрлар салоҳиятининг ахлоқий мезонлари сиёсат даражасида белгиланиши лозим. Бу ўз ўрнида давлатнинг кадрлар сиёсатига бўлган муносабатини ҳамда даражасини белгилайди.

**Учинчидан,** бугун кадрлар салоҳияти ва сифатини ошириш ҳамда унинг таснифини белгилаш камлик қилади. Улардан амалда фойдаланишнинг ҳуқуқий шарт-шароитини яратиш ва тадбиқ этиш лозим бўлади. Кадрлар сиёсатининг муқим қисми шундаки, у давлат ишчи, хизматчилари учун эмас, мамлакатнинг ақлий ва ахлоқий салоҳиятини жамият тараққиётига йўналтиришдан иборат бўлмоғи зарур.



Шу маънода демократик жамиятнинг шаклланиши нафақат сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар билан, аини пайтда, тафаккур ўзгаришлари билан ҳам боғлиқ жараёндир. Уларнинг уйғунлигига эришилгандагина тараққиёт ривожини тезлаштиришга шароит туғилади. Бундай уйғунликни таъминловчи асосий омил эса юксак малакали, ахлоқий жиҳатдан етук кадрларнинг жамият бошқарувига келишида ўз аксини топади. Умуман, биз назарда тутаётган уйғунлик, аввало, жамиятда амалга оширилаётган сиёсий тизимнинг нечоғли даражада адолатли, изчил ва халқчил ифодаси билан боғлиқ. Қолаверса, бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтиш - бу эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш, аниқроғи ўзгарган, аммо янги манфаатлар тўқнашуви ҳамдир.

Республикамизда олиб борилаётган ислоқотларни давлат ва халқ манфаати йўлида изчиллик билан амалга ошириш давр талаби бўлиб, бу борада иқтидорли, изланувчан, замонавий билимга эга, Ватанга садоқатли ёшларга кенг йўл очиб беришимиз шарт. Демак, мавжуд ижтимоий муаммоларни еча оладиган, аввало, уни теран англайдиган ислоқотлар жараёнида жонкуярлик қила оладиган, маънавий-ахлоқий баркамол, қодир шахсларни бошқарув бўғинларига кўпроқ жалб этиш асосий ва бош масала қисобланади.

Шундай экан, бугун мавжуд муаммоларни қал этишда замон талабига жавоб берувчи бошқарув идора усуллари қай даражада шаклланмоғи лозим? Бир бошқарувдан иккинчи бир бошқарув тизимига ўтиш муаммолари нималардан иборат? Бошқарув кадрлари ахлоқий - касбий салоҳиятининг ўлчов мезонлари нималарда ва қандай намён этилиши лозим? Шарқ маданий мероси сифатида жамланган бу борадаги маданиятимизнинг бугунги кун давлат бошқарувидаги амалий татбиғини қандай восита ва усулларда жорий этиш мумкин бўлади?

Мазкур муаммоларни ўрганишнинг дастлабки вазифалари сифатида рахбар кадрларнинг турли ахлоқий-руқий даражадаги ҳолатини таҳлил этиш мақсад қилиб олинди. Жумладан, тадқиқотимизда янгича бошқарувни англаган ва ўзлаштира олган, янгича бошқарувга мослашган ва ижрочи рахбар кадрлар таснифи шартли равишда белгиланди. Юқоридаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, мавжуд бошқарув кадрлар захирасининг дастлаб ижтимоий – психологик ҳолатини таҳлил қилишни лозим топдик.

Бошқарувни англаган ва ўзлаштира олган рахбар лар табиатан эътиқодли, фидойи, билимли, янгиликка чанқоқ, изланувчан ва яратувчилик сифатларига эга бўладилар. Рахбар лик шу тоифадаги кишилар учун ўз имкониятларини амалга ошириш воситаси қисобланади. Улар ўз фаолиятларида қанчалик кўп бунёдкорлик билан машғул бўлсалар, ундан шунчалик озуқа оладилар. Бундай шахслар ориятли, қатъиятли, ўзгалар дардини ичидан қис қилиб уларга ҳамдард бўла оладиган ва саховатлилиги билан ажралиб турадиган инсонлардир. Интизом ва тартибга

алокида эътиборда бўлиб, ноахлоқий муносабатларни хуш кўрмайдилар. Бундай рахбар лар, аини пайтда, ички, яширин ихтилофларни ёқтирмайдилар, уни тез бартараф этиш қудратига, муаммоларни чуқур англаш ва уни қал этиш салоҳиятига эга бўладилар. Ушбу тоифадаги рахбар кадрлар муайян бир гуруklarга қўшилмайди. ўз ракибларига муросасиз муносабатда бўлиб, фаолиятидаги тўсиқларни енгиб ўтиш улар учун қаётий муқим масала қисобланади. Баъзан вазминлик ўрнида ўжарлик, камтарлик ўрнида манманлик қилишлари ҳам мумкин, аммо вазифаларини ўзларидан устун қўймайдилар. Тобелик ёки мутеликни ўз табиатларига сингдира олмайдилар. Фавкулотда ўзгарувчан, баъзан ўз манфаатларини ҳам инкор этувчи бўладилар. Бу тоифадаги одамлар икки гуруkга бўлинади. Биринчиси тоифадагилар ўжар, тажанг бўлса, иккинчи тоифадагилар мулоқазали ва андишали бўладилар. Аини пайтда, улар бир-бирларини тўлдирадилар ва маънавий жиҳатдан ҳамнафас бўладилар. Улар фидойилигининг асоси ҳам шунда.

Янгича бошқарувга мослашган ёки андоза олган рахбар лар эътиқоди заиф, аммо билимли, зукко, янгилик ёки сиёсий воқеликни тез англовчи, ўта эътиёткор бўладилар. Мавжуд воқеликдан ахлоқ кидирмайдилар, аксинча унга мослашадилар. Баъзан уни такомиллаштирадилар ҳам. Улар ўз фаолиятларида сиёсий кушёр, босиқ, сабр-тоқатли бўлиб, шижоат, ташаббус ўрнида турғунликни афзал кўрадилар, яратувчилик ёки бунёдкорликни мақсад қилмайдилар. Айрим қолларда, вазият ўзи учун қалтис ёки хавфли бўлмаса, ташаббуслар қилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатдан мақорат билан фойдалана оладилар. Бу тоифадаги одамлар ўзаро муносабатларида мулоқазали, маданиятли, баъзан яхши таассурот қолдирадиган ҳозиржавоб, қожатбарор, мақоратли ижрочи бўладилар. Бундай ижобий сифатлари билан ўз мансаб пиллапояларини кўтариб ёки мустаҳкамлаб борадилар. Табиий хусусиятларига кўра, бу тоифадаги кишилар ҳам икки гуруkга бўлинади. Яъни, биринчи гуруkдагилар анча беандиша, зуғум ва зўравонлик қилишга мойил, ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай воситаларни ишлатишга кодир бўладилар. Иккинчи тоифадагилар эса, шу сифатлари билан анча маърифийдирлар.

Янгича бошқарувни англамаган ижрочи рахбар лар маънавий ва маърифий жиҳатдан анча саёз кишилар қисобланиб, бўйсунувчан, эргашувчан, иродасизлиги туфайли масъул кишилар ёки гуруklar манфаати йўлида хизмат қилиб, ўз эътиёжларини таъминлаб турадилар. Бу тоифадаги кишилар қуйи ёки ижрочи бошқарувларнинг барча бўғинларида «керакли ва ишончли одам» сифатида фаолият кўрсатади. Чунки улар ўз фикрларига ёки нуктаи назарларига эга бўлмайди. Баъзан тасодифан ёки маълум гуруk манфаати учун мустақил даражадаги рахбар лик лавозимларига тайинланиши ҳам мумкин. Улар юқорида таъкидланганидек,

индивидуал алоқида шахсий сифатларга ёки қобилиятларга эга эмас. Ўзига хос ҳаракат вазифалари ва фаолиятларини мавжуд шароитга мослаштиради ёки андоза олиб тақлид билан ҳаракат қилади. Шу сабабдан, бу тоифадаги кишиларнинг бошқа гуруҳлари бўлмайди. Энг салбий жиқатлари шундан иборатки, улар ҳар қандай қабик, ғирром, ақлоқсиз ишлар билан иккиланмасдан шуғулланади. Бундай раҳбар кишилар жамият манфаатларини уйғунлаштиришга эмас, аксинча тарқоқлаштиришга сабабчи бўладилар. Бошқарув раҳбарлик бўғинларининг шу тоифадаги кишилар қўлида бўлиши ижтимоий вазиятни издан чиқишига, ўзаро ихтилоф ва низоларнинг кучайишига сабаб бўлади.

Таснифланган тоифадаги раҳбар кадрларнинг ахлоқий хусусиятлари универсал кўринишга эга. Бу кўринишдаги хусусиятлар жамиятда демократик кадриятлар ва бозор иқтисодининг асослари тобора кириб бориши билан камайиб, ижобийликка ҳараб бораверади. Чунки жамиятда рақобатнинг кучайиши, мулк шакллариининг хусусийлашуви янги маърифий талабларни қўяди. Натижада раҳбарнинг салоҳияти ва ахлоқий сифатлари жамият бошқарувининг устувор талабларига айланади.

Раҳбарлик бўғинларида кадрларнинг ахлоқий сифатларини қисобга олиш ёки аниқлаш нисбий ва мураккаб ёндашув, аммо муқим жиқат қисобланади. Шу сабабдан ҳам ушбу йўналишдаги илмий изланишларни кенгайтириш, унинг механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки, раҳбарнинг имтиёзларини кенгайтириш қали муаммо қал бўлди, дегани эмас. Бу жамиятдаги қатор ижтимоий омилларнинг уйғунлигига эришиш билан ҳам боғлиқ масала қисобланади. Аммо, жамиятда шундай қатлам бўладик, уларнинг имтиёзлари бевосита Ватан, халқ тақдири билан уйғун келади. Кадрлар сиёсатининг моқият–мазмуни ана шундай қатламнинг жамият ва давлат бошқарувида келишини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

Масаланинг ахлоқий жиқатлари билан биргаликда унинг ижтимоий ва сиёсий хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтиш муқим. Жумладан, ҳар қайси даврда ҳокимиятга интилиш, унинг воситаларига эга бўлиш истаги сақланиб қолади. Бош масала мана шу интилиш ва истақларнинг қай даражада ахлоқийлиги ва қонунийлиги таъминланганлигидадир. Жамиятда ҳокимиятга интилиш ошқора, аниқ белгилаб қўйилган мезонлар ва талаблар асосига қурилмас экан, унга эришишнинг ноахлоқий, хуфиёна кўринишлари сақланиб қолади. Давлат тизими асосларига катта зарар етказувчи тўрачилик, таъмағирлик, коррупция, порахўрлик каби иллатлар кучайиб боради. Шу ўринда рус олими П.Сорокиннинг «Одам эгаллаб турган вазифасига қанчалик номуносиб бўлса, у шунчалик даражада жамиятни муваффақият

билан емиришга кодир»<sup>1</sup>, деб билдирган фикрлари кадрлар сиёсатининг мамлакат қаёти учун нақадар долзарб эканлиги тўғрисидаги қараш ларимизни ойдинлаштиради.

Бугунги ўтиш даврининг ўз талаблари ва имкониятлари мавжуд. Республикамиз иқтисодини мустақамлаш, жамият барҳарорлигини таъминлаш каби устувор вазифаларни амалга оширишда ҳар бир раҳбар кадрлардан юксак эътиқодни, фидойиликни ва садоқатни талаб қилади. Қолаверса, мавжуд ўткинчи иқтисодий қийинчилик даврида қеч қандай раҳбар нинг ўз вазифасини суистеъмол қилишига йўл бермайди. Аксинча, жамият ва давлат бошқарувининг асосларини мустақамлаш масъулиятини юклайди.

Шу ўринда раҳбар кадрларнинг салоҳият сифатларини аниқловчи ва белгилловчи механизмларни бошқарувнинг турли соҳа ва хусусиятларига мувофиқлаштирган ҳолда амалда жорий этишимиз зарурлиги кўриниб турибди. – «Шу ўринда алоқиди таъкидлаш жоизки, давлат хизматчисининг ахлоқи нафақат унинг муваффақиятларига, балки давлатнинг обрўсига ҳам кучли таъсир қилади»<sup>2</sup>, дейди А. Бегматов. Афсуски, мамлакатимизда, ютуқлар баробарида давлат бошқарувидаги раҳбар ходимларнинг турли даражада ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиш ҳолатлари учраб турибди. Мавжуд иллатларнинг ижтимоий сабабларини аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил этиш давлат ва жамият бошқарувининг айрим заиф томонларини ойдинлаштиришга ёрдам берган бўлур эди. Давлат бошқаруви мунтазам равишда таҳлил этиб борилиши ва унинг фаолият натижалари тегишли хулосалар билан мустақамланиши лозим. Чунки, жамият ривож ва бугунги кунда қўйилаётган талаблар бизнинг ихтиёримиздан ташқари ҳар дақиқа ўзгариб турибди. Шундай экан, бошқарувни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб боришга эътиборни кучайтиришимиз зарур.

Давлат ва жамият бошқарувида ахлоқий тамойилларнинг аниқ ишлаб чиқилган механизмлари мавжуд бўлса, бундай шароитда бошқарувга истиқбол ва истиқлол туйғулари кучли бўлган замонавий, шижоаткор кадрлар келиши ортиб боради. Яъни, кадрлар танлашнинг аниқ механизмлари соғлом рақобатни шакллантиради, улар сифатини оширади, бошқарувда кадрлар ворисийлигини такомиллаштиради. Кадрлар салоҳиятини белгилловчи меъёрий мезонларнинг жорий қилиниши ва унга амал этилиши салоҳиятсиз бўлган кадрларнинг бир неча йиллаб бошқарув курсида ўтириб

---

<sup>1</sup> Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. -М.: Политическая литература. 1992. Стр.424.

<sup>2</sup> Бегматов. А. Давлат хизмати одоби. // Жамият ва бошқарув. № 3. 2004. Б. 8

қолишининг олдини олади. Кадрларни тартибга солиш тизими жамиятда пайдо бўладиган илғор фикрларни давлат сиёсати даражасида акс эттириш жараёнининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. Турғунлик эса, маълумки, ҳар қандай янгиликнинг ривожини тўсувчи омил. Шу тариқа давлат бошқарув идорасига «тирикчилик манбаи» эмас, балки ахлоқий, масъул шахсларнинг халққа хизмат қилиш воситаси сифатида қараш тенденцияси кўпроқ шаклланган бўлур эди. Айнан ана шу муносабатларда сиёсий ахлоқ мувозанатини таъминлаш муаммолари келиб чиқади. Агар раҳбар одил бўлса, сиёсат ахлоқи таъминланади.

Президентимизнинг мустақиллик йилларида Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари Халқ депутатлари Кенгашларида қилган маърузаларини таҳлил этадиган бўлсак, бошқарув ҳамда кадрлар тизимидаги жиддий нуқсон ва иллатларнинг сақланиб келаётганлигига гувоҳ бўламиз. Вилоятларда барча хўжалик ва ташкилотларининг лавозимларига раҳбар тайинлашда таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар устуворлик қилган. Раҳбар кадрларни танлаш раҳбарнинг субъектив қараш лари асосида амалга оширилган.

Вилоятларда авжига чикқан носоғлом иллатлар ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига кириб борган. Натижада ижтимоий адолатсизлик кучайиб келган. Масалан, Қашқадарё вилоятида икки ярим йил ичида вилоят ҳокими тасарруфидаги раҳбарларнинг 46 фоизи, ижтимоий соҳа раҳбарларининг 56 фоизи, Ўздонмахсулот ҳиссадорлик уюшмаси тизими раҳбарларининг 60 фоизи алмаштирилган<sup>1</sup>. Навоий вилоятида эса, Қ. Гаффоров раҳбарлигида туман, шаҳар ҳокимларининг 90 фоизи, бошқарув аппарати, маданият ва иқтисодиёт соҳалари, жамоат ташкилотлари раҳбар ларининг 100 фоизи алмаштирилган. Айрим ташкилот раҳбарлари сурункасига бир неча марталаб алмаштирилган<sup>2</sup>. Бундай ҳолат Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам тақрорланган. Вилоят қишлоқ хўжаликларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ва қурилиш идораларида давлат режалари бажарилмаган. Самарқанд вилоятида 231 та корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил қилинганда, уларнинг 92 фоизи инқирозга учрагани аниқланган. Боз устига шу корхона раҳбарларига нисбатан ҳеч қандай чора қўрилмаган<sup>3</sup>. Қашқадарё вилоятида 1997 йилда текширилган 296 та ташкилот ва корхоналардан ҳар икки ташкилотнинг бирида талон-тароғлик, моддий бойликларни ўзлаштириш ҳолатлари юз

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. -Т.:

Ўзбекистон. 1999. Б. 66

<sup>2</sup> Ўша асар. Б. 226

<sup>3</sup> Ўша асар. Б. 212

берганлиги кузатилган. Улар томонидан 12,8 миллион сўмлик ўзлаштириш фактлари аниқланган<sup>4</sup>. Ижтимоий муҳофазага, маданий-маърифий ишларга ажратилган давлат маблағлари ўзлаштирилган.

Таълим-тарбия соҳасида кадрлар салоҳияти ниҳоятда ачинарли ҳолда қолиши муроса қилиб бўлмайдиган ҳолдир. Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида 2 ёшга тўлмаган болаларга 193 миллион сўмлик, 16 ёшгача бўлган болалар учун берилмаган 75 миллион сўмлик нафақа пули берилмаган. Мактаб ва боғчаларнинг аҳволи хароб. Янги лицей ва коллежлар учун бинолар қурилиши суст. Мураббий ва ўқитувчилар мардикорликка чиқиб кетишган. Масалан, Навоий вилоятида 10 синф маълумотига эга бўлган 422 нафар ўқитувчи сабоқ бераётгани қайд этилган<sup>5</sup>. Албатта, ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд, аммо, давлатимиз учун катта машаққатлар эвазига ташкил этилаётган иқтисодий имкониятларнинг талон-тарож этилиши, баъзан онгли равишда суистеъмол иши мамлакатимиз ривожига таҳдид солиб келмоқда.

Ачинарли томони шундан иборатки, вилоятларда содир этилаётган ижтимоий иллатларнинг кўламини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий идораларнинг фаолияти ҳам ниҳоятда аянчли ҳолатда. Фактларларга эътиборни ҳаратайлик; 1998-1999 йиллар Навоий вилоятида икки йил ичида 32 нафар, Қашқадарёда 33 нафар, Самарқанд вилоятида уч йил ичида 170 нафар ички ишлар ходими устидан жиноий иш қўзғатилган<sup>1</sup>.

Юртбошимизнинг дастлаб Қашқадарёдаги воқеалар муносабати билан кўрган чора-тадбиралари ва ундаги чиқишлари, бутун республика аҳолисини, барча табақага мансуб фуқароларни ларзага солса-ю, шундан сал ўтмай, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ундан баттарроқ аҳволни юзага келтирган ҳокимлар бундан бирор хулоса чиқара олмаган бўлсалар?! Шунча гапдан кейин айтилган камчиликларни такрорлашга журъат этган амалдорларга қандай баҳо бериш керак десангиз, уларнинг савиялари қандай заминда шаклланган, дунёқарашларини нима деб аташ керак деб, бу саволни ўзингизга қайтарар эди! Бутун бошли вилоят аҳолиси тақдири шуларга ишониб топширилган бўлса-ю, булар катта даромад, катор ҳашаматли уйлар қуриб олиш билан машғул бўлсалар?! Улар шу ишларини ўйлаб юрганларида, Имом ал-Бухорий ёдгорликлари учун келтирилган қурилиш материалларини ўзлари ўз уйларига ташиб кетишса-да, кеч кимдан тап тортмасалар, на худодан кўркмай, на бандадан уялмай, гуноҳи азимга ботаётган

---

<sup>4</sup> Ўша асар. Б. 72

<sup>5</sup> Ўша асар. Б. 232

<sup>1</sup> Ўша асар. Б. 72-281

бир вазиятда, вилоят ёки республикамиз тақдирини ўйлашга мияларида жой қолармиди<sup>2</sup>.

Афсуски, бугун айрим рахбарларимиз ўз фаолиятларида зўравонликка асосланган ёндашувлардан қутула олганлари йўқ. Бундай ҳолат Конституцион бурчларнинг бузилишига олиб келмоқда. Энг ачинарли томони шундаки, аксарият мансабда ўтирган шахслар ўз вазифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз билан айтганда, ҳукмдорлик қилишда, деб билади. Бу салбий ҳолат бугунги ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқатидир<sup>3</sup>. Шу ўринда савол туғилади, Президентимиз томонидан ҳақли равишда «нима учун айни шундай нуқсонларга йўл қўйилди?», «нима учун улар шу даражада мансабни суистеъмол қилишади-ю, таниш - билишчилик, ошно - оғайнигарчиликка берилиб кетадию, биров уларга ўз вақтида танбех бермайди?» деган эътирозларига бугун олимлар қанчалик даражада назарий жиҳатдан жавоб топишга ҳаракат қиляпти? Мавжуд иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг ижтимоий илдизларини етарли даражада таҳлил қиляпмизми? Агар шу йўналишда маълум бир илмий тавсияларни бераётган бўлсак, уларнинг таъсири ва самараси қандай бўляпти?

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси I боб 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»<sup>1</sup> дейилади. Аммо ана шу масъулиятни «эслатиш» борасидаги рахбар нинг жавобгарлиги ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик даражада мустаҳкамланган. Бундай муносабатлар қонун билан асосланиши лозим. Агар амалда рияз этиладиган ҳуқуқий тартиб сифатида ёндашилмас экан, унга амал қилмаслик имконияти сақланиб қолаверади. Иккинчидан, ҳаттиқ интизом ва тартиб йўлга қўйилган жойда заиф кадрлар ишлай олмайди. Уларнинг заифлиги ва салоҳиятсизлигини яширадиган, қонунсиз ҳаракатларнинг имкониятини кенгайтирадиган омил аслида ҳуқуқсизликдир. Рахбар кадрларнинг мана шундай хуфиёна фаолияти фуқаролар орасида давлат ташкилотларига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради. Айнан ана шундай камчиликлар туфайли ўз

---

<sup>2</sup> Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. -Т.: Академия. 2000. Б. 77

<sup>3</sup> Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2000. 8 декабр.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон.

вазифаларидан озод этилган рахбарлар, афсуски, горизонтал равишда бошқа лавозимларда рахбарлигини давом эттираётганлиги жамиятда ҳуқуқларимизга бўлган ишончсизлик кайфиятининг ўсишига олиб келади.

Шунинг учун вилоят, туман, бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ва уларнинг фаолиятидаги нуқсонлар ҳамда иллатлар моҳиятан бир хил кўриниш касб этиб келмоқда. Унинг такрорий кўринишини 2002 йил 30 сентябрда Сирдарё вилоят Кенгашида Президент Ислом Каримовнинг нуткидан келиб чиқиб баҳолаш мумкин. Маърузада вилоятдаги йирик саноат корхоналари томонидан етказилган зарар миқдори шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил қилганлиги, 2 миллиард 500 миллион сўмлик маҳсулот сотилмасдан ётганлиги қайд этилади. Шунинг баробарида вилоятдаги ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик ҳарзлари 47 миллиард сўмдан, кредиторлик ҳарзлари эса 100 миллиард сўмдан ошиб кетгани, бу кўрсаткич ой сайин ўсиб бораётганлиги айтиб ўтилади. Натижада вилоятда экспорт қилувчи корхоналар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 тага камайган, 5та йирик корхоналардан 4 таси белгиланган кўрсаткичларни уддалай олмаган. 2000 йилда хўжаликлар 2 миллиард сўм зарар кўрган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич икки баробарга ортиб, 4 миллиард сўмни ташкил этган, 2002 йил якунини ҳисоблайдиган бўлсак, бу зарар миқдори янада ортади. Шунга мувофиқ, кишлок хўжалиги ниқоятда ачинарли ҳолатда эканлиги кўрсатиб ўтилган. Вилоятда суғориладиган ерларнинг 53 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланган. Кучли шўрланган ер майдонлари охириги тўрт йилда салкам 50 фоизга ортган, 11 минг гектардан зиёд ер экин экиш учун мутлақо яроксиз ҳолга келиб қолган. Бундай шароитда ҳосилдорлик ва ундан олинадиган даромад ҳам ниқоятда паст даражададир<sup>1</sup>.

Маърузада вилоятнинг бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам аҳвол аянчли ҳолатда эканлиги кўрсатилади. Президент И.А.Каримов мавжуд иллатларнинг сабабини вилоятда кадрларни танлаш, тарбиялаш, босқичма-босқич лавозимларга тайинлаш борасида бир қатор хато ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги натижасида кадрлар қўнимсизлиги одатий ҳолга айланиб қолганлигига боғлайди. Кейинги икки йил ичида шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларининг деярли барчаси, ширкат хўжалиги рахбарларининг ярмидан кўпи алмаштирилганлиги таъкидланади. Ёки Сурхондарё вилоят халқ депутатларининг навбатдан ташҳари сессиясида бу борада Президент И.А.Каримов шундай дейди: «Вилоятда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ютуқлар калити одамлар ғурурини уйғотиш, уларнинг салоқиятини, барча имкониятларини ишга солишда // Халқ сўзи. 2002. 30 ноябр.



билан боғлиқ масалаларда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, вилоят ҳокимининг кадрларни ишчанлик қобилияти, тажриба ва малакасига қараб эмас, балки биринчи навбатда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, шахсий садоқатига қараб танлашни ўзига одат қилиб олганини айтишга тўғри келади.

Мисол учун, вилоят ҳокимининг яқин таниши бўлмиш, илгари судланган, сохта диплом асосида Сариосиё пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлаб келган М.Расулов вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига раис этиб тайинланган. Сариосиёлик Ғ. Фоттаев ҳам ана шундай йўл билан вилоят ҳокимлиги иш бошқарувчиси лавозимини эгаллаган»<sup>1</sup>.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, охириги 8-10 йил ичида хўжасизликнинг бундай кўриниши бутун республика бўйлаб авжига чиққан. Тадқиқот натижаси шуни кўрсатяптики, барча вилоятларда такрорланаётган иллатлар моҳиятан бир хил хусусият касб этмоқда. Мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар маъмурий-бўйруқбозлик усули сақланганлигини кўрсатади. Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, савол туғилади, демократик талабларга ҳамда бозор шароитида хўжалик юртишга қодир кадрларни танлай оладиган вилоятларда қандай тизим ташкил этилган?! Уларни танлаб олишда қандай расмий ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар жорий қилинмоқда?! Афсуски, ҳозирча «шахсий садоқат»дан бошқа мезон йўқ. Кадрлар сиёсати билан боғлиқ масалалар кўпинча синаб кўриш каби усул билан ёки «сиёсий мураса-ю мадоралар» доирасида ҳал этилмоқда. Ана шунинг учун ҳам жуда кўп вилоят, туманларда раҳбар ходимлар ҳар йили бир неча марта ўзгартирилмоқда<sup>2</sup>.

Бу борадаги муаммолар ечимини Президент И.А.Каримов қўйидаги вазифаларда деб қарайди. Жумладан, у шундай дейди: «Мана шундай номаъқул ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун бошқарув соҳасида, авваламбор, самарали ишлайдиган изчил система, тизимни шакллантириш керак. Ва бу тизим шундай ишлаши керакки, бордию бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайнисини эканидан қатъи назар, муҳаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин.//Ўзбекистон овози.2004. Зиюнь.

<sup>2</sup> Давлат хизмати персоналини бошқариш. -Т.: Академия. 2002. Б. 15

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон демократик таракқиётнинг янги босқичида. -Т.: Ўзбекистон. 2005. Б. 75-76.

Бу борада кадрлар масъулияти билан боғлиқ иккита ҳолатга алоҳида эътибор берилиши лозим, деб ўйлаймиз. Биринчидан, раҳбарлар фаолиятига баҳо беришнинг ахлоқий мезонлари ишлаб чиқилиши зарур. Улар бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулиятини оширишга хизмат қилишига қаратилиши мумкин. Мисол учун «раҳбар этикаси» қонунига мувофиқ раҳбарлик вазифасини суистеъмол қилган раҳбарларни иккинчи марта раҳбарлик лавозимларига (балки унинг даражасини ҳам қўрсатиш керакдир) қўйилмаслиги белгиланиши шарт. Айнан ана шундай ахлоқий мезонлар раҳбарлик истикболини белгилаши лозим.

Мавжуд носоғлом, ғайриқонуний ҳолатларнинг сабабларини таҳлил қилганимизда қуйидаги ҳулосаларга келамиз. Биринчидан, баъзи раҳбар кадрларнинг маънавий ва касбий салоҳиятининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, уларда ватан туйғусининг заифлиги ва бошқа яна кўплаб шахс ахлоқий сифатларнинг йўқлигидир. Иккинчидан, бу ҳолатни давлат ва жамият бошқарувидаги айрим қонунларнинг номукамаллиги, ноаниқлиги, баъзан тартибга солиб турувчи механизмларнинг йўқлиги, барча давлат ишлари шахснинг иродасига буйсундирилишида кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ сиёсий раҳбар ёки етакчи ўз ҳаракатлари учун шахсан жавобгар шахс ҳисобланади. Бундай масъулият ундан маълум ахлоқий ва маърифий юксак тарбия ҳамда эътиқодни талаб қилади. Шу маънода амалдорларнинг интизоми, ўз ишига ҳалол ёндашуви, профессионал маҳоратнинг ахлоқий кўрсаткичларини ташкил этувчи мезонларни жорий этиш зарурати сезилмоқда.

Давлат хизмати фаолиятида адолат яқка шахснинг иродаси ёхуд симпатияси билан белгиланмаслиги мумкин. Адолат мезонини белгилашда муросасиз ҳуқуқий талаблар қўйилмоғи зарур. Зеро, адолат тўғрисидаги шахсий идеаллар ва қарашлар ахлоқий мезонга айланмаслиги лозим.

Маълумки, адолат ўзгаларнинг ҳуқуқини бузмаслик шarti билан яратилган тенглик шароитидир. Ундан чиқди, адолат тенг масъулият ва интизомий муносабатларни талаб қилар экан. Шунга қарамаздан, ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги мезонни аниқ белгилаш талаб этилади. Бундай мезон жамиятнинг маънавий салоҳияти орқали ташкил этилган ҳуқуқий ваколатлар ҳисобланади. Жамиятда ҳуқуқ орқали эмас, маънавият орқали ҳуқуқий муносабатлар устуворлигига эришилиши лозим. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолиятларида ҳуқуқни ҳурмат қилишлари орқали ҳуқуқий талабларни таъминлайдилар.

Шу ўринда кўриб чиқмоқчи бўлган мавзунинг учинчи йўналиши кадрлар сиёсати ва унинг бугунги кун ижтимоий

---

жараёнлар тизимидаги муаммолари хусусида боради. Шундай экан, бошқарувда кадрлар сиёсати ва сиёсий ахлоқ категорияси ўртасида қандай омиллар улар уйғунлигини таъминлайди?! Бу борада мавжуд ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва нуқсонларни англаб етиш ҳамда таҳлил этиш айрим хулосаларга келиш имкониятини беради.

Тоталитар тузум қоидаларига асосланган жамиятда мулкнинг хилма-хиллиги инкор этилиб, «умумхалқ» мулкнинг жорий этилиши инсоннинг табиий мулкка бўлган туйғусига қарама-қарши эканлигини кўрсатди. Бундай ҳолатда инсон ўз истак ва майлларини қандай бўлмасин, мулкка эгалик қилиш ва эришиш истагини қондириш мақсадида баъзан ҳар қандай ғирром ва ахлоқсиз ҳаракатларга киришади. Восита сифатида ҳокимиятни танлайди. Натижада жамият фуқаролари учун бундай ғайриқонуний ахлоқсиз ҳолат табиий «тирикчилик» манбаига айланади. Собиқ тузум даврида таъмагирилик, юлғучлик, давлат мулкни талон-талож қилиш, коррупция, зўравонлик, беандишалик кишилар турмуш тарзининг устувор хусусиятлари бўлиб қолди.

Албатта, бундай ижтимоий ҳолат ахлоқсиздир, аммо масалани чуқурроқ таҳлил қилсак, мутлақо зиддиятли ҳолатлар келиб чиқади. Жумладан, давлат бошқарувида унинг тартиб ва қонуналигида инсон манфаати, унинг орзу-интилишлари иккинчи даражали, деб қаралган. Шахс ташаббуси, салоҳияти, унинг бевосита жамиятга нисбатан манфаати инобатга олинмаган. Ҳар қандай ҳолатда меҳнат тақсимооти тенг ва бир хилда белгиланган. Яъни, меҳнатнинг самарадорлигидан қатъий назар белгиланган тарифлар мавжуд бўлган. Умуман, фуқаролар давлат учун восита сифатида қаралган ва уларнинг барча ҳаракати фақат ҳукмрон мафкура мақсадига буйсундирилган. Шубҳасиз, бундай носоғлом муносабатлар манфаатлар қарама-қаршилигини келтириб чиқариб, фуқаролар қонуний йўл билан ололмаган улушларини қонунсиз равишда амалга оширганлар. Айнан шу тариқа ахлоқсизлик жамиятда устувор ёки «халоскор» восита сифатида шаклланган.

Жамиятда таниш-билишчилик зарурий бир воситага айланиб кетганки, усиз кўп ҳаётий юмушлар ечимини тасаввур қилиш мушкул бўлган. Ким нима иш қилмасин, албатта, таниш-билиш орқали амалга оширган. Баъзида эса ким нима ишни ўзи ҳал қилса ёки нимагадир ўзи эришса, албатта, мингтадан яқка ҳодиса сифатида намуна қилиб ҳам кўрсатилган. «Таниш-билиш» тушунчаси, албатта салбий фикр уйғонади. Аммо, расман таниш-билишчиликни қораланган, амалда эса ундан фойдаланилган. Агар кечаги кун нуқтаи назаридан қарасак, таниш-билишчилик иллатлигини инкор этиб бўлмайди. Бундай ҳолат бугун ҳам ижобий ҳодиса эмас, унинг сабабларини ҳали ўзгариб улгурмаган кечаги тузумнинг иқтисодий ва сиёсий негизидан изламоқ керак.

Хусусий мулкчилик шароитида масаланинг моҳияти анча ўзгарди. Яъни, мулк эгаси ўз манфаатига зид бормайди. «Мендан кетгунча» қабилида иш юритмайди. Иложи йўқ. Ўз корхонасини давлат корхоналаридагидек таниш-билишлари билан суистеъмол қилмайди. Ёки саводсизларни ишга қабул қилмайди. Сиз ҳам танишингизга манфаатсиз нарсани илтимос ва тавсия қилмайсиз. Жамиятда майда тижоратдан тортиб катта давлат микёсидаги иқтисодий алоқалар раҳбар етакчининг шахсий имиджи орқали кўпроқ самара беради. Бу ерда муносабатлар шахс ва давлат манфаатлари уйғунлигидан келиб чиқади.

Шу сабабдан иқтисодий фаолиятни кенгайтириш йўлида таниш билишчиликнинг иллатлиги қолмайди. Чунки раҳбар ўз фаолиятини мустақамлаш ва юксалтириш мақсадида ёнига синашта одамларни ёки ўзи яхши билган, синовдан ўтган одамлар таклиф этади.

Жамият доимо таҳлил ва тадқиқотга муктож. Агар қонуларда адолат мезонини ҳимоя қилувчи механизмлар яратилмаса, таниш-билишчилик иллатга ва шу каби бошқа хуфиёна гуруҳларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Айни пайтда, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, қавму қариндошчилик, уруғ-аймоқчилик каби муносабатлар миллатимизга хос бўлган хусусиятлардир. Биз доимо ака-укага, қариндош-уруққа, ошна-оғайниларга қўлимиздан келганича ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Ва ўзимиз ҳам уларга суянамиз. Ҳеч бўлмаганда, қандайдир масъулият ва жавобгарликни ҳис қиламиз. Айнан шу муносабатларнинг ўзи қадрият, аммо, қадриятларнинг айнияти сиёсий тизим талаблари билан тесқари келганда иллатга айланади. Яна бошқа бир сабаби, «тирикчилик» важида ноқонуний ҳатти-ҳаракатларимизни оқлашга уринамиз. Аслида бундай муносабатлар замирида давр ва тараққиёт талаблари билан ҳамоҳанг яшаш эмас, балки, нафсимиз ирода этган кундалик турмуш ташвишлари билан яшаш кўникмаси устуворлик қилаётганлигидан деб ҳисоблаймиз.

Мавжуд муаммоларнинг ўзига хос сабаблари, биринчидан, ҳокимият воситаларини тасарруф қилишга бўлган носоғлом ёндашувларнинг инсон руҳиятида устуворлик қилиши бўлса, иккинчидан, миллат зиёлиларининг ахлоқий қадриятлардан бегоналашганликларида деб ҳам қараш мумкин. Чунки, миллат зиёлилари ҳар бир миллатнинг идеал шахслари ҳисобланади. Бундай шахслар ўз нафсидан устун туролмаса миллатнинг қисмати саробга айланади. Учинчидан, соғлом, фидойи ва салоҳиятли шахсларнинг давлат бошқаруви вазифаларига келишининг аниқ ва ошқора рақобат тизимининг йўқлиги туфайли юлғуч, мансабпараст тоифа кишиларнинг ҳокимият хизматларига келиш имконияти кенгайиб боради. Соғлом ва маърифатли шахслар давлат бошқаруви вазифаларидан узоқлашади. Натижада - «Энг ёмони, адолатсизликка дуч келган ҳар қандай фуқаро, аввало, давлатдан, кейин жамиятдан,

бора-бора умуман ҳаётдан норози бўла бошлайди. Ишдан совийди, ҳаётдан бебади, фаоллигини йўқотади, жамият равнақига ҳисса қўшиш имкониятини қўлдан бой бера бошлайди»<sup>1</sup> деб таъкидлайди Султонмурод Олим.

Албатта, бугун кадрятлар ва уларнинг ахлоқий тамойиллари, шунга мувофиқ талаб, масъулиятлар ҳам ўзгариб келмоқда. Ўзбекистон мустақил, юрт эгали, миллат ўз давлати ва ўз мулкига эга. Республикамиз Конституциясига мувофиқ виждон, эътиқод эркинлиги ва мулкларнинг кўп укладлилиги ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланган. Аммо, биз юқорида таъкидлаган муаммоларимиз, афсуски, инсонлар тафаккуридаги ўзгариш ниқоятда қийин кечмоқда. Бунда мавжуд қонунларнинг инсон манфаатларига ҳос равишда ташкил этилиш ва жамиятда адолат мезонларини таъминланиши ҳам осон бўлмайди. Чунки, одамларда янгиликка, эркинликка жуда шубқа билан қараш хусусиятлари сақланиб келмоқда. Иккинчидан, ўтиш даврининг қийинчиликлари қали миллий ахлоқий кадрятларни тўлиқ англолмаган тафаккурдан устун келяпти. Учинчидан, ривожлантирилаётган бозор иқтисоди механизмлари объектив сабабларга кўра тизим сифатида шаклланиш жараёни оғир кечмоқда. Албатта, ҳолатларнинг ўзига ҳос объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор. Лекин айтмоқчи бўлган фикримиз шундан иборатки, айнан юқорида санаб ўтилган сабаблар қандай кўринишда бўлмасин, улар мавжуд ва муаммоларимизнинг асосини ташкил этиб келмоқда.

Давлат ва жамият бошқаруви Президентимиз таъкидлаганларидек, бир қанча омиллар билан ўзаро боғлиқ масаладир. Биринчидан, булар жамиятнинг маънавий кадрятларини кўтариш орқали фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш. Энг илғор талабларга жавоб берадиган ғайратли ва шижоатли ёшларнинг қал қилувчи бўғинларга келиши учун кенг йўл очиб бериш. Иккинчидан, давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш. Бунда бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул - ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарур. Учинчидан, мулкка муносабат масаласини қал қилишдир. Ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари орасида устувор ўринни эгаллаши керак.

Давлатлар қурилиши тарихдан маълумки, янги ижтимоий тузумга ўтиш даврида бошқарув янги йўналиш измига тушгунга қадар орада бўшлиқ, мавқумлик, айрим қолларда парокандалик ҳам ҳукм суради. Жамиятда ахлоқий омиллар пасайган сари ноахлоқий ва носоғлом кучлар таъсири орта бошлайди. Ижтимоий ички зиддиятлар илдизи чуқурлашиб, норасмий, баъзан айрим гуруқлар

---

<sup>1</sup> Султонмурод Олим. Комилликка ундовчи куч //Халқ сўзи. 2001. 29 март.

давлат яхлитлигига, барҳарорлигига таҳдид солади. Жамиятда бундай иллатларнинг кучайиши ташқи таҳдид солиб турган кучлардан ҳам хавфлироқ саналади. Тарихий тажриба давлат сиёсатида қатъиятлиликни тақозо этади. Чунки зулмининг, нопокликнинг олдини олиш учун кескин ва кучли чоралар қўллаш лозим бўлади. —«Куч - адолатда, аммо адолат кучда ҳам. Адолатни ҳимоя қилиш учун зулмини бартараф этадиган куч керак. Қаттиққўл, қатъиятли раҳбарлар халқ ҳурматиغا сазовор бўлиб келгани бежиз эмас»<sup>1</sup> дейди, Н.Комилов.

Юқорида келтирилган фикрлар мавжуд муаммоларнинг сиёсий- фалсафий таҳлили бўлиб ҳисобланади. Энди ушбу муаммоларнинг сиёсий-ташкилий ечимларига тўхталамиз. Жумладан, кадрлар сиёсатида сиёсий технология давлат бошқарувидаги барча бўғинларнинг ўзaro бир маромда талаб даражасида ишлашини такомиллаштиришга қаратилади. Бошқарув ҳуқуқий асосларининг кундалик турмушга таъсири, самарасини аниқлаш имкониятини беради. Албатта сиёсий технологияни нима ташкил этади деган савол туғилади. Сиёсий технологияни давлат ва жамият бошқарувини ўрганувчи фанлар ҳамда унга боғлиқ амалий фаолиятлар, услублар, тизимлар ташкил этади. Бундай жараённинг йўқлиги бошқарувнинг мажбурийлик усулини такомиллаштиради. Мажбурийлик усули маълум натижаларни бергандай туюлганлиги билан унинг оқибати бошқарувда кўплаб салбий иллатларнинг юзага келишига олиб келади. Сиёсий технология эса давлат бошқарув тизимида соғлом рақобат муносабатларини шакллантиради, унинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиради. Раҳбар шахс маънавияти эса мажбурий ва ҳуқуқий бошқарув усуллари орасида боғловчи бўғин бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, бу борада ривожланган давлатларда, жумладан, Америка, Германия ва бошқа мамлакатларда бундай ёндашувларни ташкил этиш борасида ниҳоятда катта тажрибалар орттирилган. Президент Честер А. Артур даврида тузилган «Ходимларни бошқариш идораси» 114 йилда буён шу йўналишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу боис АҚШнинг бугунги ривожини бевосита ХБИ хизмати билан ҳам таъминланди, деб айтиш мумкин. «Ходимларни бошқариш идораси», АҚШ бўйича уч миллиондан ортиқ ҳукумат мансабларига муносиб ходимларни саралаб олиш учун рақобат имтиҳонларини ташкил қилади, ўтказди. Ҳукумат ишига ёлланувчилар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ниятида раҳбар кадрларни маънавий ва касбий тарбиялаш, тайёрлашга қаратилган таълим-тарбия дастурларига ҳомийлик қилади. Жумладан, 1949 йили АҚШнинг «Давлат хизматчилари лавозимлари таснифи ҳақида» қонуни қабул қилинди. У давлат

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати // Жамият ва бошқарув. 1997. № 2. Б. 12

хизматининг 18 даражасини ва тоифасини аниқлаб берди. Бирон-бир лавозимга ўтказиш, қабул қилиш имтиҳон орқали амалга оширила бошланди ва синовлар, асосан, талабгорнинг лавозим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган малакасини ўлчашга хизмат қилди<sup>1</sup>. Албатта, шу тартибдаги кадрлар сиёсати доимий равишда такомиллаштирилиб, замонга ҳамнафас равишда тўлдириб борилди.

Давлат хизматчилари фаолиятини сиёсий ахлоқ талабларига мувофиқлаштириш борасида ривожланган демократик мамлакатларнинг катта тажрибага эга эканлигини эътироф этиш лозим. Бу борада асосий эътибор сиёсий ҳокимият фаолиятини ахлоқий қоидалар негизида қуришга қаратилган тизимий ёндашув ва механизмларнинг шаклланганлигида кузатиш мумкин. Масалан, Франция, Англия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Аргентина ёки кечагини «социализмдан» қутилган Чехия, Польша ва бошқа кўплаб Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам давлат хизматчилари фаолиятининг ахлоқий нормалари бевосита сиёсий ҳокимият тизимида киритилган. Масалан, Англияда «Парламент аъзоларининг «Ахлоқий кодекси» парламентнинг халқ олдидаги обрўини, ишончини сақлашга қаратилади. Унинг шаънига доғ келтирадиган ҳеч қандай ҳаракат бўлмаслиги расмий тартибда белгиланган.

«Ахлоқий кодекс» бир қанча талабларни меъзон сифатида тизимлаштирган. Биринчидан, депутатнинг молиявий даромадлари декларациясини тўлдиришни тақозо этади. Иккинчидан, манфаатлар конфликти мавжуд бўлган шароитда депутат овоз беришда иштирок этмайди ва бу тўғрисидаги масалани кўришдан аввал ёзма равишда маълумот бериши лозим. Учинчидан, депутатлик даври мобайнида давлат хизмати вазифаларида ишламаслиги кўзда тутилган. Бундай тартиб Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Тўртинчидан, депутат ёки вазир ваколати муддати якунидан сўнг давлат идораларида, давлат компанияларида, фирма ва банкларида белгиланган муддатгача (АҚШда 1 йил, Жанубий Кореяда 2 йил) ҳокимият имкониятларидан шахсий манфаатларда фойдаланмаслик учун ишлаши мумкин эмас. Бешинчидан, депутатнинг совғалар олиши масаласи тартибга солинган. Масалан, АҚШда 50 доллардан ортиқ қийматдаги совғаларни олиш тақиқланади. Олтинчидан, ОАВ давлат хизматчилари томонидан ахлоқий нормаларнинг бажарилишини назорат этиб турувчи механизм сифатида шакллантирилган.

Албатта, ахлоқий нормаларнинг таъсири ва унинг самарадорлиги маълум механизмлар асосида ташкил этилади. Бундай механизм кўплаб давлатларда мустақил давлат органи ваколатида «Этика масалалари бўйича комиссиялар» деб юритилади. Масалан, Тайванда «Ахлоқий тартиб назорати», Ҳиндистонда «Коррупцияга қарши кураш», Аргентинада «Жамоатчилик ахлоқи миллий бошқармаси», Англияда «Ахлоқий масалалар бўйича

---

<sup>1</sup> Кўчирма. Болиев А. Раҳбар маънавияти. -Т.: Маънавият, 2002, Б. 71

вакиллик», АҚШда «Этика бўйича кўмита» ташкилотлари сиёсат ва сиёсий арбоблар фаолиятининг ахлоқийлигини назорат қилади. Ушбу комиссиялар турли хил тартибда тушган ариза ва шикоятларни ўрғанади ҳамда тегишли тартибда чораларни белгилайди. Чоралар ҳайфсандан тортиб, жарима, депутатлик ваколатидан маҳрум этиш ва жиноий жавобгарликка топшириш масалаларигача белгиланган. Айни пайтда, давлат хизматчиларининг ахлоқий нормалари билан таништириш, уларнинг моҳиятини тушунтириш, туғилиши мумкин бўлган бўҳтон ва мажороларнинг олдини олиш мақсадида маслаҳат кўмиталари ташкил этилган. Масалан, хусусий фирма вакили томонидан меҳмонга таклиф этилган конгрессмен дастурхон қиймати 50 доллардан ошса, тартибга кўра уни меҳмон тўлаши лозим. Акси ҳолда конгрессмен «Ахлоқий кодексни» бузган ҳисобланади ва жавобгарликка тортилади<sup>1</sup>.

Шу ўринда масаланинг айрим жиҳатларини ойдинлаштириб кетиш заруроти мавжуд. Жумладан, ахлоқий кодекс билан жиноий кодекснинг функциялари икки хил. Яъни, ахлоқий кодексни бузган давлат хизматчисига нисбатан у ёки бу тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади. Агар унинг таркибида жиноят аломатлари бўлса, комиссия таклифи ва парламент розилиги билан жиноий жавобгарликка тортилади. Албатта, ахлоқий қондаларни ишлаб чиқишда давлатларнинг миллий хусусиятлари инobatта олинади. Айрим давлатларда совға беришнинг рамзий хусусиятлари бор. Аммо, агар миллий хусусиятлар сиёсий ахлоқ тамойилларига зид келадиган бўлса, айни пайтда, сиёсий ҳокимият фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, мамлакатда коррупциянинг ўсишига олиб келса, унда бундай иллатни сиёсат воситаси билан маърифийлаштириш лозим бўлади.

Бундай тажрибаларнинг биз учун муҳим жиҳатлари шундаки, асосий масала мутахассисларнинг хизмат пиллапояларида кўтарилиб боришининг ахлоқий меъёрларини ташкил этиш, ишдан бўшатишда субъективизмдан сақланиш, уруг-аймоқчилик негизда етказилиши мумкин бўлган зиённинг олдини олиш, давлат органлари томонидан товар ва хизматдан фойдаланишнинг юқори даражасини регламентациялаш, тузилган шартомаларнинг асосланганлигини қайта-қайта текшириш ва назоратда тутиб туриш каби вазифаларни амалда жорий этиш мумкин<sup>1</sup>.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида» қонуннинг 11-моддасида депутатлик ва сенаторлик одоби бўйича

---

<sup>1</sup> [http://www/ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parliaent\\_Ethic/ParL\\_Ethic\\_1.shtml](http://www/ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parliaent_Ethic/ParL_Ethic_1.shtml). 06.03.06

<sup>1</sup> Қаранг: Равшанов Ф. Давлат хизмати XX асрда. // Жамият ва бошқарув. 1999. № 1-2. Б. 16



бандлар киритилган. Парламентлар йиғилишида 4-моддасига мувофиқ агар «депутат, сенатор деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор»га хилоф иш қилган бўлса, депутат ёки сенатор ваколат муддатидан олдин ҳуқуқларидан макрум этилиши кўзда тутилган<sup>2</sup>. Ушбу тартибнинг ижроси «Халқ депутатлари мақаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1 ва 2-моддаларида инобатга олинган. Яъни, депутатнинг, сенаторнинг ахлоқи, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноҳўя ишлар депутатлик одоби қўмитаси томонидан ўрганилиб чиқилади ва парламент муқокамасига тақдим этилади ҳамда тегишли тартибда ҳукм чиқарилади.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси олимлари томонидан тайёрланган илмий таклифлар давлатимиз кадрлар сиёсати мезонларини шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир жумладан, ўтиш даврида давлатнинг кадрларга бўлган эътиёжни ҳисобга олувчи, аynи вақтда, стратегик вазифаларни ҳал қилиш жараёни изчил ва босқичли эканлигини белгилайдиган омиллар берилган. Улар кадрлар билан ишлашнинг мақсад ва тамойилларини аниқ ифода этиш бирлигига асосланиб, кадрлар ишига доир иқтисодий, социал, сиёсий, маънавий, социал-психологик ва бошқа масалаларни ҳал қилиш имкониятини ҳисобга олган.

Республика миқёсида ягона, аynи вақтда, кўп тармоқли кадрлар корпуси фаолияти билан боғлиқ турли жараёнларни эътиборга олиш, бу жараёнларга давлат таъсирини ўтказиш механизмларини қамраб олиш лозимлиги кўрсатилган. Энг муҳим жиҳатлари сифатида кадрлар сиёсати мақсад ва мазмунига кўра демократик бўлиши, ҳар бир ходимда, аynиқса, давлат хизматчисида инсонпарварликни, ҳалолликни, топширилган иш учун масъулиятни ва шахсий хулқ-атвор учун жавобгарликни тарбиялайдиган, масалаларни объектив ва адолатли ҳал қилишнинг ҳуқуқий

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Халқ сўзи. 2005. 27 январь.

<sup>3</sup> Халқ депутатлари мақаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Халқ сўзи. 2005. 27 январь.

кафолатини яратувчиси бўлиш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтилган<sup>1</sup>.

Ушбу мезон давлат кадрлар сиёсатини белгиловчи услуб сифатида мавжуд муаммоларни қамраб олган. Яъни, давлат кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг сиёсий, маънавий, ташкилий, иқтисодий-ижтимоий масалалари ўрганиб чиқилган. Аммо, айрим баҳсталаб мулоҳазалар келиб чиқмоқда. Жумладан, ўқув қўлланманинг 17-бетида «бу ишни демократлаштириш, монополия ва мафкура таъсиридан ҳоли қилишга эктиёж туғдирмоқда» - дейилган. Жуда тўғри фикр. Аммо, 18-бетда Давлатимиз кадрлар сиёсатини белгиловчи мезонда «...бу жараёнларга давлат таъсирини ўтказиш механизмларини қамраб оладиган бўлиши лозим»лиги айтилади. Ундай ҳолда, кадрлар сиёсатининг «мақсад мазмуни ва шаклига кўра демократик бўлишни» амалиётда қандай таъминлаш мумкин бўлади?!

Бизнингча, ушбу омилларнинг кўриниши ва шаклини асослаш ҳамда таснифларини бериш зарур. Умуман, бозор иқтисоди ва демократия шароитида масаланинг кўйилиши тўғри. Лекин, давлат кадрлар сиёсати барча кадрлар масаласини қамраб олиш дегани эмас. Давлат кадрлар сиёсати - бу умумий масала. Ушу сиёсатнинг таркибига бир қанча хусусий масалалар қиради. Муаммо ана шу хусусий масалаларнинг ҳуқуқий чегарасини ташкил этилмаганлигида ёки монополиянинг сакланиб келинаётганлигидадир. Айтайлик, ташкил этилган Ҳиссадорлик Жамиятининг раиси баъзан бошқарув аъзолари ҳам давлатнинг маъмурий идоралари кўрсатмалари томонидан тайинланиши бозор қонуниятларига зид келади.

Бу борада иккита йўналиш мавжуд. Биринчи масала давлат хизмати персоналини бошқариш бўлса, иккинчиси давлат кадрлар сиёсатидир. Хизматчилар барча ишлаб чиқаришда ўз касбий хусусиятларига эга. Давлат кадрлар сиёсати эса барча соҳадаги персонал бошқарувнинг ҳуқуқий ва ахлоқий мезонларининг умумий бўлган жиҳатларини тартибга солиши лозим. Шунинг учун сайланадиган ва тайинланадиган кадрларнинг фарқи ва ўзига хос томонлари алоҳида ишлаб чиқилиши муҳим. Масалан, 23-бетда «Одатда, кадрлар масаласи демократик тарзда коллегиал ҳал этилади. Бунда жамоатчиликнинг фикри ҳисобга олингани ҳолда муайян махфийликка риоя этилади ва кадрларни давлат лавозимига тайинлаш тамойили саклаб қолинади»<sup>1</sup>, дейилади. Ушбу фикр ҳам таҳлилга муҳтож. Бундай ёндашувнинг демократик, коллегиал шакли нимада, қандай механизмда намоён бўлади? Қолаверса, жамоатчилик фикри ҳали демократия дегани ҳам эмас. Жамоатчилик

---

<sup>1</sup> Қаранг: Давлат хизмати персоналини бошқариш. -Т.: Академия. 2002. Б.17-18

<sup>1</sup> Давлат хизмати персоналини бошқариш. -Т.: Академия. 2002. Б. 23

фикри билан сайланадиган кадрлар бор ва сайланмайдиган кадрлар ҳам бор. Шунинг учун ҳар бир соҳа кадрларининг танлови ўз хусусияти демократия ва бозор қонуниятларига мувофиқ ташкил этилиши лозим. Фақат кадрлар сиёсатини амалга ошира оладиган аниқ мурватлар жорий этилгандан сўнггина хизматчиларнинг ахлоқий мезонлари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Ҳозирча биз кадрларнинг қандай сифатларга эга бўлиш тўғрисида гапирамыз-у, лекин, уни амалга ошириш мумкин бўлган ташкилий масалаларни давр руҳи ва талабларидан ортда қолдириб келмоқдамиз.

Масалан, кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий таснифлари борасида профессор М. Бекмуродовнинг таклифлари эътиборлидир. Жумладан, олим бошқарувда раҳбарлик лавозимларига номзодлар танлаш жараёнида бўлажак раҳбарнинг воқеликка системали ёндашиш, муаммоларни умумлаштира олиш, имкониятларга реал баҳо бера олиш қобилиятига эътибор қаратиш муҳим, дейди. Бозор иқтисодиёти ва миллий ўзликни англаш жараёнида жамиятнинг турли социал гуруҳларига монанд, яъни, ўзгараётган ижтимоий жараёнлар мазмунини ўзида ифода этган кадрлар танлаш сиёсатини изчил олиб боришга эътибор қаратади. Ҳозирги замон раҳбари миллий маънавият заминида мустақкам турувчи, халқ урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлувчи ва унга оқилона меъёрни қўллаб амал қилувчи, бу борада бошқаларга ибрат кўрсата оладиган фаолият юритувчи шахс бўлиши лозимлиги таъкидланади. Раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич, белгиланган муайян муддатлар доирасида тайёрлашнинг давлат системасини ишга тушириш, лавозимларга номзодлар банкни яратиш ва уларни ижтимоий мавқеларга эришиш жараёнлари мониторингини йўлга қўйиш<sup>1</sup> каби таклифларни билдиради.

Кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий сифатларини аниқлаш борасида изланишлар олиб борган профессор М.Қуроновицнинг тавсиялари мавзумизга аниқлик киритади. Жумладан, давлат томонидан кадрлар олдига қўйилаётган талаблар таҳлили раҳбар кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиш нуқтаи-назаридан қуйидаги хулосаларни беради:

- жақон бошқарув педагогикаси ва психологияси, меҳнат социологияси ютуқларини кадрлар сиёсатида қўллаш тажрибасини умумлаштириш;
- раҳбар кадрлар шахсий фазилатларининг замонавий ва истикболли моделларини яратиш ва синаб кўриш;
- муайян мансаб, лавозим профессиограммалари (масалан, жамоа хўжалиги раиси, завод директори, туман ҳокими ва қ.к.) талабларини аниқлаш;

---

<sup>1</sup> Бекмуродов М. Миллий менталитет ва бошқарув // Жамият ва бошқарув. 1998. № 4. Б. 15

- юкоридаги (талаблари аниқланган) вазифа, лавозимларга номзодларнинг мослигини аниқловчи объектив мезонларни белгилаш. Оқиқ ва ёпиқ танловлар технологиясини ишлаб чиқиш каби илмий-амалий вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади<sup>1</sup>.

Олим бу йўналишдаги камчиликларнинг сақланиб келиши сабаби кадрлар сиёсатида технологик ёндашувларнинг йўқлиги, деб тўғри хулосаларга келади. Кадрлар салоҳияти ва фаолиятлари технологияларини белгиловчи ва профессиограммалар, бир томондан, кадрлар сиёсатида объективлик тамойилини таъминлашнинг ишончли қуроли бўлса, иккинчи томондан раҳбар кадрлар тайёрлаш технологик тизимида меъёрлаштирувчи, назорат қилувчи восита бўлиб хизмат қилади<sup>2</sup>.

Шубҳасиз, янги замонавий кадрлар сиёсатини шакллантириш вазифаси объектив, илмий ёндашувни талаб қилади. Ушбу тамойилни жорий қилишнинг истиқболи технологик ёндашувдир. Технологик ёндашув барча жараёнлар учун универсал хусусиятга эга. Зеро, бу тамойил «хом ашё - маҳсулот», «мақсад - натижа» сари ҳаракатни тўла қамраб олиши, яхлитлик, системалиликни таъминлаши, содир бўлиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар, энтропик вазиятларни тезкор тузатиш имконини бериши билан қимматлидир. Аини пайтда, Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлаш «технологик тизими»нинг таркибий қисмлари, босқичлари, восита ва меъёрий ҳужжатлари, амалга оширувчи субъектлар фаолияти Шарқлашга ҳаракат қилинган ҳамда уларнинг босқичлари илмий жиҳатдан асосланган<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, кадрлар сиёсатини назарий ва амалий жиҳатдан янги замон талаблари асосида ташкил этишнинг илмий имкониятлари анча шаклланиб бўлган. Масала уни амалда жорий этишнинг сиёсий, ҳуқуқий ва молиявий асосларини ташкил этиш билан боғлиқ тамойилларни ҳокимият бошқарувида уйғунлаштиришдан иборат.

Мазкур таклифлар асосида мавзумизни қўйидаги мулоҳазалар билан хулосалаймиз;

**Биринчидан,** давлат хизматчилари фаолиятининг ахлоқийлигини таъминлаш, даставвал, кадрлар салоҳияти билан боғлиқдир. Шу тариқа уларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқи мунтазам равишда, талаб даражасида такомиллашиб борувчи объект

---

<sup>1</sup> Курунов М. Кадрлар ва йиллар синови //Жамият ва бошқарув. 2000. № 3. Б. 16

<sup>2</sup> Курунов М. Рақбарлик лавозимлари профессиограммалари қақида. Рақбар ва ходим. -Т.: Академия. 1998, Б. 149-50

<sup>1</sup> Бегматов А, Курунов М. Ўзбекистонда рақбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Рақбар ва ходим. -Т.: Академия. 1998. Б. 124

ҳисобланади. Шунинг учун юқоридаги таъкидланган ахлоқий мезонлар ташкил этилмаса, унда қандай сифатдаги хизматчиларнинг ишлаши лозимлиги мавҳумлашиб қолади. Айни пайтда, хизматчиларнинг салоҳиятини аниқловчи стандартларни ташкил этиш ҳам қийинлашади. Яъни, уларнинг касбига нисбатан мувофиқлик даражасини аниқлаб бўлмайди. Кўриниб турибдики, масала давлат хизматчиларининг касбий ва ахлоқий мезонларини ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этишни талаб қилади. Бундай мезон, давлат хизматчисига юкланадиган сифатларни аниқлайди ҳамда шундай хусусиятларга эга бўлиш шартлигини талаб қилади. Иккинчидан, давлат хизмати ва уларнинг масъулият даражаларини белгилловчи имтиконлар ташкил этилиши лозим бўлади. Имтиҳон хулосаларига кўра давлат хизматчиларини тоифаланишига ҳамда тоифаланганлар ўз даражасига мувофиқ моддий жиҳатдан таъминотларини шакллантириш имкониятини вужудга келтиради.

Албатта, «Давлат хизматчиси тўғрисида»ги қонунни жорий этиш учун катта маблағлар талаб этилади. Аммо шуни ҳам инobatга олиш лозимки, кадрлар сиёсатида ташкил этилган тизимлар нафақат давлат хизматчиларининг ахлоқийлик даражасини оширади, балки давлат хазинасини тежашга олиб келади. Бошқарувда салоҳиятли ва фидойи, ҳалол шахсларнинг салоҳий имкониятларидан тўла фойдаланиш шароитини рағбатлантиради, одамларда ўз обрўйи ва шаъни тўғрисидаги масъуллигини орттиради.

**Иккинчидан,** демократик жамиятда давлат хизматчиларининг сиёсий фаолияти ҳокимиятни шакллантириш сайловлар асосида ташкил этилади. Шунинг учун давлат хизматчилари сайловларнинг ўтишини ташкил этиб беришдан ташқари унга таъсир кўрсатишга уринишнинг олдини олиши муҳим. Зеро, тажриба шуни кўрсатиб келмоқдаки, «ўзига мақбул» бўлган номзодларни танлашда, уларни тегишли округлардан ўтказишда ҳокимият барибир шахсий мақсадлари асосида иштирок этишга ҳаракат қилади. Бир томондан, номзодларга ёрдам бериш имкониятларидан макрум қилиш керак бўлса, иккинчи томондан, давлат хизматчиларини номзодларнинг илтимосидан ҳоли этиш лозим бўлади. Ундан чиқди, ушбу муносабатларни кўзда тутувчи ва тартибга солувчи қонун зарур. Бундай қонунлар ривожланган мамлакатларда ўз ижобий самарасини бериб келмоқда.

**Учинчидан,** давлат хизматчиларининг фаолият назорати ва ҳимояси сиёсий кучлар нисбатини инobatга олиш ва унинг мувоzanатини таъминлаш энг муҳим вазифалар қаторига киради. Зеро, давлат хизмати ва унинг вазифаларини (мансаблари) маълум мақсадларга эга бўлиш ёки унга эришиш воситаси сифатида доимий эътиборда, аниқроғи, баъзан очик, баъзан ёпиқ кураш объекти бўлиб келган. Шунинг учун давлат хизматчилари турли кучлар ёки улар манфаатларининг марказида бўлиб, тухмат, бўҳтон, таъкиб қилиш, тазйиқ ўтказиш каби доимий таҳдид таъсирини сақлаб келади.

Бундай сиёсий шароитнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда давлат хизматчиларининг ҳимояси тўғрисида қонун лозим. Айни пайтда, бундай қонун давлат хизматчиси фаолиятининг хизмат этикасига мувофиқлигини назорат қилиб боради. Чунки маълум ваколатларга эга бўлган давлат хизматчиси агар назоратсиз қолса, ўз вазифасини бошқаларга нисбатан суистеъмол қилиши аниқ. Айнан шу тариқа, давлат хизматчиларининг фаолиятида ахлоқий мезонни белгилаш зарур бўлади.

**Тўртинчидан,** манфаатлар низоси ва хизмат этикасини инобатга олиш зарур. Юқорида таъкидлаб ўтқанимиздек, ҳокимият, мансаб, вазифа доимо манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ объект ҳисобланади. Тадқиқотимиз натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, маълум қонун доирасида фаолият кўрсатиш тартиблари аниқ белгиланмаса, давлат манфаатларини шахсий манфаатларга йўналтириш имкониятлари сақланиб қолади. Бундай имкониятдан фойдаланишнинг салбий таъсири эса давлат қудратини заифлаштиришга олиб келади. Айни пайтда, давлат идоралари вазибаларининг хуфиёна маълум нархларда пулланиши фуқаролар ўртасида давлат ва унинг хизмати халқчил эканлигига ишончсизликни келтиради. Бундай ижтимоий иллат деярли барча ривожланиш йўлидаги, аниқроғи, кадрлар сиёсатида аниқ тизимга эга бўлмаган давлатлар тажрибасида учрайди.

Зеро, давлатда меҳнат, иш юритиш тартибларини бузганлиги ёки жиноят содир этганликлари учун барча фуқароларга умумий бўлган жавобгарлик ҳамда шу билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса-да, давлат хизматчисида бундай тартибга бўйсунмаслик имконияти катта бўлади. Унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, қонунларни писанд қилмаслик имконияти ёки уни ўз манфаатига бўйсундириш ҳам шунчалик кенг бўлади. Шунинг учун давлат хизматчисининг хизмат қилиш масъулиятини оширувчи ва ахлоқий фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш лозим. Масала шундаки, бир раҳбарнинг институтга ёки бирон - бир идорага илтимос билан мурожаат қилганлигини, ўз яқинларини тегишли давлат хизматида жойлаштирганлигини қайси жиноят кодексига қараб жавобгарликка тортиш мумкин? Шундай ҳаракат учун, давлат хизматчиси қайси ҳолатларда ўз вазифасини суистеъмол қилган ҳисобланади ва бундай шароитда унга қандай жазо қўлланилиши мумкин деган масалани равшанлаштириш зарур. Бу борада айрим таклифларни бериш мумкин бўлади. Жумладан;

**Биринчидан,** ўз хизмат вазифасидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш;

**Иккинчидан,** давлат хизматида маълум ташкилотга ёки шахсга ён босиш;

**Учинчидан,** давлат ташкилотлари самарали фаолият юритиш ёки умуман иқтисодий ислохотларга тўсқинлик қилиш;

**Тўртинчидан**, давлат хизмати фаолиятида қарорлар қабул қилишда мустақил ва ҳолислик билан ёндаша олмаслик;

**Бешинчидан**, давлат қарорларини қабул этишда норасмий ёки айрим манфаатлар иродасига бўйсунуш,

**Олтинчидан**, давлат бошқаруви фаолиятида жамиятнинг ишончига путур етказиш ва қ.к.

Умуман, шу каби хатти-ҳаракатлар давлат хизматчиларини тўлақонли жавобгарликка тортиш ваколатини бериши лозим. Айнан шундай тамойиллар асосида қонун орқали давлат хизматчиларининг стандарт этикасининг шакллантирилиши муҳим. Бундай стандарт ҳокимиятларнинг барча бўғинлари ва тармоқларида ўз хусусиятлари асосида ташкил этилиши, айни пайтда, ушбу ахлоқий хизмат этикаси тамойилларини бузган раҳбар шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Зеро, бундай чеклашлар ёки давлат хизматчилари фаолияти ахлоқини белгилловчи мезон йўқ экан, ҳокимиятдан тирикчилик манбаи сифатида фойдаланиш тенденцияси сақланиб қолаверади.

Давлат хизматчиларининг молиявий имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ошқоралиги юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишларнинг самарали таъсирини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган энг муҳим восита ҳисобланади. Зеро, давлат хизматига келган шахснинг нафақат истикболи, балки ўтмиши ҳам хизмат этикасига муносиб бўлишликни талаб қилади. Шунинг учун юқори лавозимдаги барча мансабдор шахслар ўзининг молиявий даромадлари тўғрисидаги маълумотни ошқор этиши ва бундай маълумот истаган шахсга берилишини таъминланиши муҳим. Бундай маълумотлар шахснинг давлат хизматига келганида, номзодлари бирон - бир лавозимга тавсия этилганда, ишдан бўшаганида ёки йилида бир марта ошқор этилиши мақсадга мувофиқ. Шу тариқа жамоатчилик ўз раҳбарлари фаолиятининг ахлоқий даражасини аниқлашга имкониятлари туғилади. Айни пайтда, раҳбар шахсларнинг шу мезонларга риоя этиш рағбатини оширади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кадрлар сиёсати ёки унинг тизимини ташкил этиш ижтимоий-социал ҳамда сиёсий-иқтисодий, маънавий-психологик компонентларни камраб олиши зарур. Улардан бирини олдин ва иккинчисини кейин амалга оширишга уриниш самара бермайди. Давлат кадрлар сиёсати масаласига комплекс тарзда ёндашувни талаб қилади. Албатта, масаланинг моҳиятига етиш ва унинг барча қирраларини инобатга олиш ниҳоятда мураккаб. Унинг мураккаблиги бундай тизимни ташкил этишда намоён бўлса, иккинчидан, унга амал қилиш ёки амалий самардорлигини мустаҳкамлаш масаласи бўлиб қолади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан бозор иқтисодига асосланган демократик жамиятни шакллантириш борасида катта имкониятлар яратилди. Бундай имкониятлар, аввало, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётида ҳалқаро демократик жараёнларга ҳамда умуминсоний қадриятларга хос бўлган тегишли ҳуқуқий асосларнинг ташкил этилганлиги билан белгиланади. Бундай уйғунликнинг самарадорлиги шундаки, у мамлакат ичкарисидаги турли маданиятлар ва манфаатларPRODASINI рўёбга чиқаришга, демократик жараёнларни мустаҳкамлашга, барқарор ва изчил ривожланишига хизмат қилади.

Мазкур тадқиқотда олиб борилган назарий изланишлар ва тавсиялардан фарқли ўлароқ, сиёсат ва ахлоқ муносабатини белгилловчи мезон жамиятнинг характери, бошидан кечириётган даври, ҳукмронлик қилаётган социал-маданий муҳити бўлиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, ахлоқда ҳам сиёсатда ҳам даврнинг маданий мероси, анъаналари, миллатнинг биологик хусусиятлари ҳал этувчи омил бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам демократик жараёнларнинг ривожини жадаллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Зеро, ислохотларнинг амалий самарадорлигини оширишнинг бирдан-бир йўли сиёсий тизим ва институтлар фаолиятини адолат тамойиллари



негизда ривожлантиришга эришмоқдан иборат. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов шундай дейди: «Бизнинг асосий узок муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадрятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, жамиятда барча сиёсий тизим йўналишларида демократик тамойилларни ҳарор топтиришга, айти пайтда, кучлар нисбатини таъминлашга ҳаратилган амалий восита ва муруватларнинг бошқарув бўғинларига киритилиши, бунда миллий истиқлол ғояларини сингдириб бориш ниҳоятда муҳим ва долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз. Шу жиҳатдан жамиятни демократлаштириш ва янгилаш дастури мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар кенг маънода белгиланган истиқболларни амалга оширишга ҳаратилган энг муҳим қадамлар сифатида қараш мумкин.

Албатта, демократик жараёнларнинг ривожланиб бориши билан давлат тузилмалари ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказилиб борилмоқда. Бундай жараён ҳокимият ва жамоат ташкилотлари ўртасида янги муносабатлари юзага келишига турки бўлмоқда. Демократик жараёнларни ривожлантиришга ҳаратилган ушбу муносабатлар қанчалик ижобий ҳодиса бўлмасин, жамиятда эскилик билан янгилик ўртасидаги зиддият табиийлиги оқибатида ижтимоий тўқнашувларни ҳам келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Бундай зиддиятлар, аввало, улар ўртасидаги пайдо бўлган янги муносабатларнинг ҳали ривожланиб улгурмаган ҳуқуқий асосларининг заифлигида намоён бўлса, иккинчидан, ушбу муносабатлар инсон тафаккурида англаб етилмаганлиги туфайли ҳам жамиятнинг сиёсий ахлоқига айланишида маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай муносабатлар гарчи-жамиятда турғунлик ва беҳарорлик билан боғлиқ таҳликали таъсири кўп бўлсада, фақат уларнинг ўзаро уйғунлигида, кетма-кет ривожлантирилишида ҳарор топиб боради. Яъни, демократик жараёнларни чуқурлаштиришга ҳаратилган ҳуқуқий негизлар таъсири сиёсий ахлоқнинг вужудга келишига олиб келади.

Жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ва одил ваколатлар асосида ташкил этилиши, ижтимоий кучлар нисбатининг тўғри тақсимооти ўзаро манфаатларнинг уйғунлигини шакллантиради. Натижада жамиятда сиёсий ахлоқнинг вужудга келишига замин яратади. Шунчаки, умуммаданиятнинг юксалиши орқали демократик жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини

---

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоқ этишдир. -Т.: Ўзбекистон. 2005. Б. 34

мустаҳкамлашга эришиш ёхуд уни кутиш, вақтни зоя ўтказиш билан баробардир.

Инсоният тараққиётида ҳеч қачон халқ ёппасига фақат ўз ички маданияти орқали адолатли жамиятга келган эмас. Миллатнинг зиёлилари ижтимоий муносабатларнинг шундай ҳуқуқий маконини ташкил этадиларки, унда барчанинг маърифий салоҳиятлари даражаси асосида адолатдан бирдай баҳраманд бўлиш имкониятлари яратилади. Яъни, давлат ўз фуқароларига ахлоқли бўлишга интилиш рағбатини сиёсий тизимда ташкил этади ва бу имкониятдан фойдаланишнинг барча ҳуқуқий негизлари яратилади. Айни пайтда, фуқароларда ортиғига, ноқонунийсига даъво қилмасдан ўз меҳнатлари даражасида баҳраманд бўлишнинг маданияти шаклланиб боради. Ахлоқий муносабатлар демократик жараён компонентларининг манфаатларига мос ташкил этилса, бундай уйғунлик жамият яхлитлигини янада мустаҳкамлайди. Натижада ҳар бир индивид, гуруҳ, қатлам ва сиёсий ташкилотларнинг миллат олдидаги фаолияти, айниқса, масъулиги ортиб боради. Жамиятда ижтимоий зиддиятлар ўрнини бағрикенглик эгаллайди. Шунинг учун ҳам демократик жараёнларнинг амалий ҳаракатини сиёсий фанлар нуқтаи-назаридан, шунингдек, сиёсий институтлар ҳамда уларнинг ҳуқуқий негизлари асосида таҳлил этиш ва маълум амалий ҳулосаларни умумлаштиришга ҳаракат қилинди.

Давлатлар тарихи ва тажрибаларидан маълумки, кўп замонларда сиёсат бирёқлама манфаатлар асосида ижтимоий жараёнлар таъсирини инобатга олмай келган. Натижада давлат тез фурсатда сиёсий инқирозга, сўнгра таназзулга юз тутган. Кишилик жамиятининг шу тариқа эврилишлари, аслида, сиёсий жараёнларнинг назарий жиҳатдан такомиллашувига бўлган эҳтиёжини келтириб чихарган. Ва бугун сиёсатшунослик фани демократик жараёнларни жамият қатламлари ҳамда манфаатларига мос равишда ривожлантиришнинг яхлит тизимига эга бўлмоқда.

Демократик жараёнлар сиёсий ахлоқ тамойилларига асосланса, сиёсий тизимнинг барҳарор ишлаши таъминланади. Агар бундай уйғунлик ахлоққа эмас, зўравонликка асосланган бўлса, демократик жараёнларнинг интихоси, шубҳасиз, инқирозга олиб келади. Шунинг учун демократик жараёнларнинг турғун ривожланиши сиёсат ва ахлоқ мувозанатида вужудга келади. Ундан чиқди, демократик жараёнларнинг фаолияти бевосита ахлоқ билан уйғунлашмоғи ва шу ахлоқ орқали бутун жамият қатламлари манфаатларига мос келиши лозим. Масалан, сиёсий тизим ва тартиботлардан келиб чиқиб, аслида, демократик жараёнларнинг тартиби белгиланади. Демократик тузумда сиёсий жараёнлар ривожига катта имкониятлар берилиши назарда тутилади. Аммо жамиятнинг инқирозий ҳолатга келиши иккала тузумда ҳам бир хил кўринишда бўлиши мумкин. Биринчи зўравонликдан, иккинчиси ахлоқсизликдан инқирозга юз тутаяди.

Демократик жараёнлар ривожда ундан сиёсат ва ахлоқнинг уйғунлигини таъминлашда, сиёсий ҳарорларни қабул қилишда фуқароларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Чунки қабул қилинган ҳарорларнинг ижроси сиёсий жараёнларнинг ривожини ҳаракатга келтирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Давлатда қонунларни тайёрлаш, унинг муҳим ва бирламчи аҳамиятини аниқлаш ва бунда умуммиллий манфаатларни умумлаштириш ҳамда уни айрим гуруҳ эҳтиёжларидан устун билиш олдинда турган вазифалар ечимига фуқароларни сафарбар қилишга ижобий шароит яратади. Шунинг учун сиёсатда ахлоқ сиёсий қонунларни қабул қилишда тайёргарлик босқичининг адолатли ташкил этилишида, манфаатлар асосида уйғунлашувида намоён бўлади.

Шундай қилиб, ахлоқ барча индивидларнинг манфаатини инобатга олишни талаб қилса, сиёсат ушбу манфаатларни рўёбга чиқаришга ҳаратилади. Бундай жараёнларни уйғунликка олиб келиш яъни, сиёсатни тобора фуқаро даражасига, аниқроғи, унинг фаолият тури даражасига тушириш баробарида сиёсатнинг ахлоққа мувофиқлашуви имкониятлари ва шароитларини яратади. Шунинг учун сиёсий жараёнларда фуқароларнинг сиёсий иштироки ёки ана шу иштирокининг сиёсий имкониятлари мавжудлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фуқаролар учун бундай имкониятларнинг инобатга олинмаслиги фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг бегоналашувига олиб келади. Фуқароларнинг бурчини англаш даражаси, ўзининг бирор бир сиёсий оқим ва ҳаракатга мансублиги каби сиёсий-руҳий хусусиятлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Сиёсий-руҳий бегоналашув кўпинча сиёсий лоқайдлик ёки экстремизмга олиб келади. Сиёсий ахлоқ ушбу муносабатларни ўрганиб боради ва тегишли хулосалар беради.

Сиёсий ахлоқ бевосита ҳокимият фаолиятига, унинг бошқарув механизмларига сингиб бориши билан ҳокимиятнинг халқчиллигига олиб келади. Чунки ҳокимият ўз моҳиятига кўра ташкил қилиш, идора қилиш, раҳбарлик қилиш функцияларини бажаради. Айнан ана шундай муносабатлар тартибга солинмас экан, сиёсий ҳокимиятнинг ҳукмронлик қилиш тенденцияси ошиб боради. Ҳокимиятлар фаолиятида сиёсий ахлоқ, аввало, жамият ва фуқаролар манфаатларини, уларнинг барҳарор ҳаёти ҳамда ривожланиши, тинчлиги, хавфсизлиги, инсонларнинг ҳуқуқ, бурчларини ва бошқа шунга яқин муносабатларини адолат асосида шакллантиришда намоён бўлади.

Фалсафий ва сиёсий фанлар тарихидан бизга маълумки, ҳокимият бўлиниши ёки тақсимоли масалалари давлатлатчиликнинг илк шаклланиш давридаёқ вужудга келган. Бундай муносабат ҳокимиятни яқка қўлда тўпланиши, яъни ягона шахс орқали бошқарув асосида ташкил этиш бўлса, иккинчидан давлатнинг институционал бошқарув эҳтиёжлари орқали шаклланган. Мавжуд ижтимоий тенденция бир томондан ҳокимиятлар учун курашларни

тухтатишга, сиёсий муносабатларни тартибга солишга ҳаратилган бўлса, аини пайтда, жамиятдаги ижтимоий қатламларни мурасага келтиришга ҳамда ҳарама-ҳаршиликларни бартараф этишга хизмат килган.

Ушбу йўналиш бўйича сиёсий ахлоқ категориясининг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, илмий тамойилларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш каби таклифлар билан асосланди. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали кўпгина янги қонунлар қабул қилинишига эътибор ҳаратилиши лозим. Бу борада энг муҳим масалалардан бири, жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга ҳаратилган ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига тўхталди. Бу борада демократик жараёнларнинг соғлом муносабатларини ташкил этишда нодавлат, ноҳукумат ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ўрни ниҳоятда катта. Зеро, фақат фуқаровий институтларнинг таркиб топиши билан жамиятда демократик жараёнларнинг ахлоқи юксалади. Шунинг баробарида, фуқаро ва давлат, аини пайтда, ахлоқ ва сиёсат ўртасидаги мувозанат тартибга келади.

Жаҳон халқлари давлатчилигининг ривожланиш тарихи тажрибаларига эътибор берадиган бўлсак, бозор иқтисодига асосланган демократик тараққиёт йўлини танлаган кўплаб давлатларнинг ривожини намуна қилгудек ижобий дея олмаймиз. Демократия ва бозор иқтисодининг ютуқларига бармоқ билан санарли мамлакатлар эришган ҳолос. Бу ютуқларга эришган халқлар ҳам ниҳоятда кўп эврилишларни бошидан ўтказганлар. Миллатнинг тарихий ривожланиш истиқбол омиллари, бевосита унинг маърифий юксалиши билан белгиланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу борада миллат зиёлиларининг халқ, миллат олдидаги маъсулияти унинг ижтимоий фаолиятининг асосини ташкил қилади. Зеро, ҳар қандай миллат зиёлиларининг фидойилиги ва маърифати орқали жамият, миллат ўз истиқбол йўлини танлайди ҳамда шу мақсад сари боради.

Давлат бошқарувида унинг ички ҳамда ташқи сиёсатини олиб бориш, сиёсатнинг ахлоқийлигини таъминлаш ниҳоятда мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Масаланинг мураккаблиги шундан иборатки, мустақил ва миллий давлатчиликни шакллантириш жараёни билан бир қаторда давлат бошқаруви салоҳияти бугунги замон талабига ҳамоҳанг равишда олиб борилишини талаб этади. Демократик жараёнларни сиёсий ахлоқ талаблари даражасига олиб чиқиш – бу миллат салоҳиятини жамият бошқарувида олиб чиқиш демакдир.

Жамиятда сиёсий ахлоқ тамойилларини сингдириш ва тарғибот қилишда кадрлар фаолияти ҳамда уларнинг салоҳияти ҳал

этувчи рол ўйнайди. Бу борада кадрлар сиёсатини ташкил этишда уларнинг турли ижтимоий-социал ҳамда сиёсий-иктисодий, маънавий-психологик компонентларни камраб олиш зарур. Улардан бирини олдин ва кейин иккинчисини амалга оширишга уриниш самара бермайди. Айни пайтда, масаланинг моҳиятига етиш ва унинг барча кирраларини инобатга олиш ниҳоятда мураккаб. Мураккаблиги бундай тизимни ташкил этишда намоён бўлса, иккинчидан унга амал қилиш, ёки амалий самарадорлигини мустаҳкамлаш масаласидир. Аммо бозор иктисодига йўналтирилган адолатпарвар, демократик жамиятни қуришга ҳаратилган интилишларимизни ривожланган давлатлар тажрибаси билан ҳамоҳанг ташкил этмасдан бошқа йўл йўқ. Яъни, жамият бошқарувига ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган салоҳиятли, фозил шахсларни олиб келиш шарт-шароитларини яратиш зурур бўлади.

Тадқиқотда сиёсий идеализм, сиёсий реализмдан фарқли ўлароқ дунёни қандай бўлса шундайлигича эмас, балки қандай бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қараш лар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Сиёсий идеализм тарихида давлат қурилиши бўйича турли хил фалсафий идеал лойиҳалар таклиф этиб келинган. Сиёсий идеализмнинг гносеологик моҳияти инсоннинг оғир турмуш тарзидан қутулиб, фаровон ва бахтли ҳаётга бўлган орзуси билан боғланади. Инсон ўз орзусини ҳаёт машаққатларига ҳарши қўяди, шу тарика аввал эртақлар, қўшиқлар ва ривоятлар орқали ифода этади, сўнгра идеал орзуларда таскин топади. Аммо ижтимоий қонуниятларнинг моҳияти шундаки, ҳар қандай идеал ғоялар ҳаётда вақти келиб реал воқеликка айланади. Шу тарика ҳар бир жамият аслида идеал ғояларини англаши баробарларида сиёсий тартибларини шакллантириб боради.

Сиёсий реализм ва идеализмнинг фарқли жиҳати шундаки, биринчиси инсоннинг адолат тўғрисидаги қараш лари бўлса, иккинчиси унинг эзгулик ва яхшиликка бўлган ижтимоий фаолиятидир. Сиёсий идеализм индивидуализм, гуманизм, либерализм, анархизм, интернационализм каби шаклларда намоён бўлади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, инсоният тарихида кўплаб ғоялар вақт ўтиши билан сиёсий идеализм қобигидан чиқиб эртами - кечми сиёсий реализм аънаналарини бойитган. Шунинг учун сиёсий идеализм ҳамда реализм ўртасига чегара қўйиб бўлмайди. Ёки уларнинг қай бири сиёсат учун ижобий ва афзал эканлиги тўғрисидаги бирёклама мунозара мақсадга мувофиқ эмас. Қолаверса, ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихи сиёсий жараёнларда ўзгарувчан хусусиятларга эга.

Умуман, ҳозир ҳам бу борада назарий ва сиёсий фикрлар уйғунлигига эришилган эмас. Ҳеч бир жамият идеал давлат қуриш мақсадига етган ҳам эмас. Аммо идеал ғояларни давлат бошқаруви тизимида реал сиёсат билан уйғунлаштиришга ҳаратилган фаолият

жамиятда эзгуликнинг ёвузлик устидан назоратини ушлаб туришга ёрдам беради. Бундай ахлоқий устунлик инсонларнинг фаровон, озод ва обод ватан бунёд этишдек эзгу истак ва интилишларини саробга айлантиришга йўл қўймайди.

Мамлакатда мустакил тараққиёт истиқбол режалар ва уни амалга оширишнинг босқичма–босқич сиёсий механизмлари жорий этилди. Барча мавжуд ишлаб чиқариш воситалари ва миллий интеллектуал салоҳият ягона мақсад – бунёдкорлик ишига сафарбар қилинди. Ислохотларнинг асоси миллий – маънавий, ахлоқий кадриятлар негизига қурилди. Маънавият миллий тикланишни таъминловчи устувор омил сифатида ҳаралди. Жамиятда турли ижтимоий қатламлар манфаати уйғунлигини ва уни мувофиқлаштирувчи меъёрларини белгиловчи бош ислохотчи давлатнинг «кучли давлатдан – кучли жамият сари» ғояси илгари сурилди.

Шундай қилиб, сиёсий ахлоқ категориясининг демократик жараёнлардаги аҳамиятини ўрганиб маълум хулосаларга келдик.

1. Тарихий, миллий ахлоқий кадриятларни демократик жараёнлар ривожда ворисийлик, тадрижийлик асосида ўрганиш, маданий меросимизни сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланади. Яъни, сиёсий ахлоқ ўтмиш, бугунда истиқболга интилаётган халқнинг ахлоқ нормаларига амал қилишнинг назарий ва амалий тизимини ташкил этишни вужудга келтиради.

Шарқда табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривож, рационализм, ақл кучига ишониш масалаларига алоҳида эътибор ҳаратилган. Жумладан, ҳақиқатни топиш, жамият ва ҳокимият бошқарувида адолат ғояларини тарғиб этиш, ҳақиқатни инсон тасавури, илмнинг асоси деб ҳисоблаш устувор аҳамият касб этган. Ушбу мавзуда яратилган асарларни сиёсий фан дарсликлари мазмунига киритиш ва улар моҳиятини ёшлар дунёқараш ига сингдириш миллий-мафқуравий вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

2. Сиёсий ахлоқ категорияси сиёсий ҳокимият ва сиёсий институтлар фаолиятини ташкил этишнинг маънавий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Бош масала, сиёсий ахлоқ сиёсий ҳокимият фаолиятининг легитимлигини ташкил этади. Ҳокимиятнинг легитимлиги фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлашни мақсад қилиб олган давлатга нисбатан қўлланилади. Бундай ваколат ҳокимият томонидан жамиятнинг моддий ва маънавий неъматларини адолат тамойиллари асосида тақсимот қилиш ҳуқуқини беради. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий институтлар фаолиятининг нечоғли даражада миллий ахлоқий кадриятлар негизига қурилганлиги, манфаатлар муштараклигининг амалий ифодаси, ҳокимият билан халқнинг ҳамкорлиги масалалари сиёсий ахлоқ таркибини ташкил этади.

Сиёсий ахлоқ жамиятда қонунларнинг инсонпарварлигини таъминлашнинг илмий негизларини ташкил этиб беришга ҳаратилади. Сиёсат ахлоқи муаммолари ва сабаб-оқибатларини ўрганади. Ахлоқий кадриятларнинг сиёсий фаолият орқали қонунга айланиш жараёнлари таҳлилини олиб боради. Сиёсий ахлоқнинг энг муҳим ва умумий функцияларидан бири ижтимоий тенгсизлик муаммоларини аниқлайди ва шу муаммолар бўйича тавсиялар тайёрлаш каби вазифаларни қамраб олади.

3. Давлатчиликнинг ривожини бевосита миллий-руҳий маданият салоҳияти даражаси билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Агар миллат ўз истиқболи ривожини англаб етса ва кундалик турмушида унга амал қилиб яшаса, эл-юрт юксалади. Унинг бугунги куни кечагидан яхшиликка, эзгуликка қараб ўзгаради. Аммо дунё тараққиёти ва унинг талаблари ҳисобини билмаган халқлар фақат шу куннинг ташвишларидан ташҳарига чиқа олмайдилар. Аслида тарихдан маълумки, инсон, сўнгра миллат шу тариқа ўз нафсининг қулига айланадилар.

Мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда тарихий ривожимизда миллат зиёлисининг ижтимоий иллатларга нисбатан кураши ва бунда миллий ахлоқий кадриятлар асосида халқни бирлаштира олмаган хусусиятлари ва сабаблари таҳлили кўрсатилди. Миллий руҳият ва унинг ахлоқий мезонларини аниқлашда миллатни ташкил этувчи шахслар тўғрисидаги тушунча ва қараш ларимизни истиқбол мақсадларимиз билан қанчалик ҳамоҳанг эканлигини ҳамда олдимизда турган муаммолар кўламини белгилашга, унинг илмий - таҳлилий жиҳатдан тадрижий ривожини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилдик. Шу жиҳатдан давлат ва жамият қурилиши борасидаги миллий меросимизни сиёсий фан дарсликлари мазмунига киритиш ва улар моҳиятини ёшлар дунёқарашига сингдириш миллий-мафкуравий вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

4. Жамият ва инсон муаммоси ҳамда у билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг фалсафий-сиёсий ечимини англаш, инсоннинг камол топишига тўсиқ бўлаётган иллатларга ҳарши маърифий кураш олиб бориш, қонунчилик асосида адолат ва ҳақиқат тамойилларини ҳимоя қилиш, жамият манфаатларини шахсий манфаат билан уйғун олиб бориш, касбий маҳоратни ҳамда маданий салоҳиятни жаҳон талаблари асосида мунтазам ошириб бориш, мамлакат ва жаҳон сиёсий, иқтисодий, технологик, информацион ўзгаришлардан бохабар бўлишга интилиш, эзгулик ва яхшиликка, тўғри сўз ва ҳақиқатга хайрихоҳлик кўрсатиш, илми-ижодкор шахсларни қўллаб-қувватлаш бугунги ҳар бир миллат зиёлисининг вазифаси бўлиши миллий ғоянинг ифодаси эканлиги очиб берилди.

5. Ахлоқий кадриятлар тарғибот билан эмас, унга амал қилишнинг ҳуқуқий мезонларини вужудга келтириш орқали ҳарор топади. Жамиятда миллий ахлоқий кадриятларнинг ҳуқуқий ва

ташкилий тизимини вужудга келтирмаслик жамиятда сиёсий ахлоқсизликни келтириб чиқаради. Бунда мансабдор ва амалдор шахслар ўз мажбуриятларини суистеъмол қилади ёки ҳокимият фақат шахсий манфаатларни қондириш воситасига айлантирилади. Ишлаб чиқаришда шартномалар бажарилмайди, қонун ва ҳарорлар ижроси пасаяди, инсон кадр-қиммати ва манфаатларига эътибор берилмайди. Давлат ва жамият бошқарувининг функционал вазибалари издан чиқади, фуқаролар ўртасида оқибатсизлик, зиддият, ишончсизлик вужудга келади.

Жамиятда сиёсий ахлоқ ижтимоий назорат тизимини ташкил этишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Яъни сиёсий ахлоқ ижтимоий жараёнларнинг ошқоралигини таъминлаш услубларини шакллантиради. Агар бундай ёндашувлар жорий этилмаса, жамиятда коррупция авж олади, солиқлар яширилади, қонунларнинг ижроси ва таъсири пасаяди, хуфиёна муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боради, ҳисобот ва кўрсаткичлар реал ҳаётдан тубдан фарқ қила бошлайди. Чунки, одамлар қонунни бўзишдан кўра, эл олдида шарманда бўлишдан кўпроқ ҳадиксирайди. Шу маънода, сиёсий ахлоқ одамларнинг ҳатти-ҳаракати ахлоқсиз эканлигини, миллий манфаатларга зидлигини фош қилади.

6.Тадқиқотда сиёсат, ахлоқ, адолат, демократия ва барқарорликнинг узвий алоқадорлиги масаласи сиёсат фалсафаси нуқтаи назаридан таҳлил этилган бўлиб, демократик жамият қурилишида сиёсий ахлоқнинг ижтимоий тизимга сингиб бориши омиллари, сиёсий ҳокимиятлар муносабати муаммоларининг ечими ташкилий механизмлар сифатида тавсия этилди. Сиёсат ва ахлоқнинг шахс фаолиятига таъсири, раҳбарнинг адолат, маънавий юксалишига қаратилган ҳатти-ҳаракатларнинг сиёсий мотивлари моҳияти ўрганилди. Жумладан, сиёсатнинг ахлоқийлигини таъминлаш, унинг ижтимоий назоратини ўрнатиш жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг мустаҳкамланишини, маънавий меъёрларнинг институционал тизимини ташкил этилиши борасидаги тавсиялар берилди. Бундай тавсиялар, аввало давлат хизматчилари, парламент аъзолари, сиёсий партия раҳбарлари учун мўлжалланиб, улар маълум қонунларда ўз ифодасини топиши тўғрисидаги илмий қарашлар шакллантирилди.

7. Ўзбекистонда эришилган ютуқларни асраш ва янада мустаҳкамлаш, белгиланган назарий тамойилларни ривожлантириш учун сиёсий ахлоқ кадрларига зид ижтимоий иллатларни илмий жиҳатдан ўрганиш демократик жараёнларнинг барқарор ҳамда мустаҳкам тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Чунки ҳар қандай юксалиш ва ривожланиш химояга муҳтож бўлади. Бундай ҳавфлар, аввало жамият барқарорлигини, иқтисодий, ижтимоий йўналишларни издан чиқаришга қаратилган ғайриахлоқий ҳаракатларда намоён бўлади. Айтиш жоизки, собиқ шўролар



худудида «демократия» деб аюҳаннос солган аксарият мамлакатлар олиб борган сиёсатларида ижтимоий ёвузликнинг барча кўринишларини амалга ошириб бўлди. Бу фожиаларнинг барчаси «мавҳум демократияга», бировдан олинган «андоза демократияга» интилиш оқибатида вужудга келганлиги, айни пайтда давлат ва жамият бошқарувида «таваккалчилик» сиёсий ахлоқсиз муносабатларни келтириб чиқариши билан боғлиқ сабаблар кўрсатилди.

8. Давлат хизматчиларининг фаолият назорати ва ҳимояси энг муҳим вазифалар қаторига киради. Давлат хизмати ва унинг мансаб вазифалари маълум мақсадларга эга бўлишда баъзан очик, баъзан ёпиқ кураш объекти бўлиб келган. Шунинг учун давлат хизматчилари турли носоғлом кучлар ёки манфаатлар кураши марказида бўлиб, тухмат, бўҳтон, таъкиб қилиш, тазйиқ ўтказиш каби баъзи таҳдидлар таъсиридан ҳоли бўлмайдилар. Бундай ҳолатнинг мавжудлигини инобатга олиб давлат хизматчилари тўғрисида қонун чиқилишини тақозо этади. Айни пайтда, бундай қонун давлат хизматчиси фаолиятининг хизмат этикасига мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Давлат бошқарув идораларида ахлоқий жиҳатдан юксак, салоҳиятли кадрларнинг ишлаши, шунингдек, меҳнатини кадрлаш имконияти вужудга келиш омиллари очиб берилди.

9. Ўзбекистон давлат мустақиллиги халқимиз олдида тубдан янги истиқбол уфқларини очиб берди. Булар аввало, давлатимизнинг сиёсий мустақиллиги ва унинг фуқаролари озод эканлигини билдирса, иккинчидан, бундай хурриятнинг абадийлигини таъминлашга ва мустаҳкамлашга ҳаратилган энг масъулиятли вазифа тарихий давлатчилигимиз анъаналари билан ҳамоҳанг тарзда дунёвий давлатни барпо этишдир. Чунки, демократия ҳар бир миллатнинг тарихий маданиятига, ўзига хос хусусиятларини умуминсоний қадриятлар асосда уйғунлаштира олгандагина ўз самарасини бера олади. Бугунги кунда демократик жараёнларнинг сиёсий ахлоқ қадриятлари асосида шакллантириш ҳамда уни ижтимоий турмушнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш давлатнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий негизларининг мустаҳкам тизимида ўз аксини топади ва амалда рўёбга чиқарилади. Бу жараёнлар аввало, давлат бошқарув воситаларининг мукамаллигида ва унда қонунларнинг амалда устувор эканлигида, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг маърифийлигида, демократик жараёнларнинг собитқадамлигида намоён бўлади. Жамиятда демократик жараёнларнинг шу тарзда уйғунлашуви ҳамда уларнинг бир маромдаги ҳуқуқий фаолияти сиёсий ахлоқнинг вужудга келишига хизмат қилади.

10. Сиёсатнинг ахлоқийлигини таъминлаш, унинг ижтимоий назоратини ўрнатиш жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг мустаҳкамланишини, маънавий меъёрларнинг институционал

тизимини ташкил этилишини талаб қилади. Бундай тартиб, аввало давлат хизматчилари, парламент аъзолари, сиёсий партия раҳбарлари учун мўлжалланиб, улар маълум қонунларда ўз ифодасини топиши керак. Зеро, шу йўналишдаги қонунларнинг ташкил этилмаслиги сиёсий жараёнларда сиёсатнинг ҳам, сиёсатчининг ҳам ахлоқини ўлчайдиган масъулият мезонларининг мавхумлашувига олиб келади. Бундай мавхумлик ҳолати сиёсий жараёнларда ахлоқсиз ҳаракатлар қўламининг кенгайишига шароит яратади. Масалан, Ғарб мамлакатларида раҳбар этикаси, депутат этикаси сифатида қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур қонунлар сиёсатчилар фаоллиятининг ахлоқийлигини назорат этувчи механизм сифатида хизмат қилади.

11. Сиёсий ахлоқ демократик жараёнлар фаолиятига мувофиқ ислоҳотларнинг ташкил этилиши мураккаб бўлса-да, ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиб, такомиллашиб боришига имконият яратади. Зеро, адолатли давлатга интилган жамиятнинг ахлоқи қабул қилган қонунларнинг амалда жорий этилишини таъминлай олганликлари билан белгиланади. Давлат қурилишида бир-бирига боғлиқ бўлган демократик жараёнларни айри ҳолда ривожлантириш бирёқлама оксоқликни келтириб чиқаради. Демократик кадриятлар ҳимоясида бўла олмаган сиёсий тизим шароитида жамиятда коррупционни гуруҳлар орттириб боради ва улар ҳеч қачон адолатли жамият асосларини мустаҳкамлаш тарафдори бўлмайдилар.

12. Демократик жараёнларнинг ахлоққа мувофиқлигини таъминлаш борасида сиёсат мақсади ва воситаларининг моҳияти анча зиддиятли ва олимлар ўртасида баҳс талаб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Сиёсат бир-бирига ҳарама-ҳарши бўлган сиёсий жараёнларда маълум мақсадларни кўзлаган ҳолда вужудга келади ва амалга оширилади. Шунинг учун сиёсий ахлоқ жамиятнинг ички ҳаётини интеграция қилиш, сиёсий жараёнлардаги ички зиддиятлашувга сабаб бўлиши мумкин бўлган турли манфаатларнинг уйғунлашувини таъминлашга ҳаратилади. Аммо сиёсатнинг мақсадини манфаатлар турли бўлган шароитда амалда ахлоққа мувофиқлаштириш осон иш бўлмайди. Айниқса, жамиятда шахсий ахлоқсизлик ва худбинлик тусини олган манфаатларни тартибга солиш учун сиёсий восита ва услубларни ҳуқуқий таъсир орқали жорий этиш талаб этилади. Булар аввало, ҳокимият, ички ишлар ва бошқа органлар, қонуний актлар, матбуот, тарғибот компаниялари, иқтисодий, молиявий инфраструктуралар орқали таъсир ўтказилади. Шунинг учун мақсад ва восита натижаларининг ахлоққа таъсири масаласи аслида азалдан баҳс-мунозара объекти бўлиб келган. Чунки, аксарият ҳолларда сиёсий тартибларни таъминловчи субъектларнинг ахлоқий даражаси билан жамиятда сиёсий ахлоқ қиёфаси белгиланиб қолади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

### I. И.А.Каримовнинг асар ва нутқлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, Мафкура. 1 - жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 364.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 39
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 366
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 349
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997. Б. 384
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 429
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. 7-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 410
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8 - жилд. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 528
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, -Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 432
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд –Т.: Ўзбекистон, 2002. - Б. 432
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2003. - Б. 320
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2004. - Б. 400
13. Каримов. И.А. Ўзбек халқи ҳеч ҳачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - Б. 448
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. 14-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2006. - Б. 280
15. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - Б. 269.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 326

17. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б.686
18. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.: Шарк, 1998. - Б.184
19. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1995. - Б.160
20. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.:Ўзбекистон, 1999. Б. 48
21. Каримов. И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б.32
22. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. -Т.: Шарк, 1998. Б.104
23. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 30
23. Каримов И.А. Конституция - юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 2003. - Б. 48
- 24.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.–Т.: Ўзбекистон, 2005. - Б. 96
25. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий кадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - Б.48.
26. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. -Т.: Ўзбекистон, 2005. - Б. 144

## **II. Монография ва асарлар.**

1. Аристотель. Политика. Соч. В 4-т. -М.: Мысль, 1984. - 496 с.
2. Аристотель. Поэтика. Ахлоқий кабир. -Т.: Янги аср авлоди. 2004. - Б. 196
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: А.Қодирий, 1993.-Б.224
4. Авлоний Абдулла. Танланган асарлар 1, 2-жилдлар. –Т.: Маънавият, 1998. - Б. 303
5. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. -Т.: Шарк, 1997. - Б. 112
6. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. -Т.: Маънавият, 2000 - Б. 168
7. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: Ўқитувчи, 1994. - Б. 429
8. Аҳмедов Б., Мухсинова Р., Пугачева Г. Т.: Университет, 1999. - Б. 264
9. Беҳбудий. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1999. - Б. 229

10. Бердяев Н. Судьба России. -М.: Мысл, 1990. - 207 с.
11. Вебер М. Избранные. произведения. Пер. С нем. -М.: 1990. - 646 с.
12. Введение в геополитику. -М.: Логос, 2000. - 416 с.
13. Гегел Г. Философия права. -М.: Мысль, 1990. - 418 с.
14. Гаджиев К. Политическая философия . -М.: Экономист, 1999. - 606 с.
15. Глобальный мир. Единый и разделённый. - М.: Междунар. Отн. 2005. -676 с.
16. Даль Роберт. О демократии. - М.: Аспект пресс, 2000. - 208 с.
17. Джарол Б. Мангейм, Ричард К.Рич. политология. Метод исследования: Пер.с англ.-М.: Весь мир, 1997. - 544 с.
18. Давлат хизмати персоналини Бошқариш . -Т.: Академия., 2002. - Б. 140
19. Давлат ва ҳуқуқ асослари изохли лугат.-Т.: Ўқитувчи, 1996. - Б. 96
20. Жалолов А.М. Мустақиллик масъулияти.-Т.: 1996. - Б. 256
21. Жўраев Н. Агар огоҳ сен.. -Т.: Ёзувчи. 1998. - Б. 288
22. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. - Т.: Маънавият, 1999. - Б. 192
23. Жумабоев Ё. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлокий тараккиёт тарихидан.Т.: Ўқитувчи, Зиё-Ношир, 1997. - Б. 184
24. Жаҳон мамлакатлари. -Т.: Шарк, 2004. - Б. 384
25. Жаҳон конституциялари. 1-жилд. Т.: Адолат, 2001. -Б. 456.
26. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Чулпон, 1989. - Б. 368
27. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси.- Т.:Ўзбекистон, 1996. - Б. 396
28. Ислом, тарих ва маънавият. - Т.: А.Кодирий, 2000. - Б. 112
29. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. -Т.:Ёзувчи, 1996. - Б. 272.
30. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. - Т.: Маънавият, 1999. - Б. 280
31. Кант И. Соч.Т.3.-М., 1964.
32. Кропоткин. П. Этика. -М.: Полит изд. 1991. - Б. 496
33. Ливитин Л. Ислом Каримов - Янги Ўзбекистон Президенти.-Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 159

34. Ливитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танкидий мулоҳазалари.-Т.:Ўзбекистон, 2001. - Б.368
35. Локк Д. Сочинения.В 3 т. -М.: Мысль, 1988.
36. Макиавелли Н. Государь. -М.: Планета, 1990. - 34 с.
37. Монтескье. Ш. О духе законов. Избр. Произ. -М.: 1955.
38. Маънавийат юлдузлари. -Т.: Абдулла Қодирий, 1999. - Б. 400
39. Мулла Олим Маҳмуд Ҳожи. Тарихи Туркистон. -Қарши. : Насаф, 1992. - Б.152
40. Макиавелли.Н. Государь Рассуждения о первой декаде Тита Ливия. О военном искусстве. - Минск.: Попурри. 1996. - 576 с.
41. Муҳаммад қози. Хукмдорга ўғитлар. -Т.: Шарқ, 1999. - Б. 22
42. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Янги аср авлоди, 2001. - Б. 224.
43. Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғат. -Т. : «Шарқ».1998. - Б.320
44. Ницше Ф.Соч.Т.2.-М.: 1990. - 830 с.
45. Низомулмулк «Сиёсатнома» Т. 1997. - Б. 256
46. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-хулуб. -Т.: Гафур Ғулом, 1983. - Б. 112
47. Назаров Ҳ. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004. - Б.196
48. Ницше Ф. Воля к власти.: Посмотртные афоризмы. -Минск. Попури, 1999. - 464 с.
49. Насафий Ш. М. Султон Жалолиддин Мангуберди. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 432
50. Новейший философический словарь. – Мн.: изд. В.М. Скакун. 1998. –896 с.
51. Отамуратов С. Ўзбекистонда маънавий – руҳий тикланиш. - Т.: Янги аср авлоди, - Б. 2003.
52. Отамуродов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. - Т.: Академия, 2006. - Б. 368.
53. Поппер К. Открытое общество и его враги. Т.1 - М.: Меж.фонд Культурная инициатива, 1992. - 448 с.
54. Пахрутдинов Ш. Таҳдид” тушунчаси: назария ва амалиёт.-Т. : 1998. - Б.63
55. Пахрутдинов Ш. Таҳдид ҳалокатли куч. – Т.: Академия, 2001. - Б. 320

56. Пугачев В.А., Соловьёв А.И. Введение в политологию. - М.: Аспект пресс, 2002. - 477 с.
57. Проблемы государственного суверенитета. - М.: Норма. 2006. - 288 с.
58. Руссо Ж. Об общественном договоре.-М.: Гос. соц-пол. изд.1938. -121 с
59. Румий Ж. Ичингдаги ичингдадир.-Т.: Ёзувчи, 1997. - Б.192
60. Румий Ж. Маънавий маснавий куллиёт. Т.: Шарқ, 1999. - Б. 368
61. Риккерт. Науки о природе и науки о культуре. -М.: 1998. - 413 с.
62. Рузметов Х. Хокимияты. – Тошкент. 2004. - 224 с.
63. Сумерки богов. -М.: Политическая литература. 1990. - 398 с.
64. Сагдуллаев А, Аминов Б, Мавлонов ў, Норхулов Н. ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараккиёти. -Т.: Академия, 2000. - Б. 272
65. Соифназаров.И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият.-Т.: Шарқ, 2001. - Б.160
66. Соловьёв А.И. Политология: политическая теория и политические технологии. - М.: Аспект пресс, 2000. - 559 с.
67. Современные международные отношения. –М.: 2000. -259 с.
68. Сулаймонава Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 416
69. Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулук: Подшоҳларга ҳўлланма. Таржима, сўз боши, изоҳлар муаллифи Ж.Эсонов.-Т.: Ғафур Ғулом, 1997. - Б. 272.
70. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. -Т.: Академия, 2001. - Б. 334
71. Темур тузуклари. –Т.: Ғафур Ғулом, 1991. - Б. 344
72. Темурнома. , -Т.: Чўлпон, 1990. - Б. 352
73. Таранов П.С. Управление без тайн. - Симферопол.: Таврия, 1993, 480 с.
74. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан.-Т.: Ўзбекистан, 1995. - Б. 239
75. Фром. Э. Душа человека. -М.: Республика, 1992. - 430 с.
76. Фитрат. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият., 2000. - Б. 256
77. Фитрат.Амир Олимхон хукмронлик даври. –Т.: Минхож, 1992. -Б. 64
78. Фалсафа тарихи. -Т.: Шарқ, 2002 йил. - Б. 720
79. Фалсафа изоҳли луғат. –Т.: Шарқ. 2004. - Б. 384.

80. Фалсафа ҳомусий лугат. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамият. 2004. - Б. 496.
81. Шопенгауэр А. Избранные произведения. –М.: Феникс, 1997. - 544 с.
- 82.Щацкий Е. Утопия и традиция. -М.: Прогресс. 1990. -379 с.
- 83.Юсупов Ш. Ҳуфия қатламлар. -Т.: Маънавият, 1999, - Б. 144
- 84.Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. – Т.: Маънавият, 2003. - Б. 168
85. Юридик атамалар ҳомусий лугати. Т.: Шарқ. 2003. - Б. 432
- 86.Чўқай М. Истиқлол жаллодлари. –Т.: Фафур Фулом, 1992. - Б. 80
- 87.Цыганков П.А. Теория международных отношений. – М.: Гардарики, 2004. - 590 с.
- 88.Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси.-Т.: Академия, 2000. - Б. 112 .
89. Йўлдош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқ фикрлар тараққиёти тарихидан. -Т.: Ўқитувчи, 1997. - Б.184
- 90.Йўлдошев С., М. Усмонов., Р. Каримов. Ҳадимги ва Ўрта аср ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарқ, 2003, -Б. 208
- 91Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. -Т.: Шарқ, 2002 йил. - Б.336
- 92.Ўзбекистон ХХI асрга интилмоҳда. -Т.: Академия, 2000. - Б. 352
- 93.Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даври миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Т.: Фан, 2005. - Б. 270
- 94.Умаров Э., Загыртдинова. Этика. –Т.: Чўлпон, 2005. - Б. 136
- 95.Ҳирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафқуралар, маданиятлар.-Т.: Шарқ, 1998. - Б.160
- 96.Ҳосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2002. - Б. 400
- 97.Хурунов М, Бегматов А. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Раҳбар ва ходим. -Т.: Академия, 1998. - Б. 172
- 98.Ҳодиров А. Сиёсат фалсафаси. – Т.: ТДЮИ, 2005. -Б. 124.
- 99.Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. -Т.: Шарқ, 1996. Б.156
- 100.Ҳасанов. С. Хоразм маданияти дарғалари.-Т.: Адолат, 2001. - Б. 224
- 101.Хьел Л., Зиглер Д. Теории личности. СП б.: Питер, 2001, - 608 с
- 102.Холбеков А., Идилов У. Социология. – Т.: Ибн-Сино, 1999, - Б.168.
- 103.Ғаззолий З.М. Кимиёи саодат. -Т.: Камалак, 1994. - Б. 80
- 104Ғиждувоний Ғ.А. –Т.: Ўзбекистон, 2003. - Б. 128
- 105.Ғоипов Н. Амир Темур даври маънавияти. -Т.: Ғ Фулом, 2001. - Б. 48

### **Ш. Газета ва журнал материалари:**

1. Абулқосимов Ҳ. Инсон омилини фаоллаштириш демакдир //Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2006. -№ 1. - Б. 60-62.



2. Азизхўжаев А. Демократия - халқ ҳокимияти демакдир //Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 1997. -№ 1. - Б. 4-7.
3. Азизхўжаев А. Демократиянинг ёрхин ифодаси. // Жамият ва бошқарув.- Тошкент, 2002. -№ 1. –Б.4-8
4. Азизхўжаев А. Эркинликнинг ғалабасини муҳрлаган қонун. // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2000. -№ 4. –Б.4-7
5. Абдукамилов Р. Авестийские текст о государственности и праве: вопрос генезиса и эволюции структур. // Ўзбекистон тарихи. - Тошкент, 2000. -№ 3. - Б. 9-24
6. Абдуллаев М. Маданият, маънавият, маърифат //Мулоқот. - Тошкент, 1998. -№ 3. - Б. 11-14.
7. Абидмажидов Ғ. Судьянинг ижтимоий мавқеи // Моҳият. - Тошкент, 2003, 13 июнь.
8. Абдураззоҳов А. Суд ҳокимияти амалда// Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 2005. № 9(117). -Б. 1-3
9. Актон Д. История свободы в античности// Полис. 1993.-№ 3. -112-129 с.
9. Ахмедов Ҳ. Кадрлар камоли ва илмийлик тамойили//Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2006. -№ 1. - Б. 41-43.
10. Ашуров А. «Авеста»да жамият масаласи//Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2005. -№ 1. - Б. 63-65.
- 11.
- 12.Баллестрем К.Г. Власть и мораль (основ. проб. полит. этики) //Философические науки, 1991. -№ 8. -111-116 с.
- 13.Бжезинский З. Коммунизм талвасаси //Жаҳон адабиёти. Тошкент, 1997. -№ 6. -Б. 160-169.
- 14.Бекмуродов М. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети, //Хуррият, 2002. 9 октябр
- 15.Бекмуродов М. Миллий менталитет ва бошқарув. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент. 1998. -№ 4. -Б. 14-16
- 16.Болтаев Ш. Мустақиллик ва мафкура. Мулоқот. –Тошкент, 1993. - № 7-8
17. Бегматов А. Маърифатчилик ва диний ақидапарастлик. // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2000. -№ 2. -Б. 17 –19
- 18.Бегматов А. Давлат хизмати одоби. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. № 3. - Б.8-9
19. Бобоев Х. Судья мустақилми? //Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2000. № 2. - Б. 25
20. Гол К. Гражданское общество – политическая перспектива. // Гражданское общество и право. –М.: Бюллетень, № 1. (47) 2003. – 39-49 с.
21. Дўстхораев Б. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 1997. № - 2 Б. 13-15

22. Дўстмухаммад Х. Глобаллашув: дунёни эзгулик Бошҳарсин. // Халқ сўзи, 2001, 13 октябрь.
23. Даль Р. Современный политический анализ // Актуальные проблемы современной зарубежной политической науки. Реф. Сб. Вып. 4. М., 1991. - 57 с.
- Жалолов А. Маънавият таркибида фалсафий тафаккурнинг ўрни // Мулоқот. –Тошкент, 1998. № 1. - Б. 23-30
24. Жўраев Т. Мафкура қараш лар йиғиндиси эмас // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2000. - № 2. - Б. 13-15
25. Идилов У. Демократия ва глобаллашув // Шарқшунослик. – Тошкент, 2005. № 1. –Б 117-121.
26. Идилов У. Парламент институти// Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2004. -№ 2. –Б. 47-48.
27. Имомназаров М. Адолат мезони. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1997. № 2. Б. 34-36.
28. Инглхарт Р. Пост модерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Полис, 1996. - № 4. – 7-29 с.
29. Жабборов Н. Заҳриддин Муҳаммад Бобур: Бори элга яхшилик хилгин. // Ишонч, 1999. 13 февраль.
30. Жумаев Р. Сиёсий партиялар демократия йўлида //Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 1999. -№ 3-4. - Б. 8-11
31. Жумаев Й. Самарали бошқарув омили//Жамият ва бошқарув.- Тошкент, 2006. -№ 1. - Б. 39-40.
- 32..Комилов Н. Навоий ва замонимиз. // Жаҳон адабиёти. -Тошкент, 2001, -№ 2. -Б. 6-12
- 33.. Комилов Н. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати.// Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 1997. -№ 2. - Б. 10-13
- 34.Кондорози Ф. Гражданское общество на защите прав человека // Гражданское общество.- М.: Бюллетень. -№ 1. 2003. -17-31 с.
- 35.Констан Б. О свободе у древних в ее сравнении со свободой у современных людей. Поли. 1993. - №2. –104-119 с.
- 36.Кузнецов В. Что такое глобализация ? // МзиМО, 1998. -№ 3, -14-19 с.
- 37.Капустин Г. Демократия и справедливость // Полис, 1992. -№. – 86-95 с.
38. Кара-Мурза., Панарин А., Пантин И. Духовно – идеологическая ситуация в современной России: перспективы развития // Полис, 1995. - № 4. – 6-11 с.
- 39.Лебедева М., Мельвиль А. «Переходной возраст» современного мира // Международный жизнь, 1999. - № 10. -76-84 с.
39. Мадаева Ш. Шарқ алломалари асарларида демократик голярнинг ақс этиши // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари. - Тошкент, 2006. -№ 2. – Б. 116-124
38. Маматҳобилов Т. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий барқамоллик давр талаби// Таълим ва тарбия. -Тошкент, 2003. -№ 3-4. Б.18-20

39. Молдалиев О. Исламизм и международный терроризм: угроза ислама или угроза исламу? // Центральная Азия и Кавказ, 2002.- № 3 (21). - 97-109 с.
40. Межуев В.М. Насилие и свобода в политическом контексте. // Полис. 2004. № 3. - 105-108 с.
41. Назаров Х. Ўзбекистонда демократик жамият асосларини шакллантириш вазифалари // Жамият ва бошқарув, -Тошкент, 2003. - № 2. – Б. 10-14.
42. Неъматов Б. Интилиш-мақсад сари етаклайди // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2006. - № 1. – Б. 21-23.
43. Назаров Н. Демократик жараёнлар ва унга таъсир этувчи омиллар // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. –Тошкент, 2006. -№ 2. Б.62-64.
44. Нуримбетов Р. Сиёсий партиялар шаклланишининг институционал муаммолари // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2005 - № 1. –Б.4-6.
45. Фромм.Э. Инсоннинг ҳозирги ҳолати. // Жаҳон адабиёти. - Тошкент, 2000. Б.113-115.
46. Цвег С. Зигмунт Фрейд. Руҳий таҳлил санъати. // Жаҳон адабиёти, -Тошкент, 2000. № 3. - Б. 134-136.
47. Хантингтон Сэмюэл. Столкновение цивилизации? // Экономическое обозрение. -Тошкент 1998. № 1. - 67-72 с.
48. Отамуротов С. Бахронов Ж. Миллий ўзликни англаш муаммолари. // Халқ сўзи, 1995. 6 май.
49. Отамуродов С Бошқарув ва ҳокимият // Фидокор газетаси, 2002, 19 декабрь.
50. Отамуродов С. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2003 - № 2. –Б.18-19.
51. Отамуродов С. Миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2006 - № 1. –Б.10-12.
52. Ота-Мирзаев О. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари. -Тошкент, 2006. –№. 1. Б. 46-55.
53. Пўлатов Х. Мустақиллигимиз кадриятлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993. 11 июн.
54. Пырин А. О смешении морали с политикой // Независимая газета, 2003. – № 122. -10-15 с.
55. Перегудов С. Гражданское общество // Политическая исследования, 1995. -№ 3. -58-59 с.
56. Равшанов Ф. Давлат хизмати XX асрда. // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 1999,- № 1-2. - Б. 16-18
57. Растов Д. Переход к демократии: Попытка динамической модели // Полис, 1996. – 5-15 с.

58. Саидов А. Демократия маданияти тўғрисида // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари. -Тошкент, 2006. -№ 1. – Б. 30-34.
59. Сутор Б. Политическая этика // Полис. 1993, -№ 1. 68-71 с.
60. Солиев Ф. Вакилликми ёки ижро органи // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 1999, №1-2. - Б.49-50
61. Султонмурод Олим «Комилликка ундовчи куч» // Халқ сўзи газ. 2001, 29 март.
62. Тоффлер О. Проблемы власти на пороге XXI //Свободная мысль. 1992.- № 2. – 16-22 с.
- Тўрагулов М. Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳокимият // Мулоқот. – Тошкент, 2003. -№ 2. –Б.13-14.
63. Ҳаюмов Ў. Мустақил Ўзбекистонда янги демократик жамиятнинг шаклланиши // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари. - Тошкент, 2006. -№ 2. – Б. 92-98.
64. Хуროнов М. Жасорат. // Халқ сўзи, 2003. 31 январь.
65. Ҳосимов Б. Мустақиллик - ўзликни танимоқдир. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. № 21.
66. Ҳирғизбоев М. Маънавият, маърифат, мафкура. //Мулоқот. - Тошкент, 2000. № 1. - Б. 13-15
67. Ҳирғизбоев М. Фуқаролик жамияти // Ёшлик. -Тошкент, 1996. - № 6. – Б. 3-4.
68. Ҳодиров А. Жамиятни демократиялашувида сиёсий элитанинг етакчилик роли // Ҳуқуқ-Право-Law. ИИВ Акад., -Тошкент, 2001. -№ 1. – Б.5-7.
69. Ҳорабоева Р. Тарихни фалсафий идрок этишнинг миллий ғоя ривожланишига таъсири // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари. - Тошкент, 2006. –№. 1. Б. 70-75.
70. Хидиров З. Хоразмшоҳларда идора ва бошқарув// Қонун ҳимоясида. –Тошкент, 2005. № 9(117). -Б. 1-3
71. Ҳасанов С. Огаҳийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. // Қонун ҳимоясида. -Тошкент, 1999. № 7. -Б. 39-42
72. Ҳасанов С. Маънавий мерос // Ҳаёт ва қонун. -Тошкент, 1999. - Б. 77-84
73. Хайек Ф. Дорога к рабству // Новый мир. 1991.-№ 7. -218 –274 с.
74. Элвин Тоффлер. Учинчи тўлҳин //Жаҳон адабиёти.- Тошкент, 2001. № 1. Б. 175-196.
75. Эргашев И. Миллий камолот йўли //Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2001. -№ 2. - Б. 4-8.
76. Эргашев И. Демократия – миллий ва умумбашарий қадрият //Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2004. -№ 1. - Б. 22-24.
77. Эргашев И. Демократия ва жамоавий онг муносабати: уйдирма ва ҳақиқат //Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2004. -№ 2. - Б. 4-7
78. Эргашев И. Зиёлилик масъулияти // Қонун ҳимоясида, 2003. № 2. -Б. 7-8
79. Эйзенштадт Ш. Парадокс демократических режимов: Хрупкость и изменчивость // Полис, 2002. -№ 2. - 67-81 с.

80. Чўкай М. Хўҳанд мухторияти //Шарқ юлдузи. -Тошкент, 2002. № 2. - Б. 128-134
81. Юрлов Е. Президент Инди К.Р. Нараянан // Азия и Африка сегодня, -№ 4. 2001. - 47-52 с.
81. Умарова. Ш. Суд ислохотлари йўлида //Жамият бошқаруви. - Тошкент, -№ 2. 2004. -Б.7-9
82. Улжаева Ш. Амир Темур ва Темурийларнинг Европа давлатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқалари // Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари. -Тошкент, 2006. –№. 1. Б. 187-90.
83. Шмиттер Ф. Размышления о гражданском обществе и консолидации демократии // Полис, 1996. - № 5. – 18 с.
84. Шапиро И. Переосмысления теории демократии в свете современной политики // Полис, 2001. - №. 27-36
85. Шодмонхулова М. Эркинлик ғоялари мажмуи//Жамият бошқаруви. - Тошкент, -№ 1. 2006. -Б.83-85.

#### **IV. Диссертациялар, авторефератлар.**

1. Артыков Ж. Внешняя политика Республики Узбекистан и проблемы транспортных коммуникаций. Диссертации на соскание ученой степени политических наук. автореф.-Т.:Университет мировой экономики и дипломатии Минстерства иностранных дел Р.У. - Т.: 2005.- Б. 24.
- 2.Алимов Р. Информационные процессы в сфере обеспечения стабильности и безопасности в условиях глобализации: (на примере Центрально-азиатского региона) Диссертации на соскание ученой степени политических наук. автореф.-Т.: 2001.- Б. 26
- 3.Бекмуратов И. Деятельность Шанхайской организации сотрудничества и процесс ее институционализации. Автореф. Дес.канд. полит.наук.-Т.: 2006. - Б. 26.
- 4.Жумаев Р. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Дис на соиск уч. Степ док. Полит. Наук. Т.: 1996, 277 с.
- 5.Жумаев. О. Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланиш хусусиятлари: с.ф.н дисс. авт.-Т.: 2001. - Б. 22
- 6. Жуманиёзов Х. Мустақиллик ва миллий ривожланишнинг маънавий-мафқуравий салоҳиятини шакллантириш муаммолари: с.ф.н дисс.авт.-Т 2000. – Б. 22**
8. Жўраев Б. Ўзбекистонда жамиятни демократиялашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси: С.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2003. - Б. 152
9. Жамалова Г. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг сиёсий масалалари: С.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2006. - Б. 181

10. Муминов А. Национальная политика независимого Узбекистана и пути её реализации в духовно-культурной сфере: Дис на соиск. Уч. Степ.док. полит.наук.-Т.: 1999. -Б. 227
11. Мухаммедов У. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва маънавиятнинг ўзаро муносабати: С.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.-Т.: 2002. - -Б. 125
12. Муллажонов М. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ижтимоий-сиёсий институтларнинг роли: С.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2005. - Б. 182
13. Наразаров. Н. Жамиятда миллий-этник жараёнлар ривожланишининг сиёсий –фалсафий таҳлили: С.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2004. - Б. 327
14. Омонов Б. Сиёсий етакчи нутқ маданиятининг жамиятни демократлаштириш жараёнларига таъсири: С.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.-Т.: 2004. - Б. 175
15. Пахруддинов Ш. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди: с.ф.д. дисс.авт.-Т.: 2001. - Б. 54
16. Саидолимов С. Формирование системы региональной безопасности в Центральной Азии: автореф.дес. канд. полит.наук.-Т.: 2002. – Б. 27
17. Собитов Ш. Внешняя политика Китая в годы реформ(1978-1998) и перспективы сотрудничества с республикой Узбекистан: автореф. дес. канд. полит.наук.-Т.: 2004.- Б. 29.
18. Тўракулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли: с.ф.н дисс.авт.-Т.: 2006. -Б. 25
19. Хайдаров А. Ўзбекистон жамияти сиёсий маданиятида миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни: С.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2005. - Б. 181
20. Холбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари: Соц. фан. док. илмий даражасини олиш учун авт. реф. -Т.: 2001. - Б.53
21. Хўдратхўжаев Ш. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари: С.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2005. - Б. 158
22. Юнусова М. Ўзбекистонда сиёсий институтлар фаолиятини эркинлаштириш жараёнлари. С.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2005. - Б. 151
- 23.Идилов У. Ҳозирги замон демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари ва мустақил Ўзбекистон тажрибаси: С.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -Т.: 2006. - Б. 287

24. Ибрагимов С.Ш. Международный терроризм как фактор угрозы безопасности республики Узбекистан: Автореф. Дис.канд.наук.-Т.,2005. 28б.

25. Шозамонов Ш. Сиёсий барқарорлик ва тараққиёт: (Хитой тажрибаси). Сиёсий фанлар номзоди даражаси учун. Т.: 2002. –Б. 24

26. Эргашев. И. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг кишлокқа доир сиёсати: назария ва амалиёт. с.ф.д и.д. олиш учун тайёрланган дисс.авт.-- Т.:1995. – Б. 49

## **V. Интернет материаллари:**

1. Стэнфорд университетининг (АХШ) сиёсий фан кафедраси ресурслари:  
<http://www.stanford.edu/group/polsci/links>
2. Бостон университетининг (АХШ) сиёсий фан кафедраси ресурслари:  
<http://www.bu.edu/polisci/LINKS/pslinks.html>
3. Сиёсий тадқиқотлар Европа консорциумининг (Буюк Британия) ресурслари:  
<http://www.essex.ac.uk/espr/links>
4. Европа Иттифохида сиёсий фаннинг мавзулар бўйича тармоқларининг ресурслари:  
<http://www.ewpsnet.org/links/sommaire.htm>
5. Санкт-Петербург Давлат университетининг сиёсий бошқарув кафедраси ресурслари:  
<http://philosophy.pu.ru/desp/poldir/resources>
6. Давлат бошқаруви халқаро институти (Бельгия):  
<http://www.iiap.fr>
7. Сиёсий тадқиқотлар журнали (Полис): <http://www.politstudies.ru>
8. Санкт-Петербургнинг политологик журнали:  
<http://politjournal.spb.ru>
9. Сиёсий фанлар бўйича йиллик обзор:  
<http://www.AnnualReviews.org>
10. Демократия бўйича журнал:  
<http://www.journalofdemocracy.org/jod.htm>
11. Сиёсий тадқиқотлар бўйича Европа журнали:  
<http://www.wkap.nl/prod/j/0304-4130>
12. Сиёсий методология муаммолари:  
<http://wizard.ucr.edu/polmeth/tpm/tpm.html>
13. Сиёсатни ўрганиш: <http://www.politicalstudies.org>

iiā

CHECAT<sup>h</sup>

BA

AXNOK





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/2303> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2303> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2303>